Kuch — bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 26-aprel, shanba | № 33-34 (7539)

БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ — ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ВА МАЪРИФИЙ ДУНЁ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ



Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессиясидаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Ҳурматли депутатлар!

Олий Мажлисимизнинг ушбу сессияси кун тартибига ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ўта муҳим ўрин тутадиган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги масала киритилган.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этаётган асосий омиллар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда Конституцияга зудлик билан ўзгартиришлар киритиш ёки уни қайтадан кўриб чиқишни талаб қиладиган қандайдир шошилинч ҳолат ёки вазият юз бергани йўқ.

Сизларга яхши маълумки, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда умумбашарий қадриятлар устуворлигини ўзида мужассам этган бизнинг янги Конституциямиз мустақил ва суверен тараққиётимизнинг дастлабки босқичида, 1992 йилнинг декабрида қабул қилинган эди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу Конституция мустабид тузумдан демократик жамиятга, мамлакатни бошқаришда инқирозга юз тутган ўта марказлашган маъмурий-буйруқбозлик ва тақсимлаш тизимидан эркин иқтисодиётга ўтишни таъминлади, давлатчилик ва ҳуқуқ, сиёсат соҳаларида, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган ислоҳотларни амалга ошириш-да ишончли қонунчилик негизи ва ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган демократик тамойиллар, мақсад ва вазифалар асосида мамлакатимизни модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳаётимизнинг барча жабҳалари, жумладан, қонунчилик, ижро ва суд-ҳуқуқ соҳаларини эркинлаштиришга қаратилган дастур қабул қилинди ва у изчил амалга оширилмоқда.

Юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар ва миллий анъаналарни ҳаётга жорий этиш масаласининг Асосий Қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилиши жамиятимизни янгилашга, жаҳон демократик ҳамжамияти билан интеграциялашувга интилаётган мамлакатимизнинг янги қиёфаси ва фуқароларимизнинг янгича тафаккурини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Юқорида баён этилган фикрларни умумлаштириб, амалдаги Конституциямизда белгилаб қўйилган қадрият, мақсад ва вазифаларни мустақил тараққиётимиз даври мобайнида ҳаётга жорий этишда эришилган натижаларни, юксак марраларни танқидий баҳолар эканмиз, бир нарсага қайта ва қайта ишонч ҳосил қиламиз.

Яъни, бизнинг халқимиз учун мутлақо номақбул бўлган, мафкуралашган эски тизимдан воз кечиб, ўзимизга мос босқичма-босқич тадрижий ўзгариш, янгиланиш ва тараққиёт йўлидан бориш, очиқ, эркин демократик жамият қуриш — биз учун фаровон келажакка қаратилган ягона тўғри йўл эди ва шундай бўлиб қолажак.

Биз учун бундан бошқа йўл йўқ.

Шу ўринда табиий савол туғилиши мумкин: у ҳолда нима учун мамлакатимиз Конституциясига тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш таклиф этилмоқда? Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Табиийки, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, у доимо ҳаракатда ва ўзгаришда. Шундай экан, юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг ҳар бир босқичида янги-янги муаммолар пайдо бўлади ва уларни ҳал этиш бўйича замон бизнинг олдимизга янги-янги вазифаларни қўяди.

Шу маънода, бугун эзгу мақсадимиз — мамлакат тараққиёти ва фаровонликка эришишнинг ягона йўли — бу фақатгина изланиш, янгиланиш ва ислоҳотлар йўлидаги олға интилиш экани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Бу борада биз эришган натижалар — давлатимизни янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган бутун бир тизимнинг дастлабки босқичи, холос. Республикамизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг кўлами кенгайиб, суръати жадаллашиб боргани сайин, бу жараёнларнинг изчиллиги ва давомийлигини сақлаган ҳолда, жамиятни янада эркинлаштириш ва демократиялаш зарурати тобора аниқроқ намоён бўлмоқда. Ва бундай ҳолатни сезмасдан бўлмайди.

2002 йилнинг 27 январида ўтказилган келгуси чақириқдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси парламентини икки палатали қилиб шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йил қилиб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилган умумхалқ референдуми ҳам ўз моҳият-эътиборига кўра айнан мана шу вазифаларни ҳал этишга қаратилган эди.

Референдум натижаларига биноан Олий Мажлиснинг VIII сессиясида "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги конституциявий қонун қабул қилинди.

Бу ҳужжат Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи олий органи — икки палатали парламентнинг тузилиши, таркиби, фаолият юритиш асосларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини етти йиллик қилиб белгилаш, энг муҳими — демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти пойдеворини шакллантириш бўйича қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини тасдиқлаб берди.

Олий Мажлиснинг X сессиясида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги конституциявий қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар Олий Мажлис палаталарининг мақомини, уларни шакллантириш тартибини, ваколатларини, ўзаро ҳамда бошқа ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қилиш механизмларини аниқлаб берди.

(Давоми 2-3-4-бетларда)

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

24 апрель куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўз ишини бошлади.

Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, чет мамлакатлар элчилари ва дипломатик корпуснинг бошқа вакиллари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

(Давоми 4-бетда)

Ироқ теварагидаги муаммони ҳал этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг БАЁНОТИ

Ироқ ва уни қуролсизлантириш муаммосини ҳал этишга қаратилган ҳарбий ҳаракатлар жаҳон жамоатчилиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг тузилмалари, йирик халқаро ва минтақавий ташкилотлар, сайёрамизнинг кўпгина мамлакатлари диққат марказида турибди.

Воқеалар ривожининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг жуда кўп резолюциялари ва қарорлари бажарилиши юзасидан жаҳон ҳамжамияти томонидан кўрилган барча чоратадбирлар зое кетди. Ироқни қуролсизлантириш бўйича нуфузли халқаро комиссияларнинг ялпи қирғин қуролларини яратиш, ишлаб чиқариш ва қўлланиш имкониятларига чек қўйишга, Ироқ теварагидаги муаммони тинч йўллар билан ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари энг аввало мазкур мамлакат раҳбарияти ва бевосита Саддам Ҳусайннинг айби билан самара бермади.

(Давоми 4-бетда)

“O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti ayni vaqtda Vazirlar Mahkamasining Raisi hisoblanadi” deyilgan ikkinchi qismi olib tashlanadi.

БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ – ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, референдум якунлари ва унинг асосида қабул қилинган учта конституциявий қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тегишли ўзгартиришлар киритиш учун зарур бўлган ҳуқуқий асосни яратди.

Мен бугун, мана шу имкониятдан фойдаланиб, яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиманки, таклиф этилаётган ўзгартириш ва тузатишлар Асосий Қонунимизнинг мазмун ва моҳияти, мақсад ва вазифаларига дахл қилмаган ҳолда, аввало, Олий Мажлис, унинг қуйи ва юқори палаталарининг мақоми ва ваколатларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини, шунингдек, сайлов тизими асосларини белгилаб берадиган қоида ва моддаларга тегишлидир.

Конституциянинг Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимиятига тааллуқли бўлган 107-, 110- ва 112-моддаларига ҳам айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бу ўзгартиришлар суд тизимини ихтисослаштириш ва такомиллаштириш жараёнини кенгайтириш, судларнинг вазифаларини янада аниқроқ белгилаб, уларнинг амалда мустақиллигини ишончли кафолатлашни таъминлашни ўзида акс эттиради.

Энг муҳими, мазкур ўзгартиришлар мамлакатимизда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни, у билан боғлиқ бошқа ҳуқуқий нормаларни тубдан эркинлаштириш бўйича кейинги йилларда қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг маъно-мазмунини яққол ифода этади.

Қисқача қилиб айтганда, бугун мамлакатимизнинг Асосий Қонунига киритиш таклиф этилаётган тузатиш ва ўзгартиришларнинг принципиал моҳияти нималардан иборат?

Биринчидан. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасида ваколатларнинг янада демократик, янада мутаносиб равишда қайта тақсимланиши ва уларнинг мувозанати таъминланади.

Ҳокимият тармоқларининг ҳар бирига Конституцияда белгилаб берилган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақил ҳолда амалга ошириш учун зарур шарт-шароит ва кафолатлар яратилади.

Қонунчилик ҳокимиятининг роли ва аҳамияти сезиларли даражада ортади. Олий Мажлиснинг ҳукуматни шакллантириш ва унинг фаолиятини назорат қилиш, хусусан, Бош вазир номзодини тасдиқлашдаги роли ва ваколатлари кучаяди.

Президент ваколатларининг бир қисми, биринчи галда, давлат, суд тизими ва махсус хизматларнинг раҳбарларини, чет эллар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик вакилларни тайинлаш ва тасдиқлаш масалалари янги ташкил этиладиган юқори палата — Сенатга ўтказилади.

Иккинчидан. Конституциянинг “Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир” деб қайд этилган 89-моддасининг таҳрири принципиал равишда ўзгаради.

Бу модданинг “Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади” дейилган иккинчи қисми олиб ташланади.

Президент ваколатлари ҳамда вазифаларининг шу тарзда қайта тақсимланиши, ҳеч шубҳасиз, давлат қурилиши соҳасида бошланган демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, Бош вазирнинг, ҳукумат ва бутун ҳукумат тузилмаларининг ваколатларини ошириб, шу билан бирга, уларнинг масъулиятини сезиларли даражада кучайтириш имконини беради ва бундай ҳолат Конституцияда ўз тасдиғини топади.

Учинчидан. Қуйи, яъни Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий, профессионал асосда амалга оширади. Ўз-ўзидан равшанки, бу ҳол мазкур палатага сайланадиган депутатлар таркибининг сифат жиҳатидан ўзгаришига, уларнинг малака ва касб маҳоратига бўлган талабнинг ортишига олиб келади.

Айни вақтда биз қонунлар устида ишлаш жараёнининг ўзи ҳам тубдан ўзгаришини ва пировард натижада қабул қилинадиган қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг сифати ҳам яхшиланишини кутишга ҳақлимиз.

Сессия мажлислари тартибида ишлайдиган ҳозирги парламентимиздан доимий асосда ишлайдиган Қонунчилик палатаси фаолиятига ўтиш ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Ишончим комилки, депутатларнинг Қонунчилик палатасига партиялар томонидан тақдим этилган рўйхатлар асосида ва ўз номзодини қўйиш йўли билан сайланиши, бугунги кунда фаолият юритаётган партияларнинг, шунингдек, нодавлат, жамоатчилик ва фуқаролик институтлари, бирлашма ва ташкилотларнинг жамият амалий ҳаётидаги ўрни, таъсири ва аҳамиятини тубдан кучайтириш учун зарур шарт-шароит яратади.

Уз навбатида, вакиллик органи сифатида тузилаётган, ҳудудий субъектлар — маҳаллий кенгашлар депутатлари вакилларини тенг миқдорда бирлаштирувчи юқори палата — Сенатнинг шакллантирилиши Қонунчиликнинг энг юқори органи бўлмиш Олий Мажлисга, таъбир жоиз бўлса, мамлакатнинг юрак уришини билиб туриш, минтақалар билан бевосита алоқаларни амалга ошириш, уларнинг манфаатларини акс эттириш ва ҳимоя қилиш имконини беради.

Қуйи ва юқори палаталарнинг бундай тартибда шаклланиши Ўзбекистон Республикаси парламентида нафақат сиёсий гуруҳ ва ҳаракатларнинг, балки минтақавий кучларнинг, бир сўз билан айтганда, мамлакат аҳолиси барча ижтимоий қатламларининг манфаатларини тўлиқ ифода этиш учун зарур асос ва кафолатларни яратади.

Тўртинчидан. Ўз-ўзидан аёнки, қонунчилик ҳокимияти таркибий тузилишининг ўзгариши ва унинг икки палатали асосда шакллантирилиши билан ҳар қайси палатанинг ваколатларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг мутлақ ва биргаликда амалга оширадиган фаолият соҳаларини Конституциянинг ўзида аниқ чегаралаб қўйишнинг аҳамияти жуда каттадир.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг фаолият соҳалари ва йўналишларининг, бу масаланинг барча жиҳатларини инобатга олган ҳолда, қонуний асосда конституциявий нуқтаи назардан аниқ-равшан белгилаб берилиши уларнинг ишида бир хиллик ва бир-бирини такрорлаш эҳтимолини бартараф этишни таъминлайди. Айни пайтда парламент аъзолари орасида ўзаро зиддият ва кибр-ҳавога берилиш, низоли вазиятлар вужудга келишининг ҳам олдини олишга имкон беради.

Бу борада қонунларни қабул қилишда барчамиз демократик тамойил ва меъёрларга риоя этишни ўрганишимиз, депутатлик этикасини сақлаган, халқ вакили деган муносиб номга доғ туширмаган ҳолда, принципиаллик ва қатъият кўрсатиб ишлашимиз зарур.

Барчамиз жамиятда мавжуд бўлган турли кучлар ўртасидаги, биринчи галда, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш тизимини ўрганишимиз ва амалда ҳаётга жорий этишимизга тўғри келади. Бусиз демократик давлат фаолиятини тасаввур этиб бўлмайди.

Бешинчидан. Бугунги кунда ҳокимият тузилмаларини ташкил этиш ва мувозанатни сақлашнинг янги, янада мукаммал демократик тизимини шакллантириш бўйича кўрилаётган чоралар, Конституциямизга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар жамият сиёсий ҳаётини фаоллаштириш, фуқароларимизда ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ўзлигини англаш туйғусининг кучайиши учун жиддий омил бўлмоғи керак. Ва бу жараёнларни, ўз моҳият эътиборига кўра, ҳозирданоқ марказда ҳам, жойларда ҳам кўриш мумкин.

Бундай шароитда вазиятни тўғри баҳолаш, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, маҳалла каби ўзини ўзи бошқаришнинг демократик тузилмаси бўлмиш умумэътироф этилган фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига тўсқинлик қилмаслик, аксинча, уларни шакллантириш ва ишини жонлантириш учун кенг имкониятлар яратиш ўта муҳимдир.

Шуни унутмаслик лозимки, аввалambор, айнан ана шундай тузилмаларда давлат ва мамлакат раҳбарияти олиб бораётган ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатга танқидий жиҳатдан холис баҳо берилади, ён-атрофда содир бўлаётган барча воқеа ва ҳодисаларга нисбатан билим ва тажриба, фуқаролик ёндашуви ва позицияси шаклланади.

Шак-шубҳасиз, бу жараёнда матбуотимиз, оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидениенинг роли катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жамиятимизни демократлаштириш борасида ҳаётга жорий этилаётган ишларимизга, уларнинг амалий аҳамиятига, аввало, сўз ва ахборот эркинлиги, ҳар қайси фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинлигини сўзда эмас, амалда қандай таъминланаётганига қараб баҳо берилади. Буни унутмаслигимиз лозим.

Жамиятимизни ривожлантириш борасида замон олдимизга қўяётган вазифаларни бажаришда, шубҳасиз, сайлов тизимини янада такомиллаштириш ўта муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Биз барчамиз оддий бир ҳақиқатни тушуниб олишимиз керак.

Давлат ва жамиятни бошқаришнинг мукаммал лойиҳасини қабул қилиш, уни Конституция ва қонунларда муҳрлаб қўйиш мумкин, албатта.

Лекин биз ана шу ҳокимиятни сайлаш ва шакллантиришда халқ хоҳиш-иродасининг эркин намоён бўлишини таъминлай олмасак, энг етук, юксак демократик тамойилларга жавоб берадиган сайлов тизимини марказда ҳам, жойларда ҳам жорий этмасак, билиб қўйинглар, буларнинг барчаси ҳеч нарсага арзимайдиган қуруқ гап бўлиб қолади.

Шу маънода, сизларнинг муҳокамангизга қўйилаётган янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўйича турли манфаатдор гуруҳлар, биринчи галда, нуфузли халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг фикр-мулоҳаза, ёндашув ва танқидий баҳоларини инобатга олиш ҳамда уларни чуқур ва пухта ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Юқорида баён этилганларга якун ясар эканмиз, бугун Конституциямизга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш йўлида босқичма-босқич, изчил жорий этилаётган интилиш ва саъй-ҳаракатларимизнинг холис ва амалий ифодаси бўлиб, биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларга — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқимиз фаровонлигига эришиш учун ишончли шарт-шароит ва конституциявий кафолатларни яратади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Ҳурматли депутатлар!

Энди ижозатингиз билан мен бугун халқаро ҳамжамият диққат марказида турган Ироқ ва унинг атрофидаги воқеалар билан боғлиқ масалалар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Сизларга маълумки, бу воқеалар узоқ тарихга эга.

Ироқ давлати ўзининг жўғрофий ва геополитик ўрни, жуда катта табиий заҳиралари, биринчи навбатда, нефть ва газ ресурсларига бойлиги билан доимо дунё аҳлининг эътиборини тортиб келган. Бу мамлакат орқали қадим-қадимдан савдо йўллари ўтган, иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланган.

Ҳозирги кунда жаҳон бўйича аниқланган нефть заҳираларининг 11 фоиздан зиёди Ироқ ҳудудида жойлашган. Бу борада у Саудия Арабистонидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Агар Ироқда қазиб чиқариладиган нефть таннархи дунёда энг арзонлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу мамлакатнинг жаҳон нефть бозорида тутган ўрни ва аҳамиятини тасаввур қилиш қийин эмас.

Икки буюк дарё — Дажла ва Фирот оралиғида жойлашган бу ўлкада азалдан илму фан, санъат ва ҳунармандчилик гуллаб-яшнаган. У ўз бағрида Шумер ва Аккад, Бобил ва Оссурия сингари энг қадимги цивилизациялар билан боғлиқ тарихий хотира ва ёдгорликларни сақлаб келади. “Ҳикматлар уйи” деб ном олган Бағдод академияларида эса ўз даврида Шарқнинг буюк мутафаккирлари, ислом маданияти ва фалсафасининг машҳур вакиллари таҳсил олгани ҳам тарихдан яхши маълум.

Бир сўз билан айтганда, ана шундай бой тарих ва улкан имкониятларга, йигирма беш миллионли аҳолига эга бўлган бу давлат, ҳеч шубҳасиз, ўз халқига муносиб турмуш шароити яратиб бериши, фаровон ҳаёт кечириши мумкин ва зарур эди.

Ироқ халқининг ҳаёти, ҳеч бўлмаганда, Форс кўрфазидаги Қувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Баҳрайн, Қатар, Уммон каби бадавлат қўшни мамлакатларнинг бугунги турмуш даражасидан кам бўлмаслиги лозим эди.

Бироқ, минг афсуски, кетмакет содир этилган қонли тўнтаришлар, бегуноҳ қурбонлар ва ҳатто ўзининг яқин қариндошларини ҳам аёвсиз йўқ қилиш натижасида 1979 йили ҳокимият тепасига келган Саддам Ҳусайн ҳукмронлик қилган даврда Ироқдаги бу имкониятлар ишга солинмади.

Саддам Ҳусайннинг президентлик тарихини шуни кўрсатмоқдаки, унинг бош мақсади — ўз халқини доимий қўрқув ва итоатда ушлаб туриш, кимки бунга бўйсунмаса, шафқатсизларча қириб ташлашга қаратилган.

Унинг энг асосий нияти — ўз куч-қудратини нафақат мамлакат ичида, балки ундан ташқарида ҳам намойиш этиш, нефть ва газга сероб бўлган қўшни ҳудудларни ўз таъсир доирасига олиш, измига бўйсундириш, шу тариқа бой ва улкан ушбу минтақада ўз ҳукмини ўтказиш ва якка ҳукмрон бўлиб олишдан иборат эди.

Саддам ўзи тузган кучли полиция ва мустабид тизим ёрдамида мамлакатнинг деярли барча бойликлари, биринчи навбатда, нефть ва унинг манбаларини сотишдан тушган маблағларни асосан ўзининг ва гумашталарининг бойлик орттириши учун, ҳар бир шаҳарда муҳташам сарой ва дабдабали мажмуалар барпо этиш, ўзининг баҳайбат ҳайкалларини ўрнатиш, керак бўлиб қолганида, жон сақлаш учун мураккаб ерости иншоотларини қуришга сарфлади, десак, муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда хорижий мамлакатлардаги қатор банкларнинг ҳисоб рақамларида Ҳусайн ва унинг яқинларига тегишли кўп миллиардлаб доллар пул ва катта миқдордаги бошқа қимматбаҳо бойликлар борлиги аниқланмоқда.

Саддам Ҳусайн амалда президентлик фаолиятининг дастлабки йилларидан бошлаб оммавий қирғин қуролини қўлга киритишга жуда катта эътибор қаратди.

У 80-йиллардаёқ айрим қудратли давлатлар ёрдамида бир нечта атом реакторини қуришга эришган, ядро қуроли яратишда ишлатиладиган технология ва парчаланувчи материаллар ишлаб чиқариш учун керакли асбоб-ускуналар сотиб олган, кимёвий ва биологик қурол тайёрлаш учун зарур базага эга бўлган эди.

Қўшни Эрон мамлакати билан 8 йилдан кўпроқ давом этган ва 800 минг кишининг ёстиғини қуритган ҳарбий можаро шуниси билан ажралиб турадики, тақиқланган кимёвий қурол айнан мана шу урушда Саддам Ҳусайн томонидан қўлланган эди.

У ўз халқини бўйсундириш учун ҳатто биологик қуролни ишлатишдан ҳам тап тортмади. Натижада юз минглаб курд миллатига мансуб тинч аҳоли ҳалок бўлди, улар яшайдиган 40 дан ортиқ аҳоли пунктлари йўқ қилиб ташланди.

Ўз кирдикорларига жазо берилмаслигига ишонган ва ҳарбий қудратига маҳлиё бўлган Саддам Ҳусайн 1991 йили ўзини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган қўшниси — Қувайтни босиб олиш ва унинг нефть заҳираларига эгалик қилиш учун бу мамлакатга ўз армиясини йўллади.

Сизларга яхши маълумки, ўшанда АҚШ етакчилигида халқаро коалиция томонидан ўтказилган “Саҳродаги бўрон” ҳарбий операциялари натижасида Қувайт озод қилинган эди.

Шу ўринда, ўша йиллари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюциясига кўра, Ироқ 90 кун ичида тўлиқ қуролсизланиш, оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқариш бўйича олиб бораётган барча ишларини тўхтатиш мажбуриятини ўз зиммасига олганини ҳам эслаб ўтиш жоиз.

Бироқ, кўриб турибмизки, Саддам Ҳусайн 1991 йилги шармандали мағлубиятдан ўзига ҳеч қандай сабоқ чиқариб олмади.

Аксинча, мана шу ўтган йиллар давомида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қуролсизланиш бўйича кўплаб резолюцияларини халқаро кузатувчилар назорати остида сўзсиз бажариш ўрнига, Саддам Ҳусайн Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бутун жаҳон ҳамжамиятининг иродасини тан олмай, ўзининг сурбетларча ўйинини давом эттириб келди, дейишга бугун дунё жамоатчилигида барча асослар етарли.

Ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли қарори билан “Нефть эвазига — озиқ-овқат” дастури асосида Ироққа ёрдам кўрсатиш бошланган бир пайтда, бу маблағлар очликдан қийналаётган аҳоли ва нобуд бўлаётган болалар учун эмас, балки, биринчи навбатда, ҳарбий кучлар сонини кўпайтириш ва замонавий қурол-яроғлар сотиб олишга сарфланди.

Ҳолбуки, Яқин Шарқ минтақасида энг кучли ҳисобланган 450 минг кишилик армияни, бунга қўшимча равишда “фидойинлар” деб аталадиган жангарилардан иборат кўп сонли махсус бўлинмаларни шакллантириш ва сақлаб туриш, уларни замонавий қурол ва зирҳли техника билан таъминлаш учун, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маблағ талаб этилади.

Хўш, бундай маблағлар қаердан олинди? Бу маблағлар, аввалambор, нефть конларини ўзлаштириш бўйича тузилган шартномалар, нефтни турли йўллар билан сотиш ва Ироққа ажратилаётган кредитлар ҳисобидан олинди.

Бугун, баъзи маълумотларга қараганда, Ироқ давлатининг расман тан олинган ташқи қарзларининг ўзи 100 миллиард доллардан зиёдни ташкил этади.

Ҳозирги вақтда, Ироқ ҳудудининг ҳали у, ҳали бу ерида кимёвий ва биологик қуролнинг таркибий қисмларини ташкил этувчи турли заҳиралар топилаётгани, бу ўта хавфли моддалар билан тўлдирилган ўқ-дори ва снарядлар учраётгани халқаро жамоатчиликда жиддий хавотир уйғотмаслиги мумкин эмас.

ВА МАЪРИФИЙ ДУНЁ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ

Мана шундай вазиятда билдирилган айрим фикрларга, яъни ҳарбий ҳаракатлар бошланиши арафасида Ироқ амалда ҳеч кимга таҳдид солмайдиган заиф ва беозор давлатга айланиб қолган, деган баёнотларга қўшилиб бўлмайди, албатта.

Ҳурматли дўстлар!

XXI аср бошланиши билан дунё "уруш" деган тушунчанинг барчага маълум бўлган анъанавий маънолари тубдан ўзгарган янги бир даврга қадам қўйди.

Бутун маърифий халқаро ҳамжамият 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йоркда содир этилган даҳшатли террорчилик хуружидан сўнг бу аччиқ ҳақиқатни, айниқса, чуқур англади.

Мана шу фожиали воқеалардан кейин барча мамлакатлар, жумладан, энг замонавий, энг кучли қуролларга эга бўлган қудратли давлатларга ҳам бугун жаҳон майдонида ўзини намойиш қилаётган даҳшатли таҳдиддан, халқаро террорчилик ва ақидапарастлик балосидан ўзини, ўз халқини илгари қўлланган усуллар билан ҳимоялаш мумкин эмаслиги бирданига аён бўлиб қолди. Буни ҳамма тушуниб етди.

Транспорт ва коммуникация воситалари юксак даражада ривожланган ҳозирги шароитда — ядровий бўладими, кимёвий ёки биологик бўладими — бундан қатъи назар, оммавий қирғин қуроллари учун чегара ва масофанинг аҳамияти йўқлиги инобатга олинса, бундай қуроллар террорчи ва ақидапараст кимсалар қўлига тушиб қолса, қандай мудҳиш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Бундай хавф-хатарга қарши фақат битта чора қўллаш мумкин, у ҳам бўлса, барча мамлакатлар ва халқларнинг куч ва саъй-ҳаракатларини бир мақсад йўлида бирлаштиришдир. Бу борада террорчилик ва унинг турли қиёфаларда намоён бўладиган кўринишлари билан ўйин қилишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, бу офат бизни четлаб ўтади, деган хомхаёлларга берилиш охир-оқибатда катта хато бўлади.

Яна бир масала — оммавий қирғин қуролини бошқаларга нисбатан, жумладан, тинч аҳолига қарши бир марта бўлса-да қўллаган, бугун ҳам халқаро ҳамжамият талабларини инкор этиб келаётган режимлар ва ёвуз кимсаларни тийиб қўйиш, керак бўлса, уларнинг йўлини бутунлай тўсиб ташлаш зарур.

Ишлаб чиқарилаётган оммавий қирғин қуролининг халқаро институтлар, биринчи галда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қатъий назорат қилинмайдиган ёки назорат остига олиб бўлмайдиган мамлакатларда мавжудлиги ёки пайдо бўлиш имконияти билан боғлиқ ҳар бир ҳодиса эртага катта кулфатга айланадиган, кейин олдини олиб бўлмайдиган хавф-хатарнинг жиддий белгиси сифатида қабул қилинмоғи керак.

Энди, ҳурматли депутатлар, Ироқда коалицион кучлар томонидан амалга оширилган ҳарбий операция муносабати билан билдирилган баёнотлар, яъни бу суверен давлатга қарши қаратилган ҳаракат бўлиб, у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюцияси чиқарилмасдан туриб бошланди, деган эътирозлар хусусида қисқача тўхталиб ўтсак.

Биринчидан. Саддам Ҳусайн 12 йилдан кўпроқ вақт мобайнида Ироқни қуролсизлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини назорат этиш учун юборилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўпдан-кўп комиссиялари ва мухтор вакилларини чалғитиб келди.

Бу комиссиялар Ироқдан намойишкорона чиқариб юборилгани ҳақида кўплаб далиллар келтириш мумкин. Чамаси, Саддам Ҳусайн Ироқда ҳар бири ўз манфаатига эга бўлган йирик давлатлар ўртасидаги зиддиятлардан фойдаланиб, бундай ўйинни истаганча чўзиши мумкинлигига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши томонидан Ироққа нисбатан иқтисодий жазо чораларидан бошқа кескин чоралар кўрилмаслигига чиндан ҳам ишониб қолган эди.

Иккинчидан. Яқин тарихда биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган суверен давлатлар ҳудудига Хавфсизлик Кенгашида ҳеч бир муҳокама қилинмасдан қуролли босқинлар содир этилгани билан боғлиқ далилларни ҳам биламиз. Бундай ҳаракатларни оқлаб бўлмайди, албатта, аммо шундай бўлгани ҳаммага маълум.

Мисол учун, 1979 йили совет қўшинларининг қардош афғон халқига интернационал ёрдам кўрсатиш баҳонасида Афғонистонга бостириб киргани эслаш кифоя, деб ўйлайман.

Ёдингизда бўлса, миллионлаб афғонларнинг нобуд бўлишига, уй-жойидан ажралиб, қочоққа айланишига, ўнлаб-юзлаб аҳоли пунктларининг ер билан яксон қилинишига олиб келган бу босқинчиликнинг ташаббускорлари, афғон халқининг розилигини сўраш у ёқда турсин, ўз вақтида бу масалани ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашига қўйишни ҳам ўзларига лозим кўрмаган эди.

Учинчидан. Афғонистондаги уруш 20 йилдан ортиқ давом этди. Бу урушни тўхтатиш ва минтақада барқарорликни таъминлаш масалалари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўплаб йиғилиш ва ассамблеяларида муҳокама этилди, бу борада Хавфсизлик Кенгашининг ўнлаб резолюциялари қабул қилинди.

Бу мамлакатдаги хунрезлик ва бедодликни тўхтатиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўп-кўп ваколатли комиссиялари ва масъул делегациялари келиб кетди. Хўш, натижа нима бўлди? Ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллаб олган, халқаро ҳуқуқнинг бирон-бир нормасини мутлақо тан олмаган толибларнинг амалда жазосиз қолиши қандай оқибатларга олиб келди?

Афғонистон нафақат улкан Марказий Осиё минтақасига, аслида бутун дунёга таҳдид солаётган энг ашаддий халқаро террорчилар, экстремистлар ва ақидапарастларнинг полигонига айланиб қолди. Толиблар ва Афғонистонга уя қуриб олган кўп сонли террорчи гуруҳларнинг халқаро экстремизм марказларидан ва кўпгина мамлакатлардаги ҳомийлардан жуда катта миқдорда молиявий ёрдам олиб тургани ҳеч кимга сир эмас.

Уларнинг режалари фақат Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатларда қўпорувчилик ва террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш билан чекланмаган. Аксинча, бу ёвуз кучлар минтақадаги вазиятни батамом издан чиқариш ва қўшни давлатлар, жумладан, Ўзбекистон ҳудудини ҳам босиб олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Бугун биз шундай деб айтиш учун етарли маълумотларга эгамиз.

Толибларнинг бевосита бизнинг Амударё соҳилидаги чегараларимизга чиққани 1998 йилда ва ундан кейинги йилларда, айниқса, таҳликали вазият юзага келишига сабаб бўлди. Шундоққина мамлакатимиз остонасида турган бундай бало-қазо қаршисида бизнинг ёрдам сўраб қилган барча мурожаат ва даъватларимиз жавобсиз, ҳавода муаллақ қолгани ҳам ҳалибери ёдимизда.

Очиқ айтадиган бўлсак, биз ўшанда 2000 йилгача ўзимиз аъзо бўлган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномаси доирасида бу масалада умумий баёнот ва ваъдалардан бошқа ҳеч қандай амалий ёрдам олганимиз йўқ.

Бир нарса барчамизга аниқ. Агар 2001 йилнинг сентябрида Нью-Йоркда содир этилган фожиали ҳодисалар оқибатида ёнатрофимиздаги воқеалар бошқача тус олмаганида, Ўрта Осиё давлатлари қандай вазиятга тушиб қолган бўлар эди — буни айтиш қийин. Фақат Америка Қўшма Штатлари бошчилигидаги антитеррор коалициясининг тузилиши, толибларнинг тормор этилиши, террорчиларнинг полигон ва базалари яксон қилиниши ана шу даҳшатли таҳдидни бизнинг сарҳадларимиздан олиб ташлади. Буни унутишга бизнинг ҳаққимиз йўқ.

Бу — дунёнинг қайси бир бурчагида бўлмасин, бирон-бир мамлакатдаги воқеаларнинг салбий ва хавфли ривожига лоқайдлик билан қараш қандай машъум оқибатларга олиб келиши мумкинлигига яққол мисол бўла олади.

Тўртинчидан. Биз барчамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сингари ўз мақсад-вазифасига кўра жаҳонда ягона бўлган халқаро ташкилотнинг нуфузини сақлаш, унинг обрў-эътиборини янада оширишдан манфаатдор бўлмоғимиз керак. Бугун буни ҳеч ким инкор этолмайди.

Шу билан бирга, сўнгги ўн йилликлар давомида рўй берган кўплаб воқеалар, айниқса, "совуқ уруш" тугагани ҳамда ер юзида халқаро хавфсизликка нисбатан янги таҳдид ва хуружлар, жумладан, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиш хавфи пайдо бўлгани инобатга олинса, бизнинг назаримизда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави ва унинг айрим моддаларини ислоҳ қилиш ва қайта кўриб чиқишни тезлаштириш зарурати туғилмоқда.

Шунингдек, мазкур ташкилотнинг етакчи органи — Хавфсизлик Кенгаши таркибини ҳам қайта кўриб чиқиш, инсониятнинг тинч ва осойишта, фаровон ҳаёт кечиришини кўролмайдиган қабиҳ ниятли кучларга қарши ўз вақтида тегишли жавоб бера оладиган, янада самаралироқ бўлган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш даркор, деб ўйлаймиз.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Эътиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман.

Ироқ ва унинг атрофидаги воқеаларни кузатиб бораётган ҳар бир одам ушбу жараёнлар баъзи бир мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари орқали қандай ёритилгани, телеканаллар ва матбуот саҳифаларида бу борада қандай шарҳ, тахмин ва башоратлар билдирилганига диққат қилган бўлса керак.

Агар қиёсласак, худди шундай аҳвол Афғонистонда антитеррор ҳаракатлари бошланган дастлабки кунлар ва ҳафталарда ҳам содир бўлган эди.

Ироқдаги ҳарбий операциялар масаласида ҳам, айрим таниқли ва обрўли ҳарбийлар, таҳлилчи ва сиёсатчилар ваҳимага тушиб, бўлаётган жанговар ҳаракатларга худдики учинчи жаҳон урушининг бошланиши, деб қараши кўзга ташланди.

Юз минглаб одамларнинг қурбон бўлиши, миллионлаб кишилар қочоқларга айланиши, ҳаво ҳужумлари оқибатида ўнлаб шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлиши, бутун минтақада гуманитар фалокат рўй бериши, бунинг таъсирида сайёрамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам вазият тубдан кескинлашиши, катта офатлар юзага келиши ва ҳоказолар ҳақида кўплаб башоратлар қилинди.

Бу урушнинг жуда оғир бўлиши ва узоқ давом этиши, пойтахт Бағдоднинг енгилмас қалъага, ҳар бир уй, ҳар бир кўчанинг эса "оккупация" қўшинлари йўлидаги мустаҳкам тўсиққа айланиши ва Ироқ аҳолисининг ҳар бири Саддам Ҳусайн учун ўз жонини қурбон қилишга тайёр экани ҳақида ҳам кўп гапирилди.

Эҳтиросларнинг шу қадар жўшиб кетдики, баъзи диний арбоблар америкаликларга қарши муқаддас жиҳод эълон қилишгача бориб етди.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси замирида айрим давлатлар вакиллари ва сиёсий арбобларнинг Саддам Ҳусайнга нисбатан яшириш қийин бўлган хайрихоҳлиги, у билан олиб борган ҳамкорлиги ва энди мутлақо ортга қайтмайдиган замонларни қўмсаши сезилиб турарди.

Охир-оқибатда ҳаммаси бошқача бўлиб чиққанига барчамиз гувоҳмиз. Ҳарбий ҳаракатларнинг йигирманчи кунида Америка Қўшма Штатларининг қуролли кучлари бўлинмалари деярли ҳеч қандай жиддий қаршиликка учрамаган ҳолда Бағдодга кириб борди. Саддам Ҳусайнга содиқ республикачилар гвардиясининг ҳарбий қудрати ва қўшиннинг жанговар руҳи тўғрисидаги афсоналар чиппакка чиқди.

Ҳарбий операциялар натижасида беҳисоб аскарлар ва оддий одамлар қурбон бўлиши, даҳшатли вайронагарчиликлар ва қочоқлар тўғрисида оламга жар солиб айтилган тахминлар амалда тасдиқланмади. Албатта, қурбонлар, йўқотишлар, вайроналар ҳам бўлди, аммо уларнинг сони ва ҳажми деярли минимал даражада.

Бундан ташқари, узоқ вақт Саддам Ҳусайннинг мустабид зулми остида, ўзининг ва болаларининг ҳаётини ўйлаб қўрқув ва таҳликада яшаган Ироқ аҳолиси, жумладан, бағдодликларнинг аксарияти коалиция кучларини кўтаринки руҳ ва катта умид билан кутиб олди. Бу ҳам яққол кўриниб турган ҳақиқат.

Мамлакатда тартиб ва қонунчилик ўрнатилиб, ироқликларнинг ўзи ҳам бу жараёнга жалб этилгани ва уларнинг ўз атрофидаги воқеаларни холис баҳолаши учун имкон яратилгани сари, Ироқда олиб борилган ҳарбий операциянинг асл моҳияти аҳоли томонидан англаб етилгани сайин бу ерда бошланган ижобий жараёнларнинг кучайиши муқаррар.

Қадрли юртдошлар!

Ироқ муаммосини ҳал этиш бўйича бизнинг ёндашувимиз, позициямиз қандай бўлгани ва унинг маъно-мазмуни нимадан иборат эканини баён этишдан олдин яқин тарихимиздаги баъзи воқеаларни эслаб ўтиш зарур, деб ўйлайман.

Бу ўринда гап Ўзбекистоннинг Америка Қўшма Штатлари ва Афғонистонда антитеррор ҳаракатларини олиб борган коалициянинг стратегик режаларини қўллаб-қувватлаш бўйича тутган қатъий позицияси ҳақида бормоқда.

Сизларга шуни эслатмоқчиманки, ушбу позицияни биз Афғонистонда ҳарбий ҳаракатлар бошланмасидан аввал аниқ ва равшан баён қилган эдик. Шу пайтда коалиция ҳаракатларини қўллаб-қувватловчилардан кўра, бу масалада иккиланиб турганлар кўпчиликни ташкил этарди, боз устига, ҳарбий ҳаракатларнинг нима билан тугашини ҳали ҳеч ким аниқ билмасди.

Яъни, ўша мураккаб вазиятда ҳам бизнинг позициямиз коньюнктурадан холи эди ва аввало, мамлакатимизнинг олдиндан танланган ва амалга ошириб келаётган принцип ва тамойилларига жавоб берар эди.

Энди Ироқ масаласига келсак, Ўзбекистоннинг бу борадаги принципиал позицияси ва муносабати 2002 йилнинг ноябрида Прагада бўлиб ўтган НАТО ва Евроатлантика Ҳамкорлик Кенгаши (СЕАП) мажлисида, ушбу муаммонинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашидаги муҳокамаси чоғида баён этилган эди.

Бизнинг позициямиз кейинчалик мамлакатимиз раҳбарияти ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотларида ўз ифодасини топди.

Мухтасар қилиб айтганда, биз Ироқни қуролсизлантириш масаласини ечиш бўйича Америка Қўшма Штатларининг ёндашувлари тўғри ва позицияси асосли эканини қатъий қўллаб-қувватладик.

Шу пайтларда Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва уларга иттифоқчи бўлган давлатларнинг бу борадаги сиёсати ҳамда таклифлари қанчалик кескин танқидларга учрагани, ушбу сиёсат ва таклифларни амалга оширмаслик учун қандай уринишлар бўлгани ҳам барчамизга маълум.

Албатта, Ироқда амалга оширилган ҳарбий ҳаракатларнинг пировард натижалари ва оқибатлари хусусида гапиришга ҳали эрта.

Бироқ телевизор экранларида америкалик ва инглиз ҳарбийларини кутиб олаётган ироқликларни кўрганда — уларнинг ичида болалар ҳам, ўрта ёшдагилар ҳам, кексалар ҳам бор — одамлар юзидаги қувонч ифодасидан кўп нарсани англаб олиш қийин эмас.

Бугун аниқ кузатиш мумкин: Ироқ халқига кўплаб мусибат, қашшоқлик ва кулфат келтирган мустабид Саддам Ҳусайн тузумининг ағдарилиши мамлакатнинг ўзида ҳам, унинг ташқарисида ҳам, шак-шубҳасиз, кўтаринки руҳ, умид ва ишонч билан кутиб олинмоқда.

Бу — аввало, истибдод ва ҳақсизликка ниҳоят нуқта қўйилганига, ўлкага тинчлик ва барқарорлик олиб келадиган истиқбол эшиклари очилганига, қўшни давлатлар билан бўлган қарама-қаршилик ва урушлар барҳам топганига, бундан буён мамлакат янгиланиш ва демократик тараққиёт йўлидан боришига бўлган умидлардир.

Ўйлайманки, бугунги кунда бундай истиқболга эътироз билдирадиганлар камдан-кам топилса керак.

Шу нуқтаи назардан қараганда, албатта, Ироқда амалга оширилган ҳарбий ҳаракатларнинг бош мақсадини қўллаб-қувватламаслик мумкин эмас.

Бу мақсад Саддам Ҳусайн гумаштаси ва халқаро террорчилар қўлида ниҳоятда даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган биологик ҳамда кимёвий қуролларни ишлаб чиқаришни тўхтатиш, олдини олиш ва зарарсизлантиришдан иборат эди.

Шу ўринда мен илгари ҳам айтган фикримни яна бир бор такрорламоқчиман. Аслида дунёда урушни хоҳлайдиган соғлом фикрли одам ёки бирон-бир маърифий мамлакат бўлмаса керак.

Айни вақтда биз, юқорида қайд этилганидек, шундай ҳолатларни ҳам биламизки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг умумэътироф этилган нормалари, қарор ва резолюцияларини доимо инкор этиб келган, улар билан ҳисоблашмайдиган кимсаларга нисбатан лоқайд ва бепарво бўлиш, тоқат қилиш, ўз вақтида тегишли жазо чораларини кўрмаслик пировард натижада ҳалокатга олиб келиши мумкин.

Содда қилиб айтганда, ёвузликни ўз вақтида пайини қирқиб, таг-томири билан қўпориб ташлаш даркор. Нега деганда, эртага бу ёвуз кучнинг ер юзида содир этиши мумкин бўлган мудҳиш оқибатларига қарши курашиш оғир ва афсуски, кеч бўлиши муқаррар.

Азиз дўстлар!

Ироқни осуда ҳаётга қайтариш учун қанча куч-қувват, энг асосийси, катта маблағ сарфлаш зарурлигини, Ироқ халқининг эртанги барқарор ҳаётга бўлган ишончини тиклаш ва мустаҳкамлаш учун жуда кўп ишлар қилиш кераклигини биз Ўзбекистонда ўзимизга аниқ тасаввур этамиз.

Табиийки, бу масалада халқаро ҳамжамиятнинг ҳар томонлама ёрдам ва кўмагини жалб қилмасдан, тегишли молиявий ва моддий ресурсларни излаб топмасдан бу муаммони ҳал этиб бўлмайди.

Халқимиз Ироқни, унинг меҳнатсевар халқини яхши билади. Ироқликларнинг қадимий маданият ва анъаналари кўп жиҳатдан бизга яқин, динимиз бир.

Ўзбекистон вакиллари — лойиҳачи ва қурувчилар, муҳандислар ва мутахассислар ўтган асрнинг 60-80-йилларида Ироқда иқтисодиётнинг турли соҳаларида, аввалambор, энергетика, мелиорация ва ирригация қурилиши соҳасида меҳнат қилганини кўпчилик яхши эслайди. Уларнинг барчаси ироқликлар билан ҳамкорликда ишлаган йилларини самимий таассуротлар билан ёдга олади.

Ўзбекистон мана шу кунларда ҳам Ироқда тинч ҳаётни тиклаш, инсонпарварлик лойиҳаларини амалга ошириш, тиббий ёрдам кўрсатиш, йўллар ва коммуникация тармоқларини бунёд этиш жараёнидан четда турмайди, бу ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, десам, ўйлайманки, сиз ҳурматли депутатлар бу фикрни қўллаб-қувватлайсизлар.

Сўзимнинг якунида Ироқ халқига фаровонлик, тинчлик ва бирдамлик, ўз келажаги учун курашда муваффақиятлар тилаб, ўзимнинг эзгу туйғуларимни изҳор этсам, аминманки, нафақат сизларнинг, балки бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Эътиборингиз учун ташаккур.

Parlament "O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasiga o'zgartishlar va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi Qonunni qabul qildi.

Ироқ теварагидаги муаммони ҳал этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг БАЁНОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таассуфки, Ироқдаги ҳокимият тизимини тутиб турган режим кейинги ўн йиллар мобайнида қўшни суверен мусулмон мамлакатларига қарши бир неча бор уруш чиқарди, Эронга қарши урушда ва ўзининг тинч аҳолисига қарши кимёвий қурол ишлатди, халқаро ҳамжамиятнинг барча огоҳлантиришларидан тегишли хулосалар чиқариб олмади.

Бу масалада Ўзбекистон Республикаси тутган йўл мамлакатимизнинг халқаро терроризм ва экстремизмга қарши, ялпи қирғин қуроллари тарқалишига, наркотажовузга қарши, халқаро хавфсизликка бўлаётган бошқа хуруж ва таҳдидларга қарши қатъият билан кураш олиб боришга қаратилган изчил, собитқадам ва принципиал сиёсатининг мантиқий давоми бўлди.

Ироқдаги воқеалар ривожи, мамлакат аҳолиси Саддам Ҳусайн мустабид тузумининг зуғуми ва бедодлигидан халос бўлганлигини нақадар қувонч ва завқ-шавқ билан кутиб олаётганлиги Ироқда тинчлик ва барқарорликка эришиш йўлидан, янгиланиш ва демократик ривожланиш, мамлакат халқининг тинчлик-хотиржамлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш йўлидан изчил бориш имкониятлари юзага келаётганлигидан далолат беради, деб ўйлаш учун барча асослар бор. Ироқда тартиб-қоида ва қонунийлик ўрнатилиши даражасига қараб, аҳолининг ҳаётий таъминоти пухта йўлга қўйиб борилади, мамлакатнинг тинч турмуши ва иқтисодиёти тикланади, ана шу ижобий жараёнлар, шак-шубҳасиз, кучая бориб, барқарорлик касб этади.

Ироқни тиклаш ишидаги ана шу мақсадларга эришишнинг муҳим шарти халқаро ҳамжамият томонидан, имкони кўтарган барча мамлакатлар томонидан аниқ ва амалий ёрдам кўрсатишга, зарур моддий ва молиявий маблағларни излаб топиш ҳамда ажратишга асосланиши мумкин ва шундай бўлиб қолиши ҳам керак.

Ўзбекистонда Ироқ халқининг кўҳна тарихини, миллий анъаналари ва бой маданиятини яхши биладилар ҳамда ҳурмат қиладилар. Илгари узоқ йиллар Ўзбекистон вакиллари — муҳандислар ва қурувчилар, ирригаторлар ва мелиораторлар Ироқ иқтисодиётининг турли қурилиш жабҳаларида меҳнат қилишган, ўша давр уларда яхши хотира бўлиб сақланиб қолган. Ишончимиз комилки, Ироқ тарихидаги ҳозирги мураккаб даврда ҳам ўзбекистонлик мутахассислар Ироқни тинч йўл билан тиклаш бўйича гуманитар лойиҳаларни амалга оширишда баҳоли қудрат ёрдам кўрсатадилар ва иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ироқ муаммосини ҳал этиш бўйича АҚШ ҳамда иттифоқчиларининг стратегик йўлини қатъият билан қўллаб-қувватлаётган давлатимиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сиёсати жуда тўғри эканлигини яна бир бор таъкидлайди, Ироқ халқи олдида гуллаб-яшнайдиган демократик жамият барпо этиш учун кенг имкониятлар юзага келаётир дея ишонч билдиради.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи - Котибиятни ташкил этди.

Сессия қатнашчилари депутат Ф.Омонов хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёд этди.

Шундан сўнг кун тартиби тасдиқланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш заруратини юзага келтирган омилларга тўхталди. Президент Асосий Қонунга ўзгартишлар киритиш мамлакатимизнинг давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ва эркинлаштириш йўлидаги изчил ҳаракатининг холис инъикоси эканлигини, мамлакатимиз олдида турган мақсад ва вазифаларга эришиш учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолатлар яратишини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Ироқдаги воқеалар билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам фикр билдирди, ушбу муаммо бўйича Ўзбекистоннинг тутган позициясини ҳар томонлама асослаб берди.

"Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов тақдим этди.

Президент Ислом Каримов маърузаси ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси муҳокамасида парламентнинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов, Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори Н.Иброҳимов, Наманган давлат университети ректори Т.Файзуллаев, Элликқалъа тумани ҳокими Н.Худойбергенов, Тошкент шаҳридаги "Фармед" хусусий фирмаси бош директори Д.Тошмуҳаммедова, Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов иштирок этди. Сўзга чиққанлар Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ва Ўзбекистоннинг Ироқ муаммосида тутган позициясини қўллаб-қувватлади.

Парламент "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди.

Сўзга чиққан депутатларнинг таклифига кўра, сессия Олий Мажлиснинг Ироқ муаммосини ҳал этиш бўйича Баёнотини қабул қилди. Уни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг молия вазири М.Нурмуродов Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йилдаги ижроси тўғрисида ахборот берди. Ушбу масала бўйича Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов маъруза қилди.

Парламент сессияси биринчи кунининг кечки мажлиси мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот муҳокамасидан бошланди. Унда "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси бош директори С.Умаров, Олтинсой тумани ҳокими Р.Олимов, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг Бухоро аэропорти директори Т.Баҳронов, Тошкент аграр университетининг "Ахборот технологиялари" кафедраси мудири А.Абдураҳимов иштирок этди. Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори М.Нормуродов, Марғилон шаҳри ҳокими А.Акрамов, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси бошқаруви раиси И.Латипов, Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи директори И.Бойжонов, Нарпай тумани "Пахтакор овози" газетаси бош муҳаррири Т.Тошмуродов, Сирдарё тумани ҳокими А.Синдаров қатнашди.

Олий Мажлис янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва уни оммавий ахборот воситаларида умумхалқ муҳокамаси учун чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессияда Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси М.Умаралиев янги таҳрирдаги "Банкротлик тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси бўйича маъруза қилди.

Андижон тумани ҳокими Х.Ҳакимов, Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Э.Мирзаевнинг ушбу қонун лойиҳаси бўйича чиқишидан сўнг парламент янги таҳрирдаги "Банкротлик тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси давом этди.

* * *

25 апрель куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Парламент сессиясининг иккинчи куни «Банк сири тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқишдан бошланди. Уни депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов тақдим қилди.

Мазкур ҳужжат муҳокамасида Тошкент молия институти ректори М.Шарифхўжаев, парламентнинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари С.Солиев, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди директори Ў.Ниғматов, Қўрғонтепа туманидаги «Оқсув» фермер хўжалиги раҳбари А.Аҳмедов, Мингбулоқ тумани ҳокими Б.Ҳайдаров қатнашди. Парламент қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва умумхалқ муҳокамаси учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари Й.Жўраевнинг маърузаси бўйича депутатлар «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Бу ҳужжат хақида Бобур номидаги халқаро жамғарма раиси З.Машрабов, Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари О.Мусурмонова, «Шаҳрисабзконсерва» ишлаб чиқариш акционерлик жамияти раиси Н.Исмоилов, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси М.Собиров, Амударё тумани ҳокими Р.Йўлдошев ўз фикрларини билдирди.

«Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Афғонистондаги Алишер Навоий ва ўзбек халқининг бошқа буюк арбоблари қабрлари аҳволи масаласини кўтарди. Албатта, бу масалани, энг аввало, Афғонистоннинг ҳозирги ҳукумати билан музокаралар олиб бориш орқали ҳал қилиш керак, аммо жамоат фондлари ҳам четда турмаслиги даркор. Биз ушбу масала юзасидан жамоатчилик фикрини шакллантиришимиз, уни кўриб чиқиш ташаббуси қуйидан, аҳолининг кенг қатламларидан чиқишига эришишимиз зарур. Сессия қатнашчилари давлатимиз раҳбарининг таклифини қизғин қўллаб-қувватлади.

Парламент қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва умумхалқ муҳокамаси учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини депутатларга Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов тақдим этди.

Қонун лойиҳаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди. Президент ҳарбий хизматни тартибга соладиган янги қонунчилик миллий армия ва мамлакат мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашда улкан аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Биз шундай ҳуқуқий шароит яратишга ҳаракат қиляпмизки, то ёшларимиз армияда хизмат қилишга астойдил интилсин, буни ўзи учун катта шараф деб билсин. Бунинг учун мамлакатимизда кейинги пайтда кўп иш қилинди. Бугун армия ва унинг резервида хизмат қилиш тўғрисидаги янги қонунларни барча фуқароларга етказиш, аҳоли ўртасида мазкур соҳада бўлаётган жиддий ўзгаришларни кенг тушунтириш муҳимдир.

Ушбу масала бўйича «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталари бош муҳаррири Н.Саидов, Қумқўрғон тумани ҳокими Н.Чориев ҳам ўз фикрларини билдирди. Олий Мажлис «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Қонунни ва уни амалга жорий қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоиловнинг маърузаси бўйича сессия «Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида»ги Қонунни ва уни амалга жорий қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафаева парламент қўмиталари ва комиссиялари номидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини сессияда кўриб чиқиш учун тақдим этди. Депутатлар ушбу ҳужжатни қабул қилди.

Олий Мажлис айрим халқаро шартномаларни ратификация қилди, Қашқадарё вилоятининг Баҳористон ва Усмон Юсупов туманларини бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Кенгашининг қарорларини тасдиқлади.

Парламент иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси Котибияти раҳбари Р.Холмуродовнинг фуқароларнинг сессия давомида келиб тушган мурожаатлари ҳақидаги ахборотини тинглади.

Парламент Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2002 йилдаги фаолияти тўғрисида С.Рашидова ҳисоботини тинглади ва маъқуллади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 2002 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни сессияга Олий Мажлис Раиси Э.Халилов тақдим этди. Депутатлар ушбу ҳужжатни маъқуллади ва тегишли қарорлар қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг таклифига биноан депутатлар Ф.Муҳитдиновани Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси этиб сайлади ва уни Олий Мажлис раиси ўринбосари лавозимидан озод этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Ф.Муҳитдинованинг таклифига мувофиқ Олий суд таркибига ўзгартишлар киритди. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари Б.Мирбобоевни янги муддатга сайлади.

Шунингдек, сессия Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари Н.Ахмоновни янги муддатга сайлади ва Олий хўжалик суди таркибига бошқа ўзгартишлар киритди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўз ишини якунлади.

БЎЛАЖАК АБИТУРИЕНТЛАР! ҚАЕРДА ЎҚИШНИ ХОҲЛАЙСИЗ?

Комиллика интилаётган ҳар бир ёш, айниқса ўсмирлик чоғида, тўғрироғи мактаб партасидаёқ ўз келажак тақдири билан боғлиқ бўлган — касб-ҳунарни танлайди. Уни эгаллашга собитқадамлик билан интилади. Айни шу кезда улар ўз мақсад-муддаоларини амалга ошириш учун имконият берадиган таълим масканлари, улардаги шарт-шароитлар ва шу каби кўплаб маълумотларга қизиқишади. Булардан бохабарлик эса ўқувчиларнинг келгусида ўз хоҳиш-иродаси, иқтидори ва қобилиятини чамалаб кўриб, маълум бир соҳага тўғри йўналиш олишига кўмаклашади.
Кўпчилик ўқувчиларимиз илтимосига кўра бугун газетамиз саҳифаларида берилаётган мамлакатимиз олий ўқув юртлари тўғрисидаги маълумотлар ўйлаймизки, шундайин бир масъулиятли даврда турган йигит ва қизлар, уларнинг ота-оналари, ўқитувчилари учун асқотади.

СИЗ ТАНЛАШ ИМКОНИЯТИГА ЭГАСИЗ!

Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети (6 бетда)

Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти (7 бетда)

Бухоро тиббиёт институти (8 бетда)

Жиззах педагогика институти (9 бетда)

Навоий кончилик институти (10 бетда)

Навоий педагогика институти (11 бетда)

Нукус педагогика институти (12 бетда)

Самарқанд архитектура қурилиш институти (13 бетда)

Самарқанд кооператив институти (14 бетда)

Самарқанд тиббиёт институти (15 бетда)

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти (16 бетда)

Тошкент архитектура қурилиш институти (18–19 бетларда)

I-Тошкент тиббиёт институти (20 бетда)

II-Тошкент тиббиёт институти (21 бетда)

Тошкент молия институти (22 бетда)

Тошкент педагогика университети (23 бетда)

Тошкент темир йўл муҳандислари институти (24 бетда)

Тошкент фармацевтика институти (25 бетда)

Тошкент шарқшунослик институти (26 бетда)

Фарғона давлат университети (27 бетда)

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти (28 бетда)

Қарши давлат университети (29 бетда)

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ СИЗЛАРНИ КУТАДИ!



Ғайрат ШОУМАРОВ, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори, психология фанлари доктори, профессор

Тараққиётнинг бугунги тезкор, улкан ахборот алмашинуви жараёни ҳозирги замон маданияти, илми, техникаси ва технологиясининг мислсиз ривожланиши, давр руҳини тўла ва чуқур англаш лозимлигини тақозо этаётган бир даврда хорижий тилларга эҳтиёж ҳар қачонгидан ортганини кўрсатади. Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллашида хорижий тилларнинг аҳамияти жуда катта. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «... чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини қураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукаммал билишнинг аҳамиятини баҳолашга ҳожат йўқдир».

1992 йили Президентимиз томонидан Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетини ташкил этиш тўғрисидаги Фармон эълон қилинди. Тошкент давлат чет тиллар педагогикаси ҳамда Республика рус тили ва адабиёти институтлари негизида асос солинган мазкур университетнинг ташкил этилиши асосан Европа ва Шарқ мамлакатлари тилларини мукаммал биладиган олий маълумотли мутахассислар тайёрлашни кўзда тутади. Шунга мувофиқ ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланган ҳолда олий таълим тизимида жамиятда олиб борилаётган туб ислоҳотларга мос келадиган янги концепция ишлаб чиқилди ва шу асосда мутахассислар тайёрлаш жараёни изчил амалга оширилмоқда.

Ўтган ўн бир йил мобайнида университетимизнинг илмий салоҳияти ва нуфузи ортиб, турли соҳа бўйича мутахассислар тайёрлаш имконияти янада кенгайди. Чунончи, ўтган даврда мазкур олий ўқув юртида тўртта тил бўйича мутахассис тайёрланган бўлса, бугунги кунга келиб 23 та хорижий тил ўқитилаётир. Эндиликда, мавжуд 9 та факультетда 6020 нафардан ортиқ талаба таҳсил олаяпти. Уларда 1355 нафар профессор-ўқитувчи ва ходимлар ҳамда 35 нафар хориждан келган мутахассислар фаолият кўрсатмоқда.

1999 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан халқаро журналистика факультетининг очилиши нафақат университетимиз ҳаёти, балки мамлакатимиз олий таълим тизимида оламшумул аҳамиятга молик воқеа бўлган эди. Кўп ўтмай, 2002 йилда ўзбек-испан халқаро факультетининг ташкил этилиши университетимизнинг илмий имкониятларини янада кенгайтирди. Бу факультетда ўқийдиган талабаларга асосан хорижлик етук, тажрибали мутахассислар сабоқ берадилар.

Ҳозирги пайтда билим даргоҳимиз АҚШ, Франция, Англия, Германия, Италия, Испания, Бельгия, Хитой, Япония сингари 20 дан ортиқ хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртлари билан илмий алоқалар ўрнатган. Ушбу мамлакатларнинг университетимизда тил ва маданият марказлари фаолият кўрсатади.

Chorlov

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада ошириш, уни дунёдаги ривожланган давлатлар билан ҳар қандай соҳада бемалол бўйлаша оладиган ҳамда университетнинг таълим бозорида рақобатбардошлилигини таъминлаш мақсадида талабаларга хорижий тилларни ўргатиш билан бирга, иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича, сиёсий шарҳловчи, халқаро журналист, таржимон референт иш юритувчи, халқаро туризм ходимлари ва бошқа йўналишлар бўйича мутахассислар ҳам тайёрланади. Бу борада ТАСИС-ТЕМПУС, ЮНЕСКО, Британия Кенгаши, Гёте институти, Алянс де-Франсе, АКСЕЛС, АЙРЕКС, ЖАЙКА каби халқаро ташкилотлар ва мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган элчихона ҳамда консулликлар билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Айтиш жоизки, университетимизда талабаларнинг билим олишлари, уларнинг жаҳон талаблари даражасига жавоб берадиган етук мутахассислар бўлиб етишишлари учун керакли шарт-шароитлар мавжуд. Маъруза ва амалий машғулотлар замонавий техника ва технологиялар асосида олиб борилади. Фаолият кўрсатаётган тил ва маданият марказлари телевизор, аудио-видео магнитафон, слайд фильмлар, компьютер, ксерокс каби техник жиҳозлар билан таъминланган. Талабаларнинг интернет тармоғидан фойдаланишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Айниқса, яқинда интернет тармоғида «Ўзбек адабиёти» сайтининг очилиши ёшларимизга бир мунча қулайликлар яратди. Кўп нусхада чоп этиладиган «Тил ва дунё» газетамизда эса университетимиз фаолияти ва талабаларимиз ҳаёти кенг ёритилмоқда.

Бугун мустақил мамлакатимизни жаҳон жамоатчилиги кўҳна ва навқирон давлат сифатида эътироф этаётгани сир эмас. Агар аждодларимиз мамлакатимизнинг довруғини дунё цивилизациясига қўшган ҳиссаси орқали ёйган бўлсалар, бугунги етишиб чиқаётган ёш мутахассислар улар қолдирган бой маданий ва маънавий мерос, умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда юксак салоҳиятларини намойиш этадилар. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонни дунёга олиб чиқиш ва дунёни Ўзбекистонга танитишда университетимиз муҳим робита вазифасини бажаради.

ДУНЁ БИЛАН ЮЗЛАШИБ

УНИВЕРСИТЕТДА 9 ФАКУЛЬТЕТ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА УЛАР:

- қуйи босқич инглиз филологияси;
- юқори босқич инглиз филологияси;
- роман филологияси (француз ва испан тиллари);
- олмон филологияси;
- рус филологияси;
- таржимонлик;
- халқаро журналистика;
- магистратура;
- малака ошириш.

2002-2003 ЎҚУВ ЙИЛИДА КИРИШ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАРНИНГ ТЎПЛАГАН ЎТИШ БАЛЛАРИ

№ Факультетлар	Бюджет		Контракт	
	Ўзбек ўтиш бали	Рус ўтиш бали	Ўзбек ўтиш бали	Рус ўтиш бали
Инглиз филологияси	143,0	164,5	116,0	124,5
Немис филологияси	137,5	159,6	98,10	68,10
Француз филологияси	139,10	128,1	112,8	81,5
Рус филологияси	-	140,7	-	77,3
Халқаро журналистика	201,9	169,7	159,7	108,0
Испан филологияси	144,1	135,8	83,2	
Таржимонлик				

Университетда 23 хорижий тил ўқитилади: араб, африканс, голланд, грек, иброний, инглиз, индонез, испан, италян, корейс, лотин, малай, олмон, поляк, рус, турк, урду, форс, француз, хитой, япон, ўзбек, ҳинд.

Кейинги ўн йил мобайнида ЎзДЖТУ профессор-ўқитувчилари томонидан 35 дарслик, 60 га яқин ўқув қўлланмаси тайёрланди ҳамда 44 та ўқув дастури ишлаб чиқилди.

Университетда 2001 йили қуйи босқич инглиз филологияси факультетида инглиз тилини ўқитишда ҳозир дунёда кенг қўлланилаётган коммуникатив ва интерфаол ўқитиш услубида таълим бериладиган янги бўлим очилди. Унда асосий эътибор талабаларнинг оғзаки нутқини ривожлантириш, танқидий фикр юртишни ўргатишга қаратилади, ўқиш, ёзиш, сўзлаш ва тинглаш малакасини оширишга алоҳида аҳамият берилади. Бу бўлим фаолияти янги ўқув дастури асосида халқаро миқёсда гуманистик тамойилларни қарор топтиришга йўналтирилган.

Университет қошида 1999 йили ташкил топган Акмал Икромов номидаги хорижий тиллар академик лицейи хорижий тилларни чуқур ўргатишга ихтисослашган. Лицейда инглиз, олмон, француз, испан тиллари биринчи тил, япон, корейс ва бошқа тиллар иккинчи тил сифатида ўқитилади. Бугунги кунда мазкур лицейда 624 нафар талаба таълим олмоқда. Уларга 53 нафар профессор-ўқитувчи дарс беради.

Малака ошириш факультетида Ўзбекистон олий, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасалари ҳамда мактаб ўқитувчилари учун қисқа муддатли (1-4-ҳафталик) ва узоқ муддатли (4 ойгача) курслар мавжуд.

Марказий курслар ўқитувчиларнинг педагогик малакасини ошириш ва замонавий ўқитиш услублари билан таништиришга йўналтирилган.

2003 йилда университет қошида Бизнес мактаб ташкил этилди. Мактабда тўла ўрта маълумотга эга бўлган ёшларга олти мутахассислик йўналиши бўйича таълим берилади. Шунингдек, мактабда тайёрлов курслар— "якшанба мактаби" ва чет тили ўқитиш курслари мавжуд.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига кириш учун мактаб, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежини тамомлаган ёшлар ҳужжат топширишлари мумкин. Ўқишга кириш тест синовлари асосида амалга оширилади. Хорижий фуқаролар эса турли ихтисосликлар бўйича тўловшартнома асосида ўқишга имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Муҳтарам ёшлар!
Университетимиз Сизларни ўз даргоҳига чорлар экан, 23 хорижий тилларни ўрганишингизда илғор таълим технологиялари асосида мукаммал билим эгаллашингизга кафолат беради.



Манзил: 700015, Тошкент шарҳи, Собир Юсупов кўчаси, Г 9-а мавзеиси, 21-а.
Телефон (3712) 75-77-95.
Факс 75-55-57.

ИҚТИСОДИЁТ — ЕТАКЧИ СОҲА



Абдулазиз СОТВОЛДИЕВ,
Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Мамлакатимиз тараққиёти ва истиқболи унинг ҳар жиҳатдан иқтисодий юксалишга, шунингдек, жамиятимиз кишиларининг юксак маънавий камолотига, ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Бинобарин, фарзандларимизнинг билимдон, доно, зукко, юксак замонавий техника ва технологияларни идрок этиб идора қила оладиган, мавжуд билимларини амалда самарали қўллайдиган кадрлар сифатида тарбиялаш бугунги куннинг муҳим вазифасига айланган.

Шу боис, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти жамоаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни сидқидилдан амалга ошириш борасида фаолият кўрсатиб, халқ хўжалигининг турли жабҳаларига етук, малакали мутахассисларни тайёрлаб етказиш йўлида саъй-ҳаракат олиб бормоқдалар.

1966 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтининг ўқув-маслаҳат шаҳобчаси сифатида иш бошлаган Андижон иқтисодиёт ва бошқарув институти ҳамда Андижон муҳандислар тайёрлаш тажриба-ўқув ишлаб чиқариш маркази негизида 1995 йилда Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти ташкил этилди. Институт вилоятда халқ хўжалигининг турли соҳаларига олий малакали мутахассис-кадрлар етказиб берувчи йирик таълим муассасаси бўлиб, ҳозирги кунда бу ерда 3000 нафардан зиёд талаба таҳсил олмоқда.

Институтда билимга чанқоқ талабаларнинг таҳсил олиши, ўз куч ва имкониятларини тўлақонли намоён этишлари учун барча шароитлар яратилган. Чунончи, 100 минг нусхадан иборат китоб фондига эга ўқув кутубхонаси талаба ва профессор-ўқитувчилар учун илмий марказ вазифасини ўтамоқда. Шунингдек, институтнинг 12 та компьютер синфи Интернет тармоғига уланган бўлиб, улар ёрдамида дунёнинг исталган мамлакатидаги олий ўқув юрти билан видео алоқа тизими орқали боғланиш мумкин. Эндиликда талаба ва ўқитувчиларимиз унинг ёрдамида ривожланган давлатларнинг етакчи профессор-ўқитувчилари, талабалари билан ўзаро фикр алмашиш, баҳс-мунозара олиб бориш имкониятига эга бўлдилар.

Олий ўқув юрти кафедраларида бажарилаётган ўнлаб илмий иш мавзулари асосан Андижон вилояти макроиқтисодиётини барқарорлаштириш ҳамда иқтисодий ривожланишини таъминлаш муаммоларига бағишланмоқда. Иқтидорли талабаларни танлаш, уларни тарбиялаш, рағбатлантириш, хорижнинг нуфузли олий таълим муассасаларига давлат грантлари асосида ўқишга юбориш мақсадида «Келажак клуби» мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Мазкур клуб фаолларидан бир қанчаси айни пайтда «Умид» жамғармаси танловларига тайёргарлик билан машғул бўлсалар, шу кунга қадар умидли ёшларимиздан 28 нафари жаҳоннинг ривожланган давлатлари — АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германиянинг нуфузли олий ўқув даргоҳларида билим олиб қайтдилар.

Chorlov

Институтимизда 1999 йилда иқтисодчи-муҳандис педагоглар ва соҳа кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази фаолият бошлаган эди. Ўтган давр мобайнида ушбу марказда Фарғона водийсидаги олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган юзлаб иқтисодчи мутахассислар институт профессор-ўқитувчилари ёрдамида қайта сабоқ олиб, ўз малака-маҳоратларини оширдилар.

Шунингдек, ўтган 10 йиллар давомида институтнинг юзлаб ходимлари АҚШ, Буюк Британия, Италия, Германия, Жанубий Корея сингари дунёнинг кўплаб юксак тараққий этган давлатлари таълим муассасаларида ўз билим ва малакаларини ошириб қайтдилар. Айни кунларда ҳам хорижий олий ўқув юртлари билан институт жамоасининг илмий-педагогик, ахборот, талаба ва кадрлар алмашинуви соҳаларида ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда.

Талабаларни мустақил фикрлай оладиган, аниқ мақсад ва эътиқодга эга бўлишларига эришиш ҳамда уларни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида институтда газета таҳририяти ташкил этилган бўлиб, асосан талабалар жамоасидан иборат ижодий гуруҳ «Талабалик йилларим» номли газетани мунтазам нашр этиб бормоқдалар. Шунингдек, йигит-қизларнинг турли истеъдод қирраларини намоён этиш, қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган ўнлаб фан ва спорт тўгаракларидан ташқари, «Наврўз» бадиий жамоаси, «Ниҳол» театр студияси фаол иш олиб бориб, вилоят ва республика миқёсидаги турли кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этмоқдалар.

Шу билан бирга, ўқув юртида фаолият кўрсатаётган «Автомобиль мактаби» ёшларга автомобилни бошқариш сирларини ўрганишига кўмак берса, «Корейс тилини ўрганиш маркази» айни пайтда вилоятимизда кореялик шериклар билан ҳамкорликда ташкил этилган кўплаб қўшма корхоналарда фаолият кўрсатувчи мутахассислар учун зарур бўлган корейс тилини пухта ўзлаштиришига ҳисса қўшмоқда.

Институтда таҳсил олаётган талабаларнинг саломатлиги хусусида ғамхўрлик қилиш, уларни жисмонан баркамол бўлиши институт раҳбариятининг эътиборидан четда қолмайди. Чунончи, ҳозирда 2 та спорт зал, тренажер зали ва теннис кортида талабалар спорт машғулотлари билан шуғулланиб, жисмонан чиниқмоқдалар.

Шунингдек, талабаларнинг яшаш ва маиший турмуш шароитларини мунтазам яхшилаб бориш ҳам институт раҳбариятининг доимий назоратида 390 ўринли 2 та талабалар ётоқхонасида йигит-қизларнинг яшаши, маданий хордиқ чиқариши учун барча қулайликлар яратилган.

Институт таркибидаги 6 та кундузги ва битта сиртқи факультетда 9 та йўналиш бўйича бакалаврлар тайёрланади. Мазкур факультет ва йўналишлар қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодиёт факультети
Иқтисодиёт йўналиши (тармоқлари бўйича)

2. Молия факультети
Молия йўналиши

3. Бошқарув факультети
Касб таълими йўналиши (ижтимоий-иқтисодий соҳа).
Менежмент йўналиши (соҳалар бўйича)

4. Муҳандислик факультети
Технологик машиналар ва жиҳозлар
Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш
Информатика ва ахборот технологияси йўналишлари

5. Технология факультети
Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси йўналиши

6. Ҳисоб-иқтисод факультети
Бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналиши.

ФАКУЛЬТЕТЛАР ВА МУТАХАССИСЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

Иқтисодиёт ва молия факультетларида тегишли йўналишлар бўйича айни пайтда 600 нафарга яқин талаба таҳсил олмоқда. Шунингдек, бошқарув факультетида ҳам касб таълими ва менежмент йўналишларида ҳар йили юзлаб малакали мутахассислар чуқур билим олиб, вилоятимизнинг турли корхона ва ташкилотларига йўлланма олмоқдалар. Муҳандислик ва технология факультетларида ҳам айни пайтда 800 нафарга яқин талаба 4 та йўналиш, 8 та ихтисослик бўйича билим олмоқда.

Шунингдек, институтимизда магистратура, бизнес мактаби ва тил ўрганиш марказлари фаолият кўрсатади.

Олий ўқув юртига 2002/2003 ўқув йили қабул мавсумида муҳандислик йўналишларида давлат гранти бўйича бир ўринга 8 нафар абитуриент тўғри келган бўлса, иқтисодиёт йўналишларида бу рақам 12 нафарни ташкил этади.

2002/2003 ўқув йилида ўтган ўқув йилига нисбатан муҳандислик йўналишларида ўртача балл 10-15 баллга, ўтиш бали 10-20 баллга, энг юқори балл эса 20-30 баллга кўтарилган. Бу муҳандислик йўналишларига билимли, истеъдодли мактаб, академик лицей битирувчиларининг келаётганлигидан ҳамда танлов тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради. Умуман олганда, тест натижалари таҳлили йилдан-йилга мазкур институтга келаётган абитуриентларнинг тайёргарлик даражаси ортиб бораётганидан нишонадир.

АНДИЖОН МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ 2003-2004 ЎҚУВ ЙИЛЛАРИГА ҚЎЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ ТАЪЛИМ ОЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

1. Иқтисодиёт факультети
✓ Иқтисодиёт йўналиши (тармоқлари бўйича)

2. Молия факультети
✓ Молия йўналиши

3. Бошқарув факультети
✓ Касб таълими йўналиши (ижтимоий-иқтисодий соҳа).
✓ Менежмент йўналиши (соҳалар бўйича)



4. Муҳандислик факультети
✓ Технологик машиналар ва жиҳозлар
✓ Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш
✓ Информатика ва ахборот технологияси йўналишлари

5. Технология факультети
✓ Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси йўналиши

6. Ҳисоб-иқтисод факультети
✓ Бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналиши

МАЛАКАЛИ ШИФОКОР БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ...



Раҳмат АҲМЕДОВ, Бухоро давлат тиббиёт институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бухоро давлат тиббиёт институти 1990 йилда ташкил этилган бўлиб, мамлакатимиз тиббиёт соҳасига юқори малакали кадрлар етказиб берувчи олий таълим муассасалари орасида ўзига хос мавқега эга. Ўқув даргоҳимизда айни пайтда 1,5 мингдан зиёд талаба таҳсил олмоқда.

Институтни ўтган йиллар давомида қарийб 2000 га яқин турли ихтисосликларни эгаллаган юқори малакали шифокор-мутахассислар тамомлаб, айни пайтда нафақат вилоятимизда, балки республикамизнинг турли ҳудудларида самарали фаолият бормоқдалар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи — сифат босқичи республикамизнинг турли таълим муассасаларида изчил татбиқ этилаётган бир паллада, институтимиз педагогик жамоаси томонидан ҳам тиббиёт соҳасида таълим мазмунига, унинг самарадорлигига эришиш мақсадида ўқув жараёнида илғор педагогик технологиялар, интерфаол ўқитиш услубларини кенг қўллаш устида изчил изланишлар, қатор саъй-ҳаракатлар олиб борилиб, амалга оширилмоқда. Чунончи, ҳозир ўқув юртимизда хорижий мамлакатларда кенг қўлланиладиган объектив тизимли баҳолаш имтиҳон (ОТКИ) услуби жорий этилган бўлиб, ундан талабалар билимини оралиқ ва якуний баҳолаш жараёнида кенг қўлланилмоқда. Амалий машғулотлар давомида эса юзага келган турли муаммоли вазиятларда қўлланиладиган интерфаол услублардан фойдаланиш натижасида, талабаларда серқирра ва тезкор фикрлаш, маълум қарорни қабул қилиш учун етарли билимларни шакллантириш, шу орқали фанларни пухта ўзлаштириш кўникмаларини ҳосил қилиб, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантирмоқда.

Таъкидлаш лозимки, институтимизда мамлакатимиз олий таълим муассасалари орасида биринчилардан бўлиб масофавий ўқитиш тизими жорий қилинди. Ушбу тизим тиббиёт институтларида «телемедицина» вожлантириш-омили бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур тизим ёрдамида талабалар билан дарс ёки амалий машғулотлар жараёнида юзага келган муаммоли вазиятларда турли даволаш ва тиббий консультацияларни олиш учун республикамиздаги етакчи тиббиёт марказлари, мутахассислари билан тўғридан-тўғри мулоқот ўтказиш, улар билан фикрлашиш, маслаҳатлашиш имкониятлари яратилди.

Chorlov

Талабаларнинг мустақил ўз устида ишлаши, билим доирасини кенгайтиришида замонавий дарслик, ўқув адабиётларининг аҳамияти катта, албатта. Шу боис, институтда 75 мингдан зиёд китоб жамғармасига эга кутубхона фаолият кўрсатиб, унда мамлакатимизда ва хорижда нашр қилинган, энг сўнгги фан ютуқларини ўзида мужассам этган ўқув дарсликлари, турли монография ва рисолалалар, илмий-оммабоп журнал, газеталар ўрин олган. Институтда интернет тизими ҳам мавжуд.

Жаҳон стандартларига жавоб берадиган, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга эришишда аввало тўпланган тажрибалардан кенг фойдаланиш ва уларни янада бойитиш, шунингдек, ривожланган хорижий мамлакатлардаги етакчи тиббиёт олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш яхши самаралар бериши шубҳасиз. Шу боис институтимизда халқаро ЮНЕСКО кафедраси фаолият кўрсатиб, унда буюк бобокалонимиз, тиббиёт фани асосчиларидан бири Абу Али ибн Сино бой илмий меросини ўрганиш, улуғ аллома томонидан кашф қилинган турли гиёҳлар ёрдамида даволаш усуллари тадқиқ қилиниб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Институтимиз жамоаси Россия ва Польша Тиббиёт Академиялари мутахассислари, Жанубий Кореянинг Марказий Осиё тараққиёти ва маданияти институти, ҳамда Пусан шаҳридаги Косин университети билан тиббиётда қўлга киритилган янги даволаш услубларини жорий қилиш, профессор-ўқитувчилар, талабалар ўзаро алмашинуви борасида ҳамкорлик олиб бормоқдалар.

Ўтган ўқув йилида институтимизнинг 18 нафар профессор-ўқитувчиларидан иборат гуруҳи Буюк британиялик ҳамкасбларининг умумий амалиёт шифокори тайёрлашдаги бой тажрибасини ўрганиб қайтдилар.

ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ҲАМШИРАЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ

Даволаш факультети қошидаги Олий малакали ҳамширалар тайёрлаш бўлимида ўқиш муддати 3 йил бўлиб, у 1999 йил 1 сентябрда ўз фаолиятини бошлаган. Факультетга ўрта маълумотли ҳамширалик курсини тугатган ёшлар умумий қоидаларга биноан қабул қилинади. Олий малакали ҳамширалар шифокорларнинг ишончли ёрдамчиси, тиббиёт хизматини ривожлантириш, уни ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган даражага кўтаришга қодир бўлган кадрлардир.

Талабаларга машғулотларни институт олимлари, тажрибали ўқитувчилар олиб борадилар. Ўқув жараёни ва амалиёт институт клиникаларида, вилоят соғлиқни сақлаш, клиник ва тез ёрдам тиббий марказларида ўтказилади. Ҳозирги замон янги технологияларидан фойдаланилган ҳолда ёшларнинг олган билимларини рейтинг назорат тизимида компьютер тестлари ёрдамида объектив тизимда тузилган клиник имтиҳонлар асосида баҳоланади.

Ҳозирги кунда бўлимнинг 3-курсида 27 нафар талаба таҳсил олмоқда. Улардан 2 нафари «Камолот» ва «Экосан» стипендияси совриндорлари. 2002 йилда илк бор шу бўлимни 8 талаба тамомлади. Уларга бакалавр дипломи топширилди. 4 нафар талаба имтиёзли диплом олди.

УМУМИЙ АМАЛИЁТ ВРАЧЛАРИ ТАЙЁРЛОВЧИ ТИББИЙ ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

Тиббий педагогика факультети Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12 июндаги фармойиши асосида шу йилдан бошлаб фаолият бошлади. Ўқиш муддати 7 йил бўлган бу факультетнинг 1-2 курсида 35 нафар талаба таҳсил олади. Бу талабалар педагогика ва тиббиёт сирларини мукаммал ўрганиб, соғлиқни сақлаш тизимида умумий амалиёт врачи ва тиббиёт институтлари, коллежларига педагог сифатида фаолият кўрсатадилар.

СТОМАТОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

Стоматология факультети республикамиздаги тўрдош факультетлар орасида етакчилардан биридир. Ўқиш муддати 5 йил. Уни тугатганлар стоматолог терапевт, ортопед стоматолог жарроҳ ва болалар стоматологияси соҳаларида ишлайдилар.

Шунингдек, битирувчилар юз, жағ патологиясини даволаш ишлари, тиш касалликлари профилактикаси, болалар терапевтик жарроҳлик ва ортодонтия йўналишларида стоматологик ёрдам кўрсатадилар ва косметик операция амалиётларини бажарадилар.

Факультетда 14та кафедра бўлиб, уларда 400 нафардан ортиқ талабаларнинг билим олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Бир қатор кафедралар стоматология соҳасида хорижий олий ўқув юртлари ва кафедралари билан ҳамкорликда илмий ва даволаш ишларини, яъни тишларни пломбалаш, протезлашнинг янги технологияси, ҳамда жарроҳлик стоматологияси бўйича иш олиб бормоқдалар. Шу билан бирга талабалар косметик пластик операцияларни амалга оширмоқдалар.

Факультет кафедралари Жанубий Корея (Сеул, Пусан), Япония, Исроил ва МДҲ давлатлари стоматология институтлари билан илмий, амалий ва ўқув ишлари бўйича ҳамкорлик қилмоқдалар.

Стоматология факультети талабалари ўртасида ҳам Жанубий Корея институтининг ўқитувчилари томонидан танлов ўтказилиб, энг юқори балл тўплаган талабаларга 1998 йилдан буён Ян Ю Сак стипендияси берилмоқда. Факультетнинг иқтидорли талабалари ҳозирги кунда 10 дан ортиқ имтиёзли стипендия оладилар.

Институт томонидан факультетимизнинг ўқув ва даволаш ишларини яхшилаш мақсадида стоматология маркази ташкил қилинган. Марказ ҳозирги кун талабига жавоб берадиган стоматология асбоб-ускуналари, Япониянинг 2 та рентген аппаратлари билан жиҳозланган.

ДАВОЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ

Факультет 1990 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Унинг таркибида 18 та кафедра ва 4 та курс мавжуд. Факультетда 10 дан ортиқ профессор ва 60 дан ортиқ фан номзоди, доцентлар фаолият кўрсатмоқда.

Бу ерда институт миқёсида анъанага айланиб қолган битирувчи курсларнинг ярим йиллик аттестацияни ўтказиш ва талабаларни Давлат аттестациясига тайёргарлик ишлари мунтазам равишда олиб борилмоқда.

Факультет қошида ташкил этилган умумий амалиёт шифокори (УАШ) марказида қўшни Навоий ва Сурхондарё вилоятларидан ҳам юзлаб шифокорлар ўз малакасини ошириб қайтмоқдалар.

2002-2003 ЎҚУВ ЙИЛИДА БухДТИга КИРИШ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАРНИНГ ТЎПЛАГАН ЎТИШ БАЛЛАРИ

Коди	Таълим йўналиши	ўтиш бали
1023	Стоматология	128,4
1031	Даволаш иши (умумамалий шифокор)	155,9
1045	Тиббий педагогика	126,1
1274	Олий малакали ҳамшира	141,4
2023	Стоматология (рус гуруҳи)	119,2
2031	Даволаш иши (умумамалий шифокор) (рус)	93,4
2045	Тиббий педагогика (рус гуруҳи)	76,4
2274	Олий малакали ҳамшира (рус гуруҳи)	149,9

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Бўлажак абитуриентлар!



Сизларга юқори малакали мутахассислар ушбу касбнинг нозик сиру синоатларини эгаллашингизда устозлик қиладилар.

Манзилимиз: Бухоро шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 1
Тел.: (365) 223-00-50, факс (365) 223-49-43

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК САРИ

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти Жиззах воҳасининг тўнғич олий ўқув юрти ҳисобланади. Мамлакатимиз маънавий-маърифий ҳаётида улкан воқеа бўлган, бугунги кунда нафақат республикамизда, балки кўплаб хорижий давлатларда ҳам катта қизиқиш уйғотаётган «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга тобора изчил татбиқ этилаётганлиги жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлат аҳамиятига молик бу дастур барчамиздан таълим-тарбия мазмунини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда унинг дастлабки натижаларини чуқур таҳлил қилиб, таълим андозалари, ўқув режалари ва дастурлари мазмунига ислоҳотларнинг бош мақсадидан келиб чиққан ҳолда, яъни янги етук авлодни камол топтиришга қаратилган фаолият юритишни тақозо этмоқда.

Вилоят шаҳар ва туманларидаги мактаблар ва лицейларнинг малакали мутахассис кадрларга бўлган талаб ва маънавий эҳтиёжларини ҳисобга олиб, институтимизда «Тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари», «География-иқтисод», «Кимё-биология» ва «Хорижий тиллар» каби қатор янги мутахассисликлар очилди, таълимнинг сиртқи бўлими янгидан ташкил этилди. Бугунги кунда 16 та мутахассислик бўйича педагог кадрлар тайёрланмоқда.


Давр талабидан келиб чиқиб, педагогика институтлари профессор-ўқитувчилари ўзларининг илмий тадқиқот мавзуларининг янада самаралироқ бўлиши, ҳозирги бозор иқтисоди шароитларини ҳамда бугунги ёшларимизнинг маънавий эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда ўз илмий ишларини ташкил этиш ва уларни ўқув жараёни ва амалиётга кенг татбиқ этиш чораларини кўрмоқдалар.

Жиззах давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг илмий тадқиқот ишлари, асосан, қуйидаги йўналиш ва шаклларда олиб борилаётганлигини кузатиш мумкин: а) «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бевосита ҳаётга ва таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишга қаратилган тадбир ва изланишлар; б) институт профессор-ўқитувчиларининг аниқ илмий-услубий мавзулари ва мутахассисликлари бўйича олиб бораётган тадқиқотлари; в) талабаларнинг илмий-интеллектуал имкониятлари ва илмий ишларига бўлган қобилиятларини ўстириш ва уларни самарали йўналишларга бошқариш ҳамда иқтидорли ва ижодкор ёшларнинг илмий изланишлари натижаларини ҳаётга татбиқ этиш борасида иш олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда институт профессор-ўқитувчиларининг республика ва вилоятлардаги илмий муассасалар, хусусан, янги ташкил этилаётган касб-ҳунар коллежлари билан ўзаро илмий ва педагогик ҳамкорлиги ва шу соҳаларда илмий-тадқиқот, ўқув-услубий ишлар яратиш борасидаги изланишларини кучайтиришга алоҳида эътибор берилганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Жумладан, институтимизнинг кўплаб етакчи ва юқори малакали профессор-ўқитувчилари мазкур илмий-ўқув масканларида бевосита дарс бериши ҳамда синов майдончалари, кафедра филиалларида ўқув амалиётларини ўтказиш натижасида бир қатор илмий-услубий ишларни ҳам яратишга муваффақ бўлаётгани Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига амалий бир жавоб эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Айниқса, мазкур касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун Давлат таълим стандартлари талаблари ҳамда жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган ўқув дастурлари ва дарслик ҳамда қўлланмалар яратиш ғоят долзарб бўлиб турган ҳозирги пайтда профессор-ўқитувчиларимизнинг бир қатор ўқув-услубий қўлланмалар, услубий рисолалар, тавсиялар ҳамда илмий-услубий ва умумлаштирувчи мақолалар тайёрлаб, уларни амалиётга татбиқ этиш чораларини излаб топаётганлиги эътиборга лойиқ деб ўйлаймиз. Сўнгги 2-3 йил давомида Жиззах давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари томонидан 30 дан ортиқ ўқув услубий қўлланма, 120 га яқин илмий-услубий мақолалар чоп этилди. Педагогика институтларида иқтидорли ва ижодкор ёшлар фаолияти ҳам анча жонланганлиги сўнгги йиллардаги муҳим ютуқлардан бири сифатида кўрсатиб ўтилиши мумкин. Ҳар йилдаги каби бу йил ҳам педагогика институтимиз профессор-ўқитувчилари ва талабалари республика ва вилоят миқёсидаги ҳамда халқаро миқёсда ўтказилган кўплаб илмий-услубий анжуманларда фаол иштирок этганликлари ҳам улар олиб бораётган илмий-тадқиқот ишларининг кўлами ва шакллари ранг-баранг бўлганлигидан далолат беради. Биргина ўтган ўқув йилида Жиззах давлат педагогика институтининг илмий-педагогика институтининг илмий даражали профессор-ўқитувчилари сони яна 10 нафарга ортганлиги, яъни 3 нафар фан доктори ва 7 нафар номзодлик диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилиниши ҳам миллий дастур талабларига амалий бир жавоб бўлди, дейиш мумкин. Бир неча профессор-ўқитувчиларнинг АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Исроил каби ривожланган давлатларда тажриба алмашиб келиши ҳам муҳим воқеадир. Институтнинг «Интернет» тармоғи билан боғланганлиги ҳам таълим ва ахборот тизими фаолиятини бойитиш имконини туғдиради.

Институтда профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларни ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш мақсадида «Зиёкор» ёрдамчи хўжалиги ташкил қилинган. Бу ёрдамчи хўжаликда пахта, ғалла каби экинлар экилмоқда. Улардан чиққан пахта мойи, ун, буғдой каби маҳсулотлар камтаъминланган ходимлар ва талабаларга тарқатилади. Ундан ташқари, институт маданият саройида талабаларнинг «Истеъдод» театр гуруҳи, эстрада ва мақомчилар гуруҳи томонидан қўйилаётган театр томошалари ва концертларидан тушган маблағлар ҳисобидан ҳам талабаларга моддий ёрдамлар берилмоқда.

Ижтимоий-маданий ривожланиш муаммоларини бевосита оқилона меҳнат ва маънавий-мафкуравий тадбирлар билан бирга қўшиб олиб бориш, бизнингча, яна бир жиҳати билан муҳим: бу тадбирлар ёшларимиздаги маънавий-интеллектуал салоҳиятни юзага чиқариш ва уларга фикр-қарашларини эркин ва ижодий тарзда ифодалашга ҳам имкон туғдирадики, бу ҳам ҳозирги истиқлол ғоясини улар онгига сингдиришдек ғоят масъулиятли ва фахрли вазифани ҳал этишда муайян аҳамият касб этиши, шубҳасиздир.



Ғофур МУҲАМЕДОВ,
Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти ректори, кимё фанлари доктори, профессор

Шунингдек, институт қошида «Иқтидорли болалар» лицейи ҳам фаолият юритмоқдаки, унда математика, физика, инглиз тили, тарих ва биология фанлари чуқурлаштириб ўргатилади. Лицейда педагогика институтининг 2 нафар профессори, 7 нафар доцент ва 11 нафар олий тоифали ўқитувчилари дарс беришади. Лицейга Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли мураббий Марат Зокиров раҳбарлик қилади. Битирувчи синф ўқувчиларининг 70-80 фоизи Республикамизнинг нуфузли олий ўқув юртларига тест синовларидан юқори балл тўплаб, ўқишга қабул қилинмоқдалар.

ТАНЛАШ ИМКОНИЯТИ БОР

Ҳозирги пайтда институтда 8 та факультет (ўзбек тили ва адабиёти, хорижий тиллар, тарих-ҳуқуқ, кимё-биология, педагогика, физика-математика, касб таълими, жисмоний тарбия), 3 та бўлим (География-иқтисод, педагогика-психология ва мусиқа, қозоқ фанлари) фаолият юритиб келмоқда. Кундузги ва сиртқи бўлимларда 27 миллат вакилларининг ўғил-қизлари 21 та йўналиш бўйича таълим-тарбия олмоқдалар.

Институтда ҳозирги кунда 41 та кафедра, 34 та ўқув лабораторияси, 20 та ихтисослашган кабинет, 8 та ҳозирги замон компьютерлари билан жиҳозланган аудитория, 3 та лингафон кабинети, 3 та ўқув корпуси, 1та 400 ўринли ётоқхона, Маънавият маркази, Маданият саройи, 2 та мажлислар зали, 50 дан зиёд фан тўгараклари, 1 стадион (2та волейбол, 2 та баскетбол, 2 та қўл тўпи, 2 та минифутбол майдончалари), 1 та кутубхона, 4 та ўқув заллари, 50 ўринли профилактория, «Бобур» номли спорт-соғломлаштириш оромгоҳи, 5 та овқатланиш шоҳобчаси (1 та ошхона, 2 та буфет, 2 та бошқа турдаги) фаолият кўрсатиб келмоқда. Ундан ташқари, Республика Тест маркази билан масофадан ўқитиш маркази, Интернет билан боғланиш, Дебат клуби, Ресурс центр клублари (Манбаа маркази-700 дан зиёд адабиёт билан таъминланган) фаолияти йўлга қўйилган.

ЖДПУда 3000 дан ортиқ талаба-ёшларга 14 нафар фан доктори, профессорлар, 120 нафар фан номзодлари, доцентлар, жами 250 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар таълим-тарбия бериб келишмоқда.

2002-2003 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЖДПИга КИРИШ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАРНИНГ ТЎПЛАГАН ЎТИШ БАЛЛАРИ

Факультетлар	КУНДУЗГИ		СИРТҚИ	
	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт
Математика-информатика	117,70	71,0		
Физика-астрономия	92,10	61,80		
Кимё-экология	90,80	62,80		
Биология ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги	113,60	65,10		
География	108,60	72,70		
Тарих	142,10	69,0	151,50	
Тасвирий санъат	120,18	102,42		
Педагогика-психология	112,60	75,40		
Касбий таълим	94,50	61,70	140,10	59,60
Мусиқий таълим	125,10	86,30		
Ўзбек тили ва адабиёти	117,10	58,0	136,50	57,70
Она-тили ва адабиёти (рус)	75,20	68,10		
Чет тили ва адабиёти (рус, ўзбек)	121,90	63,90		
Ҳуқуқ	142,58	56,70	148,10	59,80
Бошланғич таълим	90,30	83,50		56,90
Мактабгача таълим	104,0	83,50		56,90
Жисмоний тарбия (рус)	114,50	100,30		71,90
Жисмоний тарбия (ўзбек)	131,40	74,30		
МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМ				
БТУ	74,50	57,40		
Мактабгача таълим	74,30	56,70		

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАРНИ ЭГАЛЛАШИНГИЗ МУМКИН:



Математика ва информатика (кундузги, ўзбек ва қозоқ гуруҳлари)
Физика ва астрономия (кундузги)
Кимё ва экология (кундузги)
Биология ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги (кундузги)
География ва иқтисодий билим асослари (кундузги)
Тарих (кундузги ва сиртқи)
Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси (кундузги)
Педагогика ва психология (кундузги)
Касбий таълим (соҳалари бўйича кундузги ва сиртқи)
Мусиқий таълим (кундузги)
Ўзбек тили ва адабиёти (кундузги ва сиртқи)
Рус тили ва адабиёти (кундузги)
Чет тили ва адабиёти (инглиз тили) (кундузги, рус ва ўзбек гуруҳлари)
Ҳуқуқ, маънавият асослари ва миллий истиқлол ғояси (кундузги ва сиртқи)
Бошланғич таълим ва тарбиявий иш (кундузги ва сиртқи. Ўзбек ва қозоқ гуруҳлари)
Мактабгача таълим (кундузги ва сиртқи)
Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият (Кундузги ва сиртқи. Ўзбек, рус гуруҳлари)
Махсус сиртқи бўлимда бакалавр тайёрлаш бўйича:
а) бошланғич таълим ва тарбиявий иш;
б) мактабгача таълим

МАНЗИЛ: 708000, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шоҳ кўчаси, 4. Тел.: (372-22) 6-13-57 Факс: (372-22) 6-59-94

ҚИЗИЛҚУМДАГИ ТАРАҚҚИЁТ ЎЧОҒИ

1995 йилда ташкил этилган Навоий давлат кончилик институти фаолиятининг асосий вазифаси республика кон металлургия саноатининг устувор соҳалари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш, шу соҳани ривожлантириш, илмий таҳлил қилиш ҳамда жаҳон фани ва технологиясининг энг замонавий ютуқлари негизида янги илғор технологияларни яратиш ҳамда уларни мамлакатимизнинг муайян геологик ва иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалиётга жорий этишдир. Кадрлар тайёрлашнинг сифатини ошириш мақсадида фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш орасида узвий боғлиқлик ташкил этилган ва 2500 нафарга яқин талабага эга бўлган институтда ўқиш дуал тизими асосида амалга оширилаётган бўлиб, йирик корхоналарда институт кафедраларининг филиаллари ҳам фаолият юритмоқда .

Олий таълим муассасамизда «Кончилик» ва «Металлургия» ихтисосликлари бўйича аспирантура ҳам очилган бўлиб, номзодлик диссертациялари ҳимоясини ўтказувчи ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатмоқда. Мазкур кенгашнинг иш фаолияти даврида 5 та номзодлик ва 2 та докторлик диссертациялари муваффақиятли ёқланди.

Талабаларнинг замон талаблари даражасида таълим олишлари учун институтимизда компьютерлар билан жиҳозланган 120 ўринга мўлжалланган 2 та залдан иборат кутубхона ҳам ишлаб турибди. Шунингдек, Олмалиқ ва Зарафшон шаҳарларидаги факультетлар ҳамда талабалар уйида тармоқ кутубхоналари ташкил этилган бўлиб, кутубхонанинг умумий фонди — 67632 та китобдан иборат. Мавжуд электрон адабиётлар сони эса 140 та. Кутубхонадаги компьютер марказида 10 та компьютер магистр ва талабалар учун хизмат кўрсатаётир.

Навоий давлат кончилик институти ҳузуридаги лицей-интернат Навоий ва унга қўшни бўлган вилоятларда яшовчи 9-синф маълумотига эга бўлган ўқувчиларга ҳар томонлама қобилияти ҳамда ижодий иқтидорини намоён қилишга шароит яратиб берувчи, юқори даражали дастурлар бўйича сифатли ўқитишни таъминловчи ихтисослаштирилган махсус умумтаълим ўқув юрти ҳисобланади. Лицей-интернат 250 нафардан ортиқ ўқувчига мўлжалланган бўлиб, унда ўқиш муддати 3 йил. Ўқувчилар таълимнинг бу босқичида математика, физика, информатика, она-тили ва адабиёти, чет тили, кимё-биолоґия каби фанларни чуқур ўрганиб, етуклик шаҳодатномасига эга бўладилар. Лицей-интернатда лаборатория хоналари, чет тилларини ўрганиш учун лингафон кабинети, локал тармоқда ишлайдиган компьютер синфлари ўқитиш жараёнини талаб даражасида йўлга қўйишга имкон бермоқда.



Баҳодир РАИМЖОНОВ, Навоий давлат кончилик институти ректори, техника фанлари доктори, профессор

Chorlov

Институтимиз хорижий давлатлар олий таълим муассасалари билан ҳам алоқа қилиб келаяпти. Жумладан, ўқув ҳамда илмий соҳаларда кенг кооперацияни амалга ошириш мақсадида Москва Давлат кончилик институти, Москва Давлат пўлат ва қотишмалар институти, Москва геология қидирув университети, Украина миллий кончилик университети, Россия Федерацияси кимёвий технологиялар ва ноорганик материаллар бўйича илмий марказлар ва Россия ФАнинг Сибирь бўлими қошидаги ҳисоблаш технологиялари институти ҳамда Томск политехника университети билан тузилган шартномалар асосида ҳамкорлик қилинмоқда. Шу билан бирга институт халқаро «ТЕМПУС-ТАСИС» дастурининг Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи олий ўқув юртларида масофадан туриб ўқитиш лойиҳасида Германия, Голландия университетлари билан ҳамкорликда иштирок этиб келаётир. Талабаларга сифатли таълим беришда олий таълим муассасамиз профессор-ўқитувчиларидан 12 нафарининг «Устоз» жамғармаси совриндорлари сифатида бир қатор хорижий давлатларда ўз малакаларини ошириб келгани анчайин қўл келмоқда.

Институт ходимлари ва талабаларининг мазмунли дам олишлари учун ҳам имкониятлар яратилган. Чунончи, уларнинг Навоий кон металлургия комбинатига қарашли замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган профилактория ва поликлиникасида дам олиш ва даволанишлари йўлга қўйилган. Бундан ташқари, теннис кортлари, волейбол, баскетбол майдонлари талабаларнинг ҳар томонлама жисмонан соғлом бўлишлари учун хизмат қилмоқда. Барча қулайликларга эга бўлган талабалар уйи эса 4 қаватли бинодан иборат бўлиб, у 240 ўринга эга. Ундаги 500 та китоб фондига эга кутубхона, компьютер маркази ва «Маънавият ва маърифат» хоналари ҳам талабалар хизматида.

Институт томонидан Республикада ягона бўлган «Ўзбекистон кончилик хабарномаси» журнали нашрдан чиқарилаётганини ҳам таъкидлаш ўринлидир. Олий таълим муассасамизда мамлакатимиз ижтимоий иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари дастурига киритилган долзарб илмий муаммоларни ўз ичига олган давлат бюджети ҳисобидан йилига 10 миллион сўм ҳажмдаги илмий тадқиқот ишлари ҳамда бир неча йирик корхоналар билан 12 миллион сўмлик хўжалик шартномалари асосида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Илмий тадқиқот ишларига аспирант, магистр ва бакалаврларнинг кенг жалб қилиниши натижасида «Фойдали қазилмаларни очиқ усулда қазиб олиш», «Фойдали қазилмаларни ер ости усулида қазиб олиш» соҳалари бўйича илмий мактаб вужудга келди. Илмий изланишлар натижасида ҳозирги кунда улар томонидан чет эллар ва республикамиз марказий журналларида 100 дан ортиқ илмий мақолалар ҳамда рисолалар чоп этилиб, 20 дан ортиқ патентга эга бўлинди. Мазкур илмий мактаб ташаббуси билан магистрлар ва иқтидорли талабаларни бирлаштириш, уларнинг куч-ғайрат ва билимларини муносиб ишларга жалб қилиб, интеллектуал билимларини тўлатўкис намоён қилиш мақсадида «Магистрлар ва иқтидорли талабалар жамияти» ҳам фаолият юритмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Навоий давлат кончилик институти фаолияти мамлакатимиз иқтисодини янада кўтаришга хизмат қиладиган муносиб мутахассисларни тайёрлаб беришга қаратилган.

Навоий давлат кончилик институти факультетлари

Факультетлар	Кафедралар	Илмий — педагогик салоҳияти	Факультетлар манзили
Кончилик	Кончилик ишлари, Меҳнатни муҳофаза қилиш, Кон электромеханикаси, Информатика, Ўзбек ва чет тиллари, Жисмоний тарбия	2 нафар профессор, фан доктори, 12 нафар доцент, фан номзоди	Навоий шаҳри
Кимё-металлургия	Кимё ва кимёвий технология, Металлургия, Ижтимоий фанлар, Иқтисод ва менежмент, Олий математика	4 нафар профессор, фан доктори, 12 нафар доцент, фан номзоди	Навоий шаҳри
Энергомеханика	Технологик машина ва ускуналар, Умумтехника фанлари, Амалий механика, Умумий физика, Электр таъминоти,Педагогика	4 нафар доцент, фан номзоди	Навоий шаҳри
Зарафшон умумтехника факультети	Гуманитар фанлар, Табиий ва умумтехника фанлари	1 нафар профессор, фан доктори, 4 нафар фан номзоди	Зарафшон шаҳри
Олмалиқ конметаллургия факультети	Умумтехника фанлари, Ижтимоий фанлар	4 нафар фан номзоди, доцент	Олмалиқ шаҳри

Навоий давлат кончилик институтида қуйидаги таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрланади:


Касбий таълим (Менежмент)
Касбий таълим (Кончилик иши)
Менежмент
Электроэнергет..ка
Металлургия
Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш
Кимёвий технология
Кончилик ишлари
Автоматлаш ва бошқарув
Кончилик электромеханикаси

2002-2003 ЎҚУВ ЙИЛИДА НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИГА КИРИШ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАРНИНГ ТЎПЛАГАН ЎТИШ БАЛЛАРИ

Кончилик ишлари	136,7	Машинасозлик технологияси жиҳозлари ва машинасозлик ишлаб чиқаришни автоматлаштириш	135,4
Металлургия	97,6		
Кон-электромеханикаси	126,2	Автоматлаштириш ва бошқарув	117,8
Кимёвий технология ва биотехнология	97,6	Касбий тайёргарлик (Менежмент)	90,9
Менежмент	152,9	Касбий тайёргарлик (Кончилик ишлари)	120,8
Электроэнергетика	126,2		


НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

Бўлажак абитуриентларни мамлакатимизнинг яловбардор соҳасига етук мутахассис бўлиб етишишларида мукаммал билим олишга даъват этамиз!



Манзил:
Навоий шаҳри,
Навоий кўчаси, 51.
Телефон:
(436) 224-82-05.
Факс: 224-90-41.

НУРЛИ ИСТИҚБОЛ САРИ



Равшан РАҲМОНОВ,
Навоий давлат педагогика институти ректори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими

Навоий давлат педагогика институт 1983 йил сентябрида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти негизида филиал сифатида ташкил этилган бўлиб, дастлаб у Навоий шаҳридаги 8-ўрта мактаб биносининг 2 та хонасида 1 нафар ўқитувчи билан иш фаолиятини бошлаган. Ўша йили институтга фақат 5 йўналиш бўйича таълимнинг кундузги, сиртқи, кечки шаклларига 277 талаба қабул қилинган эди.

Мамлакатимиз раҳбарининг 1992 йил 28 февралдаги Фармонига мувофиқ 1992 йилнинг 15 мартидан Навоий давлат педагогика институти мустақил институт мақомини олди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, институтда мутахассисларни тайёрлаш ҳар доим вилоят таълим муассасалари эҳтиёжлари асосида амалга оширилади. Шу мақсадда вилоят ҳокимлиги, таълимнинг бошқарув органлари билан талабалар ҳар йили аниқ ҳисоб-китоб қилинади ва асосланган таклиф-режа тегишли ҳукумат идораларига тақдим этилади.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида узлуксиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда ривожлантириш масаласи ҳар бир олий ўқув юртининг асосий ва долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Навоий давлат педагогика институти жамоаси ҳам таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида миллий дастурни рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида муайян муваффақиятларни қўлга киритиб, дастур ижросининг иккинчи босқичида ҳам ижобий ишларни амалга оширишни ўзининг шарафли бурчи деб ҳисоблайди. Яъни: — Миллий дастурни рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиш ва реал ҳудудий ҳамда демографик шароитни ҳисобга олиб, институт базасида таълим йўналишлари нафақат ўзбек тилида, балки рус, қозоқ тилларида олиб бориладиган таълим йўналишларида тайёрланадиган мутахассисларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, шунингдек, мутахассислар тайёрлашда бошқа давлат таълим технологияларини ўрганиш ва уларнинг оптимал вариантларини таълим жараёнига татбиқ этиш масаласини ҳал қилиш институт ҳар бир профессор-ўқитувчисининг муқаддас бурчи ҳисобланмоғи даркор;

— таълимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, институтнинг замонавий ўқув биносини қуриб ишга тушириш чора- тадбирларини кўриш, таълим жараёнларида мавжуд ахборот технологияларидан максимал фойдаланиш ва уларнинг базасини янада кенгайтиришни амалга ошириш, ўқув жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари билан таъминлаш зарур. Ўқув адабиётларига қўшимча услубий қўлланма, тавсия, маъруза матнлари, кўргазмали воситаларни институтимиз профессор-ўқитувчилари кучи билан ёзиш аниқ режалар асосида олиб борилади. Таълим жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш бўйича профессор-ўқитувчиларимизнинг республикамиздаги таянч олий ўқув юртларида сифатли ва мазмунли тарзда малака оширишларини ташкил этиш, шунингдек, профессор-ўқитувчилар таркибидан бир қисмини хорижда стажировкадан ўтишларини уюштириш зарур бўлади;

—институтда талабалар онги ва тафаккурига миллий истиқлол ғоясини сингдириш мақсадида ижтимоий йўналишдаги фанларни ўқитиш самарадорлигини ошириш ҳамда талабалар ижодий фаоллигини оширадиган жамиятлар, жамғармалар ташкил этишда таянч ўқув юртлари тажрибасидан имконият даражасида фойдаланиш ҳам долзарб вазифамиздир. Юқорида қайд қилинган устувор вазифаларни бажаришда барча имкониятлар тўлиқ ишга солинади.

ИНСТИТУТНИНГ ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИ

1992 йилда институтда 3 та факультет, 15 та кафедра мавжуд бўлиб, 8 та таълим йўналишида олий маълумотли педагоглар тайёрланган.

Кейинги йилларда олий маълумотли педагогларга бўлган эҳтиёжлардан келиб чиқиб, кимё ва экология, биология ва ҳаётий фаолият муҳофазаси, физика ва астрономия, миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият, жисмоний тарбия, мусиқий таълим йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлашга киришилди.

2003 йилда факультетлар сони 7 тага, кафедралар сони 25 тага етди. Институтда таълим 15 та бакалавриат йўналишлари кундузги ва сиртқи шаклларида ўзбек, қозоқ ва рус тилларида олиб борилмоқда; 3 та магистрлик ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилган; 2003 йил 10 март ҳолатига кўра талабалар сони 5200 дан ортиқни ташкил этди. Институт қошида 2 мутахассислик бўйича аспирантура ҳам мавжуд.

1992 йилга қадар институтда профессор-ўқитувчилар 145 нафарни, шундан бир нафари фан доктори ва 24 нафарини фан номзодлари ташкил қилган бўлса, 2002-2003 ўқув йилида профессор-ўқитувчилар сони 308 нафарга етиб, шундан 15 нафари фан доктори ва профессорлар, 58 нафари фан номзодлари ва доцентлардир.

Ўтган йиллар давомида институт моддий-техника базаси мустаҳкамланди. 1992 йилда жами 1 та компьютер синфи мавжуд бўлган бўлса, 2002-2003 ўқув йилида ўқув жараёнида бевосита фойдаланиладиган замонавий компьютер синфлари 10 та, персонал компьютерлар сони 40 тани ташкил этди; Интернет алоқа тизими орқали ахборот алмашинуви учун махсус хона жиҳозланган. Масофадан ўқитиш учун ҳам махсус хона жиҳозланган бўлиб, унда 30 та компьютер ўрнатилган ҳамда ДТМ билан умумий ўрта таълим мактаблари битирувчилари учун тест синовлари ўтказиш, ўқитувчиларни аттестациядан ўтказишда ундан кенг фойдаланилмоқда.

Сўнгги уч йилда институтда 13 та махсус ўқув лабораториялари, кафедралар қошида 20 дан ортиқ фан кабинетлари жиҳозланди. Умумий физика кафедраси қошидаги «Электр», «Оптика», кимё кафедраси ҳузуридаги «Анорганик кимё», ўзбек адабиёти ҳузуридаги «Ўзбек халқ оғзаки ижоди», бошланғич таълим методикаси кафедраси қошидаги «Математика ўқитиш методикаси», умумий биология кафедраси ёнида ташкил этилган «Экология» кабинетлари, инглиз тили кафедраси ҳузурида ташкил этилган «Инглиз тили маркази» фаолиятини эътироф этиш ўринлидир.

Маълумки, таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг амалга ошишида таълим мазмунининг янгиланиши бош ва етакчи омиллардан бири ҳисобланади. Таълим мазмуни эса Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган олий таълим давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ҳамда таянч олий ўқув юртларида тайёрланган ўқув фанлари бўйича намунавий дастурлар, янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа адабиётларда акс этган. Институтнинг барча бўлимлари Давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари билан таъминланган бўлиб, улар асосида ишчи ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқилган ҳамда ўқув жараёнида қўлланилмоқда. Шунингдек, барча ўқув фанлари бўйича намунавий дастурлар таянч олий ўқув юртлари, асосан Низомий номидаги ТДПУдан олиб келинди ва ундан кенг фойдаланилмоқда.

Ўқув жараёнини ташкил қилиш, таълим сифатини мунтазам яхшилаб бориш, профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини оширишда институтнинг ички имкониятларидан кенг фойдаланилади. Ҳар бир таълим йўналишида фанларнинг ўқитилиши, янги педагогик технологияларнинг ўқув жараёнида қўлланилиши институт ўқув-методик комиссияси, махсус текширув комиссиялари томонидан мунтазам ўрганилиб, хулосалар Илмий кенгаш, институт методик комиссияси йиғилишлари, кафедра мажлисларида муҳокама қилиб борилади. Тўпланган маълумотлар мониторинг бўлимига топширилади ва мазкур бўлим етакчи мутахассисларни жалб қилган ҳолда уларни таҳлил қилади, таълим жараёни сифатини таъминлаш, ўқитишни ташкил қилишни такомиллаштириш бўйича таклифни ишлаб чиқади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Навоий давлат педагогика институти Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш, замонавий талабларга жавоб берувчи педагог кадрларни тайёрлашда ўз тажрибаси ва анъаналарига эга. Институтда ўз соҳасининг билимдонлари, фидойи олимлар, тажрибали педагоглар билан бир қаторда иқтидорли, билими, куч-ғайратини илм-фан, таълим-тарбияга бағишлаган шижоатли ёшлар фаолият кўрсатади. Улар институтнинг истиқболига ишонадилар.

2002–2003 ЎҚУВ ЙИЛИДА НавДПИга КИРИШ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАРНИНГ ТЎПЛАГАН ЎТИШ БАЛЛАРИ

Таълим йўналиши	ўтиш бали
Математика	130,2
Физика	95,4
Кимё	113,2
Биология	121,6
География	106,8
Ўзбек филологияси: ўзбек тили ва адабиёти	113,3
Фалсафа	139,7
Бошланғич таълим ва тарбиявий иш	85,5
Педагогика ва психология	88,1
Инглиз тили	118,8
Тарих	128,3
Мусиқий таълим	127,1
Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият	137,4
Математика (рус гуруҳи)	78,3
Физика (рус гуруҳи)	80,5
Рус филологияси: рус тили ва адабиёти	75,2
Бошланғич таълим ва тарбиявий иш (рус гуруҳи)	77,4
Инглиз тили (рус гуруҳи)	92,0
Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият (рус гуруҳи)	138,3
Қозоқ тили ва адабиёти	117,5
Математика (қозоқ гуруҳи)	141
Бошланғич таълим ва тарбиявий иш (қозоқ гуруҳи)	152,1

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:

- *Математика*
- *Физика*
- *Кимё*
- *Биология*
- *География*
- *Ўзбек тили ва адабиёти*
- *Бошланғич таълим ва тарбиявий иш*
- *Педагогика ва психология*
- *Инглиз тили*
- *Тарих*
- *Мусиқий таълим*
- *Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият*
- *Рус тили ва адабиёти*
- *Қозоқ тили ва адабиёти*



Манзил: Навоий шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 45
Тел./факс: (436) 225-19-30



**Азат МАТЧАНОВ,
Нукус давлат
педагогика
институти ректори,
биология
фанлари доктори,
профессор**

САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНИЯТ ЕТАРЛИ

Институтимиз жамоаси томонидан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичини амалга ошириш бўйича иш режаси ишлаб чиқилиб, институт Илмий кенгашида тасдиқланди.

Республикани етук кадрлар билан таъминлашни ривожлантириш мақсадида 2002-2003 ўқув йилида магистратура ташкил қилинди. Унда 3 та мутахассислик бўйича магистрантлар таҳсил олишмоқда.

2001-2002 ўқув йилида 2 электрон-кутубхона ташкил қилиниб, у замонавий жиҳозлар ва техника воситалари билан тўлиқ жиҳозланди. Кутубхонага 25 та видеофильм ва 40 дан ортиқ CD компакт-дисклар олинган бўлиб, улардан институт профессор-ўқитувчилари дарсларни замонавий услубда ўтишда унумли фойдаланишмоқда.

ДТМ билан тўғридан-тўғри боғланган «Масофавий таълим» тармоғи ишлаб турибди. Интернетда институт WEB саҳифаси очилган.

EIFL халқаро дастури бўйича «СОРОС-Очиқ жамият институти» томонидан 46 компакт-дискдан иборат «EBSCO publishing» тўлиқ текстли 5000 дан ортиқ журнал мақолалари олинди. Кутубхонада «SOROS», «PERDCA» ва бошқа халқаро жамғармалар орқали чет эллардан келтирилган инглиз ва рус тилларидаги адабиётларнинг каталоги тузилган.

Chorlov

«Устоз» фонди орқали профессор-ўқитувчиларимиз Канада, Буюк Британия, АҚШ, Исроил, Россия каби ривожланган давлатларда малака ошириб қайтдилар. 2002 йили 2 нафар профессор-ўқитувчи «Устоз» жамғармаси совриндори сифатида Москва Давлат университетида илмий сафарда бўлди, 2 нафар инглиз тили ўқитувчилари АКСЕЛСнинг «Партнеры в образовании США-Ўзбекистон» дастури ғолиби сифатида АҚШда 7 ҳафта давомида малакасини ошириш учун тайёргарлик кўрмоқда.

2000-2002 йиллари давлат бюджети ҳисобидан 3 лойиҳа бўйича умумий нархи 6.392.000 сўмлик илмий-тадқиқот ишлари бажарилган бўлса, 2003 йилда Фан ва технологиялар марказининг фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишлари танловида 8 лойиҳа ютиб чиқиб, ҳар йилига 21 млн. сўмлик грант соҳиби бўлди.

Институт ҳузуридаги 15 минг ўринли «Турон» стадиони, янги қишки «Спорт саройи», спорт майдончалари, тренажер зали «жисмоний тарбия» йўналиши бўйича спорт машқлари ва дарсларнинг самарали ўтиши учун ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

2-3 курс талабаларидан 30 та талаба иқтидорли ҳисобланиб, алоҳида қўшимча дастур ва жадвал бўйича таълим оладилар.

2001-2002 ўқув йили 22 нафар талаба Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши стипендияси совриндори бўлди, 2002-2003 ўқув йилида 4 та талаба Беруний, Улуғбек ва Навоий номидаги Давлат стипендияси совриндорлари бўлди.

Нукус давлат педагогика институти мамлакатимиз таълим тизимини малакали кадрлар билан таъминлашда ўзига хос ўринга эга. Эндиги мақсадимиз фаолиятимизни янги сифат босқичига кўтаришдир. Бунинг учун бизда салоҳият ҳам, имконият ҳам етарли.

ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Институтда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича кундузги бўлимда 11 та ва сиртқи бўлим факультетлари фаолият кўрсатади.

- **Қорақалпоқ тили ва адабиёти**
- **Филология**
- **Рус-инглиз филологияси**
- **Мактабгача тарбия**
- **Бошланғич таълим услубиёти**
- **Муҳандис-педагогика**
- **Жисмоний тарбия**
- **Мусиқа, чизмачилик ва тасвирий санъат**
- **Тарих-география**
- **Математика-информатика**
- **Табиатшунослик**
- **Сиртқи бўлим**

Институтнинг ўқув-тарбия ишларига қуйидаги муассасалар ва ташкилотлар яқиндан ёрдам беради:

1. **Илмий талабалар жамоати**
2. **Ички назорат гуруҳи**
3. **Кўп тиражли «Қарақалпақстан муғаллими» журнали редакцияси**
4. **Ётоқхона**
5. **Спорт зали**
6. **Тўламли курслар**
7. **«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати**
8. **Касаба уюшмаси**
9. **Сиҳат-саломатлик пункти**
10. **Ўқув-экспериментал база**
11. **Кийим тикиш устахонаси**
12. **Пойафзал устахонаси**
13. **«Алпомиш» оромгоҳи**
14. **Сартарошхона**

Институт физика, касбий таълим, биология, химия йўналишлари бўйича 21 ўқув лабораторияларига, ёғоч, темир ва тикувчилик устахоналарига, тажриба ишлаб чиқариш ва археология майдончасига эга. Физика лабораториялари учун 2001 йили нархи 2,5 млн сўмлик, 2003 йили кимё лабораториялари учун нархи 1,5 млн сўмлик янги ўқув-лаборатория ускуналари олинди. Физиология фан кабинетида 150дан ортиқ ҳайвон ва қушларнинг муляжлари, ботаника фан кабинетида 1200дан ортиқ гербарийлар мавжуд. «Тасвирий санъат», «соз асбоблари» йўналишлари бўйича махсус ўқув кабинетлари, чет тилларни ўргатиш бўйича лингафон-кабинетлари мавжуд.

Институт «Ахборот технологиялари маркази»да электрон дарслик яратиш учун 4 сканер, 3 нусха кўчириш аппаратлари, рақамли фотоаппарат, ризограф билан электрон дарслик, ўқув, услубий қўлланмалар ёзиш каби ишлар амалга оширилмоқда. Институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун «Интернет асослари ва электрон почта» бўйича 36 соатлик курслар ташкил қилинган.

2002 йили профессор-ўқитувчилар томонидан 8 та дарслик, 5 та ўқув қўлланма, 8 та монография ва 208 илмий мақола нашр қилинган.

НДПИда студент ёшларнинг «Тўмарис» ансамбли фаолият кўрсатмоқда. 2001 йилда институт ходими М.Утемуратов, 2002 йили 2-курс талабаси Д.Бекимбетова Республика ёш эстрада хонандалари «Ниҳол» мукофоти совриндори бўлди.

Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институти



**Бўлажак абитуриентлар!
Биз Сизларни институтимизда
таҳсил олишга чорлаймиз!
Баркамол авлодни тарбиялашдек савобли
касбни эгаллашга марҳамат қилинг!**

Институтда 19 йўналиш бўйича бакалаврлар тайёрланмоқда. Кундузги таълим шаклида 3584, сиртқи таълим шаклида 1249, махсус сиртқи таълим шаклида 92, жами 4925 нафар талаба таҳсил олади. Уларга институт ҳузуридаги 34 кафедрада 1 академик, 17 фан доктори — профессор, 111 фан номзодлари, жами 422 профессор-ўқитувчи дарс бермоқда.

**Манзилимиз: Нукус шаҳри,
А.Дўстназаров кўчаси, 104-уй
Тел.: 222-6503, 222-6510
Факс: 222-6546, 222-1861
e-mail: nmpi@online.ru,ndpi@online.ru**

2002-2003 ЎҚУВ ЙИЛИДА НукусДПИга КИРИШ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАРНИНГ ТЎПЛАГАН ЎТИШ БАЛЛАРИ

Таълим йўналиши	Ўтиш бали
Математика ва информатика	155,7
Физика ва астрономия (касбий таълим)	153,6
Кимё ва экология	122,7
Биология ва инсон ҳаёти фаолияти хавфсизлиги	129,3
География ва иқтисодий билим асослари	132,6
Ўзбек филологияси; ўзбек тили ва адабиёти	78,5
Ҳуқуқ маънавият асослари ва миллий истиқлол ғоялари	163,7
Бошланғич таълим ва тарбиявий иш	106,3
Педагогика ва психология	122,4
Роман-герман филологияси (инглиз тили)	141,4
Тарих	130,6
Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият	133,8
Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	124,66
Рус филологияси; рус тили ва адабиёти	141,4
Қорақалпоқ тили ва адабиёти (рус гуруҳи)	122,2
Мусиқий таълим (рус гуруҳи)	117,0
Қозоқ тили ва адабиёти	126,1

ҚУРИЛИШ СОҲАСИ УСТАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН МАСКАН

Кейинги пайтда институтимизда Ўзбекистон халқ хўжалиги эҳтиёжларидан келиб чиқиб ҳамда замонавий технологик жараёнларни таъминлайдиган мутахассисларни тайёрлаш учун бир қатор янги таълим йўналишлари очилди. Булар жумласига «Касбий педагогик тайёргарлик (қурилиш ва санъатшунослик)», «Геодезия, картография ва кадастр», «Ер тузиш ва ер кадастри», «Атроф-муҳит муҳофазаси» таълим йўналишлари киради.

Президентимизнинг СамКОЧАВТО ўзбек-турк қўшма корхонаси очилишидаги қўйган талабларидан келиб чиқиб «Машинасозлик технологияси, машинасозлик жиҳозлари ва автоматлаш» таълим йўналиши очилди.

Маълумки, дунёда бугунги кунда турли ташқи экст ремал ноқулайлик ва тазйиқларни бартараф этиш хизматлари тузилган. Шуни назарда тутиб биз ҳам «Ҳаётий фаолият хавфсизлиги» таълим йўналишини очдик. Талабаларимиздан ҳар йили 60 нафари ҳарбий қурувчи зобитлик таълимидан қўшимча таълим олмоқда.

Институтда жуда катта илмий потенциал тўпланганлиги туфайли илмий тадқиқот ишларини жадаллаштиришга имкон туғилди. Илмий тадқиқотларни ўтказиш учун ишлаб чиқариш полигони, 7 та илмий лаборатория, лойиҳа-тадқиқот устахонаси мавжуд.

Институтда бугунги кунда 2000 га яқин талаба мавжуд бўлиб, шундан 150 нафари иқтидорли талабалардир. Ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватловчи «Умид» жамғармаси орқали 6 нафар талабамиз чет элда таҳсил олишмоқда. Иқтидорли талабалар ва аспирантларимиздан Президент ва Давлат стипендияси совриндорлари ҳам бор.

Профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг оммавий спорт билан шуғулланишлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Жумладан, 3 та спорт зали, 3 та спорт майдонлари, сув спорти комплекси мавжуд. Булардан ташқари, янги футбол майдони ҳамда катта теннис корти яратиш ишлари бошлаб юборилган.

Институтда талабалар, профессор-ўқитувчилар ва бошқа ходимлар даволаниши ҳамда дам олишлари учун 100 ўринли профилакторий, 3 ўринли тиббий пункт ва Самарқанд тумани Миронқул қишлоғида жойлашган 120 ўринли ёзги дам

Chorlov

олиш масканлари мавжуд. Институт профилакторийсида 8 хил даволаниш хизматлари кўрсатилади. Институтда 584 ўринли 2 та талабалар уйи мавжуд. Шундан 245 ўринли 3-талабалар уйи 2001 йилда капитал таъмирлашдан тўлиқ чиқарилди.

Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида 1999 йилда ЮНЕСКО ташаббуси билан «Тарихий марказларни сақлаш ва бошқариш» номли ЮНЕСКО қўшма кафедраси ташкил этилди.

Институт бошқариш тизимини модернизация қилиш доирасида «ТАСИС —ТЕМПУС» лойиҳаларида қатнашиш учун олий ўқув юртларининг Евроиттифоқи халқаро консерциумни



Собир БОБОЕВ, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ректори, техника фанлари доктори, профессор.

ташкиллаштириш ишлари олиб борилмоқда. Инвестиция лойиҳаси Евроиттифоқ комиссиясига топширилган.

Асосий мақсадимиз — келажакда халқ хўжалигига маънавий етук, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлашни давом эттириш, ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш ҳамда узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштиришни янада кучайтиришдир.

Ҳозирги кунда институтда 6 та факультет («Архитектура», «Қурилиш», «Иқтисодиёт», «Инженерлик—қурилиш ва экология», «Касбий педагогика», «Машинасозлик технологияси ва кадастр»), 33 кафедра фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунга қадар институтимиз халқ хўжалиги учун 20000 нафардан зиёд мутахассислар тайёрлаган.

Бугунги кунда институтда бир нафар Ўзбекистон Республикаси ФА академиги, 21 нафар фан докторлари ва профессорлар, 145 нафар фан номзодлари ва доцентлар фаолият кўрсатишмоқда. Уларнинг орасида «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонларига эга бўлган профессор-ўқитувчилар бор. Бугунги кунда 14 йўналиш бўйича бакалавриатура, 5 мутахассислик бўйича магистратура, 10 та ихтисослик бўйича аспирантура ва 3 та ихтисослик бўйича докторантура фаолият кўр-сатмоқда ҳамда институт қошидаги 01.02.04-«Деформацияланувчи қаттиқ жисмлар механикаси», 01.02.05-«Суюқлик, газ ва плазма механикаси», 01.02.07-«Сочилувчан жисмлар, грунтлар ва тоғ жинслари механикаси» ихтисосликлари бўйича (техника фанлари) номзодлик диссертацияси ҳимоя қилиш бирлашган ихтисослашган илмий кенгаши фаолият кўрсатмоқда.


Институтдаги мавжуд информацион муҳитни такомиллаштириш ва янги технологияларни жорий этиш мақсадида 70 дан ортиқ компьютерлар ягона тармоққа уланди. Кутубхона, информатика кафедраси ва ўқув бўлимидаги компьютерлар «Интернет» тармоғига уланган ва малакали мутахассисларимиз интернет фанидан талабаларга дарс бериб келишмоқда. Кутубхона қошида илмий-техник ахборот маркази мавжуд бўлиб компьютерлар залидан талабалар ўқув қўлланма ва маъруза матнларидан фойдаланишмоқда. Институтда кўп нусхали «Бунёдкор» газетаси ва «Меъморчилик ва қурилиш муаммолари» илмий-техник журналлар чоп этилмоқда.

Узлуксиз таълим тизимини амалга оширишда институт қошида техник-лицей, лицей-интернат, бизнес мактаб, халқаро бизнес мактаби, иқтисодий таълим минтақавий маркази, малака ошириш факультети ва бошқа қисқа муддатли ўқув курслари фаолият кўрсатмоқда. Узлуксиз таълим тизимини ўқув адабиётлари билан таъминлаш мақсадида профессор-ўқитувчилар томонидан 70 та ўқув адабиётлари тайёрлаш режалаштирилди, шулардан 11 таси касб-ҳунар коллежлари учун мўлжалланган. Ўтган йил давомида 14 та ўқув қўлланма ва 3 та дарслик нашр қилинди. Бундан ташқари 13 та муаллифларнинг дарслик ва ўқув қўлланмалари нашриётга топширилди.

ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ

Бир қатор чет эллик ҳамкорлар билан алоқалар ўрнатилган ва шартномалар имзоланган. Москва давлат муҳандислик қурилиш университети, Волгоград давлат архитектура академияси, Киев муҳандислик қурилиш институти, Карлстат университетлари билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб борилиб, дарсликлар ёзилмоқда, ўқитувчиларимиз ўзаро фикрлар алмашишмоқда ва талабалар амалиётларини ҳам келажакда шу университетларда олиб бориш режалаштирилган. «Устоз» ва бошқа жамғармалар орқали Данияда, Австралияда, 1998 йилда Англиядаги Рейдинг Университетида, 1999 йили Туркияда, 1998 йили Италияда, 2000 йили Малайзиядаги «Интал» ўқув марказида, 2001 йили Францияда, Новосибирск давлат университетида, Швеция Карлстат техника университетида, 2002 йили Корея давлатининг университетларида институтимиз ўқитувчилари малака ошириб келдилар ва томонлар ўртасида шартномалар имзоланди.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ



Институтимиздаги

- ***Архитектура,***
- ***Қурилиш,***
- ***Иқтисодиёт,***
- ***Инженерлик—қурилиш ва экология,***
- ***Касбий педагогика,***
- ***Машинасозлик технологияси ва кадастр***

факультетлари халқ хўжалигининг турли тармоқларига 20000 нафардан зиёд малакали мутахассислар етказиб берди.

Абитуриентлар, қурилиш соҳасининг нозик сир- асрорларини эгалламоқчи бўлсангиз институтимизга мурожаат қилинг!

Манзил: 703047, Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси, 70.
Телефон (3662) 37-15-93, 37-19-53.
Факс (3662) 31-04-52.

2002-2003 ўқув йилида Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институтига кириш учун абитуриентларнинг тўплаган ўтиш баллари

Таълим йўналиши	Ўтиш бали грант	контракт
Математика	191	148,2
Иқтисодиёт	187,3	163,3
Касбий таълим: техника соҳаси	186,3	143,2
Геология	189,9	118
Ер усти транспорт тизимлари	185,2	155,5
Дизайн, ёнғинга қарши кураш	176,5	137,5
Архитектура	185,2	90,4
Касбий таълим: санъат ва маданият	139	115,8
Математика (рус гуруҳи)	172	85,8
Иқтисодиёт (рус гуруҳи)	212	157,4
Касбий таълим: техника соҳаси (рус гуруҳи)	114,7	90,6
Геология (рус гуруҳи)	177,7	99,9
Ер усти транспорт тизимлари (рус гуруҳи)	126,7	81,2
Дизайн, ёнғинга қарши кураш (рус гуруҳи)	150,6	134,3
Архитектура (рус гуруҳи)	158,1	122,9
Касбий таълим: санъат ва маданият (рус гуруҳи)	125,9	87,4


СИФАТЛИ ТАЪЛИМ: ЕТУК МУТАХАССИС

Институтда 8 та таълим йўналиши мавжуд бўлиб, улар 3 та факультетга (иқтисодиёт, молия ва кредит, бизнес) бирлаштирилган. Бундан ташқари, таълим муассасасида кадрлар малакасини ошириш факультети ҳам фаолият юритмоқда.

Самарқанд кооператив институти мамлакатимизнинг Зарафшон минтақасидаги ягона иқтисодий технологик соҳадаги олий ўқув даргоҳи ҳисобланади. Ҳозирги кунда институтда 118 нафар профессор-ўқитувчи, шу жумладан, бир нафар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси аъзоси, 15 нафар профессор, 25 нафар доцент талабаларга билим бериб келишмоқда.

Институтимиз жамоаси мустақиллик йилларида бозор иқтисодиётига мос, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи, юқори касбий малакага эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш мақсадида ташкилий, ўқув-илмий, маънавий-маърифий ҳамда моддий-техник, ўқув-услубий таъминот ишларини тубдан ўзгартирди. Яъни мутахассисликлар қайтадан кўриб чиқилиб, янги, бозор иқтисодиётига мос олий маълумотли кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ҳозирги кунда институтда «Иқтисодиёт», «Менежмент», «Маркетинг», «Молия», «Бизнес», «Касб таълими» (иқтисодиёт), «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит», «Озиқ-овқат технологияси» йўналишлари бўйича юқори малакали бакалаврлар тайёрланмоқда. 2001 йилдан бошлаб, «Маркетинг», «Товаршунослик ва товарларнинг тижорат экспертизаси», «Консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси», «Умумий овқатланишни ташкил этиш ва унинг технологияси», 2002 йилдан «Тармоқлар иқтисодиёти», «Молия, пул муомаласи ва кредит» мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрлашга киришилди. Яъни таълим муассасамизда «Менежмент», «Молия, пул муомаласи ва кредит», «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит», «Маркетинг» ва «Озиқ-овқат саноати жараёнлари, машина ва агрегатлар» каби ихтисосликлари бўйича магистратура бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, институтда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга кенг имкониятлар яратилган бўлиб, 25 нафардан ортиқ аспирант-тадқиқотчилар илмий фаолият билан шуғулланаяпти. Бир сўз билан айтганда, институтда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими барпо этилган. Шунингдек, мазкур таълим муассасаси қошида иккита лицей, бизнес-мактаб, халқаро менежмент ўқитиш маркази, кичик бизнес учун мутахассислар тайёрловчи инновацион марказ фаолият кўрсатмоқдаки, натижада лицей битирувчиларининг 85-90 фоизи ҳар йили олий ўқув юртларига киришга муяссар бўлмоқдалар.



Институт замонавий жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таъминланган моддий-техника базасига ҳам эга. Барча кафедралар, деканатлар, ректорат компьютер тармоғи билан боғланган, иккита интернет синфи ҳам фаолият юритаётир.

Chorlov

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, республика миқёсида ўртача 23 нафар талабага 1 та компьютер тўғри келгани ҳолда мазкур институтда 8 нафар талабага 1 та компьютер тўғри келади. Институтнинг замонавий адабиётлар билан таъминланган кутубхонага эга экани ҳам аҳамиятга моликдир. Яъни кутубхонада 80 ўринли катта ўқув зали, 20 ўринли кичик ўқув зали, 12 ўринли компьютерлаштирилган ўқув зали талабаларга хизмат қилаётир. Компьютер ўқув залига 12 та компьютер ўрнатилган бўлиб, уларга институтда ўқитилаётган барча фанлардан институт профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган, бошқа олий ўқув юртлари ва чет эллардан келтирилган маъруза матнлари, дарсликлар ҳамда бошқа ўқув адабиётлари киритилган.

Институтда профессор-ўқитувчиларни ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий ишлари натижалари бўйича қўшимча моддий рағбатлантириш тўғрисида Низом қабул қилинган бўлиб, 2001 йилдан бошлаб (институт ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантириш махсус фондидан ташқари), бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан қўшимча моддий рағбатлантириш ташкил қилинган. Бу эса профессор-ўқитувчиларнинг талабаларга янада иштиёқ билан сабоқ беришларини таъминлаётир.

Хуллас, талабаларга сифатли таълим бериш уларнинг етук мутахассис бўлиб етишишини таъминларкан, профессор-ўқитувчилар ҳар бир дарсга шу мақсадни кўзлаган ҳолда киradилар.

Акбарали ЖАБРИЕВ,
Самарқанд давлат кооператив институти ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор.

2002-2003 ўқув йилида СДКИга кириш учун абитуриентларнинг тўплаган ўтиш баллари

Таълим йўналиши	Бюджет	Контракт
	Ўтиш бали	Ўтиш бали
Иқтисодиёт (ўзбек)	146,9	119,0
Менежмент (рус)	160,0	75,6
Маркетинг Молия (ўзбек)	180,9	119,7
Молия (рус)	158,0	88,4
Бизнес молия, бухгалтерия ҳисоби ва аудит (ўзбек)	133,5	100,0
Касб таълими: Иқтисодиёт (ўзбек)	84,7	68,5
Озиқ-овқат технологияси (ўзбек)	104,3	74,7

САМАРҚАНД ДАВЛАТ КООПЕРАТИВ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш йўлида баҳоли қудрат хизмат қилиб келаяпти. Институтимизнинг иқтисодиёт, молия, бизнес, касб таълими, озиқ-овқат технологияси факультетларини тугатган ёшларимиз мустақил ватанимизнинг барча жабҳаларида меҳнат қилишмоқда.



Муҳтарам абитуриентлар, биз сизларни институтимиз талабалари сафида кўришдан мамнунмиз!

Манзил: 703000, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9.
Телефон (3662) 33-38-72, факс 31-12-53.

ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

Иқтисодиёт факультети институт тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўзининг бой анъаналарига эга. Шу кунгача иқтисодиёт факультетини минглаб ёш мутахассислар тугатдилар.

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодчи мутахассисларга талаб янада ошди. Ҳозир иқтисодиёт факультетида «Иқтисодиёт», «Менежмент» ва «Касб таълим» (иқтисодиёт) таълим йўналишлари бўйича бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрланади. Факультет қошида Касб таълими бўлими ташкил қилинган. Факультетга 7 та кафедра бирлаштирилган бўлиб, улар «Иқтисодиёт назарияси», «Ўзбекистон тарихи ва фалсафа», «Иқтисодиёт», «Менежмент», «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит», «Статистика ва иқтисодий таҳлил», «Ахборот технологияси» деб номланади.

2000-2001 ўқув йилида факультетни 60 га яқин ёш мутахасислар тамомлаб, миллий иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида ишлаш учун йўлланма олган бўлса, бугунги кунда факультетда 336 нафар талаба билим олмоқда. Факультетда тайёрланаётган мутахассислар сони яна биттага кўпайди, яъни иқтисод, менежмент мутахассисликларидан ташқари бухгалтерия ҳисоби ва аудит мутахассислиги бўйича билим олаётган талабалар факультет талабалари сонини оширдилар.

Бугунги кунда факультет битирувчиларидан бир неча нафари АҚШ, Германия давлатларида билим олишмоқда. Талабалар хорижий тилларни ўрганишлари учун барча имкониятлар, жумладан, етук мутахассислар, жиҳозланган хоналар ва адабиётларга эга бўлдилар.

Факультет талабалари турли фанлардан ўтказилиб бориладиган Республика олимпиадаларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашмоқда, спорт мусобақаларида ҳам факультет ва институт номи учун муносиб курашиб келадилар.

«МОЛИЯ ВА КРЕДИТ» ФАКУЛЬТЕТИ

«Молия ва кредит» институтнинг энг ёш факультетларидан биридир. У 1993 йил октябрда «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» факультети қошидаги «Молия ва кредит» кафедраси таркибида «Солиқ ва солиқ солиш» маркази ташкил этилиши билан фаолият кўрсата бошлади.

«Молия ва кредит» факультети институт факультетлари орасида энг ёши ҳисобланса-да, унинг ташкил этилиши мустақил республикамизда бозор иқтисоди муносабатлари шакллантирилиши ва молия, солиқ ҳамда банк тизимлари юзага келиши ва шу тизимларга юқори малакали кадрларни тайёрлаб бериш зарурияти билан чамбарчас боғлиқ бўлди.

Факультетда «Молия», «Солиқ ва солиққа тортиш» ва «Банк иши» таълим йўналишлари бўйича ўқитилаётган фанлардан давлат таълим стандартлари бўйича тайёрланган ишчи ўқув дастурлари доирасида ва барча фанлардан яратилган маъруза матни тўпламлари, услубий кўрсатмалар, ўқув қўлланмалари негизида профессионал олий маълумотли кадрлар тайёрланиб келинмоқда.

БИЗНЕС ФАКУЛЬТЕТИ

Факультет кўп йиллар давомида муҳандис-технология факультети деб номланган бўлса-да, кейинги бозор иқтисодиёти шароитига мослашган ҳолда, 1997 йилдан «Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси» деб юритилди, 2000 йилдан бошлаб, Бизнес факультети деб номланди.

Факультет таркибида 5 та замон талабларига жавоб берадиган даражада жиҳозланган «Маркетинг», «Умумтаълим фанлари», «Тиллар», «Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси» ва «Консерваланган маҳсулотлар технологияси» кафедралари фаолият олиб бораяпти.

МАЛАКА ОШИРИШ ФАКУЛЬТЕТИ

Малака ошириш факультетида Самарқанд, Жиззах, Навоий, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидаги иқтисодиёт йўналишлари коллежлари ўқитувчилари менежмент, иқтисодиёт, маркетинг, молия, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, озиқ-овқат технологияси, статистика, иқтисодий таҳлил каби фанлардан малакаларини оширадилар. Шунингдек, «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси ташкилотларининг раҳбар ходимлари ҳам ўз малакаларини оширишади. Улар учун Урганч, Фарғона, Қарши шаҳарларида филиаллар ташкил қилиниб, профессор-ўқитувчилар жойларда малака оширишни ташкил қилишмоқда. Малака ошириш факультети қошида «Аудиторларни тайёрлаш» ва «Бухгалтерларни қайта тайёрлаш» курслари фаолият кўрсатиб, «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан тузилган шартномалар асосида уларни халқаро стандартлар асосида қайта тайёрлаш билан шуғулланмоқда.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ КЎҲНА ТИББИЁТ МАСКАНИ

Самарқанд давлат тиббиёт институти нафақат республикамизда, балки Марказий Осиё давлатлари орасида ҳам биринчилардан бўлиб асос солинган тиббиёт олий ўқув юрти бўлиб, у ўз фаолиятини 1930 йилда бошлаган. Институтимизда айни пайтда 2000 нафардан зиёд талаба таҳсил олаётган бўлса, уларга 500 га яқин малакали профессор-ўқитувчилар сабоқ бермоқдалар. Таълим муассасасининг даволаш, педиатрия сингари нуфузли ва катта илмий салоҳиятга эга факультетлари сафига 1999 йили олий малакали ҳамширалар тайёрлаш ҳамда 2001 йилда касбий таълим-тиббий педагогика бўлимлари қўшилди. Бундан ташқари институтда 1981 йилдан буён шифокорлар малакасини ошириш факультети фаолият кўрсатмоқда. Тиббиёт илмининг амалиёт билан узвийлиги таъминлангани ҳолда институт таркибидаги 400 ўринли замонавий клиник шифохона талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг амалиёт майдони вазифасини бажармоқда.

Сўнгги йилларда институтда тиббиёт илмини янада кенг тадқиқ қилиш ҳамда бу соҳада ривожланган етакчи хорижий давлатлардаги мутахассислар билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имкониятлари кенгайди. Шу мақсадда 2000 йилда «Ахборот технологиялари ва масофадан ўқитиш маркази» ташкил қилинди. Ушбу марказ замонавий компьютер воситалари билан жиҳозланган бўлиб, улар бевосита интернет тармоғига уланган. Талабаларнинг билим савияси ва амалий имкониятларини оширишда мазкур марказнинг аҳамияти беқиёсдир.

Ўқув юртимиз талабалари ва ўқитувчиларининг илмий тадқиқот ишлари олиб боришга бўлган интилишлари ҳам жуда юқори. Кейинги иккиуч йил мобайнида институт жамоаси «Коперник» ва «Интас» халқаро жамғармалари грантларини, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказининг бир неча инновацион лойиҳалари бўйича грантларни қўлга киритиб, бу борада самарали изланишлар олиб бормоқдалар. Шу билан бирга, 2000 йилдан буён ўқув юртида 10 дан зиёд докторлик, 30 га яқин номзодлик диссертациялари ҳам муваффақиятли ёқланди. 8 та илмий монография, 6 та тиббиёт соҳаси бўйича дарслик, 1500 дан ортиқ илмий мақолалар чоп қилинди. 22 та янги ихтирога эса давлат патенти қўлга киритилди.

Chorlov

Институтимиз кутубхонасида 270 мингдан зиёд ўқув, илмий адабиётлар фонди мавжуд бўлиб, улар орасида сўнгги йилларда хориждан келтирилаётган дарслик ва илмий қўлланмаларнинг сони анчагина. Чунончи, биргина 2001 йилда Жанубий Кореянинг Сеул университети томонидан ажратилган грант маблағлари ҳисобига 760 минг АҚШ доллари миқдоридаги тиббиёт соҳасида кейинги йилларда эришилган илмфан ютуқларини ўзида мужассам этган илмий ўқув адабиётлари келтирилди.



Олий ўқув даргоҳимиз педагогик жамоаси дунёнинг 10 дан ортиқ тиббиёт юксак тараққий топган хорижий давлатлардаги илмий тадқиқот марказлари, олий ўқув юртлари билан кенг ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда. Жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Россия Федерацияси, Украина, Финляндия, Исроил, Голландия, Жанубий Корея мамлакатларидаги илмий марказларда ўқитувчи ва талабаларимиз таълим олиш ва малака ошириш имкониятига эга бўлаётган бўлсалар, чет элдан шаҳримизга ташриф буюрган хорижлик ҳамкорлар ҳам мамлакатимиз тиббиёт фани тарихи ва унинг бугунги куни, айни пайтда соҳада эришилаётган ютуқлар билан қизиқишмоқда. Ҳамкорлик алоқаларимизнинг самарали ривожланиши натижасида бугунги кунда ўнлаб собиқ талабаларимиз институтда олган билим ва тажрибаларини хорижий давлатлардаги тиббиёт муассасаларида, ўз фаолиятлари жараёнида тадбиқ этаётгани бизни қувонтиради, албатта.

Институтимиз талабаларининг сўнгги йилларда эришаётган ютуқлари ҳам таҳсинга лойиқ. Аспирант – Жамшид Жабриев 2000 йилда илк бор республикамиз тиббиёт олий ўқув юртлари орасида «Экология ва саломатлик» йўналиши бўйича Президент стипендиати бўлди. 10 дан ортиқ талаба Ибн Сино номидаги стипендия совриндорларидир. 1998-2002 йиллар давомида бўлиб ўтган «Болалар жарроҳлиги» мусобақаларида институтимизда таҳсил олаётган бўлғуси шифокорлар ўз маҳоратларини намойиш этиб, бир неча олтин ва кумуш медаллар совриндори бўлдилар.

Баҳодир СОБИРОВ,
Самарқанд давлат тиббиёт институти ректори,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

ДАВОЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ

Факультет 1930 йилда ташкил этилган бўлиб, 1963 йилга қадар институтда ягона факультет сифатида фаолият кўрсатган. Ўтган давр мобайнида факультетда 20 мингдан зиёд мутахассис тайёрланди. Собиқ талабалар орасида бугунги кунда нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам яхши таниш бўлган таниқли академик-олимлар, профессорлар – И.Мусабоев, Ш.Алимов, Х.Мансуров, У.Орипов, И.Зокиров, Н.Мухарлямов, Р.Хаитовлар бор.

Факультетда айни пайтда 27 та кафедра фаолият юритиб, уларда 100 дан ортиқ юқори малакали профессор-ўқитувчилар иш олиб бормоқдалар. Талабаларнинг фанларни ўзлаштириш даражаси йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Чунончи, 1998/1999 ўқув йилида талабаларнинг ўзлаштириш даражаси 98 фоизни ташкил этган бўлса, 2001/2002 ўқув йилида бу рақам 98,7 фоизга кўтарилди.

1998-2002 йиллар давомида факультетда таҳсил олган талабаларнинг 6 нафари Ибн Сино номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлган бўлса, бир нафар аспирант Президент стипендияси совриндори бўлди. Шунингдек, факультетнинг 20 нафар талабаси фанлар бўйича ўтказилаётган республика олимпиадаларида қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритдилар.

Факультетда талабларнинг илмий тўгараги фаолият кўрсатади. Унга 400 нафардан зиёд талаба бевосита қатнашиб, турли мавзуларда тадқиқот олиб бормоқдалар. Шу кунгача ушбу тўгарак иштирокчилари илмий изланишларига доир 300 дан ортиқ илмий мақолалар маҳаллий ва хорижий нашрларда чоп қилинди.

ПЕДИАТРИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

Факультетга 1963 йилда асос солинган бўлиб, ўтган давр мобайнида 11 мингдан ортиқ шифокор-педиатр мутахассислар тайёрланди. Ҳозирги кунда бу ерда 1300 га яқин талаба тиббиёт илмидан сабоқ олмоқда. 27 та турли кафедрада юзлаб профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатишади.

Ушбу факультетнинг кафедра ва курслари қошида талабаларнинг илмий тўгараклари ташкил қилинган бўлиб, уларга 250 дан ортиқ йигит-қиз жалб қилинган. Сўнгги 3 йил мобайнида тўгарак аъзолари Россия Федерациясининг турли шаҳарларида ўтказилган «Болалар жарроҳлиги» фани бўйича илмий-амалий конференцияларда иштирок этиб, фахрли 1-2-3-ўринларни банд қилиб келмоқдалар. Шунингдек, анжуманда қатнашган талабаларнинг 200 га яқин илмий маърузалари турли нашрларда эълон қилинди.

Факультетнинг болалар касалликлари пропедевтикаси, 2-сон болалар хирургияси, 1-сон болалар касалликлари, биоанорганик, биоорганик ва биологик кимё, кўз касалликлари ва ненатология кафедраларида 10 га яқин давлат ҳамда хорижий грантлар асосида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

ШИФОКОРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ФАКУЛЬТЕТИ

Факультет 1980 йилда ташкил этилган бўлиб, ўша пайтда унда 4 та кафедра — терапия, педиатрия, жарроҳлик ҳамда акушер-гинекология кафедралари фаолият кўрсатган. Ўтган давр мобайнида факультетда республикамизнинг 7 та вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатаётган 17 мингдан ортиқ шифокорлар ўз малакаларини оширдилар. Факультетдаги кафедраларнинг сони айни пайтда улар 17 тага етди.

Сўнгги йилларда факультетда ўз малакасини ошираётган врачлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агар 1996 йилда унда 625 нафар шифокор ўз малакасини оширган бўлса, 1998 йилда 1214 нафар, 2002 йилда эса 2480 нафар мутахассис қайта таҳсил олиб, ўз билим доирасини кенгайтириш имкониятига эга бўлди. Чунончи, 1996 йилда бу ерда 30 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатган бўлса, 2002 йилдан уларнинг сони 67 нафарга етди. Факультет ўқитувчиларининг 10 нафари етук профессор-олимлардир.

Ҳозир факультетда ёш мутахассисларни тайёрлаш ва уларни илмий изланишлар олиб боришга жалб қилиш ишлари ҳам жадал суръатларда ривожланмоқда.

2002–2003 ЎҚУВ ЙИЛИДА СамДТИга КИРИШ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАРНИНГ ТЎПЛАГАН ЎТИШ БАЛЛАРИ

Факультет	Грант		Контракт	
	ўзбек	рус	ўзбек	рус
Даволаш факультети	193,2-160,7	195,4-114,1	159,9-68,0	112,9-68,0
Педиатрия факультети	197,1-144,9	188-119,7	144,2-68,2	115,9-75,3

Факультет	Грант		Контракт	
	ўзбек	рус	ўзбек	рус
Олий малакали ҳамширалар	152,1-132,5	145,7-94,2	128,0-91,2	114,8-87,6
Тиббий педагогика	151,3-113,6	122,2-90,1	104,7-82,4	122,2-82,8

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ БЎЛАЖАК АБИТУРИЕНТЛАРНИ МАЛАКАЛИ БИЛИМ ОЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Манзилимиз: 703000, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18. Тел.: (3662) 33-07-66, Факс: (3662) 33-54-21

ДАСТУРХОН ТЎҚИНЛИГИ БИЗ БИЛАН

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Марказий Осиёдаги аграр соҳадаги энг йирик олий ўқув юртларидан бири ҳисобланиб, 74 йилдан буён баракали фаолият кўрсатиб келмоқда. Бугунгача институтни 37 мингдан зиёд талаба битирган бўлиб, шулардан 20 нафари академик, 12 нафари Меҳнат Қаҳрамони ва таниқли давлат арбоблари сифатида фаолият юритишган ва меҳнат қилишмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар институт зиёлилари ва илм толибларига жаҳон фан-техника ютуқларидан фойдаланишда кенг имкониятлар яратаётир.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш бўйича халқаро андозаларга ўтишни таъминлаш мақсадида институтда узлуксиз таълим тизимига ўтиш ва ўқув жараёнини сифат жиҳатидан такомиллаштириш борасида ректорат, факультет деканатлари ва ҳар бир кафедра томонидан ўқув-услубий ҳамда илмий технологик жараёнларни такомиллаштириш ишлари амалга оширилди. Институтнинг интеллектуал салоҳияти бугунги кунда етарли даражада, деб бемалол айтиш мумкин. Жумладан, мавжуд 7 та факультетнинг 34 та кафедрасида 2 нафар академик, 40 нафар фан доктори, профессорлар ҳамда 200 нафардан ортиқ фан номзоди ва доцентлар фидойилик кўрсатиб, юқори савияда бўлажак бакалавр ва магистрларга илм-фан ва касб сирларини ўргатишмоқда. Айни пайтда баркамол ва етук мутахассисларни тайёрлашда фан-техника ва амалиётнинг энг сўнгги ютуқлари ҳамда илғор педагогик технологиялардан фойдаланишнинг замон талабига мос пойдевори яратилган. Хусусан, замонавий компьютерлар, асбоб-ускуналар ва воситалар билан жиҳозланган шинам аудиториялар (ўқув хоналари), илмий-амалий лабораториялар, ахборот ва ҳисоблаш марказлари, ўқув жараёни учун турли хил ҳайвонларни асрайдиган виварий, дала участкалари, ўқув машина-трактор саройи, ўқув-тажриба маркази, микроферма, микротовуқхона, ветеринария поликлиникаси ва дорихонаси, жаҳон қоракўл тери намуналари тўпланган махсус ўқув музейи, 530 мингдан ортиқ китоб заҳираси бўлган илмий кутубхона, спорт мажмуаси, ошхона ва ётоқхоналар талаба ва ўқитувчилар хизматида. Илм толиблари ўқитиладиган барча фанлар бўйича давлат тилидаги дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа қўшимча манбалар билан таъминланган.

Хулоса қилиб айтганда, институт жамоаси давлатимиз раҳбарининг «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлай оладиган, рақобатбардош ва мавжуд муаммоларни тадбиркорлик билан ҳал этадиган етук малакали мутахассислар тайёрлаб беришни ўзларининг бурчлари деб биладилар.

Мамлакатимиз дастурхонини тўкин қилмоқчи бўлган келажаги буюк юртимиз ёшлари, СамҚХИ Сизларни кутади!

Абдураҳмон ИСМОИЛОВ,
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Chorlov

АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида 7 та факультет мавжуд бўлиб, улада 13 та ихтисослик бўйича кундузги ва 7 та ихтисослик бўйича сиртқи таълим шаклидаги мутахассислар, шунингдек, 15 йўналиш бўйича магистрантлар тайёрланади.

БАКАЛАВР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА:

АГРОНОМИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
Ихтисосликлар:
→5620200-умумий агрономлар (кундузги, сиртқи)
→5620100-агрокимё ва тупроқшунослик (кундузги)
→5620400-қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилиги ва селекция (кундузги)

ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ
Ихтисосликлар:
→5340100-иқтисодчи (кундузги, сиртқи)
→5340900-бухгалтерия ҳисоби ва аудит (кундузги, сиртқи)

АГРОМУҲАНДИСЛИК
Ихтисосликлар:
→5540700-инженер-механик (кундузги, сиртқи)
→5620500-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси (кундузги)

ВЕТЕРИНАРИЯ ФАКУЛТЕТИ
Ихтисослик:
→5640100-ветеринария (кундузги, сиртқи)

ЗООТЕХНИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
Ихтисослик:
→5620600-зоотехния (кундузги, сиртқи)

ҚОРАКЎЛЧИЛИК ФАКУЛЬТЕТИ
Ихтисослик:
→5620600-қоракўлшунос-технолог (кундузги, сиртқи)

КАСБИЙ ТАЪЛИМ
Ихтисосликлар (кундузги):
→5140900-касбий таълим (ветеринария-5640100)
→5140900-касбий таълим (агрономия-5620200)
→5140900-касбий таълим (зоотехния-5620600)

МАГИСТРАТУРА ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА:

→5А 620101-тупроқшунослик
→5А 620201-пахтачилик
→5А 620602-ўсимликшунослик
→5А 340102-тармоқлар иқтисодиёти
→5А 340901-бухгалтерия ҳисоби ва аудит
→5А 340201-менежмент
→5А 640101-ҳайвонларга ташхис қўйиш ва даволаш
→5А 640106-ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси
→5А 640108-паразитар касалликлар
→5А 640109-юқумли касалликлар
→5А 640111- тренинг ва от касалликлари
→5А 620602-наслчилик иши
→5А 620604-йилқичилик ва туячилик
→5А 620608-қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш ва уларнинг селекцияси
→5А 620611- қоракўл маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сақлаш.

2002-2003 ЎҚУВ ЙИЛИДА СамҚХИга КИРИШ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАРНИНГ ТЎПЛАГАН ЎТИШ БАЛЛАРИ

Таълим йўналиши	Грант		Тўлов-шартнома			
	Максимал балл	Ўтиш бали	Максимал балл		Ўтиш бали	
			кундузги бўлим	сиртқи бўлим	кундузги бўлим	сиртқи бўлим
Агрономия	155,5	81,3	80,3	157,3	68,3	138,4
Агрокимё ва тупроқшунослик	135,8	85,3	80,2	—	—	—
Селекция ва уруғчилик	150,6	77,1	70,0	—	68,2	—
Иқтисодиёт	194,2	163,7	162,8	207,2	135,0	178,7
Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	183,3	161,5	161,0	178,5	138,9	136,1
Агромуҳандислик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси	173,1	119,7	118,7	159,7	70,2	151,1
Ветеринария	181,6	84,7	70,6	—	68,1	—
Зоотехния	162,2	79,2	73,3	145,1	69,2	87,0
Қоракўлчилик	163,4	77,4	75,4	126,3	68,2	90,0
Касбий таълим:	108,3	76,6	75,5	107,5	68,1	87,9
Агрономия	156,3	107,6	94,1	—	75,5	—
Зоотехния	119,3	98,2	91,1	—	74,1	—
Ветеринария	162,1	95,2	84,8	—	80,4	—

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ



МАМЛАКАТИМИЗНИНГ АГРАР СЕКТОРИ УЧУН АГРОНОМИЯ ИҚТИСОДИЁТ АГРОМУҲАНДИСЛИК ВЕТЕРИНАРИЯ ЗООТЕХНИЯ ҚОРАКЎЛЧИЛИК КАСБИЙ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТЛАРИДА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ. ИНСТИТУТИМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

«Йилнинг энг яхши маъруза матни» Республика танловини эълон қилади.

Танлов математика ва табиий фанлар блокининг қуйидаги фанлари бўйича ўтказилади:

— олий математика
— физика
— информатика
— кимё

Танловга тақдим этилган маъруза матнлари:

— Ўзбекистон Республика Давлат таълим стандартларига ва вазирлик томонидан тасдиқланган намунавий ўқув дастурларига мос келиши;

— фан-техника соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар ҳамда янги педагогик технологиялар асосида ёзилган бўлиши;

— кўргазмали-тасвирий материалларнинг юқори сифатли ва самарадор бўлиши;

— таянч иборалар ва улар иштирокида ўз-ўзини назорат қилиш учун саволномалар мажмуасининг келтирилиши;

— тавсия этилаётган адабиётларнинг замонавийлиги, янгилиги ва жумладан уларга хорижий нашрларнинг бўлиши;

— сўнгги ўқув йилида ўқув жараёнида фойдаланиб, ижобий самара берган бўлиши шарт.

Танловда ғолиб чиққан маъруза матнлари асосида дарсликлар нашр этилиши ҳамда муаллифларга қуйидаги мукофотлар берилиши кўзда тутилган:

1-мукофот (энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида),
2-мукофот (энг кам иш ҳақининг 25 баробари миқдорида),
3-мукофот (энг кам иш ҳақининг 15 баробари миқдорида)

Танловга маъруза матни (бир нусха), йўлланма хат, илмий (услубий) кенгаш қарори ва тақризлар 10 августгача топширилиши шарт.
Манзил: 700011, Тошкент, Пахтакор кўчаси, 3-уй. ОЎММММИ
Тел.: 144-89-64.

Munosabat

ҲАР КИМГА ҲАМ УСТОЗЛИК НАСИБ ЭТАВЕРМАЙДИ

Қачонлардир ўқиш-ўқитиш сўзларини эшитганимизда сафсар сиёҳли чинни, шиша сиёҳдонлар, пероли ручка, бўзми, читдан тикилган китоб, дафтар солинадиган қўлбола "сумка"лар кўз олдимизга келарди. Кейин икки чеккасига силлиқ таёқча михланган кўргазмали қуроллар, сўнг диафилм, кодоскоплар, грампластинка, аудио, видеокассеталар... Мана энди ўқитиш, ўқиш жараёнига компьютер, интернетлар кириб келди. Таълим-тарбия усуллари қанчалик ўзгариб, бойиб бормасин, бу жараённинг марказида ҳамиша устоз ва талаба шахсияти, маънавияти туради. Жамиятда юзага келган ҳар қандай муваффақият ва иллатнинг бир учи ана шу инсонларнинг дунёқараши, тафаккур тарзига келиб боғланаверади.

Андижон университети олий математика кафедраси катта ўқитувчиси Гулнорахон Исмонова билан суҳбатимизга ҳам шу мавзу сабаб бўлди:



— Гулнорахон, муттасил ҳаракатда бўлган касб, меҳнат, иш бошида бўлган кишилар ҳақида доим баланд-паст гаплар бўлиб туради. Бугун баъзи ўқитувчилар ҳақида гап кетганда "қўли ишга бормаяпти", "кўнгли совиган", шунинг учун "савдога чиқиб кетган" деган гаплар қулоққа чалинади. Сиз ўқитиш, ўқиш жараёни ичидасиз. Шу гапларга қандай қарайсиз?

— Аввало, ҳар кимга ҳам зиёкорликка дахлдорлик, устозлик насиб этавермайди. Кимга бу тақдир насиб этган бўлса, беҳад қадрлаши лозим. Рўпарангда қараб ўтирган қоракўзларни икки оғиз гап айтиб, маъқул қилдириш, уни ишонтириш жуда масъулиятли, шарафли иш. Аммо бугун ўртамиёна зиёли бўлиб яшаб бўлмайди. Жамиятдаги, шу жумладан, таълимдаги янгиликлар ҳам ўртамиёналикни кўтармайди. Ўқитувчи муттасил ўз устида ишласа, малака, маҳоратини ошириб борсагина шу касби билан бемалол яшаса бўлади.

Шу ўринда яна бир жиҳатни айтгим келади. Мустақиллик бўлиб, институтимиз университетга айлангач, умумий психология, ҳуқуқ-маънавият, иқтисодиёт, касбий-информатика каби факультетлар очилиб, дарс соатлари кўпайди. Биз дарс берадиган математика соатлари ҳам анча ошди. Демак, ўқитувчи учун имконият яна ҳам кенгайди. Зиёдан, устозликдан "кўнгил совуш", зиёга, устозлик заҳматига "қўли бормаслик" мен учун хиёнатдай ёқимсиз туюлади.

— Сиз — устозлар шу кунларда бир арафада яшаётгандайсиз. Талабаларингизнинг бир гуруҳи битказаяпти, бир гуруҳ абитуриентларни қабул қиласизлар. Келгувчи, кетгувчилардан кўнглингиз тўлаяптими?

— Баъзилар ўқитувчи кўзида доим гуруҳ-гуруҳ талабалар юргани учун устоз уларни умумий тасаввур қилади, деб ўйлайди. Ҳолбуки, биз учун уларнинг ҳар бири дунё, ҳар бирини алоҳида ўйлаймиз, ҳар бири ҳақида алоҳида қувонч-ташвишларимиз бор. Шу маънода кетаётган талабаларимиз орасида юзимизни ерга қаратмайдиган, обрўмизга обрў қўшадиганлари кўп. Ҳозирги талабалар университет давридаёқ битта касб билан чекланиш келажакда ўз имкониятларини чеклаш мумкинлигини яхши ҳис қилишаяпти. Шунинг учун иложи борича университетимиздаги турли тўгаракларга қатнашиб, кимдир компьютер ўрганаяпти, машина, турли техник таъмирлаш, қизлар учун қандолатчилик, зардўзлик...

Шаҳарда университетдан ташқарида ҳам ҳунар ўрганиш имконлари кенгроқ. Болаларимиз, қизларимиз куч-қувватга тўла пайтларида қанча кўп соҳани эгалласа, эртага қўли шунча узун бўлишини билишаяпти.

— Ишқилиб, ҳамма касб ўрганишга тушиб кетиб, маънавият — талабанинг маънавий, руҳий қувватини ошириш, бир фуқаро сифатида эътиқоди, дунёқарашини шакллантириш масаласи эътибордан четда қолмаяптими?

— Йўқ. Ёшлик — барибир, ёшлик. Бу фасл икки тошнинг ўртасида ҳам гул бўлиб кўкаришга, муҳаббат ва қувончга, шеър-қўшиққа вақт топади. Фаол талабаю ўқитувчилар доим қандайдир тадбирга тайёргарлик ташвишлари билан юришади. Тўгарак машғулотлари, илмий конференцияларга тайёргарлик — булар бари меҳнат. Аммо ёшларни фақат меҳнат билан қайнаб-тошиб турган паллада ушлаб туриб бўлмайди. Уларга кўнгил, юракни поклайдиган, туйғуларига қанот берадиган тадбирлар ҳам керак. "Қувноқлар ва зукколар" мусобақалари, "Балли, йигитлар", "Балли, қизлар" кўрик-танловлари, "Янги китоб ўқидим", "Янги кино кўрдим" мавзусидаги баҳслар...

Дунёни илм қутқаради, фаровонликни илм кўтаради, деган гапни эшитгансиз-а? Шу маънода, илм қиламан, деган талабаларимиз ҳам бор. Айниқса, қиз бола илм қиламан, деса: "Ўқиб, шаҳар олармиди, турмуш қурса, бола кўрса, — ана илм" деган гаплар бўлади. Аммо қиз боланинг илмли бўлгани бутун бир оиланинг, фарзандларнинг илмли бўлганидир.

Малоҳат Ҳамидова деган талабамиз, "Плёнка остида ипак қурти етиштиришнинг иқтисодий афзалликлари" мавзусида илмий изланиш олиб бораяпти. Иқтисодий — ҳисобкитоб тарафидан йўл-йўриқ кўрсатиб турибман. Айни кунда илм қилаётганлар аниқликка интилаяпти. Аввалари номзодми, докторми — унвонга эришса бас, қандай мавзуни тезроқ ёқлаш имкони бўлса, шунга ёпишишарди. Ҳозир "Жамият ва менга қанақа фойдаси бор?" — деган савол қўйиб, жавоб излашаяпти. Талабалар ҳам, устозларда ҳам реал ҳаёт ва орзуларга интилиш кучли.

— Талабалар эркинлиги, деган тушунчага қандай қарайсиз? Аниқроқ ифодаласам, эл ичида: "ҳозир студент ойлаб ўқишга бормайди, домласи билан келишса, бас!" деган гап ҳам юрибди. Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди, деган гап бор?

— Талабанинг эркинлиги бор, масалан, у дарсни ўқиш, ўзлаштириш, жавоб беришнинг ўзига маъқул йўлларини танлаши мумкин. Дарс жараёни, синовлар аввалгидай жуда тор қолипларга солинган эмас. Аммо эркинлик бебошлик, бошбошдоқлик эмас. Мен ён-атрофимда билган талабага паст баҳо қўйиб ҳузурланадиган ўқитувчини кўрмаганман. Бизда давоматга, талабанинг дарсга қатнашишига ҳам катта эътибор билан қаралади. Бу ҳолатни унинг эркини чеклаш, деб тушунмаймиз. Ўрганиш — узлуксиз жараён бўлиши керак. Ҳадеб дарс қолдираверган талабада узилиш бўлади, ўрганишдан узоқлашади. Болалар — тенгдошлари билан талашиб-тортишиши, сабоқлар уни шу муҳитда ушлаб туради. Ва бу муҳит ижобий. Мустақил дарс тайёрлаш даврида ёшлар турли хаёлларга берилиши, ўзини баъзи муаммолар қаршисида заиф сезиш мумкин. Муҳит бунга йўл қўймайди.

— Математика рашкчи фан бўлади, дейишади. Бошқа соҳага ҳам қизиқасизми, ё...?

— Сиёсатга қизиқаман. Дунё тарихи, бугунги, давлатлардаги ислоҳотлар — деярли барча ахборотларни кузатаман.

— Аксарият битирувчиларингиз қишлоқ мактабларида ўқитувчи экан. Дарсдан ташқари, ер экаяпти, мол боқаяпти кўпи. Ҳалол меҳнатнинг айби йўқ-ку! Шу ишлар бора-бора ўз касбига иккинчи даражали кўз билан қарашга олиб келмасмикин?

— Абдулла Қодирий ҳазратлари ҳам деҳқончилик қилган экан. Пичоқчилик, косиблик қилган шоир, ёзувчилар бор. Тарихда, ҳар ҳолда... Мен ўз талабаларимга қаттиқ умид боғлаганман. Айниқса, қишлоқ болаларининг кўпи қийинчилик билан ўқишади. Илмнинг ўз элининг боласи учун қанча аҳамиятга эга эканини ҳам яхши билишади. Шунинг учун мактаб улар учун иккинчи даражага ўтмайди, деб ўйлайман.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА суҳбатлашди

МИЛЛИЙ ДАСТУР:

Институтда архитектура, архитектуравий муҳитлар дизайни, геодезия, картография ва кадастр, иқтисодиёт ва менежмент, информатика, ахборот технологияси ва қурилиш соҳалари (шунингдек, касбий таълим соҳаси) бўйича малакали кадрлар тайёрланади. Бундан ташқари, институтда лицей, хорижий алоқалар бўлими, бизнес мактаби, тайёрлов курси фаолият кўрсатади. Ҳозирги кунда институтнинг кундузги ва сиртқи ўқув бўлимларида 2000 дан ортиқ талаба билим олмоқдалар. Аспирантура орқали юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрланади. Архитектура ва қурилиш таълими йўналишлари доирасида номзодлик ҳамда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш учун махсус кенгашлар фаолият кўрсатади.

Ўтган ўқув йили институтда 10 та таълим йўналиши бўйича 351 нафар бакалавр ва 15 та магистратура мутахассисликлари бўйича 87 нафар магистр тайёрланди. Уларнинг ҳаммасига тегишли соҳалари ва яшаш жойларида мавжуд илмий-тадқиқот, лойиҳалаш институтлари, ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлари буюртмаларига асосан йўлланмалар берилди ва ишга жойлаштирилди.

Иқтисодиёт, саноат ва фуқаро қурилиши, инженерлик қурилиши, архитектура ва малака ошириш факультетларидаги 27 кафедрада 20 дан ортиқ фан доктори ва профессорлар, 120 дан ортиқ фан номзоди, доцентлар меҳнат қилишмоқда.

Институтда 11 таълим йўналиши бўйича бакалаврлар, (булардан 4 тасида касбий таълим мавжуд), 17 магистратура ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрланади.

Институтда хорижий давлатлар университетлари ва институтлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари, тажриба алмашишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси келажагида кўзда тутилаётган янги йўналишларни эътиборга олган ҳолда, янги таълим йўналишларини очиш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда. Германиянинг Веймар архитектура ва қурилиш университети, Берлин техника университети, Исроилнинг Технион илмий маркази ва бошқалар билан ҳамкорлик шартномалари тузилган. Ушбу шартномаларга мувофиқ, илмий ва ўқув-услубий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, «Қурилиш материаллари ва гидравлика», «Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси» кафедраси ходимлари Германиянинг Веймар университети, Берлин техника университетларига боришди ва ўз навбатида ҳамкорларимизнинг бир гуруҳ талабалари бизда малака оширишди. Ушбу алоқалар мунтазам равишда давом этаяпти.

Chorlov

Бундан ташқари, шу йилнинг февраль ойида Тошкент архитектура-қурилиш институти Бельгияда Темпус дастури доирасида педагогика, дарс ўтиш дастури ва мазмуни бўйича Брюссель ҳамда Париж архитектура мактаблари билан 500 минг еврога тенг 3 йилга мўлжалланган ҳамкорлик лойиҳаси битими имзоланди.

Институтда илмий-тадқиқот ишларининг ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўтган йили 46 млн. сўмлик илмий-тадқиқот ишлари бажарилган бўлса, бу йил давлат бюджети, инновация ва хўжалик шартномалари асосида олиб бориладиган илмий ишлар ҳажми 99 млн. сўмни ташкил этади. Институтда иқтидорли талаба-ёшларнинг ўқиши, дам олиши ва илмий-тадқиқотлар олиб боришларига катта эътибор берилмоқда.

Талабаларнинг чуқур билим олишларида замонавий ўқув адабиётларининг ўрни катта. Шунинг учун, институтда ўзбек тилида ўқув адабиётларини яратишга катта эътибор берилмоқда. Шу давргача 122 та ўқув қўлланма ва дарсликлар яратилди. Уларнинг кўпи ўзбек тилидадир. Институтимиз профессор-ўқитувчилари 2003 йилда 29 та фандан ўқув қўлланма яратишга уч томонлама шартномалар тузганлар. Улардан 15 таси магистрантлар учундир.

Факультетлар деканатлари, ўқув бўлими, кутубхона, тест маркази, бухгалтерия, ахборотлаштириш марказидаги компьютерлар ўзаро боғланган ва улар интернет тармоғига уланган.

Институтимизни битириб чиққан мутахассислар республикамизнинг барча шаҳар ва туманларидаги архитектура ва қурилиш ташкилотларида, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва бошқа турли банкларда фаолият кўрсатмоқдалар. Институт профессор-ўқитувчилари республикамизнинг Тошкент, Қарши, Бухоро, Шаҳрисабз ва Самарқанд, Хива, Термиз шаҳарларидаги тарихий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этганлар. Мамлакатимиз пойтахтида қад кўтарган ва қайта таъмирланган қатор меҳмонхоналар, Амир Темур, Ўзбекистон тарихи давлат музейлари каби қатор муҳташам бинолар лойиҳаси институтимизнинг собиқ талабалари ва ҳозирда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган. Бу ишларда институт талабалари фаол иштирок этадилар ва илмий-амалий ишланмаларни яратиш кўникмаларини ҳосил қиладилар.



Бахтиёр АСҚАРОВ,
Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори, профессор, Олий Мажлис депутати

МУРАББИЙЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Институт илмий кенгашида тасдиқланган режа асосида амалга оширилаётган маънавий-маърифий тадбирлар ноанъанавий усулда, яъни махсус жиҳозланган кичик залларимизда 30-40 кишидан ошмаган давра суҳбатлари тарзида ўтказилиши ўз ижобий натижасини бермоқда. Тадбирларнинг асосан тарқоқ жойлашган факультетларнинг ўзида ўтказилаётгани ҳам самарали бўлмоқда.

Бундай давраларда талабаларимиз ўзларини эркин тутиб, бемалол фикр-мулоҳаза юритаётганлари таҳсинга лойиқдир. Кўплаб ёшларимиз бўш вақтини институтда фаолият кўрсатаётган бадиий ҳаваскорлик, драма, рақс, «Қувноқлар ва зукколар» гуруҳларида ўтказмоқдалар.

Спортнинг 7 тури бўйича фаолият кўрсатаётган тўгаракларда 100 нафарга яқин талаба 2004 йил Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган «Универсиада-2004» мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун спортнинг хилма-хил турлари билан шуғулланмоқдалар.

«Тасвирий санъат», «Информатика ва ҳисоблаш технологияси» ва «Ўзбек ва хорижий тиллар» кафедралари томонидан ташкил қилинган ижодий тўгаракларда ҳам кўплаб талабаларимиз ўз малака ва маҳоратларини оширмоқдалар.

Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси 2002 йил декабрь ойида «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори» шиори остида ўтказилган республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар минтақавий босқичида ғолиб бўлди. Драма жамоаси «Хазина-2003» эса республика олий ўқув юртлари талабаларининг фольклор санъати фестивалида муваффақиятли иштирок этдилар.

Ҳар бир профессор-ўқитувчи, мураббийларимиз ўз машғулотларини маънавий-маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эга суҳбатлар билан бошлаши одат тусига кирган. Ёшларимизни жамиятимизга ёт турли диний оқимлар, наркомания, ОИТС каби ваболардан ҳимоя қилиш борасида ҳам махсус дастурлар асосида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда ходимларимиз ва талаба-ёшларимиз орасида жиноятчилик, қонунбузарлик ҳолатларининг юзага келмаганлиги ҳам олиб борилаётган маънавий-маърифий, тарбиявий фаолиятимизнинг сифат кўрсаткичларидан бири, десак янглишмаймиз.

Рихсибой ЮСУПОВ,
техника фанлари номзоди, доцент маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ

Тошкент шаҳридаги касб-ҳунар коллежларида институтнинг мутахассислар тайёрлайдиган етакчи кафедраларининг филиаллари ташкил этилиб, институт ректори ва ҚҲК директорлари томонидан тасдиқланган режалар асосида фаолият юритишмоқда.

Акмал Икромов туманидаги Коммунал-қурилиш ҚҲКда «Шаҳар қурилиши ва хўжалиги», «Инженерлик коммуникацияларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш», «Қурилиш технологияси ва уни ташкил этиш» кафедраларининг; Ҳамза қурилиш ҚҲКда: «Инженерлик коммуникацияларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш», «Қурилиш технологияси ва уни ташкил этиш» кафедраларининг; Тошкент молия-иқтисодиёт ҚҲКда: «Иқтисодиёт ва менежмент» кафедрасининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

Институт магистр ва талабалари ўзларининг илмий-педагогик амалиётларини ҚҲКларида ўтмоқдалар, очиқ дарслар ташкил қилишмоқда. «Тошиссиқликқувват» ишчилари учун ташкил этилган малака ошириш курсларида дарслар ўтилди. И-01-04 рақамли шартномаси бўйича ишлар якунланди.

«Қурилишда иқтисодиёт» ва «Менежмент ва тадбиркорлик» кафедраларининг 5 нафар магистрантлари Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежида «Информатика», «Иқтисодий география» ва «Статистика» фанларидан машғулотлар олиб боришмоқда.

«Қурилиш технологияси ва ташкилиёти» кафедрасининг талабалари филиалларда педагогик амалиётларини илғор педагогик технологиялардан фойдаланиб ўтишди. Хусусан, талабаларга «Танқидий фикрлаш» қобилиятини ошириш



масаласи қўйилди. Институтимизда 2002 йил 24-31 октябр кунлари республика миқёсида ўтказилган «Ўзбекистон қурилиш технологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги семинарда коллеж ўқитувчилари билан биргаликда 3 та маъруза тайёрланди. Кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари коллеж талабалари билан турли мавзуларда очиқ мулоқотлар уюштиришди.

Институт Маркетинг хизмати бўлими томонидан 2001-2005 йилларда ҚҲК буюртмалари бўйича Давлат гранти асосида ўқишга юбориладиганлар сони ва институт битирувчиларига бўлган талаб ўрганиб чиқилди.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари ва уларга институтнинг магистратура ва бакалавриатурасини битираётган талабаларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш мақсадида республикамизнинг барча вилоятлари ва шаҳарларининг касб-ҳунар таълими бошқармаларига минтақада архитектура-қурилиш соҳалари мутахассисларига бўлган талаб-эҳтиёжини ўрганиш, таълим хизматларини олиб бориш, уларни таъминлаш учун бажариладиган ишлар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш юзасидан институт кафедраларининг проспектлари туширилган таклифномалар юборилди. Мамлакатимизнинг барча вилоятлари, шаҳарлари, Қорақалпоғистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари билан 2002-2005 йилларга мўлжалланган ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилди.

ТАЖРИБА ВА ЮТУҚЛАР

Институтда илмий ишлар қуйидаги йўналишлар бўйича олиб борилмоқда:

- архитектура ва шаҳарсозлик;
- бино ва иншоотлар қурилиши;
- муҳандислик тармоқлари ва экология;
- қурилиш материаллари ва буюмлари;
- қурилиш иқтисоди ва менежмент;
- фундаментал ва ижтимоий фанлар.

Ўтган йили давлат бюджети асосида архитектура ва қурилиш фанининг долзарб масалаларини ўз ичига олган 11 та мавзу бўйича 9 млн. сўмлик илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

Инновация асосида Шаҳрисабз шаҳри архитектура ёдгорликлари мисолида уларнинг мустаҳкамлигини ва зилзилабардошлигини таъминлаш масалаларига бағишланган илмий иш бажарилди. Ушбу мавзу Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан қўллаб-қувватланди. Унинг умумий ҳажми 7 млн. сўмга тенг бўлди.

ник ҳолатини аниқлаш ҳамда кучайтириш усуллари, томёпма, гидроизоляция материалларининг узоққа чидамли, энг мақбул технологияларини маҳаллий материаллардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқиш ва бошқа муаммоларни ечишга қаратилгандир.

Жорий йилда жами давлат бюджети, инновация ва хўжалик шартномалари асосида 92 млн. сўмлик илмий иш бажарилмоқда. Бу эса ўтган йилдаги йиллик кўрсаткичдан 2 баробар кўп демакдир. Бунда институтимиз бўйича ҳар бир профессор-ўқитувчига тўғри келган ИТИ ҳажми 2002 йилда 255 минг сўмни ташкил этди. Бу йил эса 511 минг сўмдан ошди.

Архитектура ва қурилиш йўналишидаги илмий ишлар натижалари салмоқли бўлмоқда. Бунга Ўзбекистонда шаҳарсозлик ривожланишининг концепцияси ишлаб чиқилганлигини мисол тариқасида келтириш мумкин. Мазкур концепцияда ватанимиздаги шаҳарсозлик фаолиятини жаҳон талаблари даражасига кўтариш ва республикамиз худудини замонавий шаҳарсозлик нуқтаи назаридан режалаштириш кўзда тутилган. Концепцияда ишлаб чиқилган асосий хулосалар Шаҳарсозлик кодексида ҳам ўз аксини топди.

Илмий-тадқиқот ишларини бажаришда профессор-ўқитувчилар билан бирга докторант ва аспирантлар, шогирд-тадқиқотчилар, иқтидорли талабалар фаол қатнашаяптилар.

Иқтидорли йигит-қизларнинг ҳар бир факультетда илмий-тадқиқот жамиятлари ташкил этилган, магистрантлар илмий ишларининг натижалари бўйича бултур ва жорий йилда «Архитектура ва қурилиш муаммолари» мавзусида илмий-амалий конференциялари ўтказилди ва шу номдаги уларнинг илмий иш тўпламлари чоп этилди.

Дилшод ЛАТИПОВ,
архитектура фанлари номзоди, профессор,
илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректор,
Саидислом САИДИЙ,
илмий бўлим бошлиғи,
техника фанлари номзоди, доцент

ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ

БАКАЛАВРИАТ БЎЙИЧА:

ю Касбий таълим («Бинолар ва иншоотлар қурилиши», «Шаҳар қурилиши ва хўжалиги», «Муҳандислик коммуникациялари қурилиши», «Қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш технологияси» таълим йўналишлари бўйича)

- ☑ **Дизайн**
- ☑ **Иқтисодиёт**
- ☑ **Менежмент**
- ☑ **Информатика ва ахборот технологияси**
- ☑ **Геодезия, картография ва кадастр**
- ☑ **Архитектура**
- ☑ **Бинолар ва иншоотлар қурилиши**
- ☑ **Шаҳар қурилиши ва хўжалиги**
- ☑ **Муҳандислик коммуникациялари қурилиши**
- ☑ **Қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш технологияси.**

МАГИСТРАТУРА БЎЙИЧА:

- ☑ **«Бинолар, шаҳар ҳудудларини комплекс қайта қуриш ва улардан фойдаланиш»**
- ☑ **«Тармоқлар иқтисодиёти» (шаҳар қурилиши ва хўжалиги)**
- ☑ **«Бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш ва қуриш»**
- ☑ **«Гидротехник иншоотлар»**
- ☑ **«Менежмент» (қурилиш)**
- ☑ **«Иқтисодиёт» (қурилиш)**
- ☑ **«Қурилиш ашёлари, буюмлари ва конструкциясини ишлаб чиқариш»**
- ☑ **«Амалий геодезия»**
- ☑ **«Бино ва иншоотлар архитектураси»**
- ☑ **«Иссиқлик ва газ таъминоти, шамоллатиш, ҳаво ҳавзаси муҳофазаси»**
- ☑ **«Сув таъминоти, канализация, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш»**
- ☑ **«Реклама ва амалий графика»**
- ☑ **«Архитектура тарихи ва назарияси, архитектура ёдгорликларини тиклаш»**
- ☑ **«Шаҳарсозлик, туман ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини режалаш»**
- ☑ **«Қурилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотлар»**
- ☑ **«Иссиқлик таъминоти ва ноанъанавий иссиқлик энергетикаси»**
- ☑ **«Газ-нефть сақлаш омборлари ва қувурлари қурилиши»**
- ☑ **«Бино ва иншоотларни қайта қуриш ва таъмирлаш»**
- ☑ **«Саноат ва фуқаро қурилиш технологияси ва ташкилиёти».**

Азиз ёшлар!

Бизда меъморчилик ва шаҳарсозлик санъатининг нозик қирраларини мукаммал эгаллайсиз!

Институтимизга марҳамат қилинг!

Манзил: 700011,Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 13.
Тел: (3712) 41-15-01 Факс: 41-80-00

ДАВР ТАЛАБИ

Шундай қилиб, ўтган йили давлат бюджети, инновация ва хўжалик шартномалари асосида жами 46 млн. сўмлик илмий иш бажарилди.

Фундаментал тадқиқотлар танловига 2 та, амалий тадқиқотлар танловига 19 та, инновацион ишлар бўйича 5 та илмий лойиҳа тақдим этилди, уларнинг умумий ҳажми 90 млн. сўмдан ошди. Бу ишларнинг бажарилиши бўйича Фан ва технологиялар маркази билан шартномалар имзоланди ҳамда уларнинг умумий ҳажми қарийб 50 млн. сўмга етди. Бунда амалий тадқиқотлар ҳажми деярли 38 млн. сўмни, инновация ишлари эса 11,6 млн. сўмни ташкил этади. Бажарилаётган лойиҳаларнинг умумий ҳажми 2002 йилга нисбатан 3,2 марта ошди.

Бу тадқиқотлар Ўзбекистон архитектураси ва шаҳарсозлиги тарихи, қишлоқ жойларида ижтимоий-маиший объектларнинг тармоғини ташкил этиш услубияти, ландшафт-рекреация тизимини шакллантириш услубияти, архитектура ёдгорликларини асраш муаммолари, энергетик иншоотлар конструкцияларининг тех-

ЙЎЛИДА

Ўтган ўқув йилидан бошлаб институт битирувчиларини уч томонлама (Институт-КҲК-битирувчи) шартномалар асосида ишга юбориш ташкил этилди.

Касб-ҳунар коллежларининг бир неча йўналишлар бўйича таълим стандартлари ва ўқув-режалари ишлаб чиқилиб, тасдиқдан ўтказилди, ҳамда бугунги кунда амалиётда қўлланилмоқда.

Институт қошидаги лицейда ўтиладиган барча фанларнинг маъруза матнлари тайёрланиб, керакли нусхада кўпайтирилди ва институт кутубхонасига топширилди. Улардан бугунги кунда ўқувчилар фаол фойдаланишмоқда.

Институтимизнинг етакчи профессор-ўқитувчилари коллежлар ўқитувчилари билан биргаликда турли фанлардан ўқув қўлланмалари яратишди, ҳамда бу жараён давом этмоқда. 2002-2003 йилларда коллежлар ўқув режаларига кирган 23 фандан дарсликлар яратишга Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими маркази билан шартномалар тузилган. Бундан 5 таси тайёрланиб, ЎМКҲТМга экспертиза учун топширилди. Янги ўқув йили охиригача яна 8 та фан дарсликларини тайёрлаш бўйича шартномалар тузилди.

Юқорида келтирилган касб-ҳунар коллежларининг директорлари институт Илмий Кенгаши таркибига киритилган. Натижада КҲКларда мавжуд муаммоларни биргаликда ўрганиш ва уларни ҳал этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имкониятлари яратилмоқда.

Институт кафедра мудирлари, касб-ҳунар коллежлари директорлари ва уларнинг муовинлари ҳамда кўриладиган масалаларга боғлиқ профессор-ўқитувчилар иштирокида доимий фаолият кўрсатадиган семинар ташкил этилди.

Жорий ўқув йили бошида Акмал Икромов коммунал қурилиш, Ҳамза қурилиш, Тошкент молияиқтисодиёт, Собир Раҳимов қурилиш ва миллий ҳунармандчилик КҲКларининг ҳар бирига 2002 йилда нашрдан чиқарилган 10 номдаги жами 85 нусхадан (ҳар бирига 172000 сўмликдан ортиқ) иборат китоблар совға қилинди.

Қурилиш соҳаларининг педагог ва усталарининг малакасини ошириш доимий равишда ташкил этилмоқда. Биргина жорий йилнинг биринчи чорагида КҲКларнинг 29 нафар ўқитувчиси институт малака ошириш факультетида малакаларини оширишди.

КҲКларга ўқитувчиликка юборилаётган битирувчиларимиз билан тузилган шартномада «Устоз-шогирд» тамойилига асосланиб, уларни уч йилгача маслаҳат, керакли ўқув адабиётлари, маъруза матнлари билан таъминлаш кўзда тутилган.

Институт проспекти Интернет тармоғига чиқарилган. Институт ҳамда ҚҲКларда олиб борилаётган ишлар натижалари оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилиб борилмоқда.

Хусниддин АКРАМОВ,
ўқув ишлари бўйича проректор,
техника фанлари доктори, профессор,
Абдулҳамид СИДДИҚОВ,
академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизмати бўйича проректор,
техника фанлари доктори, профессор

Институт қошидаги лицей Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг истеъдодли ёшлари учун физика, математика ва чет тили фанларини чуқур ўрганишга ихтисослашган бўлиб, у 1996 йил 1 сентябрдан бошлаб фаолият кўрсатмоқда. Лицейнинг асосий вазифаси иқтидорли ёшларни танлаб, уларга чуқур билим бериш, мақсадга йўналтирилган ҳолда олий ўқув юртида ўқишни давом эттиришга тайёрлаш, ҳамда юксак маънавиятли ва маърифатли, миллий қадриятлар руҳида, Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқатли этиб тарбиялашдан иборат. Бугунги кунда лицейда 250 га яқин ўғил-қиз билим олмоқда.

Лицей ўқувчиларига билим бериш учун институтнинг юқори малакали, катта педагогик тажрибага эга бўлган ходимлари жалб этилган. Масалан, 2002-2003 ўқув йилида барча ўқитувчиларнинг сони 40 нафардан зиёд бўлиб, улардан 20 нафари фан номзоди, доцент, 5 нафари фан доктори, профессорлардир.

Лицей ўқитувчилари дарслик, ўқув қўлланма, услубий адабиётлар яратишда ҳам фаол қатнашмоқдалар. Чунончи, бу мураббийлар айни пайтда 1та дарслик, 10 га яқин ўқув қўлланма ёзишда иштирок этмоқдалар. Физика, математика ва информатика фанлари бўйича 6 та маърузалар матнлари яратдилар ва турли республика анжуманларида 8 та илмий маъруза билан қатнашдилар.

Олиб борилаётган ишлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бинобарин, сўнгги йиллар давомида лицей битирувчиларининг 96 фоизи турли олий ўқув юртларига ўқишга кириб, айни пайтда муваффақиятли таҳсил олмоқдалар.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР МАСКАНИ

Лицей ўқитувчиларидан тарих фанлари номзоди А.Тожибоев, физика-математика фанлари номзоди, доцентлар А.Нўъмонхўжаев ва О.Назаров, педагогика фанлари номзоди, доцент Б.Норматов, физика-математика фанлар номзоди, доцент А.Амановлар ўрта мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари учун ёзилган қатор ўқув қўлланмалари, дарсликларнинг муаллифларидир. Шунингдек, лицей ўқитувчиларидан техника фанлари доктори, проф. А.Сиддиқов ва А. Худойберганов мамлакатимиз академик лицейлари учун яратилган информатика ҳамда физика фанлари бўйича ўқув дастурларининг муаллифлари саналади.

Ўқитувчиларимиздан А.Сиддиқов, А.Нўъмонхўжаев, М.Маматқулов, Б.Норматов ҳамда А.Худойберганов раҳбарлигида институтнинг моддий-техника базасидан фойдаланилган ҳолда академик лицей, касб-ҳунар коллежларининг 150 га яқин физика, информатика ва математика фани ўқитувчиларига доимий малака ошириш курсларини ўтдилар.

Лицей ўқувчилари ҳар йили Тошкент шаҳри бўйича ўтказилаётган фан олимпиадаларида иштирок этиб, совринли ўринларни эгалламоқдалар.

Аброр НЎЪМОНХЎЖАЕВ,
академик лицей директори,
техника фанлари номзоди, доцент

БЎЛАЖАК ТАДБИРКОРЛАР

1999 йил институт қошида икки йиллик «Бизнес мактаби» иш бошлади. Мактабни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад, республика халқ хўжалиги учун зарур кичик ва ўрта бизнесни бошқариш тармоқлари, хусусан «Менежмент», «Маркетинг», «Хўжалик ҳуқуқшунослари», «Бухгалтерлик ҳисоби ва аудит», «Дизайн ва реклама», «Кадастр, кўчмас мулкни баҳолаш», «Газ ва сув тармоқлари» дан иборат амалий тадбиркорлик фаолияти борасида чуқур билим ва кўникмаларни эгаллаган ташкилотчи, ташаббускор ёш мутахассислар тайёрлашдан иборат эди.

Мактабга тўлиқ ўрта маълумотли билимга чанқоқ ёшлар тест синовлари ёрдамида қабул қилинадилар. Қишлоқ ёшларига давлат грантидан фойдаланиш имконияти берилган. «Бизнес мактаби»мизда таълим-тарбия ОЎМТВ томонидан тасдиқланган Низом асосида олиб борилмоқда. Низомга кўра бир ёки икки йиллик ўқиш муддатларидан ташқари қисқа курсларни ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Ушбу қисқа муддатли малака ошириш курсларида кичик ва ўрта бизнесда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар иқтисодий йўналиш бўйича режалар тузиш, ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш ҳамда молия-хўжалик бошқаруви бўйича ўз малакаларини ошириши мумкин.

Ҳозирги кунда «Бизнес мактаби» республикамиздаги 50 га яқин кичик ва ўрта «бизнес» корхоналари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Мактабимиз талабалари бевосита юқоридаги корхоналарда «Ишлаб чиқариш амалиёти»да бўладилар ҳамда уларнинг иш юритиш ва ишлаб чиқариш тартиб-қоидаларини ўрганиб қайтадилар.

«Бизнес мактаби»ни «Менежмент», «Маркетинг», «Хўжалик ҳуқуқлари», «Молияни бошқариш», «Бухгалтерия хисоби ва аудит» ва «Дизайн ва реклама» мутахассисликлари бўйича 2001 йилда 86 нафар, 2002 йилда 89 нафар талаба тамомлади.

«Бизнес мактаб» га ёшларимизнинг қизиқиши катта. Бу ерда таҳсил олиш илинжида келаётган йигит-қизларнинг сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Шу боис, мактабнинг даромад манбаи ҳам ортмоқда. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, мактаб даромади 1999 йилда 2 млн. 47 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 13,005 млн. сўмни, 2001 йилда 16 млн. сўмни, 2002 йилда 18 млн. сўмни ташкил этди.

Мактабимиз талабалари институтдаги мавжуд техника воситаларидан, ўқув қуроллари, бадиий, илмий адабиётлар, дарсликлар, услубий қўлланма ва кўргазмали қуроллардан фойдаланишаяпти. Институт маънавият-маърифат маркази, бой кутубхона, ўқув зали, ҳамда спорт иншоотлари талабаларимиз хизматида.

Абдунаби АБДУРАҲИМОВ,
«Бизнес мактаби» директори

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти нафақат Ўзбекистон, балки, Марказий Осиёдаги йирик ўқув ва илмий марказлардан бири ҳисобланади. Институт олимлари турли касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш, оналар ва болаларга — профилактик ёрдам кўрсатишни ташкиллаштириш ва бошқа масалалар бўйича кенг қамровли илмий муаммоларни ҳал қиладилар. Институт жамоаси ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, врач-мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш, талабалар фаоллигини ошириш, олий таълим олдида турган муҳим масалаларни ҳал қилиш юзасидан самарали меҳнат қилишмоқда. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун ўқув гуруҳларида талабалар сони қабули қисқариб, бугунги кунда институт бўйича бир нафар ўқитувчига олти нафар талаба тўғри келмоқда.

1992 йили Урганч шаҳрида институтимиз филиали ташкил этилди. 1994 йили ўқитувчилар малакасини ошириш факультети очилиб, 1998 йили тиббиёт олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари малакасини ошириш Марказига айлантирилди. 1998 йили тиббиёт-педагогика, 1999 йили ҳамширалик иши бўлими ташкил қилинди. 1998 йилдан умумий амалиётчи шифокорлар тайёрлашга киришилди. 2000 йил олий малакали шифокорлар тайёрлаш учун магистратура ташкил қилинди. Ҳозирги кунда 32 йўналиш бўйича магистратура ташкил қилинди.

Давлат тилидаги дарслик ва қўшимча ўқув-методик адабиётларни кўпайтириш мақсадида тиббиёт олий ўқув юртлари учун 32 дарслик, 39 йўриқнома ва 136 ўқув-методик қўлланма яратилди.



Турғунпўлат ДАМИНОВ,
Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректори,
ЎзФА академиги,
Олий Мажлис депутати

1994 йили институтда замонавий компьютерлар билан жиҳозланган тест маркази очилди, 1999 йилда эса замонавий ахборот техногиялар маркази ишга тушди. Умуман олганда, институтда ўқув ва илмий мақсадларда 360 та компьютер ишлатилмоқда. Замонавий ахборот техногиялар маркази ўзида жуда катта ўқув ва илмий маълумотларни жамлаган бўлиб, институтнинг барча кафедралари интернетга чиқиш имкониятига эга.

Ўтган 10 йил мобайнида кутубхонамиз фонди замонавий китоблар билан сезиларли равишда тўлдирилди. Уларнинг бир қисмини ўзимиз сотиб олдик. Колорадо штати (АҚШ) университети 15900 жилд, Осиё маданият ва тараққиёт маркази (Жанубий Корея) 5500 жилд китобни институтга совға қилди.

Институтда Кадрлар тайёрлаш

Chorlov

миллий дастурини бажариш бўйича улкан ишлар қилинмоқда. Бутун таълим тизими учун дастуриламал ҳисобланувчи бу муҳим ҳужжат институт жамоасида, ўқитувчи ва талабалар ўртасида кенг муҳокама қилинди. Уни институтимизнинг «Шифокор» газетасида чоп этиб, махсус стендларга осиб қўйганмиз. Талабалар «Даволаш», «Стоматология» «Олий маълумотли ҳамширалик иши» «Тиббий педагогика» йўналиши бўйича бакалавриатурада таҳсил олишмоқда. Олий тиббий таълимнинг иккинчи босқичида ҳар бир клиник мутахассислик бўйича 2-3 йил давомида юқори малакали мутахассисларни магистратурада тайёрлаш масаласи кўриб чиқилмоқда.

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ШИФОКОРЛАР ТАЙЁРЛАЙМИЗ

2002-2003 ЎҚУВ ЙИЛИДА I ТДТИга КИРИШ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАРНИНГ ТЎПЛАГАН ЎТИШ БАЛЛАРИ

Таълим йўналиши	Грант	Контракт
Даволаш (ўзбек)	171,30	143,30
Даволаш (рус)	163,70	122,20
Стоматология (ўзбек)	167,50	144,90
Стоматология (рус)	157,60	133,90
Тиббий-педагогика (ўзбек)	142,00	105,60
Тиббий-педагогика (рус)	141,80	72,30
Олий маълумотли ҳамшира (ўзбек)	115,60	90,80
Олий маълумотли ҳамшира (рус)	129,20	75,15

БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ



Шифокорлик касбини танлаган азиз ёшлар! Малакали мутахассис бўлишингизда институтимиз профессор ўқитувчилари ўз билим ва тажрибалари асосида сабоқ беришга доимо тайёрдирлар. Замонавий тиббиёт ускуналари, самарали билим бериш методикаси асосида таҳсил олишга шошилинг!



Манзил: Тошкент шаҳри, Мусахонов кўчаси, 103.
Телефон, факс: (3712) 67-63-05.

ДАВОЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ

Институтимизнинг энг кўҳна ва тажрибага бой бўлинмаси ҳисобланади. Мана, 80 йилдан ошибдики, факультетимиз ҳар йили юзлаб шифокорлар тайёрлаб, ўз олдига қўйган вазифани шараф билан адо этиб келмоқда. Бутун дунёга донғи кетган академиклар, хизмат кўрсатган фан арбоблари, соғлиқни сақлаш аълочилари, юзлаб профессорлар ва минглаб фан номзодлари етишиб чиққан даволаш факультети институтнинг негизи, фахридир.

Маълумки, 1997 йилда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» олдимизга жаҳон андозалари даражасидаги шифокорлар тайёрлаш вазифасини қўйган эди. Шундан келиб чиқиб ҳозирги кунда факультетимиз 7 йиллик таълим асосида умумий амалиёт шифокори мутахассислари тайёрламоқда. Бўлғуси умумий амалиёт шифокори бошқа ижтимоий, тиббий-биологик фанлар қаторида умумий амалиёт шифокори (УАШ) мутахассислигига ихтисослаштирилган жарроҳлик, терапия, акушерлик-гинекология кафедраларида таҳсил оладилар.

Ҳозирги кунда факультетимизга қарашли 27 кафедра тиб илми сирларини ўргатмоқда. Улар орасида фахрлансак арзийдиган 3 нафар Ўзбекистон ФА. академиклари, хизмат кўрсатган фан арбоблари, таниқли профессорлар, доцентлар фаолият кўрсатадилар.

Факультетимизда ҳозирги кунда 1500 дан зиёд талаба таҳсил олмоқда. Улар орасида хулқи, билими, истеъдоди билан намуна бўлаётган талабалар анчагина. Шунингдек, институт тарихида биринчи марта талабалар орасида Президент стипендиясига сазовор бўлган Шуҳрат Муборакov, Ҳамидулла Баҳодиров, Ҳасан Холиқуловлар ҳам факультетимиз талабаларидир.

Бундан ташқари, бир қанча талабаларимиз Ибн Сино номли Давлат стипендиясига, Илмий Кенгаш таъсис этган стипендияга сазовор бўлганлар. Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган Д.Бердиева ҳам факультетимиз талабасидир. Талабаларимиз республика, халқаро олимпиада ва танловларда ҳам иштирок этиб, қувонарли натижаларни қўлга киритмоқдалар.

СТОМАТОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

1954 йилда ташкил этилган. Бу факультетни битирганлар «Умумий амалиёт стоматологи» бўлиб чиқадилар, ҳозирги кунда факультетимизни тамомлаган 8000 дан ортиқ шифокорлар республикамизнинг турли жойларида халқимиз соғлиғи учун хизмат қилмоқда.

Факультетимиз 19 кафедрадан ташкил топган бўлиб, 722 нафар талабага 250 дан ортиқ олий малакали ўқитувчилар, жумладан, 140 нафари тиббиёт фани номзоди, 42 доцент, 22 тиббиёт фан докторлари стоматология фанининг сирларини ўргатадилар.

Ҳозирги вақтда факультетимизда 5 йил ўқиш мобайнида замон андозаларига жавоб берадиган умумий амалиёт стоматологи тайёрланади. Факультетимизни тугатган амалиёт стоматологи тиш ва жағ соҳасида учрайдиган касалликларнинг олдини олиш билан бирга уларга малакали стоматологик ёрдам кўрсатади.

Келажакда умумий амалиёт стоматологи ўз билимини оширишни истаса, ўқишни магистратурада давом эттириши мумкин.

ТИББИЙ ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

Тиббий педагогика факультетида икки йўналишда мутахассислар тайёрланади — умумий амалиёт врачлари ҳамда тиббиёт коллежлари учун юқори малакали педагоглар. Факультетда ўқиш муддати — 7 йил. Факультетда таълим психологик-педагогик соҳаларга оид қўшимча педагогика, психология, тиббий психология, педагогик маҳорат, нутқ маданияти, янги педтехнология ва бошқа фанлар билан даволаш факультети дастури доирасида олиб борилади.

Талабаларнинг муваффақиятли ўқишлари ҳамда назарий ва амалий кўникмаларни эгаллашлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган: замонавий жиҳозланган ётоқхона, таълимнинг техник воситалари, замонавий компьютер тизимлари ва ҳоказо.

ФАХРЛАНСАК АРЗИЙДИ

«ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ҲАМШИРА» БЎЛИМИ

Энг ёш, янги ва келажаги ёрқин бўлимдир.

Бу бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги 1998 йил 10 ноябрдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 июндаги 282-сонли «1999-2000 ўқув йилида Ўзбекистон олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилган.

Бўлим Марказий Осиё республикалари ичида фақат бизнинг Республикада очилди ва ҳудудимизда пешқадамдир.

Талабалар сони кўпайиши билан бўлим факультет статусига эга бўлади.

Бўлимда ўқиш муддати 3 йил бўлиб, ҳамширалик ишининг менежери, анестезиология ва реаниматология бўлими ҳамшираси, туғруқ блоки акушеркаси, жарроҳлик блоки ҳамшираси каби ўта нозик ва масъулиятли вазифаларда ишловчи олий тоифали ҳамширалар тайёрланади.

Бўлимнинг вазифаси даволаш муассасалари, ўрта тиббиёт ўқув юртлари, диагностика марказлари, туғруқхоналар, давлат ва хусусий медицина ташкилотлари, ижтимоий таъминот ташкилотларини юқори малакали кадрлар билан таъминлашдир.

Бўлим ташкил этилганига уч йил бўлди ва шунга қарамай талабаларнинг ўқиши учун барча шароитлар яратилган. Ҳамма фанлар педагогика жараёнининг давомли анъаналарига эга кафедраларда энг юқори малакали профессор-ўқитувчилар томонидан машғулотлар олиб борилади.

Институт ходимлари ва талабалари учун хорижий тиббиёт марказларида касб ва педагогик маҳоратларини ошириш имкони бор. Бизнинг янги бўлим учун бу айниқса муҳимдир.

Бўлимга ўрта махсус медицина билим юртларини битирган ҳамширалар қабул қилиниб, улар ўқув дастуридаги барча фанларни зўр қизиқиш билан ўқийдилар.

БЎЛАЖАК ШИФОҚОРЛАРГА ИМКОНИЯТЛАР

Тошкент давлат иккинчи тиббиёт институти мамлакатимиздаги кўзга кўринган олий ўқув юртларидан бири ҳисобланади. Институтимиз нафақат республикамизга, балки хорижий мамлакатларга ҳам малакали мутахассислар етказиб беришда салмоқли ўринни эгаллаб келмоқда.

Мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, ёш авлоднинг илмий-интеллектуал салоҳиятини ошириш, улар орасидан келгусида илмий-педагогик кадрларни шакллантириш, бўлажак шифокорнинг шахсий хусусиятларини ривожлантириш институт жамоаси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ёшларнинг билим олишлари учун институтимизда барча шарт-шароитлар мавжуд. Юқори малакали профессор-ўқитувчилар, жумладан 100 дан ортиқ тиббиёт фанлари докторлари талабаларга шифокорлик сирларини ўргатмоқдалар. Кафедралар ва илмий-текшириш лабораториялари етарли даражада замонавий ўқув ва текшириш воситалари билан жиҳозланган.

Институтимиз хориждаги олий ўқув юртлари билан ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу борада АҚШнинг Иллинойс университети, Испания-



Ҳомид КАРИМОВ,
II–Тошкент давлат тиббиёт институти ректори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
профессор

Chorlov

нинг Гранада университети, Финляндиянинг Турку университети, Мисрнинг Загази ва Ал-Мансур университетлари, Буюк Британиянинг Империал коллежи билан олиб бораётган ҳамкорлигимиз ўқув, илмий, даволаш ва тарбиявий жараёнларни такомиллаштириш, уларни жаҳон андозасига мослаштиришда катта ёрдам бермоқда.

Институтимизда ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Бундан ташқари ҳозирги кунда барча курсларда инглиз тилида таҳсил олувчи талабалар гуруҳлари ҳам ташкил қилинган. Тил марказида талабалар инглиз тили бўйича билимларини такомиллаштириш имконига эгадирлар.

Институтимизда маънавий-маърифий ишлар яхши йўлга қўйилган. Турли кечалар, учрашувлар ва бошқа тадбирлар мунтазам равишда ўтказилиб турилади. Ёшлар бўш вақтларида турли тўгаракларга қатнашадилар. Спорт мусобақаларини ташкиллаштириш яхши анъанага айлантирилган.

Вилоятлардан келиб таҳсил олаётган талабалар учун барча қулайликларга эга талабалар уйлари мавжуд. Уларда барча спорт анжомлари билан жиҳозланган спорт зали, тикиш-бичиш, қандолатчилик, компьютер тўгараклари ташкил этилган, интернет-кафе жиҳозланмоқда.

ДАВОЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ

Даволаш факультети институт факультетлари орасида энг нуфузлиси ҳисобланади. Талабалар бу факультетни битириб, инсон саломатлигининг посбони бўлиб чиқадилар. Уларга билим беришга атоқли олимлар, академиклар, хизмат кўрсатган фан арбоблари жалб этилган. Институтнинг илғор хориж тиббиёт мактаблари билан ҳамкорлик алоқалари, факультетда ўқитишнинг энг илғор усуллари, замонавий асбоб-ускуналар, компьютер техникаларидан кенг фойдаланишга имкон яратди.

Факультетда 1350 нафарга яқин талаба (улардан 20 нафари хорижлик талабалардир) таҳсил олмоқда.

Даволаш факультети талабалари ўзларининг дунёқарашларини ва билимларини институтда фаолият кўрсатиб турган электрон почта, Интернет, кутубхоналар орқали бойитишлари, юқоридаги алоқа хизматлари орқали чет эллик тенгдошлари ва касбдошлари билан мулоқотда бўлишлари мумкин.

Талабалар ўз илмий фаолиятларини кафедралар қошидаги "Талабалар илмий жамияти"да олиб боришади, бунда кафедра профессорлари талабаларга ўз маслаҳатлари билан кўмаклашадилар. Бу борада УАШ кафедралари етакчи ҳисобланади.

Кафедраларда турли фанлардан олимпиадалар ўтказилади. Ғолиблар эса чет элларда бўлиб ўтадиган илмий анжуманларда қатнашадилар.

Иқтидорли талабалар факультетни битириш арафасида магистратуранинг ўзлари хоҳлаган мутахассисликлари бўйича ҳужжат топшириб, танловдан ўтсалар, ўқишни давом эттиришлари мумкин. Қолган талабалар эса, ўзларининг тиббий фаолиятларини шаҳар ёки вилоят поликлиникаларида ва тез ёрдам хизматларида олиб борадилар.

ТИББИЙ-ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

Тиббий-педагогика факультети 1998 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда унинг таркибида 5 та курс мавжуд.

Факультет талабалари даволаш факультетининг режа ва дастурлари, шунингдек, педагогика ва психология фанларидан махсус режа асосида чуқур таълим оладилар. Битирувчиларга даволаш иши бўйича диплом ва ўқитувчилик ҳақида гувоҳнома берилади. Улар умумий амалиёт шифокори ва тиббий таълим муассасаларида ўқитувчи бўлиб ишлаш ҳуқуқига эгадирлар.

ТИББИЙ-ПРОФИЛАКТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

Тиббиёт профилактикаси иши факультети Ўзбекистонда ягона, МДҲдаги ўзига ўхшаш 33 факультет орасида етакчи ўринларни эгаллайдиган факультетдир. Уни тамомлаб чиққанлар 20 дан ортиқ мутахассислик бўйича халқимизга хизмат қилади. Улар — эпидемиолог, паразитолог, бактериолог, вирусолог, иммунолог, коммунал, меҳнат, овқатланиш, болалар ва ўсмирлар, радиацион гигиена врачи, соғлиқни сақлаш менежери, ўсмирлар кабинети шифокори, касб касалликлари шифокори, токсиколог, инфекционист, тиббиёт психологи, патологоанатом, суд-тиббиёти эксперти ва соғлиқни сақлаш соҳасини ташкил этувчи шифокорлардир.

Қисқа қилиб айтганда, тиббиёт профилактикаси иши шифокорининг энг асосий вазифаси ўзи яшаётган муҳитда инсон саломатлигига таъсир қилувчи зарарли ва хавфли омилларни йўқотиш ва олдини олишдан иборат.

ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ҲАМШИРАЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ

Ҳозирги кунгача амалий тиббиётнинг ҳамшираларга бўлган талаби ўрта медицина билим юртлари ёки коллежларни тугатган кадрлар ҳисобига қондириб келинмоқда. 1999 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида"ги Фармонига асосланиб ва давр талабидан келиб чиққан ҳолда тиббиёт олий таълим муассасалари, жумладан II ТошДавТИ қошида 3 йиллик олий маълумотли ҳамшира-бакалавр тайёрлаш бўлимлари ташкил этилди.

Ушбу бўлимда ўқиш шакли кундузги бўлиб, муддати 3 йилни ташкил этади. Олий маълумотли ҳамшира-бакалавр бўлимига ўрта махсус тиббиёт билим юрти ёки касб-ҳунар коллежини тугатган абитуриентлар қабул қилинади, ўқишни муваффақиятли тамомлаган талабаларга олий маълумотли ҳамшира-бакалавр квалификацияси ва диплом берилади. Ушбу ҳужжат Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Меҳнат вазирлиги билан келишилган ҳолда ташкил этган иш ўринларида фаолият кўрсатиш ҳуқуқини беради.


Олий маълумотли ҳамшираларамалий тиббиётнинг энг мураккаб ва шу билан бирга масъул жабҳаларида — туғруқ ва жарроҳлик хоналарида, анестезиология ва реаниматология бўлимларида фаолият кўрсатишлари режалаштирилган. Улар асоратланган туғиш жараёнларини олиб бориш, наркознинг баъзи турларини бошқариш каби фаолиятларини мустақил амалга оширишлари мумкин. Олий маълумотли менежер ҳамшираларидан маркетинг ва менежерлик асосларини пухта билиш ҳамда ташкилотчилик, бошқарувчилик қобилиятлари талаб этилади. Олий маълумотли педагог-ҳамширалар ўрта тиббиёт билим юртлари, коллежлар, олий ўқув юртларининг олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш бўлимларида таълим беришлари мумкин.

2002–2003 ЎҚУВ ЙИЛИДА II ТошДавТИга КИРИШ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАРНИНГ ТЎПЛАГАН ЎТИШ БАЛЛАРИ

Таълим йўналиши	Ўтиш бали	
	Грант	Контракт
Даволаш иши (ўзбек)	168,9	144,6
Даволаш иши (рус)	159,8	119,3
Тиббий–педагогика (ўзбек)	143	118,7
Тиббий–педагогика (рус)	136,5	94,5
Тиббий–профилактика (ўзбек)	119,6	84,9
Тиббий–профилактика (рус)	115	69
Олий маълумотли ҳамшира (ўзбек)	132,8	110,3
Олий маълумотли ҳамшира (рус)	155,2	88,2

II ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Даволаш иши
Тиббий педагогика
Тиббий профилактика
Олий маълумотли ҳамшира
ихтисосликлари бўйича
малакали мутахассислар тайёрлайди



Манзил: 700109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2
Тел./факс: (3712) 46-96-48

КЎҲНА ИЛМ ДАРГОҲИНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Мурод ШАРИФХЎЖАЕВ,
Тошкент молия институти ректори, академик, Олий Мажлис депутати



Ўзининг етмиш икки йиллик тарихига эга бўлган Тошкент молия институти мамлакатимизда иқтисодчи мутахассислар тайёрлаб берадиган энг йирик ўқув-илмий ва маданий масканлардан бири саналади. Мазкур ўқув даргоҳи айни пайтда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини амалга ошира бориб, бозор иқтисодиёти шароитига мос молия, банк, суғурта, қимматли қоғозлар ҳамда фонд биржаси, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби, аудит, касбий педагогик тайёргарлик каби таълим йўналишлари бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрлаб келмоқда. Институтимизда фанлар бўйича маъруза ва амалий машғулотлар ўтказиш учун етарли миқдорда компьютер синфлари ҳамда барча керакли ашёлар билан жиҳозланган тест маркази фаолият юритаётганини таъкидлаш ўринлидир. Чунки мазкур марказда ҳар бир йўналишнинг махсус фанларидан талабаларнинг билимини рейтинг тизими асосида аниқлаш компьютерлар ёрдамида амалга оширилади.

Институтимиз ривожланган чет эл турдош университетлари билан ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳозирги кунда АҚШ, Англия, Франция, Германия, Италия, Жанубий Корея, Малайзия ва кўпгина бошқа мамлакатларнинг олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланган. Таълим муассасамиз профессор-ўқитувчиларининг ТАСИС, АЙРЕКС, ФУЛБРАЙТ, СОРОС, ДААД, АКСЕЛС каби дастурлар доирасида илмий ва малака ошириш курсларини ўтаб келишлари эса, талабаларнинг янада чуқур билим олишларини таъминламоқда. Чет эл университетлари олимлари, турли дастурлар мутахассисларининг таълим даргоҳимиз жараёнига узлуксиз равишда жалб қилиниши ҳам бу борадаги муваффақиятларимиз сирасига киради. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, халқаро информацион ресурслардан фойдаланиш мақсадида институт ўқитувчи-профессорлари ва талабаларига «Электрон почта» ва «Интернет» глобал информацион тизимлари хизмат кўрсатмоқда. Институтда масофадан ўқитиш шакли ҳам ташкил қилинаяпти.

Chorlov

Мамлакатимиз раҳбарининг 1994 йил 7 январдаги иқтидорли ёшларнинг чет элларда таълим олишини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисидаги фармони ижросини таъминлаш бўйича ҳам талай ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, иқтидорли ёшларни излаш ва уларни мақсадли тайёрлашга доир услубий тавсияномалар ишлаб чиқилиб, бу соҳада ижобий ишлар бажарилаяпти. Бунинг самараси ўлароқ, ҳозирги вақтда эллик нафарга яқин талаба «Умид» жамғармаси бўйича хориж олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда. Ўн нафар профессор-ўқитувчилар эса мазкур жамғарма бўйича чет эл олий ўқув юртларида малака ошириб қайтишга муваффақ бўлишди.

Институтимизда «Ёш иқтисодчилар» клуби ташкил этилганки, унга аъзо бўлган талабаларнинг илмий мақолалари марказий газета, журнал ва илмий тўпламларда мунтазам равишда чоп этиб борилади. Бундан ташқари, жаҳон ва мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишига доир масалалар ёш олимлар томонидан доимий равишда муҳокама қилинади. Шунингдек, талабаларнинг ўқишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун ҳам тез-тез турли тадбирлар ўтказилиб турилади. Ҳар хил муаммоли маърузалар, кинофильмлар, семинарлар, тарихий жойларга экскурсиялар уюштириш ва бошқа дам олишга доир масалалар шулар жумласига киради. Институтимизда спорт клуби ҳам мавжуд бўлиб, ундаги спорт зали ва майдонида ўндан ортиқ спорт турлари бўйича секциялар фаолият кўрсатмоқда. Профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг ёзги таътилини мароқли ўтказишлари учун ҳам қулайлик яратилган бўлиб, улар ҳар йили сўлим «Чорвоқ» сув омбори ёнида жойлашган соғломлаштириш масканида дам олишади.

Институт таркибидаги давр талаби даражасида жиҳозланган учта талабалар уйида эса талабаларнинг мазмунли дам олишлари, спорт билан шуғулланишлари ва дарс тайёрлашлари учун лозим бўлган имкониятлар ҳам яратиб берилган.

Бир сўз билан айтганда, Тошкент молия институти мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш учун мутахассис кадрлар тайёрлаб бермоқдаки, бу борада тўпланган кўп йиллик тажриба анчайин қўл келмоқда.

Тошкент молия институтида мутахассис кадрлар тайёрлаш моделини амалга ошириш, уларнинг замон талаблари ва жаҳон андозаларига мос бўлиши учун 5 та факультет (3 та кундузги ва 2 та сиртқи), солиқ ташкилотлари учун кадрлар тайёрлаш маркази ва магистратура бўлими ҳамда 25 та кафедра фаолият юритиб келмоқда. Ҳозирги кунда институтда таълим олаётган 6 минг нафардан ортиқ талабага 390 нафар профессор-ўқитувчилар сабоқ беришади. Ўқув жараёнида илғор техник воситалар — компьютерлар, нусха кўчирувчи аппаратлар, проекцион воситаларидан фойдаланилади. Кутубхона ва унинг жойлардаги бўлимлари эса интернет тизимига уланган бўлиб, шу асосда ўқишнинг янги усулларидан бўлган масофавий ўқитиш жорий этилган. Шунингдек, институтда хорижий тилларни ўргатишга ҳам катта эътибор қаратилган. Яъни барча факультетларнинг ўқиш жараёнларида замонавий техник воситалар ва тил ўргатишнинг янги илғор услублари кенг қўлланилмоқда. Бу эса ўз навбатида институт талабаларининг чет эл адабиётларидан билимини ошириши ҳамда уларни чет элларга юбориш ва хорижий университетлар билан ўқув-илмий-услубий ҳамкорлик қилиш имкониятини яратмоқда.

Демак, Тошкент молия институти кундузги бўлимида 3 та факультет бўлиб, уларда 3 мингга яқин талаба таҳсил олади. Шулардан 1450 нафари молия-иқтисод факультетида, 800 нафари ҳисоб-иқтисод факультетида, 740 нафари кредит-иқтисод факультетида ўқийдилар.

Молия-иқтисод факультетида:

- ✓ ***молия;***
- ✓ ***солиқ ва солиққа тортиш;***
- ✓ ***суғурта;***
- ✓ ***молиявий лойиҳалаш;***
- ✓ ***қимматли қоғозлар ва биржа иши йўналишлари мавжуд.***

Ҳисоб-иқтисод факультетида:

- ✓ ***бухгалтерия ҳисоби ва аудит иши;***
- ✓ ***касбий таълим*** йўналишлари бўйича ўқитилади.

Кредит-иқтисод факультетида:

- ✓ ***банк иши ва менежмент*** йўналишлари мавжуд.

Институтнинг сиртқи факультетларида 3 минг нафардан ортиқ талаба сабоқ олади. Шу жумладан, ҳисоб, **молия-иқтисод** факультетида 1800 нафар талаба ўқийди. Улар:

- ✓ ***молия;***
- ✓ ***солиқ ва солиққа тортиш;***
- ✓ ***бухгалтерия ҳисоби ва аудит иши*** йўналишлари бўйича ўқитилади.

Кредит-иқтисод факультетида:

- ✓ ***банк иши;***
- ✓ ***молиявий лойиҳаларни тайёрлаш*** йўналишлари ташкил этилган.

Шулар баробарида институтда кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини таъминловчи **молия лицейи, солиқ лицейи, банк коллежи, молиячи бизнес мактаби, бакалавриатура, магистратура, малака ошириш институти, аспирантура ва докторантура**дан иборат модел ишлаб чиқилгани ва йўлга қўйилганини таъкидлаш жоиздир. Шунингдек, институтда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини амалга оширишга хизмат қиладиган **компьютер-нашр ишлари, илмий-ўқув ахборот технологияси, кутубхона, нашриёт, босмахона**дан иборат иқтисодий билимларни тарқатиш маркази фаолият юритаётганини ҳам айтиш ўринлидир. Бу бўлимларнинг фаолияти профессор-ўқитувчилар, докторантлар, аспирантлар ва талабалар ўртасида янги иқтисодий ва дунёвий билимларни оммалаштиришга қаратилган.

ТАНЛАНГ, ИНТИЛИНГ!


2002-2003 ЎҚУВ ЙИЛИДА ТМИга КИРИШ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАРНИНГ ТЎПЛАГАН ЎТИШ БАЛЛАРИ

Йўналиш	Талабалик сафига қабул қилинганларнинг максимал бали				Талабалик сафига қабул қилинганларнинг минимал бали			
	Рус тилида тест синовларидан ўтганлар		Ўзбек тилида тест синовларидан ўтганлар		Рус тилида тест синовларидан ўтганлар		Ўзбек тилида тест синовларидан ўтганлар	
	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт
КУНДУЗГИ БЎЛИМ								
Менежмент	-	-	195.9	172.0		-	176.4	152.2
Молия	208.8	164.8	210.6	162.4	164.9	118.3	162.7	114.1
Касбий таълим	-	-	184.2	132.4	-	-	133.8	119.5
Банк иши ва бухгалтерия ҳисоби ва аудит	203.6	164.7	215.0	180.7	165.5	120.3	180.9	156.0
Солиқлар ва солиққа тортиш	211.9	170.6	205.5	174.6	171.3	141.4	174.9	150.9
СИРТҚИ БЎЛИМ								
Молия	-	189.2	-	170.0	-	146.4	-	142.8
Банк иши ва бухгалтерия ҳисоби ва аудит	-	182.8	-	199.9	-	150.3	-	156.8
Солиқлар ва солиққа тортиш	-	-	-	158.8	-	-	-	121.6

Абитуриентнинг тест синовларига киритилган фанлар бўйича тўплаши мумкин бўлган максимал балл— 226.8.

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИДА

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ОЛИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛАСИЗ.



⇨ *банк иши*
⇨ *бухгалтерия ҳисоби ва аудит*
⇨ *солиқлар ва солиққа тортиш*
⇨ *молия*
⇨ *менежмент*

Манзил: 700084, Тошкент шаҳри, Хуснитдин Асомов шоҳ кўчаси, 7
Тел.: (3712) 34-55-37
Факс: (3712) 34-43-42

Жамият тараққиётининг барча босқичларида ҳам педагог кадрларга эҳтиёж бўлган ва бу масала ҳамма даврларда турлича кўринишда ҳал этилган. Айни пайтда республикамизда бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилган ҳамда бу жараёнда университетимизнинг ўз ўрни ҳамда вазифалари бор. 1935 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг педагогика факультети негизида ташкил этилган институтимиз ўтган давр мобайнида нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиё давлатлари орасида ҳам ўзига хос таълим-тарбия ўчоғи сифатида танилди ҳамда кўп қиррали фаолият кўрсатди. Истиқлол шарофати билан олий илм маскани университет мақомини олиб, барча таълим турлари учун кадрлар ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига умумтаълим фанлари мутахассислари тайёрловчи таянч олий таълим муассасаси этиб белгиланди.

Университетимизда таниқли ва фидойи педагог-олимлардан иборат ижодий гуруҳ шаклланган. 14 та факультетда 50 нафардан ортиқ академик, фан доктори, профессорлар, 200 нафарга яқин фан номзоди, доцентлар, 400 дан ортиқ юқори малакали ўқитувчи талаба ва магистрантларга турли фан асосларидан сабоқ беришмоқда. Айни пайтда ўқув юртимизда 26 та бакалаврлик йўналиши ҳамда 29 та магистратура мутахассислиги бўйича 10300 нафардан ортиқ йигит-қизларга турли мутахассисликлар бўйича билим берилмоқда. Шунингдек, хорижий давлатлар ҳамда МДҲ мамлакатларидан ташриф буюрган талабалар ҳам билим олиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Ўқитиш ўзбек, рус ва қозоқ тилларида амалга оширилади.

Ўқув юртимиз раҳбарияти талаба ва ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот ишларини олиб боришини тўла рағбатлантиради. Ўтган ўқув йилида университетимизда Фан ва технологиялар марказининг 2 та инновацион лойиҳаси, 2 та фундаментал тадқиқотлар танлови грантлари бўйича илмий ишлар олиб борилди. Шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан молиялаштирилган 8 та илмий лаборатория самарали ишламоқда. Очиқ жамият институти танлови орқали қўлга киритилган 2 та лойиҳа ҳам тўла амалга оширилди.

Олий таълим муассасаларида ўқув адабиётлари масаласи ҳамон ўз долзарб аҳамиятини йўқотгани йўқ. Шу боис, таълим сифатини таъминловчи бирламчи мезон бўлган ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш ва улар билан талаба-ўқувчиларни таъминлаш жараёнида университетимиз жамоаси фаол иштирок этмоқда.

Chorlov

Педагог-кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида ҳам университетимизда қатор ишлар, айрим жабҳаларда тажрибалар ҳам олиб борилмоқда. Чунончи, олий маълумотли педагоглар билими негизида амалий психологларни қайта тайёрлаш бўйича университетимизда республикада ягона факультет фаолият кўрсатмоқда. Шу кунга қадар бу факультетни 572 нафар тингловчи битириб, турли таълим муассасаларида ўз фаолиятини муваффақиятли давом эттирмоқдалар. Жорий йилдан бошлаб эса, турли таълим хизматларини кенгайтириб, биология билимлари негизида кимё, кимё билимлари асосида биология фани ўқитувчиларини тайёрлашга киришилди.

Ўқув юртимизда ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш мақсадида инглиз, корейс, ўзбек тиллари ва лотин ёзуви, компьютер саводхонлиги бўйича курслар фаолият кўрсатади. Бу ишлар асосан «Бизнес маркази» томонидан бажарилади. Марказда шунингдек, абитуриентлар олий ўқув юртига умумий ўрта таълим дастурлари асосида тайёрланади. Ўқув юртимизда 2002 йил «Компьютер технологиялари ва масофавий ўқитиш маркази» ташкил қилинди.

Марказда айни пайтда ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш тизимини таълим жараёнига татбиқ қилиш, ўқув жараёнини бошқаришни компьютерлаштириш, ахборот тизимлари ва электрон кутубхоналар ташкил қилинмоқда. Ўқитилаётган 350 дан ортиқ фанлар бўйича маърузалар матни электрон версияга ўтказилди. Ҳозирда университет кутубхонасидаги 170 дан ортиқ электрон дарслик ва қўлланмалардан профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар кенг фойдаланишмоқда. Университетнинг факультет тармоқлари билан биргаликда 7 та дистанцион алоқа тармоқлари ҳам ўқув жараёнига хизмат қилмоқда. Шунингдек, илғор мамлакатлар даражасида дистанцион алоқани амалга оширадиган видеоконференция зали ташкил қилиниб, шу кунларда ўз ижобий самараларини бермоқда.

Бугунги кун педагоги даврни баҳолай оладиган, шахсни фаол фуқаролик руҳида тарбиялайдиган, илғор дунёқарашга эга, инсон қадр-қимматини, демократия ва тинчликни



Баҳром ҚОДИРОВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректори, техника фанлари доктори, профессор

ҳимоя қиладиган, миллий истиқлол руҳида тарбияланган бўлиши талаб этилади. Ана шундай эзгу мақсадларни дилига жо қилган, келажакда шарафли ва эъзозли соҳанинг мукаммал устаси бўлиш истагида юрган шижоаткор, билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни ўқув даргоҳимизда кутиб қоламиз!

ЭЪЗОЗ ВА ШАРАФГА МУНОСИБ СОҲА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

Факультетда «Математика ва информатика», «Физика ва астрономия» йўналишлари бўйича педагог-кадрлар тайёрланади. Таълимнинг ушбу йўналишларида ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Битирувчилар республика умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида математика ва информатика, физика ва астрономия фанларидан дарс берадилар.

ТАБИИЁТ ФАНЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ

Бу ерда «Кимё ва экология», «Биология ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги», «География ва агрономия иқтисодий билим асослари», «Касб таълими» йўналишлари бўйича педагоглар тайёрланади. Талабалар бу ерда бакалавр ва магистрлик унвонини қўлга киритиш баробарида турли соҳаларда илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланишлари учун имкониятлар яратилган.

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

Факультетда «Тарих», «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланади. Ўқиш кундузги ва сиртқи бўлимда ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Бу ерда талабалар бакалавр даражасига эга бўлишлари мумкин.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

Ушбу факультетда «Педагогика ва психология», «Мактабгача таълим» йўналишлари бўйича талабаларга билим берилади. Факультетда бакалавр ва магистрлик ихтисосликлари бўйича ўқитилади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

КАСБ ТАЪЛИМИ ФАКУЛЬТЕТИ

Факультетда касб таълими — «Машинасозлик технологияси», «Машинасозлик ишлаб чиқариш ва уларни автоматлаштириш», «Меҳнат таълими» йўналишлари бўйича педагоглар тайёрланади. Ўқиш кундузги ва сиртқи бўлимларда ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Битирувчилар умумтаълим мактаблари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида касб таълими ва меҳнат таълими фанларидан дарс берадилар.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ВА ДЕФЕКТОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

Бу ерда «Бошланғич таълим ва тарбиявий иш», «Дефектология» йўналишлари бўйича педагоглар тайёрланади. Таълим кундузги ва сиртқи бўлимларда ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Бакалавр ихтисослигини эгаллаган мутахассислар бошланғич синфларда ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида тарбиячи ва ўқитувчи, шаҳар, туман халқ таълими бўлимларида эса методист сифатида фаолият кўрсатадилар. Бакалаврликдан сўнг таълимни давом эттириш истагида бўлганлар турли йўналишлар бўйича магистратуранинг кундузги бўлимларида таҳсил олишлари мумкин.

ЧЕТ ТИЛЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

Мазкур факультетда таълимнинг «Хорижий тиллар адабиёти» бакалаврлик йўналишида ўқитилади. Таълим ўзбек ва рус тилларида, фақат кундузги бўлимларда олиб борилади. Битирувчилар республика умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида инглиз тили ва адабиёти, немис тили ва адабиёти фанларидан дарс берадилар. Бакалавр босқичини муваффақиятли тугатганлар «Хорижий тиллар» ва «Хорижий мамлакатлар адабиёти» ихтисосликлари бўйича магистратурада ўқишни давом эттиришлари мумкин.

БАДИИЙ ГРАФИКА ФАКУЛЬТЕТИ

Факультетда «Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси», «Касб таълими» йўналишлари бўйича ўқитилади. Таълим кундузги ва сиртқи бўлимларда олиб борилади. Битирувчилар турли таълим муассасаларида муҳандислик графикаси, тасвирий ва амалий санъат фанларидан дарс беришади.

МУСИҚА ФАКУЛЬТЕТИ

«Мусиқий таълим» ушбу факультетда кундузги ва сиртқи бўлимларда ўқитилади. Таълим фақат ўзбек тилида, кундузги бўлимларда олиб борилади.

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ФАКУЛЬТЕТИ

Факультетда «Ўзбек тили ва адабиёти» ҳамда «Қозоқ тили ва адабиёти» таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланади. Дарслар кундузги ва сиртқи бўлимларда ўзбек ва қозоқ тилларида олиб борилади. Ўзбек тили ва адабиёти йўналиши бўйича бакалавр даражасига эга бўлган ёшлар «Ўзбек тили» ва «Ўзбек адабиёти» йўналишларида магистратурада ўқишни давом эттиришлари мумкин.

ЧАҚИРИҚҚАЧА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИ

Таълимнинг «Чақириққача ҳарбий таълим» бакалавр йўналишида ўқиш муддати 4 йил, таълим кундузги бўлимларда амалга оширилади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ушбу йўналишда ўқишни тамомлаганларга Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги буйруғига асосан заҳирадаги лейтенант ҳарбий унвони берилади.

РУС ВА КОРЕЙС ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

Бу ерда «Рус тили ва адабиёти» ҳамда «Корейс тили ва адабиёти» йўналишлари бўйича кундузги ва сиртқи бўлимларда таълим берилади. Бакалавр ихтисослигини муваффақиятли тугатганлар рус тили ва рус адабиёти йўналишлари бўйича магистратурада таълим олиш имконига эгалар.

2002-2003 ЎҚУВ ЙИЛИДА ТДПУга КИРИШ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАР ТЎПЛАГАН ЎТИШ БАЛЛАРИ

Таълим йўналиши		Ўтиш бали	Таълим йўналиши		Ўтиш бали
1. Математика ва информатика	ўзбек	144,90	9. Касбий таълим:		
	рус	91,70	Амалий санъат	ўзбек	125,72
2. Физика ва астрономия,			Агрономия	ўзбек	108,80
Меҳнат таълими	ўзбек	131,70		рус	131,60
	рус	83,80	10. Машинасозлик	ўзбек	142,20
3. Кимё ва экология	ўзбек	123,40		рус	96,40
	рус	77,00	11. Мусиқий таълим	ўзбек	105,70
4. Биология ва ҳаётий				рус	131,20
фаолият хавфсизлиги	ўзбек	124,30	12. Узбек тили ва адабиёти	ўзбек	122,40
	рус	134,40	13. Чақириққача ҳарбий таълим	ўзбек	129,90
5. География ва иқтисодий				рус	152,50
билим асослари	ўзбек	142,00	14. Она тили ва адабиёти:		
	рус	126,60	Рус тили ва адабиёти	рус	138,60
6. Тарих	ўзбек	147,80	Қозоқ тили ва адабиёти	қозоқ	117,00
	рус	154,40	Корейс тили ва адабиёти	рус	162,12
7. Тасвирий санъат ва			15. Чет тили ва адабиёти		
мухандислик графикаси	ўзбек	132,50	(тиллар буйича):		
	рус	132,36	Инглиз тили	ўзбек	135,50
8. Педагогика ва психология,				рус	158,50
Мактабгача таълим,			Немис тили	ўзбек	105,90
Дефектология	ўзбек	107,70	16. Миллий истиқлол ғояси;		
	рус	162,60	ҳуқуқ ва маънавият асослари	ўзбек	153,10
			17. Бошланғич таълим ва		
			тарбиявий иш	ўзбек	124,20
				рус	124,80

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА, ТАБИИЁТ ФАНЛАРИ, ТАРИХ, ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ, КАСБ ТАЪЛИМИ, БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ВА ДЕФЕКТОЛОГИЯ, ЧЕТ ТИЛЛАР, БАДИИЙ ГРАФИКА, МУСИҚА, ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ, ЧАҚИРИҚҚАЧА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ, РУС ВА КОРЕЙС ФИЛОЛОГИЯСИ



факультетларида малакали педагоглар тайёрлайди.

Университетимизга марҳамат қилинг!

Манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103.
Телефон (3712) 54-92-04.
Факс 55-50-95.



Анвар ОДИЛХЎЖАЕВ,
Тошкент темир йўл муҳандислари институти ректори,
техника фанлари доктори,
профессор

Акмал Икромов номидаги Тошкент темир йўл муҳандислари институти 1931 йилда ташкил қилинган. У Марказий Осиёдаги техника йўналишидаги йирик, салмоқли моддий-техника базасига эга олий ўқув юртларидан биридир. Ўтган йиллар давомида институтимизда 50 мингдан зиёд юқори малакали, етук мутахассислар тайёрланган бўлса, республикамиз мустақиллигининг дастлабки 10 йиллиги давомида институт мамлакатимизнинг темир йўл транспорти ва иқтисодиётнинг турли соҳалари учун 4706 нафар муҳандис, 1162 нафар бакалавр ва 144 нафар магистр унвонига эга бўлган малакали мутахассислар тайёрланди. Бугунги кунда, институтимизда 2698 талаба таҳсил олмоқда.

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда темир йўл транспорти тизимини ривожлантириш йўлида кўп ишлар амалга оширилмоқда. Қисқа фурсат ичида Европа Иттифоқининг техникавий ёрдами асосида «Трасека» лойиҳасини амалга ошириш йўлга қўйилди. Лойиҳада Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш кўзда тутилган бўлиб, Осиё Тинч океани минтақаси мамлакатларидан, Ҳиндистон ва Хитойдан Яқин Осиё мамлакатлари, Туркия, Европа давлатларига юк ва йўловчилар ташиш белгиланган. Шунингдек, Марказий Осиё давлатлари, Озарбайжон, Грузия, Транскавказ магистрали лойиҳа таркибига киритилди. Бу лойиҳаларни жорий қилинишида институт жамоаси ва институт тайёрлаган мутахассислар ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Илм-зиё салоҳияти, бу

Chorlov

халқнинг, ватаннинг улкан бойлиги, келажак пойдеворидир. Уни ривожлантиришда, етук мутахассисларни тарбиялашда давлат имкони бўлган ҳамма ишни қилади, ҳеч нарсани аямайди». Бу эса ёшларни ҳар тарафлама етук ва билимли бўлиб етишишларига катта эътибор қаратилаётганлигидан далолатдир. Қўйилган мақсадга эса ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Институтимиз кутубхонасида электрон ўқув зали мавжуд бўлиб, унда талабалар ва профессор-ўқитувчилар чет эл даврий нашрлари ва илмий-техникавий адабиётлари билан танишишлари ҳамда керакли маълумотларни олишлари мумкин.

Бугунги куннинг олий маълумотли мутахассиси чет.тилларини билиши зарур. Институтда талабаларнинг чет тилларини ўрганишига катта эътибор қаратилган. Хорижий тиллар кафедрасининг учта аудиториясида мультимедиа тизими ёрдамида чет тилларни ўрганиш учун 39 та замонавий компьютерлар ўрнатилган, замонавий видео-аппаратуралар ёрдамида танланган тил бўйича фильмлар намойиш қилинади. Институтнинг ҳар бир факултетида Тест марказлари фаолият кўрсатади. Бу марказларда талабалар ўз курс ва лойиҳалаштириш ишлари, ўқув жараёнига тегишли ҳужжатлар билан ишлашлари, ҳисоб-китоб ишларини бажариши мумкин.

Сўнгги 5 йил мобайнида институтга қарашли 2 та талабалар уйи капитал таъмирдан чиқарилиб барча жиҳозлар янгиланди. Маънавият ва маърифат, дам олиш хоналари ва бошқа маиший шаҳобчалар ташкил қилинди. Институт «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қошида фаолият юритаётган «Ёшлар маркази»га 200 кишига мўлжалланган фаоллар зали таъмирлаб берилди. Бу ерда талабалар мустақил равишда атоқли олимлар, санъат арбоблари, сиёсатчилар, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар, байрам тадбирлари ўтказадилар. Талабаларимиз учун қулайликлар яратиш мақсадида, жорий йилда уч қаватли бинода жойлашган ошхонани таъмирлаш ишларини тугаллаш режалаштирилган.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАК томонидан институтнинг 70 йиллигига талабалар ва профессор-ўқитувчиларга мўлжалланган спорт мажмуаси: 4 та очиқ теннис корти, гандбол, мини футбол, волейбол, баскетбол ўйин майдончалари, ёпиқ теннис кортлари қурилиб, талабаларга туҳфа қилинди. Эндиликда улар спортнинг барча турлари билан шуғулланиши, ўзларининг нафақат билим салоҳиятини, балки соғлиғини ҳам мустаҳкамлаши учун шароитлар яратилди.


Ҳозир институтимизда йирик спорт анжуманлари ҳам ўтказилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби Эшон Одилхўжаев хотирасига бағишланган халқаро турнир 3 йилдан буён ўтказиб келинмоқда ва унинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Институтимиз талабалари «Универсиада» мусобақаларида ҳам қатнашиб, юқори ўринларга эришмоқдалар. Талабалар сафида спорт усталари, спорт усталигига номзодлар борлиги биз учун фахрлидир.

«Транспорт блюзи» қувноқлар ва зукколар жамоаси республика миқёсида ўтказилган 2001 йилги танловда 2-ўринни ва 2002 йилда бўлиб ўтган танловда эса 1-ўринни эгаллаб, ғолиб бўлдилар.

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

- *Иқтисодиёт, менежмент*
- *Бухгалтерия ҳисоби ва аудит*
- *Ер усти транспорт тизимлари*
- *Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш*
- *Электроэнергетика*
- *Электромеханика, электротехника ва электротехнологиялар*
- *Автоматлаштириш ва бошқариш*
- *Телекоммуникациялар*
- *Бино ва иншоотлар қурилиши*
- *Транспорт иншоотларидан фойдаланиш*
- *Касбий таълим*
- *Муҳандислик коммуникациялари қурилиши*

таълим йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди



Манзил: Тошкент шаҳри, Одилхўжаев кўчаси, 1.
Тел.: (371) 191-14-40
Факс: (371) 191-10-73



ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Институтда бугунги кунда 13 та таълим йўналиши бўйича бакалаврлар ва 15 та мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланмоқда. Таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлаш факультетлар ўртасида қуйидагича тақсимланган:

Темир йўл ишини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими факультети учта таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлайди. Булар жумласига

- ***транспорт воситаларидан фойдаланиш ва таъмирлаш;***
- ***телекоммуникация;***
- ***автоматлаштириш ва бошқариш йўналишлари киради.***

Электромеханика факультетида

- ***ер усти транспорт тизимлари;***
- ***электроэнергетика;***
- ***электротехника, электромеханика ва электротехнологиялар таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрланади.***

Иқтисодиёт факультетида

- ***иқтисод;***
- ***менежмент;***
- ***бухгалтерия ҳисоби ва аудит*** каби учта таълим йўналиши бўйича бакалаврлар таҳсил оладилар.

Қурилиш факультетида эса

- ***бино ва иншоотлар қурилиши;***
- ***муҳандислик коммуникациялари қурилиши;***
- ***транспорт иншоотларидан фойдаланиш;***
- ***касбий таълим (бино ва иншоотлар қурилиши)*** каби тўртта таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрланади.

Магистратура маркази томонидан тайёрланаётган 15 та мутахассислик институтимиз кафедралари ўртасида қуйидагича тақсимланган;

Иқтисодиёт (тармоқлар бўйича) – «Иқтисод ва менежмент» кафедраси; Юк ташишни ташкил қилиш ва транспортни бошқариш (темир йўл транспортида) - «Темир йўлдан фойдаланишни бошқариш» кафедраси; Темир йўл транспортида автоматика ва телемеханика – «Электроалоқа ва радио» кафедраси; Электротранспорт – «Электртранспорти» кафедраси; Темир йўллар қурилиши, йўл ва йўл хўжалиги – «Йўл ва йўл хўжалиги» ва «Темир йўллар қурилиши» кафедралари; Кўприклар ва транспорт тоннеллари – «Кўприклар ва тоннеллар» кафедраси; Локомотивлар – «Локомотивлар» кафедраси; Кўтариш-ташиш машиналари – «Машина ва механизмларни конструкциялаш асослари» кафедраси; Вагонлар – «Вагонлар» кафедраси; Электртаъминот (тармоқлар бўйича) – «Электртаъминоти ва микропроцессорли бошқарув» кафедраси; Бухгалтерия хисоби – «Молиялаштириш ва хисоб» кафедраси; Алоқа тизимлари ва тармоқларига хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш – «Автоматика ва телемеханика» кафедраси; Бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш ва қуриш – «Саноат ва фуқаро қурилиши» кафедраси; Халқаро юк ташиш – «Юк тижорат ишлари технологияси ва станциялар» кафедраси; Сув таъминоти, канализация, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш – «Кимё ва гидравлика» кафедраси.

Санаб ўтилган кафедраларда ўз соҳасининг билимдонлари, республикамиз ва қатор хорижий мамлакатларда эътироф этилган, чуқур ҳурматга сазовор олимлар-академик, профессор ва доцентлар фаолият кўрсатмоқдалар.

Бугунги кун талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, институтда мавжуд таълим йўналишлари сонини янги долзарб таълим йўналишлари ҳисобига кўпайтириш устида иш олиб борилмоқда. Бундай таълим йўналишлари қаторига «Темир йўлда ахборот технологиялари», «Тола оптикали алоқа», «Темир йўлда ташишнинг автоматлаштирилган тизимлари» кабиларни киритиш мумкин.

2002/2003 ЎҚУВ ЙИЛИДА ТТЙМИга КИРИШ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАРНИНГ ТЎПЛАГАН ЎТИШ БАЛЛАРИ

Блоклар ва таълим йўналишларининг номи	Кундузги бўлим				Сиртқи бўлим	
	ўзбек		рус		ўзбек	рус
	грант	контр.	грант	контр.	контр.	контр.
Иқтисодиёт, менежмент	142,90	111,50	177,20	148,8	109,6	-
Бухгалтерия хисоби ва аудит	156,70	126,0	164,7	127,4	114,4	137,4
Ер усти транспорт тизимлари						
Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш	125,2	99,5	113,9	69,0	120,2	101,4
Электроэнергетика						
Электромеханика, электротехника ва электротехнологиялар	114,7	73,4	119,3	69,4	120,9	-
Автоматлаштириш ва бошқариш						
Телекоммуникациялар	121,8	95,0	144,4	80,7	123,8	141,1
Бино ва иншоотлар қурилиши						
Транспорт иншоотларидан фойдаланиш						
Муҳандислик коммуникациялари қурилиши	118,1	91,5	121,5	71,6	123,1	119,4
Касбий таълим	111,8	72,4	130,1	107,4	-	-

САЛОМАТЛИК САРДОРЛАРИ — ДАРГОҲИМИЗ «ХАРИДОРЛАРИ»



Аҳмадхўжа ЮНУСХЎЖАЕВ,
Тошкент фармацевтика институти ректори, фармацевтика фанлари доктори, профессор

Марказий Осиёда фармацевтика соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган ягона ҳисобланган институтимиз республикамизда босқичма-босқич ўтказилаётган ислоҳотлар билан биргаликда қадам ташламоқда. Бу ерда биотехнология, агроэкология, саноат фармацияси, фармация касб-таълими йўналишлари ихтисосликлари, ихтисослашган кенгаш, шунингдек, дори воситаларини стандартлаш илмий ҳамда «Доришунос» ўқув ишлаб чиқариш корхонаси маркази фаолият кўрсатмоқда.

Институтимиз 1937 йил Тошкент тиббиёт институти замирида, айрим кафедралари асосида ташкил топган. Бу ерда нафақат Ўзбекистон, балки, Марказий Осиё халқлари учун фармацевтика соҳасининг малакали мутахассислари тайёрланади.

"Саломатлик — туман бойлик" деганларидек, инсонларнинг соғ-саломат умргузаронлик қилишларида мазкур соҳа вакилларининг фидойилик, билимдонлик ва юксак истеъдод каби хислатлари алоҳида ўрин тутади. Шу мақсадда илм даргоҳимизда таълим олаётган ёшлар — бўлғуси доришунос мутахассислар касбига садоқат ва жафокашлик руҳида камол топмоқдалар. Жамиятда уларнинг мавқеи тўлақонли ва юксак салоҳият даражаси билан белгиланади, десак муболаға бўлмайди. Институтнинг моддий-техник базаси, яъни ўқув педагогик ва ахборот технологиялар билан таъминланганлик даражаси анча юқорилиги талабаларнинг замонавий билимларга эга бўлишларидан далолатдир. Бу ердаги 6 та компьютер синфининг мавжудлиги, 3 тасининг эса Интернет тармоғига уланганлиги диққатга сазовордир. Бу эса ҳар 7 нафар талабага биттадан компьютерда фойдаланиш имкониятини туғдиради. Шунингдек, барча кафедралар ҳам Интернет тармоғига уланган. Институт бўйича жами 40 та электрон почта адреслари мавжуд.

Chorlov

Кутубхона синфи ҳам интернет тармоғига уланган бўлиб, улардаги компьютерларга автоматик таржимали дастурлар ўрнатилган. Улар турли чет тилларини бир-бирига автоматик равишда ўгиришни амалга оширади. "Ўқув телевидениеси ва ТТВ" лабораторияси ҳам замонавий техник воситалар билан етарли даражада таъминланган. Мазкур лаборатория ходимлари томонидан институтнинг етакчи профессор-ўқитувчиларининг маъруза ва амалий дарслари тасвирга туширилиб, улар махсус "Олтин фонд"да сақланмоқда. Ҳозирда ушбу фондда жами 420 соатлик 41 та маърузалар ва амалий машғулотлар мавжуд.

Янги таълим стандартлари ва ўқув режалари яратилиб, 80 номдаги ўқув адабиётлар чоп этилди. Шунингдек, ўқув ишлаб чиқариш базаси таъмирланди, тегишли дастгоҳлар билан жиҳозланди. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус лицензияси олинди.

Институтимиздаги илмий изланишлар бўйича ҳам бир қатор ютуқлар қўлга киритилмоқда. Саноат миқёсида янги препаратлар ишлаб чиқариш, яъни, Купир — «Ўзкимёфарм» ОАЖга, Пирацин — «Сурхон Аджанта» қўшма корхонасига Аспамар биостимулятори эса «Ниҳол» тажриба заводига жорий этилди. Илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш борасидаги дастурлар бўйича 2001 йилда 103,4 млн.сўм ўзлаштирилган бўлса, 2002 йилда 90 млн.дан ортиқ маблағ сарфланди.

Институтнинг маънавий-маърифий, ўқув-услубий ҳамда илмий жиҳатдан тараққиёт пилла-пояларидан бирма-бир ўтиб олға силжишида, албатта мазкур соҳа етакчиларининг тинимсиз фаолияти асосий омил бўлмоқда. Бу борадаги ишларнинг махсус режа ва дастурлар асосида олиб борилиши — талабаларнинг юксак маданий салоҳиятга эга бўлиб, ота-боболаримиз орзусидаги билимдон ва комил инсон бўлиб вояга етаётганидан дарак беради. Зеро, тиббиёт илмининг отаси, бобокалонмиз Абу Али ибн Сино қарашларининг бугунги даврга келиб ана шу ёшлар саъй-ҳаракатлари асосида шаклланаётгани, улар қалбида пухта илму ҳунар ва фозиллик даражасининг пайдо бўлаётганини сезишимиз мумкин.

Институтда 3 та — фармация, агробиотехнология, провизорлар малакасини ошириш факультетлари мавжуд бўлиб, уларда қуйидаги 5 та йўналиш бўйича кадрлар тайёрланмоқда:

— фармация
— саноат фармацияси
— касб таълими (фармацевт)
— агрономия
— биотехнология

Фармация факультети уларнинг энг асосий ва йириги ҳисобланади. Бугунги кунда унинг таркибида 24 та кафедра ва 1 курс, тест Маркази, Марказий илмий текшириш лабораторияси, видео-аудио Марказ ҳамда кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Унда таҳсил олган мутахассислар фармация соҳасининг турли жабҳаларида, турли кимё таҳлил лабораторияларида меҳнат қиладилар. Талабаларга билим бериш ҳозирги замон илғор педагогик технологиялари асосида олиб борилмоқда.



Барча фанлар бўйича кутубхонада етарли миқдорда маъруза матнлари, ўқув-услубий қўлланмалар мавжуд. Шунингдек, талабалар факультет кафедраларида тажриба ўтказадилар. Асосий ишлаб чиқариш амалиётини эса шаҳар корхоналарида ҳамда Тошкент вилоятининг Бустонлиқ туманида жойлашган "Доришунос" оромгоҳида ўтайдилар.

Доривор ўсимликларнинг халқ табобатида, фармация саноатидаги аҳамиятини инобатга олиб, фармация факультети таркибида агробиотехнология мутахассисликлари бўйича таълим ташкил қилинди. Бу мутахассисликлар 1994 йили алоҳида факультет сифатида ажралиб чиқди. Факультет таркибига кирувчи агроэкология мутахассислиги эса дунё миқёсида биринчи марта ташкил қилиниши эди. Бу факультетда биотехнология мутахассислиги бўйича таълим олувчи талабалар тайёр дори воситалари ва фитопрепаратлар технологияси ихтисослиги бўйича муҳандис-технолог квалификациясини оладилар. Шу мутахассислик бўйича уч йўналишда магистрлар тайёрланади:

1. Тайёр дори ва аппаратлар технологияси.
2. Синтетик дорилар ва аппаратлар технологияси.
3. Микробиологик препаратлар технологияси.

Республикамиз провизорлари малака ошириш факультетига эса қуйидаги йўналишлар бўйича мунтазам равишда ўқишга таклиф қилинадилар:


1. Дорихона муассасалари иқтисодиёти ва фармациядаги долзарб муаммолар.
2. Дори тайёрлаш технологияси.
3. Дори воситаларининг сифатини назорат қилиш.
4. Доривор ўсимликларни тайёрлаш, маданий-лаштириш сифатини назорат қилиш
5. Шифохона дорихоналарида стерил дори тайёрлаш ва сифатини назорат қилиш. Бундан ташқари, тиббиёт соҳасидаги ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқитувчилари ҳамда суд тиббий экспертиза ходимлари ҳам махсус дастур асосида факультетда ўз малакаларини оширадилар.

ДАРДЛАРГА МАЛҲАМ ИЗЛАБ

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур институт фармацевтика соҳасига қизиқадиган республикамиз ёшлари учун ягона илм ўчоғи ҳисобланади. 170 нафардан зиёд профессор-ўқитувчилар мазкур йўналиш бўйича етук кадрлар тайёрлаш борасида меҳнат қилмоқда. Уларнинг 21 нафари фан доктори — профессорлар, 66 нафари эса фан номзодлари — доцентлардир. Республика фармацевтика саноатини ривожлантириш ва доривор ўсимликларни саноат миқёсида кўпайтириш мақсадида 1992 йили агроэкология ва биотехнология ихтисосликлари иш бошлаган бўлса, ўтган 2002 йили саноат фармацияси учун кадрлар тайёрлаш мақсадида "Саноат фармацияси" йўналиши ташкил этилди ва талабалар қабул қилина бошланди. Бундан ташқари, институт қошида Агроэкология тажриба станцияси (ген инженерия лабораторияси билан), фито кимёвий ўқув-амалий технология қурилмаси, органик синтез ўқув амалий технология қурилмаси ва дори воситаларини стандарт-лаш илмий Маркази фаолият кўрсатмоқда.

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

Муҳтарам абитуриентлар!
Институтимиз профессор – ўқитувчилари халқимиз дардига малҳам бўлувчи соҳанинг ҳамда агрономия ва касб таълими тизимида иқтидорли мутахассис бўлиб етишишингизда Сизларга устозлик қилишдан мамнундир.



Манзил: 700015, Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45.
Телефон: (3712) 56-37-38. Факс 56-45-04.

2002-2003 ЎҚУВ ЙИЛИДАГИ ТошФИга КИРИШ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАРНИНГ ТЎПЛАГАН ЎТИШ БАЛЛАРИ

Таълим йўналишлари	Давлат грантига ўтиш бали	Тўлов-контрактга ўтиш бали
Фармация	151,10	128,40
Фармация (рус гуруҳи)	140,80	103,00
Биотехнология, Саноат фармацияси	135,70	102,20
Агрономия	133,80	117,90
Касб таълими	156,60	118,20

ИЛМ ЙЎЛИДА ШАРАФЛАЙДИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш, замонавий технологияларни жалб этиш, малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шу туфайли биз истиқлолимизнинг ўтган йиллари мобайнида барча жабҳалар қатори илм-фан соҳасида ҳам улкан ютуқларга эришдик. Биргина институтимиз мисолида оладиган бўлсак, ўтган 11 йилда шарқшунослик соҳасида турли ихтисослик ва йўналишларнинг кўлами анча кенгайтирилди. Ҳозир билим даргоҳимизда 8 та бакалавриат ва 12 та магистратура мутахассислиги бўйича ёшлар ўқишга қабул қилинаяпти. Кафедраларимизнинг сони 34 тага етди. Араб, форс, дарий, ҳинд, урду. хитой, пушту ва уйғур тиллари қаторида япон, корейс, турк тиллари ва адабиётидан ҳам таълим берилмоқда. Бу институимизга келаётган ёшларнинг малакали мутахассис бўлиб етишиши билан биргаликда жаҳондаги тараққий этган давлатларда ишлаш, мамлакатимиз шарафини ўша юртларда тарғиб қилиш имконини беради. Чунки қадимдан қолган нақл бор: Тил билган дил билади, дейишади. Талабаларга мукаммал тил ўргатиш билан биргаликда ота-боболаримиздан қолган бебаҳо маданий меросларимизни таҳлил қилиш, улар асосида илмий изланишлар олиб боришга ҳам алоҳида аҳамият қаратганмиз. Шу боис, талабалар билан қўлёзма асарларни чуқур ўрганиш устида доимий изланишлар олиб бораяпмиз. Шу мақсадда ташкил қилинган "Манбашунослик ва матншунослик" кафедраси самарали ишлаяпти. Булардан ташқари халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро муносабатлар ва сиёсатшунослик кафедраларини ҳам ташкил қилдик. Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти, Марказий Осиё мамлакатлари тарихи, маркетинг ва менежмент сингари ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрловчи кафедраларимиз фаолияти бир қадар мукаммаллашди.

Шуни фахр билан айтишимиз мумкинки, институтимиздаги устоз ва мураббийлар таълимини олган иқтидорли ёшларимиз АҚШ, Буюк Британия, Германия. Япония, Туркия, Бельгия, Исроил, Ҳиндистон, Покистон, Саудия Арабистони, Миср каби қатор мамлакатларда Ўзбекистонннинг турли дипломатик ваколатларида фаолият кўрсатмоқда. Бу албатта, биз учун ҳам шараф, ҳам ҳурматдир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бугунги жараёни мамлакатимизда малакали мутахассислар тайёрлаш кўламини асосий босқичга олиб чиқди. Бу жараёнда бизнинг жамоамиз ҳам фаол иштирок этаётир. Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, ҳозир институтимиз қошида 3 та академик лицей фаолият кўрсатаяпти. Уларда шарқ мамлакатлари тиллари, иқтисоди, географияси, маданияти, урф-одатлари, араб-форс, ҳинд, япон, корейс, хитой, инглиз тиллари мукаммал ўргатилмоқда. Булардан ташқари, ўқувчилар Ўзбекистон ва Марказий Осиё халқлари тарихидан чуқурлаштирилган дастур асосида таълим олишаяпти. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, 309-сонли академик лицейимизда талайгина ижобий тажрибаларни оммалаштиришга эришдик. Шу боис лицей ЮНЕСКО тасарруфидаги бирлашган мактаблар дастурига аъзо бўлиб, СОРОС, Конрад Аденауэр, АКСЕЛС каби халқаро ташкилотлар билан изчил муносабатлар ўрнатди. Булар албатта узлуксиз таълим жараёнини мукаммаллаштиришда ўз самараси бераётир. Лицей синфхоналари, фан-техниканинг сўнгги ютуқлари асосидаги ўқув техника жиҳозлари билан таъминланди. Лингафон ва компьютер хоналари, кимё-физика фанидан ўқув лабораторияси, мультимедиа системаси, радио, телемарказ ва кадоскоплар асосида жиҳозланган хоналарда ўқувчиларимизнинг самарали билим олишлари сифат жиҳатдан сезиларли даражада яхшиланди. Булар энг аввало мустақиллигимиз шарофати.

Юртбошимизнинг баркамол авлодни тарбиялаш, мамлакатимиз келажаги уларнинг келгусидаги иқтидорлари билан уйғун даражада кўраётганлари натижасидир.



Неъматилла ИБРОҲИМОВ, Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, Олий Мажлис депутати

Республика раҳбарияти ва ҳукуматининг ёшларимизга қаратаётган бундай жиддий эътиборлари барча ўқув даргоҳлари қатори жамоамиз устоз ва мураббийлари зиммасига

Chorlov

ҳам улкан масъулият юклайди. Шу туфайли ана шу ишончни оқлаш йўлида йилдан-йилга таълим жараёнини мукаммаллаштириш борасида изланяпмиз. Биргина мисол: нокамтарлик бўлса-да, Марказий Осиё давлатларида ягона саналадиган кафедраларимиздан бири — Марказий Осиё халқлари тарихи ва манбашунослиги кафедрасининг асосий йўналиши хусусида икки оғиз тўхталмоқчиман. Бу кафедрамизда таҳсил олган ёшлар шарқ (турк, хитой, араб, форс) ва ғарб тилларини мукаммал ўрганадилар. Қўлёзмаларни эркин ўқий оладиган шарқшунос олим даражасига кўтариладилар. Ҳозирги кунда ушбу кафедрада 10 нафар профессор-ўқитувчилар ёшларга таълим беряпти. Марказий Осиё мамлакатлари иқтисоди кафедраси, хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти, араб филологияси, Жанубий Осиё тиллари, эронафғон филологияси, хитой филологияси, Яқин ва ўрта шарқ мамлакатлари иқтисоди, халқаро муносабатлар, сиёсатшунослик ва халқаро ҳуқуқ каби ўнлаб кафедраларимизнинг фаолияти йилдан-йилга такомиллашиб бораётганини алоҳида қайд этмоқчиман.

Бугун, биз устозларнинг, асосий вазифаларимиздан яна бири миллий истиқлол ғояси руҳида ёш авлодни мукаммал билимли қилиб тарбиялашдир. Ана шу мақсадга йўналтирилган қатор тадбирларимиз кейинги икки йил ичида ўз самарасини бера бошлади. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси бу борадаги мақсад ва вазифаларимизни муваффақиятли амалга оширишда камарбаста бўлмоқда. Талабаларимиз ушбу кафедрада "Сиёсатшунослик", "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти", "Социология", "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" сингари долзарб фанлардан таҳсил олишмоқда.

Хуллас, институтимиз профессор-ўқитувчилари мамлакатимизга шарқшунослик соҳасининг иқтидорли мутахассисларини тайёрлаш жабҳасида баҳоли қудрат меҳнат қилишаяпти. Биз турли вилоятларда истиқомат қилаётган иқтидорли, толеи порлоқ ёшларимизга доимо эҳтиёж сезамиз. Уларни институтимиз талабалари сафига қўшилишидан мамнунмиз. Чунки иқтидорли ёшлар институтимизда олган мукаммал билимларини келажак авлодга етказадилар. Бир пайтлар мамлакатимиздан етишиб чиққан, дунёга муқаддас Ватанимиз шарафини таратган, ҳатто бугунги кунларда жаҳоннинг турли илғор давлатларида ўз илмлари туфайли эъзозланаётган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абулайс Самарқандий, Имом Дараний, Имом Замахшарий сингари табаррук зотларнинг табаррук меросларини мукаммал ўқиб-ўрганадилар, уларни янги талқинлар билан бойитадилар ва мамлакатимизда илм-фанни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар. Биз бунга аминмиз. Чунки Тошкент давлат шарқшунослик институтини битирган кўплаб ёшларимиз бугун нафақат шарқшунослик фани, балки Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини юксалтириш йўлда баҳоли қудрат хизмат қилиб келишаяпти. Фикримиз исботи сифатида рақамларга мурожаат этамиз: шарқшунослик фани учун бугунгача 400 нафардан ортиқ фан номзодлари, 80 нафардан кўпроқ фан докторлари етишиб чиқишди. Олимларимизнинг 8 нафари Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоларидир. 14 нафар Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвони соҳиби, 12 нафари эса Беруний ва Ҳамза номидаги давлат мукофотлари лауреатлари бўлишган. 7 нафар олимимиз халқаро Фирдавсий, Аҳмад Яссавий, Маҳмуд Қошғарий, Жавоҳарлал Неру ҳамда Имом ал Бухорий номидаги мукофотларга лойиқ топилдилар.

Мустақиллик туфайли олимларимизнинг меҳнатлари рўшнолик кўраяпти, хизматлари қадрланмоқда. Юртбошимизнинг шарқшунослик фанини ривожлантириш, маданий меросларимизни келажак авлодга етказиш борасидаги савобли сайъҳаракатлари бу борада барчамизга ибрат бўларликдир. Айнан ана шундай эътибор туфайли 8 нафар шарқшунос олимларимиз "Эл-юрт ҳурмати", "Буюк хизматлари учун", "Меҳнат шуҳрати" орденлари ҳамда "Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвонларга эга бўлдилар.

Иқтидорли ёшларимизга мурожаат қилиб айтмоқчимизки, институтимизнинг бакалавр ва магистратура йўналишларида мукаммал билим олишни истасангиз, қалбимиз, меҳримиз сиз учун доимо очиқ. Биз сизларни кутамиз.

ИНСТИТУТДА 5та ФАКУЛЬТЕТ ВА 34та КАФЕДРА ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА

Факультетлар ва уларнинг йўналишлари:

Филология ва тарих факультети:
- Шарқ филологияси (тиллар бўйича)
- Хорижий мамлакатлар тарихи
- Марказий Осиё халқлари тарихи ва манбашунослиги
- Диншунослик
- Шарқ фалсафаси

Халқаро муносабатлар ва иқтисод факультети:
- Хорижий мамлакатлар иқтисоди (минтақашунослик)
- Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар
- Халқаро муносабатлар

Қурияшунослик факультети:
- Корейс филологияси

Малака ошириш факультети

Шунингдек, институтда ташкил этилган ***магистратура факультетида*** *қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрланади:*
- Адабий манбашунослик ва матншунослик
- Таржима назарияси ва амалиёти
- Мумтоз шарқ филологияси
- Шарқ филологияси (тиллар бўйича)
- Хорижий мамлакатлар тарихи
- Марказий Осиё халқлари тарихи
- Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихнавислиги
- Исломшунослик
- Халқаро муносабатлар
- Осиё–Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари иқтисодиёти
- Яқин ва Ўрта Шарқ, Жанубий осиё мамлакатлари минтақашунослиги
- Маркетингни бошқариш

2002–2003 ЎҚУВ ЙИЛИДА ТошДШИга КИРИШ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАРНИНГ ТЎПЛАГАН ЎТИШ БАЛЛАРИ

Таълим йўналиши	Ўтиш бали	
	ўзбек	рус
Чет мамлакатлар тарихи	146,8	163,9
Фалсафа	135,5	161,8
Хорижий мамлакатлар иқтисоди (минтақашунослик)	166,8	198,6
Шарқ филологияси	164,4	192,8
Жаҳон иқтисодиёти ва ҳалқаро иқтисодий муносабатлар	193,1	184,7
Марказий Осиё мамлакатлари тарихи ва манбашунослиги	162,2	187,1
Халқаро муносабатлар	178,3	182,1
Диншунослик	172,7	188,5

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Филология ва хорижий мамлакатлар тарихи
Халқаро муносабатлар ва иқтисод
Қурияшунослик
Малака ошириш
Магистратура


факультетларида шарқшунос мутахассислар ва малакали педагоглар тайёрлайди



Манзил:
700060, Тошкент шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 25
Тел.: (371) 133-52-24
(371) 133-34-24
(371) 133-45-21
Факс: (371) 120-65-65

НУФУЗЛИ СОҲА ЭГАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙМИЗ

Фарғона давлат университети 1930 йилдан буён фаолият кўрсатаётган бўлиб, у мустақиллик йилларида Фарғона давлат педагогика институти негизида қайта ташкил этилди. Айни пайтда университет Фарғона водийси халқ хўжалиги учун юқори малакали педагог, иқтисодчи, тарихчи, физик, кимёгар, филолог, ҳуқуқшунос ва яна ўнлаб турдаги малакали мутахассисларни етказиб бермоқда. Ҳозирда таълим муассасасида 4 мингдан зиёд талаба таҳсил олмоқда.



Аҳмаджон ЎРИНОВ, Фарғона давлат университети ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор

Chorlov

Университет жамоаси бир қанча давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан кенг ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда. Чунончи, ТАСИС, АКСЕЛС халқаро ташкилотлари, СОРОС, Конрад Аденауэр жамғармалари, бир неча хорижий давлатларнинг университетлари, БМТ қошидаги бизнес-инкубатор, «Умид», «Устоз» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан яқин ҳамкорлик алоқаларининг самараси ўлароқ, талабаларнинг билимини ошириш, уларнинг бўш вақтини сермазмун ўтказишда бир қатор ижобий натижаларга эришилмоқда. Жумладан, университетимизнинг 20 дан зиёд иқтидорли, собиқ талабалари «Умид» жамғармаси кўмагида дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олиб, айни пайтда республикамиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаол меҳнат қилаётган бўлсалар, «Устоз» жамғармаси ёрдамида ўз педагогик малака ва маҳоратларини ошириб қайтган профессор-ўқитувчилар талабаларга мукаммал билим бериб, ўқитиш самарадорлигини оширишга ҳисса қўшмоқдалар.

Университетда «Тупроқ бонитировкаси», «Оқсиллар кимёси», «Фарғона водийсининг хомашё ўсимликлари ва улардан фойдаланиш», «Ярим ўтказгичлардаги деформацион ҳодисалар», «Ярим ўтказгичли юпқа пардаларда кинетик жараёнлар» сингари ўнлаб илмий-техникавий тадқиқот лабораторияларида етакчи олимларимиз томонидан турли долзарб йўналишларда кашфиётлар қилинмоқда. Ўзбекистон тарихи ҳамда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётини ўрганиш марказларининг ходимлари ҳам талабалар билан узвий алоқада иш олиб бориб, қатор тадбирларларни уюштирмоқдалар.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, университетимизнинг ҳар бир факультетида ўнлаб истеъдодли, билимга чанқоқ ёшлар таълим оладилар. Сўзимнинг исботи сифатида шуни айтиш мумкинки, ҳар йили республикамизда ўтказиладиган турли номдаги стипендия танловларида талабаларимиз фаол иштирок этиб, муваффақиятларга эришмоқдалар. Чунончи, ўтган йиллар давомида ўқув юртимизнинг 5 нафар талаба, магистрант ва аспиранти Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси совриндори бўлган бўлса, 25 нафар талаба Навоий номидаги, 6 нафардан талаба Беруний ва Ибн Сино номидаги ҳамда 5 нафар талаба Улуғбек номидаги Давлат стипендиясини олишга муваффақ бўлдилар.

Университет кутубхонаси 700 мингдан зиёд адабиёт фондига эга бўлиб, ундаги 100 ўринли қироатхона доимо китобхонлар хизматида.

Талабалар ва профессор-ўқитувчиларга ётоқхона, ошхона, спорт-соғломлаштириш мажмуаси тармоқлари, дам олиш масканлари хизмат кўрсатади.

ҚАЙСИ МУТАХАССИСЛИКНИ ТАНЛАЙСИЗ?

Математика факультетида математика ва информатика йўналишлари бўйича бакалавр мутахассислар тайёрланади.

Факультетда дифференциал тенгламалар, умумий математика ва математика ўқитиш услубиёти, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, татбиқий математика, дастурлаштириш ҳамда информатика кафедралари бўлиб, уларда 49 нафар профессор-ўқитувчи ўқув-илмий тадқиқотлар олиб боради. Ўқитувчилардан 4 нафари фан доктори, профессорлар, 22 нафари эса фан номзоди, доцентлардир.

Физика техника факультетида физика ва касб таълими йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрланади ва уларга 6 нафар фан доктори, 13 нафар фан номзоди таълим-тарбия бермоқда.

Айни пайтда назарий физика, умумий физика ва физика ўқитиш методикаси, техника фанлари ва касбга ўқитиш методикаси кафедралари мавжуд. Факультетда ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси мутахассисликлари бўйича аспирантура ва докторантура фаолият кўрсатмоқда.

Биология факультетида зоология ва умумий биология, ботаника ва биология ўқитиш методикаси, физиология, экология, умумий кимё ва кимё ўқитиш методикаси, ноорганик ва физикавий кимё, тупроқшунослик, табиий география, иқтисодий география кафедралари мавжуд. Ҳозирги кунда факультетда биология, кимё, география, агрокимё ва тупроқшунослик, экология ва табиатдан фойдаланиш йўналишлари бўйича бакалаврлар, одам ва ҳайвонлар физиологияси, зоология, ботаника, кимё ихтисосликлари бўйича магистрлар тайёрланади.

Факультетнинг зоология, физиология, тупроқшунослик, ботаника кафедралари қошида аспирантура бўлими фаолият кўрсатади. Мавжуд кафедраларда 81 нафар профессор-ўқитувчилар хизмат қилади. Улардан 13 нафари фан доктори, профессорлар, 40 нафари эса фан номзоди, доцентлардир.

Ижтимоий гуманитар мутахассисликлар факультетида тарих, психология, социология йўналишлари бўйича бакалаврлар, ватан тарихи йўналиши бўйича магистр ва аспирантлар тайёрланмоқда. Ҳозирги кунда факультетда ватан тарихи ва тарих ўқитиш услубиёти, жаҳон тарихи, психология ва социология кафедралари фаолият кўрсатмоқда. Уларда 29 нафар профессор-ўқитувчи ўқув ва илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Мураббийларнинг 6 нафарини фан доктори, профессорлар, 16 нафарини эса фан номзоди, доцентлар ташкил этади.

Ўзбек филологияси факультетида бугунги кунда ўзбек тилшунослиги ва ўзбек адабиётшунослиги кафедралари иш олиб бормоқда. Факультетда 5 та фан доктори, профессорлар, 15 та фан номзоди, доцентлар ўқув таълим-тарбия ишлари илмий муаммолари билан шуғулланади. Шунингдек, мазкур факультетда докторантура, аспирантура ва магистратура таълим босқичлари бўлиб, унда 10 дан ортиқ докторант, аспирант, шогирд-тадқиқотчи ва магистрант таҳсил олмоқда.

Хорижий филология факультетида жами 5 та кафедра бўлиб, уларда 59 нафар профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Ҳозир факультетда инглиз, немис ва француз тиллари, словян филологияси, рус тили ва уни ўқитиш методикаси, умумий тилшунослик ва хорижий адабиёт, табиий йўналишлар ҳамда гуманитар йўналишлари учун чет тиллари кафедралари мавжуд. Бу кафедраларда жами 84 та фандан дарс олиб борилади.

Факультетда 2 та йўналиш — роман-герман филологияси (инглиз, немис ва француз) ҳамда славян филологияси бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Жисмоний тарбия факультетида жисмоний тарбия ва чақириққача ёшларни тайёрлаш мутахассисликлари бўйича бакалаврлар тайёрланади.

Факультетда жисмоний тарбия назарияси ва услубиёти, спорт ўйинлари, ҳарбий кафедра, факультетлараро жисмоний тарбия, тиббий билим асослари ва фуқаро ҳимояси кафедралари фаолият олиб боради. Ушбу кафедраларда 48 нафар профессор-ўқитувчи таълим-тарбия билан машғул бўлиб, улардан бир нафари фан доктори, профессор, 8 нафари фан номзоди, доцентлардир.

Педагогика ва маданият факультетида айни пайтда икки ихтисослик — ижтимоий-маданий фаолият ҳамда бошланғич таълим ва тарбиявий ишлар йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрланмоқда.

Факультетда педагогика, бошланғич таълим методикаси, ижтимоий-маданий фаолият кафедралари фаолият кўрсатади. Талабаларга таълим-тарбия бераётган 27 нафар профессор-ўқитувчининг 5 нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, 3 нафари профессор лавозимидаги ўқитувчи, 13 нафари фан номзоди, доцентлар.

Иқтисодиёт факультетида айни кунларда иқтисодиёт ва умумиқтисодий фанлар кафедралари фаолият кўрсатмоқда. Факультетда 39 нафар ўқитувчи меҳнат қилади. Улардан 3 нафари фан доктори, профессорлар, 11 нафари эса фан номзоди, доцентлардир.

Агробизнес ҳамда меҳнат иқтисодиёти ва социологияси йўналишлари бўйича бакалаврлар, тармоқлар иқтисодиёти мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрланмоқда.

Ҳуқуқ ва маънавият асослари факультетида ҳам ҳозирда ҳуқуқшунослик ҳамда ҳуқуқ асослари, маънавият ва миллий истиқлол ғояси мутахассисликлари бўйича бакалаврлар тайёрланмоқда.

Факультетда фуқаролик ҳуқуқи ва процесси, жиноят ҳуқуқи ва процесси, конституциявий ҳуқуқ ҳамда маънавият, миллий истиқлол ғояси кафедралари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур кафедраларда 18 нафар профессор-ўқитувчи таълим-тарбия ишлари билан машғул бўлиб, улардан икки нафари фан докторлари, профессорлар, 5 нафари фан номзоди, доцентлардир.

2002-2003 ЎҚУВ ЙИЛИДА ФДУга КИРИШ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАРНИНГ ТЎПЛАГАН ЎТИШ БАЛЛАРИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМ БЎЙИЧА:

Коди	Йўналишлар	Давлат гранти ўтиш бали	Тўлов-шартнома ўтиш бали
1001	математика	118,20	85,60
2001	математика (рус гуруҳи)	77,60	69,20
1002	физика-касб таълими	89,80	68,10
1004	кимё	127,70	94,10
1005	биология ва экология	116,40	94,60
2005	экология	75,60	68,20
1006	география	103,50	81,10
1007	ўзбек филологияси	108,70	83,70
2009	рус филологияси	96,00	68,20
1015	фалсафа (ҳуқуқ, маънавият асослари ва миллий истиқлол ғояси, социология, психология)	122,10	96,10
2015	психология	115,20	81,50
1016	иқтисодиёт	125,50	88,20
2016	иқтисодиёт	81,40	68,40
1018	бошланғич таълим ва тарбиявий иш	84,60	69,20
1022	агрокимё ва агротупроқшунослик	98,50	80,80
1025	инглиз тили	133,90	107,20
2025	инглиз тили (рус гуруҳи)	135,70	88,00
1026	немис тили	117,10	81,50
2026	немис тили (рус гуруҳи)	134,30	1,40
1027	француз тили	124,10	88,10
2027	француз тили (рус гуруҳи)	83,70	68,30
1033	тарих	135,90	97,90
2033	тарих (рус гуруҳи)	95,40	69,10
1041	амалий математика	109,30	75,00
1152	чақириққача ҳарбий тайёргарлик	145,20	33,50
2152	чақириққача ҳарбий тайёргарлик (рус)	139,40	80,60
1153	жисмоний тарбия	135,60	117,70
2153	жисмоний тарбия (рус гуруҳи)	126,70	113,10
1276	ижтимоий маданий фаолият	127,10	92,10

СИРТҚИ БЎЛИМ БЎЙИЧА:

1002	касб таълими	85,80	74,70
1004	кимё	114,8	107,00
1007	ўзбек филологияси	-	92,20
1016	иқтисодиёт	-	96,70
2016	иқтисодиёт (рус гуруҳи)	-	85,10
1018	бошланғич таълим ва тарбиявий иш	102,30	80,50
1033	тарих	-	116,60
2033	тарих (рус гуруҳи)	-	91,90
1153	жисмоний тарбия	-	124,80
2153	жисмоний тарбия (рус гуруҳи)	-	128,0
1276	ижтимоий-маданий фаолият	128,80	123,10

МАХСУС 3 ЙИЛЛИК СИРТҚИ БЎЛИМ БЎЙИЧА:

1002	меҳнат таълими	72,30	61,90
1018	бошланғич таълим ва тарбиявий иш	73,40	60,90
2018	бошланғич таълим ва тарбиявий иш (рус)	88,60	75,70
1041	амалий математика	79,50	58,80
2041	амалий математика (рус гуруҳи)	113,50	67,10
1153	жисмоний тарбия	125,80	60,00
2153	жисмоний тарбия (рус гуруҳи)	119,50	73,60

FARG'ONA DAVLAT

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ КУТАМИЗ!

Манзил: 712000, Фарғона шаҳри, Усмон Ҳўжаев кўчаси, 19
Тел.: (3732) 24-28-71
Факс: (3732) 24-35-32

МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ - ОЛИЙ МАҚСАД



Муродилла НОРМУРОДОВ,
Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор, Олий Мажлис депутати

Институтимизда кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Минтақанинг кадрларга бўлган эҳтиёжи ўрганилиб, буюртмалар портфели ташкил этилди. 100 дан ошиқ турли кўринишдаги корхона ва бошқармалардан кадрлар тайёрлаш бўйича буюртмалар олинди. Улар асосида кейинги йилларда янги таълим йўналишлари («Касбий педагогик тайёргарлик», «Атроф-муҳит муҳофазаси», «Менежмент», «Ўсимликларни ҳимоя қилиш», «Информатика ва ахборот технологияси» ҳамда «Фермер хўжалигини ташкил этиш ва унга сервис хизмат кўрсатиш») очилди. «Иқтидорли талабалар маркази» ташкил этилди. Марказнинг мақсади иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва уларни тайёрлаш ҳамда интеллектуал салоҳиятини билим олишга, қобилиятларини ривожлантиришга, ўз-ўзини ҳар томонлама тарбиялашга йўналтиришдан иборат. Институтда «Халқаро алоқалар» бўлими ташкил қилинган ва институтимиз ўнлаб хорижий олий ўқув юртлари, жамғармалар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатган. Жумладан, мазкур ўқув йилида Жанубий Кореянинг ДАЕГУ, Германиянинг Людвигсхафен амалий фанлар, АҚШнинг Шимолий Докота университетлари ҳамда АКСЕЛС, «Фермер-Фермерга» каби ташкилотлари билан бу борадаги ишлар самарали ташкил этилмоқда.

Ахборот технологияларини ривожлантириш учун институт интернет тармоғига уланди. «Ахборотлар технологияси ва масофавий таълим» маркази ташкил этилди. Институтнинг молиявий ҳолатини янада яхшилаш мақсадида бюджетдан ташқари маблағ топиш, ҳомийлар кўмагидан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Бизга ўтган ўқув йилида 131 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди.

Chorlov

Етук шахс ва баркамол инсонни тарбиялаш жиддий масъулият талаб этадиган иш. Ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш борасида ўтказилаётган маънавий ва маърифий ҳамда маданий тадбирлар, «Фидойи ёшлар» клубининг «Заковат», «Тафаккур ринги» интеллектуал ўйинлари, «Йилнинг энг истеъдодли толиби ва толибаси» кўрик-танловлари ва бошқа тадбирлар ана шу масъулиятнинг ўзига хос намоён бўлишидир. Ёшлар онгида миллий истиқлол ғояси иммунитетини шакллантириш мақсадида талабалар ўртасида «Миллий истиқлол ғояси» фанидан кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Мақсад жаҳон андозаларига мувофиқ келадиган юксак даражадаги маърифатли ва илғор таълим-тарбия мезонлари билан иш кўрувчи мамлакатнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш экан, бу жамоамиз ҳар бир зиёлисининг фидойилик иши, ҳаётининг чинакам мазмунига айланмоқда, деб айтсак хато қилмаган бўламан.

2002–2003 ЎҚУВ ЙИЛИДА ҚарМИИга КИРИШ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАР ТЎПЛАГАН ЎТИШ БАЛЛАРИ

Код	Йўналиш номи	Кундузги бўлим		Сиртқи бўлим	
		Грант	Контракт	Грант	Контракт
001	Агроинженерия	106,80	75,50	-	116,90
	Агроинженерия (рус)	87,70	71,20	-	-
004	Технология ўсимликларни ҳимоя қилиш	87,70	68,80	-	117,00
016	Иқтисод, менежмент	137,70	101,40	-	130,10
022	Агрономия	86,90	72,10	-	86,00
	Иссиқлик электр энергетикаси	117,70	98,40	-	137,90
	Иссиқлик электр энергетикаси (рус)	81,00	68,10	-	-
041	Информатика	135,30	103,20	-	-
042	Касбий таълим	113,90	86,70	138,00	120,00
048	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	132,00	115,60	-	129,00
052	Нефть ва газ иши	147,70	117,30	-	139,90
	Нефть ва газ иши (рус)	103,60	71,40	-	-

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшмоқчи бўлган иқтидорли ёшлар!
Сизларга Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти шу соҳанинг билимдони бўлиб етишишингизда энг яқин кўмакчидир.
Имкониятингизни кўлдан бой берманг!



Манзилимиз:
730000,
Қарши шаҳри,
Мустақиллик шоҳ кўчаси,225
Тел.: (375-22) 3-55-14, 3-27-58, 3-27-89
Факс: (375-22) 3-19-91

Бугунги кунда институтда 5 факультет мавжуд:

1.Иқтисодиёт. 2. Агромуҳандислик. 3. Технология. 4. Муҳандис-техника. 5. Касб таълими.

Институтдаги 24 кафедрада 222 нафар профессор-ўқитувчи, шулардан 10дан ошиқ фан доктори, профессорлар, 121 нафар фан номзодлари, доцентлар шарафли ва масъулиятли вазифани амалга ошириш борасида самарали меҳнат қилишмоқда. 16 таълим йўналиши бўйича бакалавр-мутахассислар тайёрланмоқда:

Касбий педагогик таълим
Иқтисодиёт
Менежмент
Бухгалтерия
Иссиқлик энергетикаси
Электр энергетикаси
Нефть ва газ иши
Агрономия
Ўсимликларни ҳимоя қилиш

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси
Агроинженерия
Сув хўжалиги ва мелиорация
Ер тузилиши ва ер кадастри
Атроф-муҳит ҳимояси
Информацион ахборот технологияси
Фермер хўжалигини ташкил этиш ва уларга сервис хизмати

Институтда 5 та мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланмоқда:

Тармоқ иқтисодиёти
Касб-ҳунар фанларини ўқитиш методикаси (иқтисод)
Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни механизациялаштириш
Агрономия
Касб-ҳунар фанларини ўқитиш методологияси (агрономия)

Институт аспирантурасида қуйидаги 3 мутахассислик бўйича илмий-педагогик кадрлар тайёрланмоқда:

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш
Умумий деҳқончилик
Иқтисодиёт назарияси


Таълим самарадорлиги ва сифатини ошириш учун сўнгги йилларда институт кафедралари моддий техника базасини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, ўқув жараёнига янги педагогик ва информацион технологияларни олиб кириш иши доимий диққат-эътиборда. 320 минг нусха китоб сиғимига эга бўлган замонавий кутубхона биноси ишга туширилиб, унинг фонди кўпайтирилди, компьютер техникаси, нусха кўпайтириш аппарати билан жиҳозланди.

Институтда ўқув-услубий адабиётларни чоп этиш учун мини типография ишга туширилди. Институт профессор-ўқитувчилари томонидан 20 дан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалар, барча фанлардан маъруза матнлари, 500 дан ортиқ услубий қўлланма ва кўрсатмалар тайёрланиб, дарс жараёнига татбиқ этилди. 20 та дарслик, ўқув қўлланма ва маъруза матнларининг электрон талқини яратилди. 186 та маъруза матнининг электрон дискетдаги нусхалари тайёрланиб, улар асосида электрон кутубхона яратишга киришилди.

БИЗ СИЗНИ КУТАМИЗ!

2002-2003 ўқув йили қабули бўйича маълумотлар

2002-2003 ўқув йили қабули учун Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида мавжуд 17 та кундузги ва 14та сиртқи бўлим бакалаврлар йўналишига жами бўлиб 3073 нафар абитуриентдан аризалар тушди. Қабул режаси ушбу ўқув йилида жами бўлиб 785 ўринни, шу жумладан 280 та давлат гранти, 505 та ўрин эса контракт-шартнома асосида ўқиш учун ажратилган қабул квоталарини ташкил этди.



Гулмирза ХУДОЙБЕРГАНОВ, Қарши давлат университети ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор

Қарши давлат университети мамлакатимиз жанубидаги энг йирик олий ўқув юрти ҳисобланади. Ҳозирги кунда университетда 6 мингдан зиёд талаба кундузги ва сиртқи бўлимларда таҳсил олмоқда. Университетда 25 та йўналиш бўйича бакалаврлар, 11 та мутахассислик бўйича эса магистрлар тайёрланмоқда. Бу йўналиш ва мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлашда 11 та факультет ва ундаги 47 кафедрада фаолият кўрсатаётган 25 нафар фан доктори, профессорлар, 200 га яқин фан номзоди, доцентларнинг машаққатли ва шарафли меҳнати мужассам.

Ўқув юртида аспирантура бўлими ҳам фаолият кўрсатиб, унда юзлаб йигит-қизлар илм-фан соҳасида самарали тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Ҳозирги кунда университетда тайёрланаётган мутахассисларга халқ хўжалигининг турли соҳаларида, шунингдек маҳаллий ҳокимият органларида, халқ таълими, ўрта махсус, олий таълим муассасаларида талаб жуда юқори.

Университетнинг бир неча компьютер синфлари мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти Интернет тармоғига уланган. Талабалар фан сирларини мукаммал ўзлаштиришда улардан самарали фойдаланмоқдалар. Шу билан бирга, замонавий компьютер воситалари билан жиҳозланган марказда электрон кутубхона ташкил этилган бўлиб, талабалар унинг ёрдамида турли хорижий ўқув адабиётлари, профессор-ўқитувчиларнинг маъруза матнларини мутолаа қилиш имконига эга бўлмоқдалар. Университет кутубхонасида 500 мингдан ортиқ турли мавзудаги дарслик, ўқув адабиётлари мавжуд. 2 та ўқув зали, талабалар уйларида уларнинг филиали фаолият кўрсатади. Шунингдек, талабаларнинг турли табиий фанларни чуқур ўрганиши мақсадида замонавий кимё, физика, биология ўқув лабораториялари, бир неча фан кабинетлари ҳам ташкил этилган.

Chorlov

Ўқув юртида таълим жараёни учун бугунги кунда долзарб бўлган ўқув адабиётлари, турли дарслик ва қўлланмалар, маъруза матнларини тайёрлаш, уларни нашр этиш ҳамда талабаларни таъминлаш мақсадида изчил механизм ишлаб чиқилган. Бу ишларни самарали ташкил этишда университет босмахонасида ўрнатилган замонавий ускуна ва жиҳозларнинг ҳам аҳамияти катта бўлмоқда.

Ўқув даргоҳида фаолият кўрсатаётган, минтақавий тил ўрганиш, Ўзбекистон тарихини ўрганиш, Ҳуқуқ ва тарғибот, Малака ошириш ва қайта тайёрлаш, Насаф ва Кеш илмий-адабий марказлари ҳам талабаларнинг турли жабҳаларда билим савиясини ҳамда дунёқарашини бойитишга хизмат қилиб, келажакда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга ундамоқда.

Университетимизда иқтидорли талабалар бўлими ташкил этилган. Ушбу бўлимга 300 нафардан ортиқ аъло баҳоларга ўқиб, намунали хулқи билан танилган талабалар қабул қилинди. Иқтидорлиларга билим бериш университетнинг энг малакали профессор-ўқитувчилари зиммасига юклатилган бўлиб, чет тили, компьютер саводхонлиги мутахассисликлари бўйича уларга қўшимча дарслар олиб борилмоқда. Шунингдек, жамоатчилик асосида ташкил этилган «Университет» газетасида мунтазам равишда ўқув юртида юз бераётган янгилик ва ўзгаришлар ўз аксини топмоқда. Шу билан бирга, газетада ўқитувчи ва талабаларнинг ўқув-услубий, маънавий-маърифий руҳдаги ҳамда илмий-тадқиқот ишларига алоқадор илмий мақолалари чоп қилинмоқда.

Университет талабаларининг спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар муҳайё. Кенг ва шинам ёпиқ спорт, кураш заллари, футбол, волейбол, баскетбол, ҳамда теннис майдонлари ҳамиша улар ихтиёрида.

КЎҲНА НАСАФ ОЛИЙ ИЛМ МАСКАНИ



ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА

ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ:

БАКАЛАВРИАТ

Педагогика ва психология
Касбий таълим (соҳалар бўйича)
Касбий таълим (иссиқлик энергетикаси)
Мусиқий таълим
Ҳуқуқ, маънавият асослари ва миллий истиқлол ғояси
Бошланғич таълим ва тарбиявий иш
Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият
Ўзбек тили
Инглиз тили
Немис тили
Француз тили
Рус тили
Тарих
Психология
Иқтисодиёт (соҳалари бўйича)
Молия
Биология
Физика
Астрономия
Кимё
География
Математика
Амалий математика ва информатика
Агрокимё ва агротупроқшунослик
Экология ва табиатдан фойдаланиш

МАГИСТРАТУРА

Информатика
Педагогика (таълим турлари бўйича)
Она тили (ўзбек тили)
Назарий физика
Иссиқлик физикаси ва молекуляр физика
Саноат иссиқлик физикаси
Қайта тикланувчи энергия турларини ўзгартириш ва улар асосида қурилмалар
Касб таълими (соҳалар бўйича)
Тарбиявий иш методикаси
Адабиётшунослик (ўзбек адабиёти)
Лингвистика (инглиз тили)

Манзил: 730003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17
Тел.: (37522) 5-77-63, 3-95-71 Факс: (375-22) 5-59-18

2002-2003 ЎҚУВ ЙИЛИДА ҚарДУга КИРИШ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАРНИНГ ТЎПЛАГАН ЎТИШ БАЛЛАРИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМ

Коди	Ихтисослик номи	Бюджет		Контракт	
		ўзбек	рус	ўзбек	рус
1001	Математика	137.4	77.3	98.0	69.2
1002	Физика, астрономия (касбий таълим)	149.1	88.9	92.2	68.4
1004	Кимё	130.1		99.9	–
1005	Биология, экология ва табиатдан фойдаланиш	116.1		92.6	–
1006	География	91.7		74.4	–
1007	Ўзбек тили ва адабиёти	126.1		87.6	–
1009	Рус тили ва адабиёти		75.9		68.9
1015	Фалсафа	133.5		96.9	–
1016	Иқтисод	154.6		122.9	–
1018	Бошланғич таълим ва тарбиявий иш	111		78.9	–
1019	Педагогика ва психология	91.8		70.3	–
1020	Молия	162.7	136.5	117.2	97.3
1022	Агрокимё ва агротупроқшунослик	101.0		77.4	–
1025	Инглиз тили	124.0	119.1	97.4	84.7
1026	Немис тили	119.9	75.5	89.3	71.7
1027	Француз тили	99.4		83.7	–
1033	Тарих	136.3		93.1	–
1041	Амалий математика	139.8		97.1	–
1042	Касбий таълим (иссиқлик энергетикаси)	157.7	103.4	94.9	78.3
1150	Мусиқий таълим	107.6		77.6	–
1153	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият	113		95.4	–
	СИРТҚИ БЎЛИМ				
1007	Ўзбек тили ва адабиёти	124.6		106.6	–
1016	Иқтисод			141.0	–
1018	Бошланғич таълим ва тарбиявий иш	136.9		121.8	–
1018	Бошланғич таълим ва тарбиявий иш (махсус сиртқи)	85.4		64.5	–
1020	Молия			169.3	–
1033	Тарих	149.3		138.1	–
1042	Касбий таълим (иссиқ.энерг.)			115.5	–
1150	Мусиқий таълим	122.5		116.8	–
1153	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият	122.0		113.0	–

БУГУННИНГ ПОЙДЕВОРИ

келажакка хизмат қилажак

Янги аср аввалида мамлакатимизда бутунлай янгича ўқув юртлари фаолият кўрсата бошлади. Бу академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидир. Ушбу ўрта махсус таълим муассасалари ўзининг моддий-техник имкониятлари, ўқитиш ва тарбия усулларининг жаҳон андозаларига жавоб бериши билан ажралиб туради.

Кейинги йилларда мактаб, ўрта махсус ёки олий ўқув юрти талабаси билан суҳбатлашар экансиз, уларнинг онги ва дунёқараши, интилиш ва қизиқишлари бир қадар ўзгарганлигини кузатасиз. Демак, шунга монанд ёш авлод таълим-тарбиясига ёндашув ҳам бутунлай ижобий томонга ўзгариши табиий, албатта. Шунинг баробарида, таълим даргоҳи ҳамда унда фаолият кўрсатаётган ўқитувчи-мураббий ҳам ўз услубини, билим доирасини кенгайтириб боришини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Ўқувчилар эндиликда таълим муассасаларини танлаш, унда билими, лаёқати ва қизиқишига қараб таҳсил олиш имконига эга бўлдилар. Бу ўринда таълим муассасалари ўртасида юзага келган рақобат муҳити ҳам таълим самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

ГАП ҲАШАМАТДА ЭМАС...

2001 йилда мамлакатимизда фаолият бошлаган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг илк битирувчилари мустақил ҳаётга қадам қўйдилар. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, Андижон вилоятида иш бошлаган 3 та академик лицей ва 48 та касб-ҳунар коллежларини ўтган 2001/2002 ўқув йилида жами 3351 нафар ёшлар битириб чиқди. Мазкур таълим муассасалари орасида Андижон муҳандислик ва иқтисодиёт институти қошидаги академик лицейни тамомлаган йигит-қизлар ўзларининг иқтидори, қобилияти ва билим салоҳиятларини тўлақонли намойиш этмоқдалар. Мазкур ўқув муассасасининг кўпгина собиқ ўқувчилари бугунги кунда республикамиздаги нуфузли олий ўқув юртларида илм-фан соҳасидаги «фаолият»ларини бошлаб юбордилар. 1998 йилда ташкил этилган мазкур ўқув муассаси тез орада нафақат Андижонда, балки қўшни вилоятларда ҳам шуҳрат қозона бошлади. Аста-секин бу ерда водийнинг энг иқтидорли ва салоҳиятли ёшлари жамлана бошлади. Шу боисдан бўлса керак, кейинги йилларда академик лицейнинг рейтинги кескин ошиб бормоқда.

Яқинда Андижон вилоятига қилган хизмат сафаримиз чоғида айни шу академик лицей фаолияти билан ҳам қизикдик. Андижон шахрининг Бўстон мавзесида жойлашган ушбу таълим муассасасига яқинлашар эканмиз, унинг бошқа академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қараганда ҳашаматли эмаслигининг гувоҳи бўлдик. Гарчи ўқув биноси оҳори тўкилмаган бўлса-да, аммо у кўркамлик касб этарди.



Ўқув юрти директори, физика-математика фанлари номзоди Муталлиб ака Парпиев бизни илиқ қарши олди ва академик лицей фаолияти билан қисман таништирди.

— Академик лицейимиз даставвал Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги лицей-интернат сифатида фаолият бошлаган эди, — дейди Муталлиб ака. — 1998 йилда Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига асосан ўқув юртимизга академик лицей мақоми берилди ва 600 ўқувчи ўрнига мўлжалланган лицейга алоҳида ўқув корпуси ажратилди. Янги бинога кўчиб ўтгач, уни тубдан қайта таъмирладик ва ўқувчиларимизнинг замонавий талаблар даражасида билим олишларини таъминлаш мақсадида зарур ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, мебель жиҳозлари билан таъминладик. Бино атрофи тўлиқ ободонлаштирилди. Ҳовли гулларга бурканди.

Иқтидорли ўқувчиларни таълим муассасасига кенг жалб этиш мақсадида эса бирламчи эътибор ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилди. Бунинг учун юқори малакали ўқитувчилар сафини янада кенгайтириш долзарб аҳамиятга эга эди. Шу боис, вилоятдаги олий ўқув юртлари ва бошқа таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган етакчи профессор-ўқитувчиларни лицей ўқув жараёнига жалб этишга киришилди ва уларга имкон даражасида шароитлар яратила бошланди. Кўп ўтмай, лицейимизда 60 дан зиёд юқори малакали профессор-доцентлар, фан номзодлари, олий тоифадаги ўқитувчилар фаолият кўрсата бошладилар. Лицейимиз жамоаси таълим жараёнини чуқурлаштирилган ва табақалаштирилган тарзда олиб бора бошладилар.

Ўқув юртимиз фаолияти асосан иккита таълим йўналиши — иқтисодиёт ва аниқ ҳамда ижтимоий-гуманитар фанларга ихтисослашган бўлиб, шу мақсадда учта факультет — иқтисодиёт, ижтимоий-гуманитар ва аниқ фанлар факультетлари ҳамда еттита кафедра ташкил этганмиз, — дея ўз сўзини давом эттирди академик лицей директори Муталлиб Парпиев. — Дастлабки йил қарийб 200 нафар ўқувчи қабул қилинди. Уларнинг давр талаблари даражасида таълим олишлари учун ҳамма шароитлар муҳайё қилинди. Ўқув юрти моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Ҳар бир ўқувчининг қизиқиши ва лаёқатларини ўрганувчи 40 га яқин фан тўгараклари, 10 дан зиёд спорт тўгараклари фаолият кўрсата бошлади. Фан тўгараклари ҳам замонавий ўқув ускуналари — кодоскоп, видеокўз, мультимедиа воситалари билан тўлиқ жиҳозланди. Масофадан ўқитиш тизими яратилди ва шу асосда тест маркази ташкил этилди. Шунингдек, 200 ўринли, 4 қаватдан иборат ётоқхона биноси қайта таъмирланди.

Ўтган йили дастлабки битирувчиларимиз катта ҳаётга қадам қўйдилар. Агар фаолиятимизга пировард натижага қараб баҳо берадиган бўлсак, булутурги 196 нафар битирувчиларимизнинг қарийб барчаси айни пайтда олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттираётганлигини айтиш кифоя. Улар орасида нуфузли Халқаро Вестминстер, Жаҳон иқтисоди ва дипломатия, Ўзбекистон Миллий, Тошкент давлат ахборот технологиялари университетлари, Тошкент давлат юридик институти талабалари бор. Шунингдек, аксарият собиқ ўқувчиларимиз бугунги кунда Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти талабаси бўлиб, унда ўқишни давом эттирмоқдалар. Ҳар томонлама қулай ўқув юрти, янгича педагогик технология асосида ноанъанавий услубларда таҳсил олаётган ўқувчиларимиз бу йил кўрсаткичларни янада кўтариши аниқ.

Суҳбатнинг шу жойига келганда директор ўқув муассасасини айланиб, синф хоналарини кўздан кечиришни таклиф этди. Дастлаб компьютер хонасига кирдик. Хонанинг пардозидан тортиб, жиҳозларигача ҳавасингиз келади. Ундаги қарийб ўттиздан ортиқ «ақлли машина» энг сўнгги нусхада. Бу ерда 2 курс ўқувчилари компьютер билан «тиллашиб», замонавий билимларнинг энг нозик қирраларини ўқитувчилари кўмагида ўзлаштирар эдилар.



Гапнинг рости, бу ердаги шароитни кўриб, ўқувчилик даврингга қайтгинг келади. Бугунги шароитга жавобан ўқувчилар ҳам фақат ўқиш ва уқиш билан машғул бўлаётганлиги кишини қувонтиради.

— Болаларнинг интилишлари чакки эмас, — дейди академик лицей информатика фани ўқитувчиси Фотима Раҳмонова. — Ўқувчиларимиз ҳар бир соҳа мутахассиси учун бугунги кунда ниҳоятда зарур бўлган компьютер жиҳозларини мукаммал ўрганиш лозимлигини англайдилар. Ҳозиргача улар бир қанча муҳим дастурларни ўзлаштирмоқда. Аксарият ўқувчиларимиз мустақил равишда компьютерда дастурлар яратаётганлиги бизни қувонтиради. Бу ерда уларнинг ижодкорлиги учун ҳам қулай шароит яратилган. Компьютер воситаларимиз Интернет тармоғига уланган бўлиб, ундан ўқувчиларимиз ўз билим ва дунёқарашларини бойитишда унумли фойдаланмоқдалар. Шунингдек, компьютер воситалари ёрдамида ўқувчилар электрон дарсликлар ва профессор-ўқитувчиларнинг маъруза матнларини мутолаа қилиш имконига эгалар.

Компьютер хонасининг ёнида лицейнинг асосий кутубхонаси жойлашган экан. Кутубхона ходимасининг таъкидлашича, бу ерда қарийб 12 мингдан зиёд илмий-ўқув ва бадиий адабиётлар фонди жамланган экан. Шунингдек, ҳар бир фан кабинетларида кичик кутубхоналар ҳам ташкил этилган. Сўнгги йилларда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим Маркази томонидан академик лицей ўқувчилари учун мўлжалланиб нашр қилинаётган барча ўқув адабиётлари кутубхонага келтирилиб, ўқувчилар қўлига етказилмоқда.

Маълумки, ЎМКҲТ муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи-мураббийларнинг малака ва маҳоратларини мунтазам ривожлантириб бориш мақсадида 2001 йилда доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари ташкил этилган эди. Ушбу ташаббус бугунги кунда ўз ижобий самараларини бера бошлаганига кўпчилигимиз гувоҳмиз. Айни шу борадаги ишларни ривожлантириш мақсадида академик лицейда Фарғона водийсидаги ЎМКҲТ муассасаларида фаолият кўрсатаётган иқтисодиёт йўналишидаги ўқитувчилар малакасини ошириш ишлари бажарилмоқда. Бу албатта, лицейда фаолият кўрсатаётган етук мутахассисларга билдирилган ишончдир. Лицейдаги хоналарни бирма-бир кўздан кечирар эканмиз, айни шу мақсадда ташкил этилган Мониторинг, доимий ҳаракатдаги малака ошириш ва услубият марказига ажратилган хонада ҳам бўлиб, бу соҳада қилинган ва қилинаётган ишлар, кўргазма қуроллар, турли методик қўлланма намуналари билан танишдик. Бу ерда ҳар бир фан бўйича яратилган 100 дан ортиқ маърузалар матнини кўриб, уларни ҳайратланиб варақладик.

Бундан ташқари, академик лицейнинг физика, кимё, биалогия фанлари учун ташкил қилинган махсус хоналар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш хоналаридаги ўқув, кўргазмали қуроллар, методик қўлланмалар ўқувчиларнинг ушбу фанларни ўзлаштиришига катта ҳисса қўшмоқда.

ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ – ЎҚИТУВЧИ МАЛАКАСИГА БОҒЛИҚ

БУНДА ИҚТИДОРЛИЛАР КАМОЛ ТОПАДИ

Ўқувчиларимизни миллий истиқлол ғояси, Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларнинг ўз устида мустақил изланишига бирламчи эътибор қаратилган, — дейди академик лицейнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Гулнорахон Сайфуддинова. — Шу мақсадда, лицейимизда доимий равишда маънавий-маърифий ишларга жиддий аҳамият берилади. Ўқувчиларимиз ташаббуси билан 1999 йилда ўқув юртимизда «Кичик академия» ташкил этилди. Бу мустақил ёшлар ташкилоти айни пайтда 30 га яқин ўз аъзолари ва раисига эга. Кичик академиямиз аъзолари ўзларининг фаолликлари билан бошқалардан ажралиб туради. Улар айни пайтда лицейимизда ташкил этилаётган кўпгина маданий ва маърифий тадбирларнинг асосий ташкилотчилари ҳисобланадилар. Шунингдек, академиянинг ўқишда ва жамоат ишларида етакчи бўлган иқтидорли аъзолари лицейимизда таҳсил олаётган ўзлаштириши қийин ўқувчиларга кўмаклашиб, улар билан мустақил дарс олиб бормоқдалар. Бундан ташқари, бир қанча билимга чанқоқ, истеъдодли ёшлар билан алоҳида алоҳида иш олиб бориш лозимлиги хусусида лицейимиз раҳбариятига ташаббус билан чиқишиб, махсус иқтидорлилар гуруҳини ташкил этдилар. Ушбу гуруҳ ўқувчилари билан ўқитувчиларимиз дарсдан сўнг қўшимча машғулотлар олиб бормоқдалар. Шу боисдан бўлса керак, кейинги йилларда ўқув юртимизда салоҳиятли ёшлар сафи кенгайиб, уни муддатидан илгари тамомлаётган ўқувчиларимиз салмоғи ортмоқда. Агар 2001/2002 ўқув йилида 19 нафар йигит-қиз лицейда ўқишни экстернат усулда тамомлаган бўлса, жорий йилда ҳам 20 га яқин 1 курс ўқувчиларимиз 2 курс учун мўлжалланган дастурларни ўзлаштирмоқдалар. Билимдон ўқувчиларни турли маданий-маърифий масканларга экскурсияларини уюштиришни ҳам Кичик академия аъзолари зиммаларига олганлар.

Кичик академия раиси Ғолибжон Раҳимов яқинда Тошкент шаҳрида ўтказилган «Келажак авлод» Кенгаши йиғилишида депутат сифатида иштирок этди ва ўз маърузаси билан фаол қатнашди.

Лицейда таҳсил олаётган иқтидорлилар ЎМКҲТМ ўқувчилари ўртасида узлуксиз равишда ўтказилаётган «Сиз тарихни биласизми?», «Сиз ҳуқуқингизни биласизми?» кўрик танловларида фаоллик кўрсатмоқдалар. Ҳар йили ўтказиладиган фан олимпиадаларида ҳам ўқувчиларимиз фахрли ўринларни эгаллашмоқда.

Таълим муассасасида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи қанчалик изланувчан ва ташаббускор бўлса, ўқувчилар унинг фанини шунчалик қизиқиш билан ўрганадилар. Шу боис, лицейда фаолият кўрсатаётган математика, физика, тарих ва хорижий тил ўқитувчилари айниқса фидойилик кўрсатаётгани сабабли, ўқувчиларимизнинг аксарияти бу фанларни қунт билан ўрганмоқдалар, — дейди лицей директори. — Иқтисодиётга ихтисослашганлигимизга қарамай, ўқувчиларимизнинг қарийб 70 фоизи ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида таҳсил олаётгани ҳам бу соҳада фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларимизнинг изланувчанлиги, фаоллигидан далолатдир. Бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш биринчи навбатда, ўқув юртимиз фан хоналарининг замонавий лаборатория ва ўқув жиҳозлари билан таъминланганлиги бўлса, иккинчидан ўқитувчиларимизнинг мамлакатимиз ҳамда хорижий олий таълим муассасаларида узлуксиз малака ошириб қайтаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Хуллас, таълим муассасасида амалга оширилаётган ишлардан қувондик ва бу ерда сабоқ олаётган ўқувчилар иштиёқи, уқувини кўриб, ҳар бири ҳаётда ўз ўрнини топа олишига ишончимиз ортди.

Саҳифа материалларини «Ma`rifat» мухбири Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ тайёрлади.

O'quv laboratoriyalarida GPS (Global Position System) — joyning koordinatlarini Yerning sun'iy yo'ldoshi orqali aniqlaydigan maxsus tizim, Set Power 1000 elektron taxeometri, Bis-41 yuqori aniqlikdagi nivelir kabi zamonaviy asboblar mavjud.

РЕСПУБЛИКАДА ЯГОНА МАСКАН

Маълумки, ҳозирги пайтда дунёнинг барча давлатларида кадастр тизимига катта эътибор берилаяпти. Кўчмас мулк кадастри табиий ресурсларнинг ҳолати ва улардан фойдаланиш, муҳандислик фаолияти, экология ва бошқа шароитлари бир хил бўлган ҳудудларни ажратиб, картографиялаш сифат ва сон кўрсаткичларидан фойдаланиб тасвирлашни ҳисобга олиш тушунчаси билан узвий боғланган жараёндир. Ана шу каби геодезия ва картография соҳасининг ўзига хос жиҳатларини мазкур коллежда ўрганиш мумкин.

— Келажакда геодезия қидирув ишлари, кўчмас мулк кадастри, картография, топогеодезия ва картография ишларида ҳуқуқшунос, тижорат йўналишлари бўйича мутахассис бўлишни орзу қилган ёш йигит-қизлар бизнинг таълим муассасамизда кундузги ва сиртқи бўлимларда таҳсил олиш имкониятига эгадир, — дейди коллеж директори Зоир Холиқулов. — *Зеро, коллежимиз республикада Ўзгеодезкадастр тармоғининг қуйи ташкилотлари, аэрогеодезия корхоналари, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимликлари таркибидаги Давлат ер кадастри хизматлари учун мутахассис кадрлар тайёрловчи ягона таълим муассасасидир.*

Илм маскани раҳбарининг таъкидлашича, бу ерда замонавий лингафон хоналари, дисплей синфлари, геодезия ва фотограмметрия лабораториясида ишламоқда. Ўқув-услубий хоналарнинг замон талабларига мос жаҳон стандартлари даражасидаги энг юксак техникалар билан таъминланганлиги, бу ерда Швеция, Англия ва Дания каби давлатларда малака ошириб келган юқори малакали муҳандис-педагог кадрларнинг ишлаши коллежнинг маънавий ва моддий-техник базаси салоҳиятидан дарак беради.

Ўқув лабораторияларида GPS (Global Position System) — жойнинг координатларини Ернинг сунъий йўлдоши орқали аниқлайдиган махсус тизим, Set Power 1000 электрон тахеометри, Bis-41 юқори аниқликдаги нивелир каби замонавий асбоблар мавжуд.

Хариталарни тузиш ва таҳрир қилиш хоналари махсус гравирлаш столлари билан таъминланган бўлиб, бу ўқувчиларга бир вақтнинг ўзида хариталар тузиш ва гравирлаш имконини беради. Коллеж жамоасига Ўзгеодезкадастр раҳбарияти яқиндан кўмаклашиб, бунинг натижасида Швеция, Германия, Франция давлатларининг мазкур соҳа мутахассислари билан яқин ҳамкорлик қилиш имконияти яратилмоқда.



Коллеж Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри Бош бошқармасининг таянч таълим маскани бўлганлиги боис, бу ерда мамлакатимизнинг турли жабҳаларида фаолият юритиб келаётган ушбу соҳа мутахассислари тез-тез ташриф буюриб, ўзларининг касбий билим ва маҳоратларини ошириб кетишади. Ана шу мақсадда бу ерда 1998 йилда вилоятлар, шаҳар ва туман кадастр хизматлари ходимларининг малакасини ошириш, уларни жаҳон тажрибаси билан таништириш ишларини амалга ошириш бўйича Давлат кадастрининг электрон тизимини тузиш ва олиб бориш давлат дастури, «Ўзбекистонда ерни рўйхатга олиш» халқаро TACIS дастури асосида Кадастр ўқув маркази ташкил этилди. Мазкур ўқув марказида тингловчилар электрон тахеометр ва GPS туркумидаги геодезия ўлчовларининг янги технологиялари; кадастр: ер ҳақидаги қонунлар, кўчмас мулк объектларини баҳолаш; умумий WORD, EXCEL, ACCESS ва махсус AutoKA, Land Regiter компьютер дастурлари каби қатор йўналишлар бўйича малака оширадилар.

— Бизнинг ўқув марказимизда тингловчиларга асосан Швеция, Дания ва Буюк Британия университет ва колледжларида кадастрга ўқитиш методикаси ва структураси билан танишиб келганлар коллеж ўқитувчилари, Ўзгеодезкадастр мутахассислари ва чет эл эксперлари дарс ўтишади, — дейди марказ раҳбари Любовь Томилова. — *Кадастрга оид ҳужжатларни юритиш, кўчмас мулк объектларига бўлган эгалик ҳуқуқларини рўйхатга олиш, янги компьютер технологияларидан фойдаланиб, рақамли режа ва карталарни тузишни ўрганиб қайтган бу ўқитувчиларнинг машғулотлари ҳар томонлама қизиқарли ва сермазмун бўлмоқда.*

Яқинда кадастр ўқув марказида Самарқанд ва Карлштадт (Швеция) биродарлашган шаҳарлар дастури доирасида «Самарқанд шаҳрининг кадастр хизматига амалий ёрдам кўрсатиш» халқаро TACIS лойиҳаси иштирокчилари стажировкадан ўтишди. Мана шундай тадбирларда коллеж махсус фан ўқитувчиларининг бевосита иштирок этиши уларнинг келгуси иш фаолиятларини замон талаблари даражасида ташкил этишларида ҳар томонлама асқотаяпти. Ўзгеодезкадастр раҳбарияти саъй-ҳаракатлари билан Стокгольм Қироллик техника университети олимлари ҳам кадастр ўқув марказидаги семинар-тренингларга таклиф этилмоқда.

КАСБ МАҲОРАТИ ВА ФАНЛАР УЗВИЙЛИГИ

Milliy dastur — amalda

Коллежда айни пайтда геодезия, картография, тиллар, умумтаълим, ижтимоий-гуманитар фанлар каби бешта фан ҳайъати муваффақиятли фаолият кўрсатаётган бўлиб, бунинг натижасида педагогик жамоанинг ҳар бир аъзоси ўқувчи-ёшларга ҳар томонлама чуқур билим ва касб сирларини замонавий усул-услубларда ўргатиш борасида тинмай изланиб келмоқда.

— Мазкур фан ҳайъатларида ўқитувчиларимиз, аввалambор, ўзаро тажриба алмашишади, дарс жараёнида илм-фан оламидаги сўнгги янгиликлар, ўқитишнинг илғор усулларини татбиқ этиш, янги педагогик технология элементларини қўллашнинг самарали воситалари хусусида атрофлича маълумот оладилар, — дейди иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими мудири Светлана Исаева. — Бу борада бизга бундан 3-4 йил муқаддам коллеж ўқитувчилари иштирокида муайян фанлар бўйича тайёрланган услубий тавсиялар, ЎМКҲТ янги классификаторига мос равишда геодезист, картограф, топограф, кадастр, йўналиши бўйича инвентаризатор, кичик регистратор, кўчмас мулкни рўйхатга олиш бўйича назоратчининг ёрдамчиси каби мутахассисликларнинг янги ўқув режалари қўл келмоқда.

Эътиборлиси, фан ҳайъатлари аъзолари нафақат ўз йўналишидаги мавзулар доирасида, балки фанлараро узвийлик тамойили бўйича ҳам кенг қамровли ишларни амалга оширмоқдалар.



КЎНИКМАЛАР АМАЛИЁТДА ШАКЛЛАНАДИ

— Ўқувчиларимизнинг геодезия фанидан ўқув амалиёти иккинчи курснинг иккинчи ярмидан бошланиб, бу даврда улар икки ҳафта ЭҲМда операторлик ишларини, сўнг саккиз ҳафта давомида дала шароити ва махсус лабораторияларда ер майдони ўлчамлари натижалари устида амалий ишлар бажарадилар, — дейди махсус фан ўқитувчиси, амалиёт раҳбари Ирина Раевская. — *Учинчи курсда эса улар тўрт ҳафта ўқув амалиёти ҳамда шунча вақт ишлаб чиқариш амалиётида бўлишади.*

Юқори курс ўқувчилари дала геодезия амалиётларини экспедиция ва корхоналарда, туман ва шаҳар кадасрт хизматлари ва Тошкент картография фабрикасида ўтишади. Лаборатория машғулотлари ва ўқув амалиётини ўтказиш учун коллежнинг лаборатория хоналари ҳамда Тянь-Шань тоғлари этагида жойлашган махсус геодезик полигон мавжуд.

Мана бир йилдирки, коллежда ўзбекистонлик йигит-қизлар билан бир қаторда Вьетнам давлатининг ёшлари ҳам таҳсил олишмоқда.

— Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Марказига Вьетнам мамлакатининг Ўзбекистондаги элчихонаси мурожаат қилиб, ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзолангандан сўнг, илм даргоҳимизда 16 нафар вьетнамлик ёшлар таҳсил ола бошладилар, — дейди коллеж раҳбари Зоир Холиқулов. — *Улар асосан амалий геодезия мутахассислиги бўйича тўлов-контракт шаклида ўқишади. Бугунги кунда хорижлик ёшларнинг барчаси янги таъмирдан чиққан коллеж ётоқхонасига жойлаштирилган. Тўлов-контрак учун тушган маблағ ҳисобидан улар махсус стипендия билан тўлиқ таъминланган. Эътиборлиси, чет эллик бу ёшлар таълим муассасамизда мунтазам равишда ўтказилиб келинаётган барча маърифий-тарбиявий тадбирларда зўр иштиёқ билан иштирок этишмоқда.*

ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ — БОШ МЕЗОН

Бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида кечаётган туб ислоҳотлар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида мутахассис кадрларни тайёрлаш жараёнига ҳам юксак талаблар қўймоқда. Таълим мазмунини такомиллаштириш, унинг сифат кўрсаткичларини ошириш масаласи айни кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури иккинчи босқичининг асосий вазифалари ҳисобланади. Шу боис, барча таълим муассасаларида махсус тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларни изчиллик билан амалга ошириш бўйича саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

Мамлакатимизда топография-геодезия, картография ишлаб чиқариш соҳасини зарур мутахассислар билан таъминлаш борасида таянч таълим маскани бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри Бош бошқармасига қарашли Тошкент геодезия ва картография коллежида ҳам бу борада қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

КАДАСТР ЎҚУВ МАРКАЗИ

ХОРИЖЛИК ЁШЛАР ҲАМ ЎҚИШАДИ

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Айни пайтда таълим муассасаларининг олий ўқув юртлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини тобора ривожлантириш истиқболлари ЎМКҲТ тизимида долзарб масалалар сирасига киради. Бу борада Тошкент геодезия ва картография коллежи педагогик жамоаси ҳам қатор саъй-ҳаракатлар бошлаб юборишган.

— Масалан, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети география факультети талабалари, яъни бўлажак геодезист-муҳандислар коллежда ташкил этилган тажриба-синов майдончасида амалиётларини ўташаяпти, — дейди коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Салоҳиддин Ҳидоятов. — Мазкур факультетнинг коллеждаги шаҳобчаси ҳам самара бермоқда. Шунингдек, ТДПУ битирувчи курс талабалари коллеж таълим-тарбия жараёнига ҳам жалб этилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Миллий университети геодезия, картография ва ер кадастри кафедраси, Тошкент архитектура ва қурилиш институти муҳандислик-қурилиш факультети мутахассис олимлари ҳам ўзаро ҳамкорлик шартномасига биноан, коллежда мунтазам равишда маърузалар ўқишади, ўқувчиларимиз билан давра суҳбатида иштирок этишади. Ана шундай ҳамкорлик яқин кунларда пойтахтимизда-



ги Тошкент автомобиль йўллари институти билан ҳам ўрнатилади.

Саҳифа материалларини Нурлан УСМОНОВ тайёрлади

Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар.

Бурхон БАРЛОС олган суратлар.

Жумладан, олий тоифали информатика фани ўқитувчиси А.Аҳроров «WINDOWS — 2000» операцион тизимида ишлаш услубий қўлланмасини яратди.


ТАРАҚҚИЁТИМИЗ БИЛАН ЧЕКСИЗ ФАХРЛАНАМИЗ

Истиқлолимизнинг шонли даври мобайнида халқ хўжалигининг барча соҳалари сингари, таълим тизимида ҳам улкан ишлар амалга оширилди.

Дарҳақиқат, ўсиб келаётган ёш авлоднинг келажаги, ёрқин пойдеворини яратиш учун республика ҳукумати томонидан «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Бугунги кунда ушбу муҳим қонунлар ижроси йўлидаги фаолиятимиз асосан бўлажак қишлоқ хўжалик мутахассисларининг касб-ҳунар сирларини мукаммал эгаллаб, ишлаб чиқариш амалаётини тўғри ташкил этишларига қаратилгандир.

Буни қишлоқ хўжалик мутахассис кадрларини тайёрлаб бераётган Қизилтепа туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу таълим муассасасида назарий ва амалиёт дарслари бевосита ишлаб чиқариш объектлари билан узвий ҳамкорлик асосида олиб борилаётгани яққол сезилмоқда. Айтиш жоизки, 10 та йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланаётган мазкур ўқув масканида 60 нафар маҳоратли педагог ва муҳандис-педагоглар 451 нафар ўқувчига технологиялаштирилган услубда таълим бермоқдалар. Уларнинг 6 нафари олий, 10 нафари биринчи, 13 нафари иккинчи тоифа ва 14 нафари малакали мутахассис-педагоглардир.

Коллежнинг ўқув режасига асосан барча фанларнинг ўқитилиши тўртта асосий кафедра томонидан амалга оширилади. Ушбу кафедралар ўқитувчилари Бухоро давлат университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси, Навоий давлат педагогика, Навоий давлат кончилик институтлари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боради. Ишлаб чиқариш амалиётини ўташ бўйича шартномалар имзоланган.



Ҳамкорликнинг самараси ўлароқ, ўқувчиларнинг фундаментал ва касбий фанларга қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Бундан ташқари, кафедралар қошида қишлоқ хўжалиги бўйича илмий- техник йўналишдаги тўгараклар ташкил этиш имкониятлари ҳам яратилган. Бу тўгаракларга 200 нафар ўқувчи жалб этилиб, юқори малакали педагоглар машғулот олиб бормоқдалар. Масалан информатика фани ўқитувчиси Аслон Аҳроров, химия фани ўқитувчиси Манзура Усмонова, математика фани ўқитувчиси Г.Сиддиқова, махсус касбий фан ўқитувчилари Ойдин Бердиева, Г.Темирова, она тили ва адабиёт ўқитувчиси И.Нороваларнинг ишлари яхши деб топилиб, оммалаштирилмоқда. Бу ишларнинг самарали ташкил этилганлиги боис ёш олимларимизнинг фаоллиги ошмоқда, ўқувчи-ёшларимизнинг эса илмий-техникавий ижодкорлиги кучаймоқда. Жумладан, олий тоифали информатика фани ўқитувчиси А.Аҳроров «WINDOWS — 2000» операцион тизимида ишлаш услубий қўлланмасини яратди. Натижада ўқувчилар информатика фани бўйича чуқур билим олишга эришмоқдалар.

Ўқув масканида билим олаётган ёшларнинг махсус фанларни пухта ўзлаштиришлари учун лаборатория машғулотларини ўтказишга эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда коллежимиз моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, Жанубий Корея кредити ҳамда «Эл» фирмасининг ҳомийлигида 2 та информатика, 2 та кимё, 2 та физика хоналари «PENTIUM» компьютерлари билан таъминланди.

Декабрь ойида туманда бўлиб ўтган фан олимпиадасида информатика фани бўйича биринчи ўринни эгаллаган Самандар Абдуллаев, иқтисод фанидан Алишер Бадалов, кимё фанидан Ўктам Темиров вилоят босқичида муваффақиятли қатнашиб коллежимиз шарафини ҳимоя қилдилар. Бу ҳам ўқувчиларнинг тинимсиз изланишлари самараси, дейиш мумкин.

Коллежимиз қошида замонавий шаклда қурилган спорт зали, ёзги спорт ўйингоҳи ва гимнастика шаҳарчаси ёшларни доимо бағрига чорлайди. Бу масканда спортнинг етти тури бўйича ташкил этилган тўгаракларда 300 нафарга яқин ёшлар шуғулланишади.

Бугунги кунда билим ўчоғида қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича тайёрланаётган кичик мутахассисларнинг билим даражасини янада ошириш учун замонавий кутубхонада ўн мингдан зиёд китоблар мавжуд. Шунингдек, 150 ўринли қироатхона, 150 ўринга мўлжалланган ётоқхона, 200 ўринли ошхона ҳамда маънавият ва маърифат хоналари ўқувчилар ихтиёрида.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, илғор педагогик технологияларнинг таълим жараёнига татбиқ қилиниши ва улардан унумли фойдаланиш учун юқори малакали кадрлар зарурлиги ҳисобга олиниб, республика малака ошириш муассасаларида 25 нафар педагог, муҳандис-педагог, тарбиячилар малака ошириб қайтдилар. Қолган муаллимлар эса вилоят ўрта махсус, касб -ҳунар таълими бошқармаси ҳузуридаги малака ошириш курсларида билимларини оширмоқдалар.

Коллеж қошида ҳам доимий малака ошириш курслари ташкил этилган. Унда асосан ўқитувчилар компьютер сабоқлари ҳамда замонавий ўқув техника ва кўргазмали жиҳозлар, асбоб-ускуналаридан фойдаланиш бўйича малакасини оширадилар. Бунинг самараси ўлароқ, 2002-2003 ўқув йилининг биринчи семестри бўйича оралиқ ва якуний назорат таҳлили натижасига кўра 2002 йилдаги ҳолатга нисбатан 4,5 фоизга ўқувчиларнинг билим даражаси ортганлиги аниқланди.

Жалол БАФОЕВ,
Қизилтепа тумани қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори



ИЗЛАНИШЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

Эътироф этиш лозимки, таълим жараёнига тинимсиз саъй-ҳаракатлар натижасида қатор янги педагогик технологиялар тадбиқ этилмоқда. Хусусан, бу изланишлар негизида педагог ва муҳандис-педагоглар зиммасига улкан маъсулият юклатилган.

Аслида ўқитиш технологиясининг мазмун ва моҳиятига кўра шахс камолоти, уни шакллантириш қонуниятлари доирасида бугунги кунда тизимда интенсив иш олиб борилмоқда.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимида янги педагогик технологияни қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари шундаки, бунда назарий, касбий ва амалиёт дарслари ўқув режага асосан, коллежнинг ихтисослашганлиги ёки йўналишига қараб олиб борилади. Демак, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-ҳунар коллежларида педагогик технологияларнинг тузилмасида «ўргатиш технологияси» бўйича биология, кимё, физика, ботаника, тупроқшунослик, агрокимё, геодезия, агротехника, қишлоқ хўжалик техникаси каби фанлар муҳим ҳисобланади. Бунинг самараси ўлароқ, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш ва уни қайта ишлашга оид билимлар ўқувчининг абстракт тафаккурини тезкор амалиётга кўчириш билан баҳоланади. Ана шу мақсадга мувофиқликни таъминлаш учун ҳар бир ахборот тарқатувчи фан ўқитувчиси янги технологик жараён самарадорлигини ошириш, амалиёт дарсларида кутилган натижага эришиш учун дастурли кузатув назоратини олиб боради. Шундан сўнг ҳар бир ўқувчи ўтилган дарс бўйича кичик мавзуда дитактик лойиҳа тузиб, уни ҳимоя қилади. Пировардида ўқитувчининг тингловчи билимини холис назорат қилиб, сифатли баҳолаш имконияти яратилади. Билим масканимизда меҳнат қилаётган ҳар бир фан ўқитувчисининг ижодкорга айланиши бизни қувонтиради, албатта. Айтиш жоизки, касб-ҳунар таълими тизимида янги технологиянинг, яъни инқилобий ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш лойиҳасининг кириб келиши ўқувчиларнинг бу жараёнда нафақат «объект», балки «субъект» сифатида иштирок этишига замин яратади.

Дилмурод АСЛАНОВ,
ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

ЮКСАК КЕЛАЖАК ОСТОНАСИДА

Коллежимизда ўтказилаётган ҳар бир маънавий-маърифий тадбирлар маълум педагогик тизим доирасида белгиланган мақсадга мос ҳолда олиб борилади. Гап таълим масканида амалга оширилаётган тарбиявий соатларни ихтиёрий тарзда кенгайтириш хусусида эмас, балки, янги фан сифатида киритилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани ҳақида кетмоқда. Бу ғоя орқали ўқувчи ёшларимиз халқимизнинг ўтмиш маданияти, маънавий солоҳияти, орзу-рмонлари, руҳий камолоти ҳақидаги бой тасаввурга эга бўлишади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг талабларидан келиб чиққан ҳолда коллежимиз битирувчиларининг олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришларини таъминлаш ҳамда келгусида касб-ҳунар сирларини мукаммал эгаллашларига жиддий эътибор қаратилган. Шунга мувофиқ, зарур мутахассислик ва йўналишлар асосида кенг қамровли билим бериш билан бирга, уларнинг маънавий дунёқараши кенг, теран фикрлай оладиган шахс сифатида вояга етказиш учун ҳаракат қилинмоқда. Улар фақатгина мансаб, мартаба учун эмас, балки жамиятнинг кичик бир аъзоси сифатида улғайишлари ва келгусида меҳр-муҳаббат сингари инсоний туйғуларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда таълим-тарбия олаётгани бизни қувонтиради, албатта. Шу боис, улар орасида дарс машғулотларини сабабсиз қолдирган, қониқарсиз баҳо олган ўқувчининг ўзи йўқ. Улар ҳам бу тизимни яхши англаб, дарсларга мунтазам қатнашадилар.



Ҳаким ШАББОНОВ,
маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари


ЖАБАРҚО — БУ ЯПОНИЯ ДЕГАНИ

Moziydan sado

ёки Кошғарийнинг дунё харитаси

Маҳмуд Кошғарийнинг тилшунослигимизга бемисл ҳисса қўшганлигини яхши биласиз. Туркшунослик илмининг асосчиси бўлган Кошғарий XI асрда даврининг етук алломасига айланди. У нафақат тил масаласида, балки энциклопед олим сифатида ҳам шуҳрат қозонди. Яқин кунларгача ернинг шар шаклида эканлиги масаласи кўп тортишувларга сабаб бўлиб келган эди. Маҳмуд Кошғарий ўзининг шоҳ асари "Девону луғотит турк" асарида дунё харитаси тасвирини илова қилган. Мавзумиз асосан олимнинг "Дунёнинг доира шаклидаги тасвири" ҳақида. Хаританинг XI асрда тузилганлигини инобатга олсак, олимнинг чуқур билим соҳиби эканлигига ишонамиз. Унинг дунё харитасида мамлакат, шаҳар, қишлоқ, тоғ, чўл, довон, денгиз, кўл, дарё ва ҳоказолар номлари ёзилган. Харита, асосан, ҳозирги шарқий ярим шарга тўғри келади. Бу ҳақда Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи шундай ёзади: "Румдан Мочингача бўлган... шаҳарлар ўрнини аниқлаш мақсадида уларнинг ҳаммасини ер шаклидаги доирада кўрсатдим".

Маҳмуд Кошғарийнинг харитасидаги шартли белгилар ва унинг умумий тасвири ўрта аср Шарқ хариталарига қисман ўхшаса-да, лекин кўп элементларнинг тасвирланиши ва мавзу улардан анчагина фарқ қилади. Жумладан, харитада доиранинг, яъни Ер юзининг маркази Ўрта Осиёга тўғриланган, аниқроғи — Иссиққўл билан Болосоғун оралиғидадир. Шуни эслатиш лозимки, ўрта аср араб хариталарида Ер юзининг маркази — Макка ва Мадина шаҳарлари деб тасвирланган.



Ўрта Осиё ва Кошғар халқларининг дунё тўғрисидаги қадимдан мавжуд бўлган тарихий ва анъанавий тушунчаларига асосланиб, Кошғарий Шарқ томонни хаританинг юқори қисмига жойлаштирган. Харитада Иссиққўлдан Япониягача бўлган масофа Иссиққўлдан Ҳабашистонгача бўлган масофага тенг қилиб тасвирланган. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Иссиққўлдан узоқлашган сари хаританинг масштаби кичрайиб бораверади. Харитадаги бўш жойлар, номи ёзилмаган доиралар хаританинг охиригача чизиб тугалланмаганлигидан бўлса керак. Хаританинг аҳамиятли жиҳатларидан яна бири жой номларидир. Яъни, XI асрда қўлланилган номлар, вақти келиб ўзгаради. Масалан, Шош, Қубо, Ҳаваразм, Тароз номлари бугун ўзгарган. Ундан ташқари славянлар ҳудуди Сақолиба, Хитой ерлари Мосин дейилган.

Кошғарий харитасида Япония ҳам тасвирланиб, Жабарқо деб аталган.

Баъзи жойлар алоҳида изоҳланган. Масалан, "Юқори ҳарорат бўлганлигидан у ерда одамзод яшамайди" дейилган. Бу жойлар Саҳрои Кабир ерлари ва Экваторнинг дим жойлари ҳисобланган. Ёки "қаттиқ совуқ бўлганидан одамзод яшамайди" дейилган ҳудудлар Европанинг шимоли ва Арктика қисми ҳисобланган.

Қадимдан Хитой чегараси деб тушунилган Яъжуж-Маъжужлар ери Қошғарий харитасида, умуман Осиё қитъасидан ташқарида, яъни, жануби-шарқда деб ёзилган. Хўш, Яъжуж-Маъжуж кимлар? Ислом таълимотида Узоқ шарқда яшовчи ва фасод тарқатувчи халқлар номи Яъжуж-Маъжужлар дейилган. Қуръони Каримнинг 18-сура, 82-98-оятларида бу халқлар ҳақида маълумотлар берилган. Ундан ташқари яҳудий-христиан диний адабиётида Яъжуж-Маъжужлар Гог ва Магог номи билан киритилган. Кошғарий харитасида Одам алайҳиссалом тушган жой ҳақида ҳам маълумот берилган.

Олим ўз харитасида дарёларни — кулранг, денгизларни — кўк, қумларни — сариқ, тоғларни — қизил рангда тасвирлаган.

Харита XI асрда тузилган бўлса-да, лекин ўз даври учун анча мукаммал ва аҳамиятли ҳисобланади.

Баҳром САФАРОВ,
Зомин туманидаги
65-мактабнинг
тарих фани ўқитувчиси

Газетамизда "Moziydan sado" рукни ташкил этилганлигидан муштарийларимизнинг хабари бор. Бугун шу рукндаги илк мақола эълон этилмоқда. Маҳмуд Кошғарийнинг Дунё ҳаритаси ҳақида маълумот берувчи ушбу мақола ҳажман кичик бўлса-да, ўқувчида жуда катта таассур қолдиради. Шунинг билан биргаликда Маҳмуд Кошғарий ва унинг тарихий меъроси ҳақида ҳам ўқувчига лўнда, аммо кенг қамровга эга бўлган маълумот беради.

Мақола муаллифи зоминлик оддий мактаб ўқитувчиси. У ўз мақоласи билан асрлар кули остида қолган, мозийдаги чўғни бизга кўрсатиб беришга уринади.

Азиз муштарийлар, ҳурматли зиёлилар! Биз сизларни ҳам, "Moziydan sado" рукнида ўз мақолаларингиз билан фаол қатнашишга чақирамиз. Ёш авлод онгига мозий ҳақиқатларини сингдиришга ўз ҳиссангизни қўшинг.

БАДИИЙ МУТОЛАА ИНСОН КЎЗИНИ ОЧАДИ
35-бет

«REKORD» СУПЕРКРОССВОРДИ
36-37-бетлар

АЛКИМЁГАР
38-бет

АҲАМИЯТСИЗ ҒАЛАБА
39-бет

КАСАЛЛИК ТУФАЙЛИ МАКТАБЛАР ЁПИЛДИ
39-бет

КЛОНЛАШТИРИЛГАН ОДАМ СИРЛАРИ
40-бет



Мақбаралар — асрлар оша мозий меъморчилигининг жозибасини намоён этувчи, аждодларнинг авлодларга қолдирган бебаҳо меросидир

УСТОЗ ИЗИДАН ШОГИРДЛАР ОРТТИРИБ



Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар ўзларининг бор билимларини, меҳр-мурувватини атрофдагиларга улашаверишдан завқ ва ҳузур топадилар. Тафаккурининг теранлиги яққол кўзга ташланиб туради. Бундай устозлар том маънода юксак эҳтиромга лойиқдир. Зеро, офтоб бутун борлиқни ўз нури билан ёритгани каби улар ҳам кўплаб шогирдлари ҳаёт йўлини нурафшон этадилар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган муҳандис, олий таълим аълочиси, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профессори, моҳир услубиятчи Усмонжон Матмусаев ана шундай фахрий устозлардан.

Дарҳақиқат, ўзининг бор билими ва маҳоратини тўқимачилик материалшунослиги фанининг ривожланишига бағишлаган олим бу борада мактаб яратди. Унда кўплаб олимлар ўз билим савияларини орттирган бўлса, ҳозирги кунда уларга ёшлар эргашишмоқда. Усмон Матмусаев — институтининг собиқ талабаси. Имтиёзли дипломли битирувчи ўқитувчиликка олиб қолингач, кейинчалик 1958-61 йилларда Кострома технология институти аспирантурасида ўқиб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бу ёғи ассистентлик, доцентлик, профессорлик... Қисқаси, ярим асрлик меҳнат фаолияти.

Ta'lim fidoyilari


Ўтган йиллар давомида ўзига талабчан, камтарин, тўғри сўз, ғамхўр устоз талабаларни яхшиликка, эзгуликка, ростгўйликка, билимлашга, инсонпарватанпарварликка, ҳалолликка, ҳар қачон ундаганлиги билан ҳурмат-эътибор топди. У ўзининг изидан кетаётган иқболи баланд шогирдлари билан ҳамиша фахрланади. Улар орасида раҳбарлар, ўқитувчилар, ички ишлар ходимию етук муҳандис, олиму ижодкорлар ҳам бор. Устоз яна бир ақидани дилига тугиб юради: «Аввало ўқитувчининг ўзи тарбияланган бўлмоғи керак». Зеро, унинг ана шу шиорни дилига жо қилишида теран бир уйғунликни кўрасиз. Домланинг гап-сўзларида, ҳатти-ҳаракатларида комилликнинг белгилари мужассам.

Ўзбек аёлларидан биринчи академик, институтда 17 йил давомида ректор лавозимида фаолият кўрсатган, «Тўқимачилик материалшунослиги» кафедрасининг асосчиси, етук раҳбар Мақсуда Ҳожиновани У.Матмусаев ўзининг устози деб билади. Айни пайтда ўзи ҳам юзлаб шогирдларга эга. Улардан айримлари Ҳамдўстлик давлатларининг пахта, тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарида ҳам фаол меҳнат қилиб келишмоқда. Ҳозиргача домла 2 та дарслик ва 10 та ўқув-услубий қўлланмаси яратган, 12 та муаллифлик гувоҳномасига эга, 100 дан зиёд илмий мақолалари матбуот юзини кўрган.

Абдусаттор АБДУҒАФФОРОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорининг маънавий-маърифий масалалар бўйича биринчи муовини

Uztoznoma

Дарҳақиқат, маъқул иш ва севимли касб топа олиш ҳар кимнинг ўзига, иқтидорига боғлиқ. Сафимизда қирқ-эллик йилдан бери ўқитувчиликнинг ҳалол нонини еб, комил фарзанд, оқил шогирдлар тарбиялаётган, касбига садоқатли таълим фидойилари кўплаб топилади. Шулардан бири Ўзбекистон Миллий университети Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти, олий таълим аълочиси Бегали Жолдасовдир. У киши Юқори Чирчиқ туманидаги Соранкент қишлоғида туғилган.



Тарихга бўлган қизиқиш уни кўп изланиш, илмий иш билан шуғулланишга ундаб, 1974 йилда профессор Л.Гентшке раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ёқлашига туртки бўлди.

Ҳа, умр — оқар дарё, ҳадемай Б.Жолдасовнинг иш фаолиятига 50 йил, университетда ўқитувчилик қилаётганига эса 30 йил тўлади. Бу давр ичида кимлар ундан сабоқ олмади дейсиз?

Домла билан суҳбатлашар эканман, у кишининг оилада ҳам оқил бошлиқ бўлганига имоним комил бўлди. Қизлари Гулжаҳон Ўзбекистон "Уй-жойқурилиш" банки бўлим мудири, Гуландон Туркистондаги қозоқ-турк университетининг фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси, Камила эса биология фанлари номзоди, Биофизика институтининг лаборатория мудири, ёлғиз ўғил Азамат тадбиркор бўлиб, ота-она тузини оқлаб, жамиятимиз учун наф келтираётган қобил фарзандлардир. Умр йўлдоши, Низомий номидаги педагогика университети ўқитувчиси Саулия ая билан беш нафар набира, келин ва куёвлари, қизлари камолини кўриб аҳил яшаётган Жолдасовлар оиласига барчанинг ҳаваси келади.

УЧ АВЛОД МУРАББИЙСИ

Б.Жолдасов ҳамон тиниб-тинчимайди. Яқинда у "Ўзбекистон тарихи" номли 45 босма табоқли қўлланманинг "Мустақиллик даври" бўлимини тайёрлаб топширди.

— Тарих ўқитишнинг бир муаммоси бор. Мактабларда дарслик бору, аммо олий ўқув юртларида махсус дарсликлар йўқ. Шунинг учун ЎзМУ нашриёти томонидан 2000 йилда Ўзбекистон тарихи кафедраси жамоаси тайёрлаган маърузалар тўплами чоп этилди. Ҳозир шундан фойдаланаяпмиз. Мустақиллик даври ҳақида адабиётлар бор. Бизнингча, тарихга иккинчи даражали фан деб қараш нотўғри. Ваҳоланки, мустақиллик даврида ўзликни англаш, маънавий, диний қадриятларни тиклаш, Ўзбекистонимизни бутун жаҳонга таништириш Ватан тарихини ўрганишдан бошланади, — дейди домла.

Бегали домланинг яшашдан мақсади аниқ, минглаб талабалари унинг номини ҳамон унутишмаган. Ёшлардек ғайрат-шижоати бор. Ўқитувчи учун эса ундан ортиқ бахт йўқ. Ана шу бахт уни тарк этмасин.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи

ГОСПЛАННИ НОРОЗИ ҚИЛГАН ДОМЛА

Faxriylar — faxrimiz

Дурадгор Намоз аканинг ўғли Жума 1939 йилда Бўстон қўрғонидаги ўрта мактабни тугатгандан сўнг, аъло баҳоларга ўқиганлиги ва ўқитувчилар етишмаслиги боис, Оқсоч қишлоғининг етти йиллик мактабига география ва тарих фани муаллими этиб тайинланди. Аммо тез орада армияга чақирилди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, олий маълумот олди. Дастлаб ўзи таваллуд топган Қизилтепа туманида, кейинчалик Бухоро вилояти кўламида турли масъул раҳбарлик лавозимларида ишлади.

У 1961 йилда Бухоро давлат педагогика институтининг ректори этиб тайинлангач, бутун умрини шу даргоҳ билан боғлади. Муттасил 18 йил давомида институт ректори, 33 йил сиёсий иқтисод кафедраси мудири вазифасида фаолият кўрсатган Ж.Намозов олий ўқув юртини Ўрта Осиёдаги энг нуфузли ўқув юртларидан бирига айлантириш учун куч-ғайратини, ташкилотчилик истеъдодини, илмий салоҳиятини аямай меҳнат қилди.

Аммо шўро тузуми даврида фан ҳам унинг манфаат, мақсадларига хизмат қилиши керак эди. Ана шу тамойилларга амал қилмаганларни эса амалидан кетишга мажбур қилишарди. Москва, Свердловск каби шаҳарларда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда маърузалар билан чиқиш қилган профессор Ж.Намозов ҳам ана шундай тазйиқни ҳис этди. собиқ СССР госплани раиси қатнашган бир анжуманда олим дилидагини очиқчасига айтиб, катта «хато»га йўл қўйганини билмай қолди.

«Мен Бухоро газининг СССР иқтисодий тараққиётидаги роли сида ишлар бориб, кистон табиий бойликларининг мамлакат ривожидаги ўрнини ўргандим, — дейди ўшанда дастур бўйича маърузага чиққан Жума ака. — Аммо бугунги кунда республикамиз саноати, хусусан, тўқимачилик анча оқсаб турибди. Деҳқонларимиз етиштирган пахтани Иваново, Кострома каби шаҳарларга хом ашё сифатида юбормай, уни Ўзбекистоннинг ўзида қайта ишлаб, матога айлантирсак, транспорт ва бошқа харажатлар камайиб, катта иқтисодий самара кўрилар ва Ўзбекистонда саноат янада ривожланар эди. Бунинг учун республикамизда тўқимачилик корхоналарини қуриш керак».

хусуилмий олиб Ўзбе-

Ўзбек олимининг бу гапи табиийки, анжуманни бошқараётган госплан раисига маъқул бўлмади. Шунинг учун у дабдурустдан маърузачини тўхтатиб бошқа кишига сўз берди.

Олим 1978 йилда нафақага чиқиб, ректорлик вазифасини топширган бўлса ҳам, бугунгача университетнинг иқтисодиёт назарияси кафедрасини тарк этгани йўқ, талабаларга маърузалар ўқиб, амалий машғулотлар олиб бормоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Ж.Намозов университет оқсоқоллар кенгаши раиси сифатида жамоатчилик ишини олиб бормоқда.

Абдужалил ХАЛИЛОВ,
журналист

МАКТАБ ҚУРГАН ЭДИЛАР

Yodnoma

Қишлоқдошлари Муҳаммадали Ҳамроевни «Ҳамроев домла», Ҳанифахон Юнусовани эса «опой» деб атар эканлар. Бир неча йиллар ҳар икки инсон ҳам Урганжи қишлоғидаги 12-ўрта мактабда ўқувчиларга билим беришган. Ана шу инсонлардан бири Муҳаммадали Ҳамроев қўлида таълим олган, кейинчалик ҳар икки муаллим билан бир мактабда меҳнат қилган, ҳозирги кунда кексалик гаштини сураётган Санобархон Жумабоева эса қуйидагиларни



гапириб бериб, ўқитувчилар бажарган кўпгина юмушлардан мени воқиф этди.

—Ҳамроев домлани танганимда мен кечки мактаб ўқувчиси эдим. Ўша пайтларда у киши она тили ва адабиёти фанидан бизга сабоқ берардилар. Домла ҳар бир ўқувчининг саволига эринмай жавоб берар, она тилимиз асосчиси Алишер Навоий эканлигини, ўзбек миллий адабиётига ҳисса қўшган адиблар, шоирлар ҳақида қизиқарли маълумотларни айтиб берардилар. У пайтларда Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби бир қанча миллатпарвар ва маърифатпарвар зиёлилар қатағон қилинганлиги боис, дарсларда, кўпчиликнинг орасида улар ҳақида гапириб бўлмасди. Ана шундай пайтларда, домламиз улар тўғрисида биз — ўқувчиларга синф хоналарида эмас, табиат қўйнида дарс ташкил қилиб, айтиб берар эдилар.

Мен кейинчалик Ҳамроев домла билан ҳам, у кишининг турмуш ўртоғи Ҳанифахон Юнусова билан бирга ҳам ишладим. Мен янги иш бошлаган кезларда тажрибам камлигини сезган Ҳанифахон опа кўпинча «Сиз менинг синфимга кириб, ўқувчиларим билимини синаб кўринг, мен сизнинг болаларингизга бир соат дарс ўтиб, уларнинг билимини синайман» деб айтардилар. Шу баҳонада менга ёрдам берган бўлардилар. Мактабнинг асосий биноси Урганжи қишлоғида бўлса-да, Тумор қишлоғининг икки жойида филиаллари бор эди. Тумор қишлоғидаги 700 ўринли мактаб қурилишига бош-қош бўлган инсон ҳам, унинг қурилишини тезлатган киши ҳам Ҳамроев домла эдилар. Ҳозирги кунда Данғара тумани халқ таълими бўлимига қарашли 32-умумтаълим мактабининг пойдеворини қўйган киши Муҳаммадали Ҳамроевдир.

Мен муаллимларнинг кенжа фарзанди Фурқатжон Ҳамроев билан ҳам суҳбатлашганимда, «дадам бизларга кўп китоб ўқиб берардилар, улғайганимиздан сўнг эса ўзлари уйга даста-даста китоб кўтариб келадиган бўлдилар. Мен отамнинг ҳар бир айтган сўзи, ҳар бир қилган ишидан андоза олишга ҳаракат қилардим. У киши билимли бўлиш, илм олишга интилиш дунё саодатларининг энг олийси эканлигини, «Илм ўзни билмакдир» деган сўзларни кўп марталаб такрорлардилар», дея хотирлайди.

«Балки ҳар бир ўқитувчининг, ҳар бир муаллимнинг тутган ва тутаётган йўли, ҳар бирининг орзунияти бир хилдир. Кўпинча ота-онамнинг деярли бир вақтда оламдан ўтишганини, бизнинг камолимизни кўришмаганлигини эсласам, кўнглим бузилиб кетади, лекин менга «мактаб қурган муаллимнинг ўғли, Ҳамроев домланинг фарзандлари» деб гапиришганда, уларнинг энг чиройли иш қилиб, қишлоқдошлари хотирасида барҳаёт яшаётганликлари таскин беради».

Ҳар бир инсоннинг, ҳар кимнинг мана шундай эзгу ишлари, нафақат ўз яқинларлари хотирасида, балки ундан сабоқ олган, унинг меҳрини дилига жойлаган ҳар бир инсоннинг ёдида узоқ вақт ўчмаса. Мана шу бахт эмасми?

Шарифа МАДРАҲИМОВА

Халқимизда кўп бор ишлатиладиган шундай гап бор: инсонни савобли ва хайрли ишлари қадрли қилади. Чунки инсон умрини эзгулик безайди. Улуғ адиблардан бирининг "Ёпиқ эшикларни очмоққа илож — илмдир, ҳунарлар бошидаги тож!" дейишида ҳам шу маънони уқиш мумкин.

Шундай инсонлар бўладики, қалб-қўрини, куч-қувватини, ақлу заковатини, илму тафаккурини ўзи ихлос қўйган соҳага сарфлайди, шу туфайли одамлар ҳурматига сазовор бўлади. Икром Шермуҳамедов ҳам илмни, элини қадрлагани учун бугун авлодлари, биродарлари, шогирдлари қадрида, улар хотирасида яшамоқда.

ИЛМНИ ҚАДРЛАГАННИ ЭЛ ҚАДРЛАЙДИ

Илмнинг қудрати шу даражадаки, илмни қадрлаган И.Шермуҳамедовнинг ҳаётдан кўз юмганига олтмиш йил бўлган бўлса-да, у бугун яна хотирада жонланмоқда.

Паркент туманининг Заркент қишлоғида туғилиб ўсган Икром Шермуҳамедов 1919 йилгача (бу пайтда у 12 ёшда эди)мадрасада ўқийди. Сўнгра 14 ёшидан бошлаб, Тошкент шаҳридаги Хасти имом мавзесида жойлашган олий диний мадрасада ўқишини давом эттиради. Бир мунча муддатдан сўнг отаси уни яқин дўсти, ўз даврининг илмли кишиларидан бўлган Саид Султон тарбиясига бергач, Икром Шермуҳамедов рус-тузем мактабида таҳсил кўра бошлайди. Диний ва дунёвий илмларни мувофиқлаштириб олган ёш муаллим 1924 йилдан бошлаб, Паркент туманидаги қишлоқларда ўқувчиларга бир неча фанлардан бир ўзи сабоқ беради. И. Шермуҳамедовнинг тиришқоқлигини кўрган туман маорифи вакиллари уни рус-ўзбек тилларида дарслар ўтиладиган 1-мактабга ишга таклиф қилишади. Бу орада у ўз билимини, малакасини янада орттириш мақсадида Фарғона шаҳридаги икки йиллик педагогика институтининг кимё-биология факультетини ўқиб тугатади. Паркент тумани таълим соҳаси ўзининг катта ҳиссасини қўшган Икром Шермуҳамедов 1931 йилдан 1942 йилгача 1-мактабда илмий бўлим мудири вазифасида фаолият юритади. 1934 йилдан уруш бошлангунга қадар туман халқ таълими бўлими мудири ўринбосари бўлиб ишлагани эса унинг маърифатпарвар киши бўлганидан дарак беради. Унинг 1932-1933 йиллари кимё-биология дарсликлари яратилишида ҳам фаол қатнашганини тенгдошлари, шогирдлари эътироф этишади.

1943 йилда Украина тупроғидаги жангларда ҳалок бўлган Икром Шермуҳамедовнинг кўплаб шогирдлари бугун халқ таълими аълочилари, давлат мукофотлари совриндорлари сифатида устозларини илиқ фикрлар билан эслашади. Хуллас, ҳаёт ҳақиқати шундай: элини, илмни қадрлаганни эл қадрлайди. Буни баён этилган фикрлардан ҳам билиб олиш мумкин.

Илҳом ШЕРМУҲАММАД

Сиз унинг асарларини бош кўтармай ўқигансиз, йиғлаб ўқигансиз, кулиб ўқигансиз ва ўша ондаёқ руҳий бир енгилликка эришгансиз. Бугунги меҳмонимиз ўз ижодининг ана шундай хусусиятлари билан минглаб китобхонлар қалбини забт этди, нафақат забт этди, айни пайтда уларнинг ҳассос адибига айланди. Демак, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, А.Қодирий номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори Тоғай Мурод ана шу жиҳати билан бахтли ёзувчидир.

Mehmonxona



Тоғай МУРОД:
БАДИЙ МУТОЛАА ИНСОН КЎЗИНИ ОЧАДИ

— "Маърифат" газетаси муштарийлари болалигингиз ва сиз дунёга келган юрт ҳақида батафсилроқ билгилари келади.

— Мен Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Хўжасоат қишлоғида дунёга келдим. Онамиз оғироёқ бўлади. Бир оқшом оғироёғи билан бир девор қўшнимиз — тоғамизникига боради. Тоғамизникида онамизни тўлғоқ тутади. Момочи излаб, югур-югур бўлади, чоп-чоп бўлади. Аммо доя топилмайди. Онамиз енгил кўз ёради. Мен ана шундай дунёга келаман. Йиллар ўтади, биринчи синфга ўқишга бораман. Бир куни Вахшивор қишлоқ шўросидан мактабимизга вакиллар келади. Биринчи синф болалари учун туғилиш гувоҳномаси тўлдирмоқчи бўлади. Вакил онамиз Тожихол Қурбоновани сўроқ қилади: "Ўртоқ Қурбонова, ўғлингиз қачон туғилган?" "Ўғлимизми? Ўғлимиз... Нормурод чавандоз отдан йиқилган йили туғилиб эди." "У чавандоз қачон отдан йиқилган?" "Нормурод чавандозми", шу, беш-олти йил бўп қолдиёв?" "Хўп, йилини айтинг, ойини, кунини айтинг." "Мен ой-кунини қаердан билайин? Ана сиз, ана Нормурод чавандоз, уйига бориб сўраб билаверинг." "Хўп, ўша йилларни тахминан айтинг." "Тусмоллаб айтсам, ўша йили... Йўлбарс йили эди. Қора узумлар қорайиб пишиб эди. Куни? Куни... Ҳафта боши куни эди. Тоғасиникида бир тўда аёллар билан гурунглашиб ўтириб эдик. Аёллар, Нормурод чавандоз отдан ёмон йиқилибди, ўлар ҳолатда эмиш, деб гурунг қилди. Шунда, бирдан тўлғоқ тутиб қолди. Сўнг, мана шу бола дунёга келди. Тоғасиникида туғилгани учун отини Тоғай қўйдик, Муродига етиб юрсин деб, Тоғай Мурод қўйдик." "Ўртоқ Қурбонова, бизга аниқ саналари керак, саналари." "Нимаси-нимаси?" "Дата! Йили..." "Йили... мулла Қарши армиядан келган йили эди. Мулла Қаршини аёли Турдихон момо чақалоққа момочи бўлиши керак эди. Дастёр юбориб эдик, келмади. Эрим армиядан келди, боролмайман, дебди. Агар ишонмасангиз, ана мулла Қарши, ана Турдихон момо, бориб сўраб келинг." Вакиллар оғизларини ушлаб кулади, юзларини четга буриб кулади.

— Кейин?

— Кейин, мактабимизда катта кутубхона бўлар эди. Унда Хадича опа деган татар аёл кутубхоначи эди. У Қозон шаҳридан келиб қолган эди. Опа болаларни кутубхонага аъзо қилолмай сарсон эди. Хадича опа болаларни қўлидан етаклаб, кутубхонага олиб келади. Болалар китоб олмай қочади. Олса-да, китобни ташлаб қочади. Бир куни коридорда ўйнаб юриб эдим, Хадича опа мени қўлимдан етаклаб, кутубхонага олиб кирди. Қўлимга бир китоб берди.

"Эртак китоб, — деди. — Шуни бир ҳафта ичида ўқиб келиб, менга мазмунини гапириб берасан."

Мен майдагина эртак китобни... бир ойча ўқидим. Ҳар куни беш-олти сатрдан ўқидим. Иккинчи ой деганда кутубхонага гердайиб кириб келдим. Хадича опа мени қаршисига ўтиргизиб қўйиб сўради: "Қани, бир бошидан бошлаб айтиб бер-чи." Мен китоб мазмунини ўзимча айтиб бердим. Эсимдан чиққан жойларни Хадича опанинг ўзи айтиб турди. Мен такрорладим. Биримиз қўйиб, биримиз ҳикоя қилдик. Хадича опа ҳикоя қилса, мен бош ирғаб тасдиқлаб турдим, мен ҳикоя қилсам, Хадича опа бош ирғаб тасдиқлаб турди. Кейин, мен учун алоҳида бир журнал очди. Китоб олинган-топширилган кунларни ёзди. Менга илк бор... баҳо қўйди. Тағин бир эртак китоб берди. Кейин, болалар китобини берди, достон берди. Ундан кейин ҳикоялар китобини берди. Кўпларига тушунмасам-да, ўқиб чиқдим. Хадича опага келиб гапириб берардим. Опани журнали мен ўқиган китоблар рўйхатига тўлди, мен олган баҳоларга тўлди. Хадича опа янги журнал очди. Тўққизинчи синфга бориб, мактаб кутубхонасидаги китобларни... ўқиб бўлдим! Мен математикадан ё физикадан "икки" олишдан қўрқмас эдим. Мен кутубхоначи Хадича опадан "икки" олишдан қўрқар эим.

— Демак, сизни илк бор адабиёт оламига етаклаб кирувчи устозингиз кутубхоначи Хадича опа экан-да?

— Шундай... Ана энди адабий лавҳалар машқ қил, деди Хадича опа бир куни. Мен адабий лавҳалар машқ қилдим. Туман газетасига жўнатдим. Газета лавҳаларимни босмади. Мен конверт бетларига гуллар чизиб жўнатдим. Адабий лавҳа чеккаларига булбуллар расмини чизиб жўнатдим. Адабий лавҳа тепасига оғзида гул тишлаб турган каптар расмини чизиб жўнатдим. Барибир газета адабий лавҳаларимни босмади. Бир куни шу газетада илк бор менинг исми-шарифим билан бир мақола пайдо бўлди. Ҳайрон бўлдим. Мен бунақа мақола жўнатмаган эдим. Ҳамма мени табриклади. Мен билдирмай, гердайиб юравердим. Биз шунақа ёзамиз, деб қўйдим. Адабиёт ўқитувчимиз Ҳамза Ҳамроев мени четроққа олиб борди.

"Газетани кўрдингми?" — деди, — ўшани сени номингдан мен қилдим. Газета ходимларига ҳам тайинлаб келдим. Ана энди ғайрат қил." Дарҳақиқат, Ҳамроев туман, вилоят газеталарини штатсиз мухбири эди. Ана шундан кейин газетада мунтазам чиқиб турдим. Яқинда уйимизга ориқ бир чол кириб келди. Оппоқ соқоллари кўксига тушади. Бу чол ўша адабиёт муаллимимиз Ҳамза Ҳамроев бўлди. "Умрим педагоглик билан ўтди. — деди Ҳамроев. — Сизни ўқитганим учун педагоглик умримдан мингдан-минг розиман."

Албатта, мен ҳам у кишига бир умр таъзимдаман.

— "Юлдузлар мангу ёнади" асарингиз Сурхон полвонлари ҳаёти ҳақида. Асардаги бош образлар — Бўри полвон, Насим полвонларнинг прототипи ҳаётда борми?

— Сурхон полвонлари асарни ўқиб, асардан ўзларини топиб эдилар, асарда ўзларини кўриб эдилар. Неча-неча полвонлар мени бағрига босиб: "Яша ука, мени ёзибсан", деб эдилар. Дарҳақиқат, асардаги деярли барча полвонларнинг ҳаётда ўз прототипи бор эди. Ўша полвонлар ҳозир ҳам ҳаёт. Қарилик гаштини суриб ётибди. Асарда ўзим ҳам бор. Ўзим ҳам баҳоли-қудрат давраларда курашиб эдим. "Юлдузлар мангу ёнади" асарим 1976 йили "Шарқ юлдузи" журналида чоп этилиб эди. Асар, йилнинг энг яхши асари, деб тан олиниб эди. Мен ўшанда 25 яшар йигит эдим.

— Ҳурматли адибимиз Саид Аҳмад бир китобингизга ёзган сўз бошисида: "Тоғай Мурод адабиётга тутаб эмас, ёниб кирди», деб ёзади. Сиз ушбу баҳони қанақа қабул қилдингиз?

— Мен бу гапни Саид Аҳмадона мардлик ва ҳалоллик, деб қабул қилдим. Айрим адиблар асарларимни ўқиб: "Қадам олишингиз ёмон эмас", "Тенгдошларингиздан кам эмассиз", "Анави асарингизни ўқиса бўлади", қабилида ёқтирмагансимон гаплар қилди. Ҳатто: "Адабиётга аралашиб қолибсиз? Оббо сиз-е", дегувчи ичи қора адиблар ҳам бўлди. Саид Аҳмад эса: "Тоғай Мурод ўзбек тилини куйлатди. Ўзбек тилининг жами жилваларини офтобга солиб кўрсатди", деб ёзди. Ҳар бир асаримни ҳалоллик билан кўз-кўз этиб улуғлади. Саид Аҳмад ана шу ҳалоллиги, ана шу мардлиги учун, мана, тўқсон ёшни қоралаб бораяпти.

— "Отамдан қолган далалар" романингиз тўрт серияли кино бўлди. Романнинг экран кўриниши сизга ёқдими?

— Мен романни экран учун ё театр учун яратмадим. Мен романни ўзбек адабиётини бойитиш учун яратдим. Шу боис, асарларим экран ё театрга қўйилишини жуда ёмон кўраман. Мутлақо қарши бўламан. Аммо... бундан ўн беш йиллар муқаддам ўзбек адабиёти ва санъати... алғов-далғов кунда қолди. Ўзбек маданиятини яратган санъаткорлар бир бурчакка тиқиб ташланди. Ўзбек адабиётини бойитган адиблар бир четга суриб қўйилди. Буларнинг сабабчиси — бир тўда қайта қурувчи ниқоби остидаги гуруҳлар эди. Демократ ниқоби остидаги тўдалар эди. Ватанпарвар ниқоби остидаги ватанфурушлар эди. Ҳақиқатни айтувчи ниқоби остидаги шаллақилар эди, бузуқилар эди. Мен ушбу даврни "Бу дунёда ўлиб бўлмайди" романимда тўлақонли тасвирлаб бердим. Ана шундай бурчакка тиқиб ташланган санъаткорлардан бири — кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов эди. Ўзбек кино санъатида тўртта манаман деган фильм бўлса, ана шунинг учтасини Шуҳрат Аббосов яратиб эди. Биласиз, "Маҳаллада дув-дув гап", "Сен етим эмассан", "Тошкент — нон шаҳри". Наҳотки, ана шундай фильмлар яратган санъаткор... бир четга чиқариб қўйилса? Биз ана шу фильмларни кўриб ўсдик-ку? Бир сўз санъаткори сифатида мени ана шу туйғулар қийнади. Мен Шуҳрат Аббосов билан таниш эмас эдим. Ҳатто, ҳаётда қўл бериб кўришмаган эдим. Аммо мен сўз санъаткори сифатида ўз сўзимни айтишим керак эди. Ўшанда "Отамдан қолган далалар" романимни беш-олтита кинорежиссёр кино қилмоқчи бўлди. Мен ҳаммасига рад жавобини бердим. Кинокомпания бош муҳаррири телефон қилиб, бир режиссёр билан шартнома тузишга таклиф этди. Мен бу режиссёрни-да рад этдим. Кинокомпания раиси яна бир режиссёрни тавсия этиб, шартнома тузишга чақирди. Мен бу режиссёрниям рад этдим. Ана шунда кинокомпания мутасаддилари мен билан шартнома тузмасдан кино қилмоқчи бўлди. Агар романимни мени ихтиёримсиз кино қилсаларинг, судга бераман, дедим. Унда, ўз номзодингизни айтинг, дейишди. Мен Шуҳрат Аббосов номзодини айтдим. Ҳаммасининг пешонаси тиришиб кетди. Боиси... Мен ўз сўзимда турдим. Эртаси куни кинокомпанияга бориб, шартнома туздим. Ана шунда Шуҳрат Аббосов билан умримда илк бор салом-алик қилдим, қўл бериб кўришдим. Мени мақсадим битта эди — ўзбек киносининг тирик классиги Шуҳрат Аббосовни мавқеини кўтариш эди. Мен ана шу мақсадимга эришдим.


— Ҳозир мактабларда дарсликлар янгиланмоқда. Жумладан, адабиёт дарсликлари ҳам. Шу ҳақдаги фикрингиз?

— Мактабларда адабиёт дарси ўқитишда суҳбатимиз бошида мен айтган кутубхоначи Хадича опа усулини қўллашларини таклиф этар эдим. Дунёга келмиш ҳар бир бола индивидуал шахсдир. Индивидуал шахс эса, албатта бирор нарсага қизиқади, бирор соҳага мойиллик беради. Бола қайси соҳага қизиқади — уни тўғри йўналтира олиш керак. Бола учун ана шу соҳага кенг йўл очиб бериш керак. Ана шунда бола бирор-бир соҳани мукаммал билади, ана шу соҳа бўйича бирор нарса яратa олади. Аммо, мактабларда ҳар бир боладан барча фанлар бўйича "беш" баҳо талаб қиладилар. Тўғри, бола барча фанлар бўйича "беш" олиб ўқийди. Вояга етгач эса, бирор бир фанни мукаммал билмайди. Бирор соҳа бўйича етук бўлиб етиша олмайди. Оқибат, дунёга индивидуал шахс бўлиб келган бола вояга етиб... умумий типдаги одам бўлиб қолади, кўп қатори одам бўлиб қолади, эл қатори одам бўлиб қолади. Юқорида айтилган кутубхоначи Хадича опа усулида дарс ё машғулот ташкил этиш керак. Дарс номини бадиий мутолаа, деб аташ керак. Боиси, бадиий китоб бола кўзини очади, бола руҳиятини ўстиради, болалик ҳис-туйғуларини тарбиялайди. Оқибат, бола хаёллар оғушида бўлади, орзулар оғушида бўлади. Бола романтик бўлиб ўсади. Романтизм эса ҳаётга чорлайди, келажакка чорлайди. Романтизм етилиб, реализмга ўсиб ўтади. Қарабсизки, бола тўлақонли, реал шахс бўлиб етилади. Ўғил-қизларимиз маънавий баркамол бўлсин десангиз, бадиий китоб ўқитинг. Ўғил-қизларимиз қалбан бой бўлсин десангиз, бадиий китоб ўқитинг.

— Юракдан қилган суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатдош
Ҳ.ТЎЙМАНОВА.

"RECORD" СУПЕРКРОССВОРДИ



БЎЙИГА: 1. Гуманизм. 2. Чизмачилик анжоми. 3. Салқин ичимлик. 4. Сўфийлик илми. 5. Интеллектуал меҳнат. 6. Шоти. 7. Чорва овқати. 8. Равнақни тарғиб қилувчи. 9. Хамелеон. 10. Ўзининг қабоҳат ва фаҳш ишлари билан машҳур бўлган Рим императори. 11. Замонавий ёзув қуроли. 12. Ҳинд аёллари кийими. 13. Аллоҳ таолонинг 99 сифатидан бири. 14. Мос, мувофиқ. 15. Ҳинд сиёсий арбоби. 16. Электротехника мўъжизаси. 17. "Рамаяна"даги паҳлавон маймунлардан бири. 18. Расман танилган, ошкора, очиқча. 19. Кино мукофоти. 20. Ширин эмас. 21. Турк автомобили. 22. Европа билан Осиёни ажратиб турувчи бўғоз. 23. Хуфтон намози таркибига кирувчи уч ракаатли ибодат. 24. Хитой шарқидаги шаҳар. 25. Асримиз бошларида Туркистонда нашр этилган газеталар-

Машҳур япон футболчиси. 281. Қуёш худоси. 285. «Чин инсон» қиссаси қаҳрамони (Б.Полевой). 286. Абжир, эпчил. 287. Чопон. 289. Конституция муқаддимаси. 292. Ёшлигида Толянинг катта бўлгандаги исми. 293. Машҳур япон фирмаси. 294. Мақтаниш. 297. Омихта. 298. .. Беҳбудий. 302. Сигарета русуми. 303. .. -сафо. 305. Гомер асари қаҳрамони. 308. Биринчи жуфт сон. 313. Ўзбек пули. 315. Орзу. 316. Тоғ-.. . 319. Қоронғилик. 321. Таъкид юкламаси. 322. Дон экини етиштириш билан шуғулланувчи. 325. Забон. 326. Мексикадаги қадимий халқ. 328. Уч. 329. Мажор ва минор. 331. Дўстлар. 334. Араб ҳарфи. 336. Карбонат-ангидрид. 338. Москвадаги энг катта аэропорт. 339. Бол. 341.Она (ҳиндча). 342. Палов. 344. От сўроғи. 345. Рус грамматикасидаги категория. 346. Кўзгу. 348. Виктория шаршарасини топган сайёҳ — .. стон. 349. Тинч океани шарқидаги митти орол. 350. Қизлар исми. 352. Кулолчиликка ихтисослашган туман (Фарғона вилояти). 356. Асосий Қонун. 357. Муҳаммад САВнинг куёвлари. 362. Жанубий-шарқий осиёдаги давлат. 363. Ота (арабча). 365. Германия ва Нидерландиядаги дарё. 366. Рус босқинчилари 1848 йили босиб олган Қўқон хонлигига қарашли қалъа. 368. Яхши хулқ. 369.Вазмин. 371. Заковат. 372. Тангашунослик. 374. Рустамнинг севган қизи исми («Шоҳнома»). 375. Биринчи ўзбек трагедияси. 376. .. Райҳон Беруний. 377. Автопойга. 379. Пудрат. 380. Қил кўприк. 381. «Замонавий мусиқа» («Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради»). 384. ..гача. 385.Кавказдаги халқлардан бири. 386. Тасдиқ. 387. Миллий эркаклар кийими. 389. Аристофан комедияси. 392. Чегара. 394. Гандбол. 396. Туркистондаги сулола (XVIII аср). 397. «Ўтган кунлар» қаҳрамони. 398. Эҳтимол. 399. Мева. 400. Геометрик бирлик. 402. Юридик идора. 403. Тоғ жинсларини ўрганувчи. 404. Океан. 405. Пахта гули. 408. Спиртли ичимлик десерти. 410. Нарда тоши. 412. Қалин мато. 414. Русча ҳарф атамаси. 415. Волга дарёсининг қадимги номи. 416. «Акбар, .., Антони» (ҳинд фильми). 417. Мотам. 418. Самандар. 421. Қизлар исми. 424. Пирга шогирд. 425. Мисра охирида такрорланиб келувчи сўз ёки сўзлар бирикмаси. 427. Бахил. 429. Жак ив Кусто кемаси номи. 431. Бирор матнга қўшимча. 433. Эркак эчки. 435. Энг оммавий автомат русуми. 436. ЛДПР етакчиси (россия). 442. Ҳалокатга учраган машҳур англия кемаси. 443. Қадимги Хитойдаги давлат. 448. Данакли мева. 449. Ҳўл. 451. Янги йил дарахти. 453. Кема қисми. 455. Ноқонуний савдо-сотиқ билан шуғулланувчи. 457. Олмош (ўзлик). 458. Сув ҳавзаси. 459. Ини. 461. Дастгоҳ. 462. Нон тури. 467. Спорт тўшаги. 468. Ҳалокатга учраган афсонавий қитъа. 469. Эрондаги шаҳар. 472. Андижон вилоятидаги қишлоқ. 474. Моддаларнинг ўзига сув бириктириб олиши. 475. Денов шаҳрининг газетаси. 476. Таҳлилий. 477. Соф, тоза. 479. Мисол. 481. Отнинг бош қисмидаги туки. 482. Чумчуқсимонларга мансуб қуш. 483. Кейинги қисм. 484. Хайр (ҳорижий). 486. Хўжалик раҳбари. 487. Шарт майли қўшимчаси. 489. Помидор маҳсулоти. 492. Эркаклар исми. 493. Машҳур рус ҳимик олими. 496. Нимаики. 498. Ўн (тожикча). 500. Арасту. 501. Дастлабки. 505. ... Навоий. 506. ..ашев (фамилия) 507. Киприк (форсий). 509. Иккинчи тоқ сон. 511. Ҳинд фирмаси. 512. Юмалоқ темир. 513. Дания пойтахти. 514. Россия газетаси (қисқартмаси). 515. Инглиз сайёҳи ва тадқиқотчиси. 517. Белиз пойтахти (Марказий Америка). 521. Қадимий туркий қабила. 522. Баҳоуддин ... . 525. Африкадаги энг баланд чўққи. 526. Ичимлик. 527. Компьютернинг маълумотларни киритиш қурилмаси. 529. Хотин-... . 530. Катта. 532. Рус теннисчи қизи. 536. Бўзчи қуроли. 540. А.Орипов шеъри. 541. Астрология кузатувлари. 545. Кечирим. 546. Нарсаларнинг бир-бирига нисбатан катта-кичиклиги. 548. Ҳол-аҳвол. 550. Процесс. 551. Пардоз анжоми. 553. Қусурли. 554. Кишилик олмоши. 555. 1/8. 559. Хитойча исм. 562. Қурувчилик анжоми. 565. Асорат. 567. АҚШ штати. 568. Машҳур иллизионист. 570. Ёзилиши бир хил, маъноси ҳар хил сўз. 571. Кашфиёт. 574. Ҳур. 475. Гул. 476. Навоий билан доим тортишиб юрадиган форс шоири. 578. Кутилмаган совға. 581. Ёмон. 582. Тергенев асари. 586. "Рамаяна" қаҳрамони. 588. Соч тури. 589. Андоза. 590. Жойламоқ. 591. Илюшин самолёти. 594. Дармон бўладиган. 595. Ёмғир даракчиси. 596. Овоз. 597. Қандай. 601. Қуруқ мева. 603. Кам.604. Ашаддий чекувчи. 606. Туполев самолёти. 607. Қироат билан ўқувчи. 608. Идиш-товоқдаги овқат қолдиғи. 609. Ёпишоқ модда. 613. Сергап. 615. Дастрўмол. 616. Ундан тайёрланадиган суюқ овқат. 617. Хизмат сафари. 619.Геометрик атама. 621.Ёзма билдирилган фикр. 624. "Гулаг архипелаги" асари муаллифи. 625... Икромова. 628. Сув жонивори. 630. Қирқ. 631. Етар. 632..... ксеркс (форс ҳукмдори). 633. Африкада ўсувчи дарахт. 636. Суғорилмайдиган. 638. Қиш зийнати. 639. Ғурурли. 640. Судралиб юрувчи ҳайвон. 641. Антонов самолёти. 642. Эра. 644. Кофе нави. 645. Япон автомобили. 646. Кишилик олмоши. 649. Ўқишга кираётган. 651. Нав. 653. Каламуш (рус). 654. Зитанинг опаси. 655. Кинна. 656. Катта дастрўмол. 658...Зокиров (композитор). 663. Математик тенглик. 667. Билим олиш. 670. "Водий садоси"даги радиоўйин. 671. Санамай.... дема. 674... маза. 676. Ниёзметова. 677. Гўзал; дарахт номи. 678. Индира.... 682. Азайимхон. 684. Энг катта қитъа. 687. Амирлар. 688.Рақс кечаси. 689. Пайдо. 690. От боласи. 692. Жордано... 693. Идора усули. 694. Лихтенштейн пойтахти (Европа). 696. "Илоҳий комедия" муаллифи. 698. Қуритилган узум. 699. "Лейли и Меджнун" (рус тилида) асари муаллифи. 704. Жюль Верн асари қаҳрамони. 705. Ҳиндча исм. 707... луқ - алоқадорлик. 709. "Нефтчи" футболчиси. 711. Яхши. 713. Рухсат. 714. Безбет. 718. Уч (рус). 724. Муз. 725.Собиқ "Пахтакор"чи. 726. Ақл (рус).729. Шаҳар (Бельгия). 730. Тананинг гўштли қисми.

ЭНИГА: 1. Пойтахтимиздаги 5 юлдузли меҳмонхона. 9. Бруней давлати пойтахти. 18. "Мона Лиза" муаллифи. 26. Араб эмас халқлар.27. Аммо (рус). 28. "Манчестер Юнайтед" тренери —.... Фергюссон. 29. Вақт ўлчови. 31. Компьютердаги белги. 33. Номус. 34. Қўшиқдаги такрор. 35. Шамоллаш, гриппга қарши дори. 36. Ўт ёқувчи. 37. Оёқ кийими остига қоқиладиган металла таглик. 38. Юридик маҳкама. 40. XX аср бошларидаги ўзбек маърифатпарварларидан бири-Исмоил... 41. Ака (шевада). 43. Ўзбекистондаги энг кўп тиражли газета. 45. Келиннинг йўлдоши. 46. Овқат. 47. "..Гарос" (теннис турнири). 48. Ўзбекистондаги энг ёш партия. 53. Қанақа. 55. Сигарет. 58. Австрия пойтахти. 59. Қонун. 62."..жонгинам, .." (кинофильм). 63. Салла. 65. Корейсча фамилия. 66. Якка. 67. Италия автомобили. 68. Ўзбекистондаги энг катта университет-Ўз... . 69. Ўзбек исмларидан бири. 71. Доғистон пойтахти. 74. Чекимлик олинадиган ўсимлик. 76. Кўмиш маросими. 78. Нозик. 79. Германиядаги кўмир ҳавзаси. 80. 46 километрга югуриш. 82. Она. 83. Падар.. (ота қотили). 84. Овқат.85. Республикамиздаги аёллар газетаси. 89. Узум шарбати. 91. Миллий таом. 92. Балиқ тури. 93. 1907 йили "Хуршид" газетасини нашр этган ўзбек маърифатпарварлик. 97. Франциядаги шаҳар. 98. Гумон юкламаси. 99. Кимёвий мато. 101. "Минг бир кеча"-даги эртак қаҳрамони. 103. Ўшал. 105. Бадан. 106. Юз ўгирмоқ. 107. Белги. 107. Юза бирлиги. 108. Қасам. 110. Темирчилик асбоби. 113. Грекча ҳарф. 114. Ер йўлдоши. 115. "Лайли ва Мажнун" қаҳрамони (Алишер Навоий). 117. Қурилиш бошқармаси. 118. Кўкрак. 119. Сувли (тожикча). 120. Республикамиздаги ягона мустақил ахборот агентлиги. 123. Дада. 124. Франциядаги дарё. 125. Келин-куёвнинг отаси. 127. Либериялик машҳур футболчи. 129. Оёқнинг ўрта қисми. 131. Замонавий мусиқа йўналиши. 132. Қаршилик ўлчов бирилиги. 133. Канада пойтахти. 136. Балиқ тури. 138. Тарафкашлик орқасидан келиб чиқадиган ҳолат. 139. Гўзал, лобар. 141. Марка йиғиш. 143. Иордания пойтахти. 145. Қашшоқлик. 149. Хурофот. 151. Олма, нок, гилос ... . 153. Россия парламенти. 154. Мой. 155. ... ва Димна. 157. Спиртли ичимлик. 159. Масиҳ. 160. Сўров. 161. Ваня. 162. Муҳаммад САВ оналари исми. 163. Янги дарахт. 165. Намибиядаги шаҳар. 166. Оддийлик. 169. Қаландар. 171. Наманган вилоятидаги қишлоқ. 174. Бўтқа. 175. Хоҳиш. 177. Сон. 178. «Ле Меридиан» меҳмонхонасининг(Тошкент шаҳри) олдинги номи. 179. Эгилувчан одам. 181. Яковлев самолёти. 183. Йўл. 185. Маълум бўлган. 189. Иш ҳақи. 190. Хорижда шаҳар бошқармаси. 191. ... Кристи. 192. Кўча. 193. Инсоннинг тарихий қиёфасини ўрганувчи фан. 196. Қатъий таклиф. 198. Пресс-... . 199. Кофе нави. 201. Йўқотиш. 203. Эга, хўжайин. 204. Ўйин тури. 205. Сув электростанцияси. 206. Хулқ. 210. «Темир хотин». 211. Иш кийими. 212. Кемани ҳаракатга келтирувчи жиҳоз (эски). 213. Календар. 216. Нур. 217. ... Мальдини (Италия). 218. Ўзбек автомобили. 219. Қарама-қарши. 221. Кампир (араб). 222. Ҳарбий хизматчи. 225. ... Қосим (шоир-«Шайтанат»). 226. Жуфт туёқли ҳайвон. 230. Ичи бўш. 232. Индонезияга қарашли орол. 235. Шерали Жўраев қўшиғи. 239. Россия эстрадаси юлдузи. 240. Мультфильм қаҳрамони. 241. Ижара. 242. Ер ости транспорти бекати. 243. ... Аллегрова. 245. Эркаклар исми. 246. Сув ости видеокамераси ихтирочиларидан бири. 248. Нота. 249. Россия футбол клуби. 250. Дунёдаги энг баландда жойлашган кўл. 251. Ёзув қуроли. 252. Қабиҳлик. 255. Киану Ривз бош ролни ўйнаган фильм. 257. Майда гил. 258. ...-атиқа. 259. Циркдаги чиқишлардан бири. 262. Машҳур Лотин Америкаси хонандаси. 265. Асорат. 267. Кимдир. 268. Шўрва тури. 269. Гоголь комедияси. 270. Энг яқин, туғишган қариндош. 273. Доғистонда яшовчи халқлардан бири. 274. Учинчи халифа. 278. Маром. 280. Оқланган ғалла маҳсулоти. 282. Россиядаги тоғ ва дарё. 283. Машҳур авиаконструктор. 284. Ғалаба. 288. Секин. 290. Лотин Америкасидаги дала-ҳовли. 291. Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги газетаси. 295. Башара. 296. Чуқурлик. 298. Африка қитъаси шарқидаги давлат. 299. Салом жавоби. 300. Нина. 301. Кема тури. 304. ...шик (пойгачи). 306. Япон миллий байрами. 306. Корейсча фамилия. 307. Қизлар исми (рус). 309. Мўғуллар ҳарбий унвони. 310. Мен (шевада). 311. Кимёвий атама. 313. Тўмарис қабиласи. 314. Индеец. 316. Оғайни. 317. 100 йил. 318. Россия авторусуми. 320. Тошкент шаҳридаги кичик бозор. 322. Яссавий рубоийларида кўп учрайдиган сўз. 323. Банди ковак ўсимлик. 324. Ҳамшиша. 327. Бошқотирма-...ворд. 330. Эстрада гуруҳи. 332. Тўртинчи сайёра. 333. Наврўз таоми. 335. Кепак (тожикча). 337. Одоб. 340. Цитрус мева. 343. ... ди Каприо. 347. Оммавий транспорт воситасчи. 351. Отабекнинг иккинчи номи («Ўткан кунлар»). 353. Сулаймон пайғамбарнинг отаси. 354. Финикияликлар тилида «Осиё». 355. Салқин ичимликлар қадоқланадиган пластмасса идиш (сўзлашув). 258. Фарёд. 359. Охир. 36. Швейцария соат ишлаб чиқарувчи фирмаси. 361. Раб, худо. 362. Пойдевор тоши. 364. Лаҳза. 365. Баъзи. 367. «Сариқ девни миниб»даги Ҳошимжоннинг синглиси. 370. Ила. 371. Бир лаҳзалик. 373. Энг ривожланган давлатлардан бири (қисқартма). 375. Ёпиқ эгри чизиқ. 378. Тилшунослик. 382. Оға. 383. Ғадир-будур. 384. Кимёвий элемент. 386. Кимсанинг кимлигини тасдиқловчи иш қоғози. 387. Буюк қозоқ оқини. 388. Ёғ. 389. ...зоқ, ...ғоз. 390. Селин ... (хориж эстрада юлдузи). 391. Иброҳим ... (мутасаввуф). 393. Ўиган йил (сўзлашув). 395. Насиба ... (қўшиқчи). 397. Қайиқ тури. 401. Жалолиддин ... . 404. Савдо маркази (рус). 406. Кузда тиқма усулида экилган пиёз. 407. Медицина соҳаси. 409. Ўрилган ерга тушиб кетган буғдой бошоқлари. 411. Уй анжоми. 412. Узоқни кўриш мосламаси. 413. Фан. 414. Китоб тайёрлаш санъати. 416. «Илиада» достонида Менелайнинг акаси. 419. Зилзила шкаласи. 420. Айлана шаклидаги йиғилиш. 421. Бардақ; кичик-кичик уйлар. 422. Кичик маъмурий бирлик. 423. Дарё (Хитой-Россия). 426. «Динамо»(Киев)даги ўзбекистонлик легионер. 428. Ҳужум. 430. Пойтахти Бағдод. 432. Тонга давлатига қарашли орол. 434. Қуш. 437. Афсус ўрнида ишлатиладиган сўз. 438. Қуръони каримдаги сура. 439. Оз. 440. Чемпионат. 441. Туркия пул бирлиги. 444. Бомба зарбаси. 445. Қадимги форс тили. 446. Татарча исм (эркаклар). 447. Танлов. 450. Тадбиркор. 451. Хабаровск ўлкасидаги кичик шаҳар ва дарё. 452. «Илиада» достонида Пилейнинг ўғли. 454. Мовийранг қимматбаҳо тош. 456. Игна билан тикувчи (машиначи). 458. Жанубий Америка қитъасининг энг шарқий нуқтаси - ...-Бранку. 460. Мушуксимонлар оиласига мансуб жонивор. 463. Рақс. 464. Аргентиналик дарвозабон(футбол) - Карлос ... . 465. ... вафо, хотин жафо. 466. Татаристон пойтахти. 468. ...лар тайёрлаш миллий дастури. 470. Хитойдаги иқтисодий очиқ шаҳар. 471. Тоғ жонивори. 473. Бирни кессанг, ўнни... 475. Улгуржи. 478. Давлат. 480. Маълум. 482. Баҳор қушларидан бири. 485. «Булутлар» комедияси муаллифи (антик давр). 488. XIX аср ўзбек шоири - Тошхўжа ... . 490. «Қора тун» маъносини билдирувчи исм. 491. Гул идиши. 494. Кавказ халқларидан бирига хос исм. 495. Бой. 497. Ақл-...рок. 499. Тожикча аёллар исми. 502. Ҳисобчи. 503. Чой русуми. 504. Бобил. 508. Майда зарра. 510. Бул... , сов... . 513. АҚШнинг «шимолий» ва «жанубий» штати. 515. ...ка-...ла. 516. Цусима оролидаги шаҳар (Япония). 517. Тўсин. 518. Коллектив, артистлар жамоаси. 519. Инглизча исм. 520. Яхшилик. 523. ... Имрон (Қуръони карим сураси). 524. Қизларга хос касб-ҳунар. 528. Мавҳум от ясовчи қўшимча. 529. «Алвидо, қурол»асари муаллифи. 531. Ёзув. 533. Эшикдаги чақириқ овози. 534. Қуйи. 536. Асотирга оид. 537. Моҳ. 538. Озгина. 539. Бургут. 542. Тағин. 543. Ёинки. 544. Сурхондарё вилоятидаги туман. 547 Балиқ. 549. Уч электродли транзистор. 552. Аёлларга нисбатан мулозаматли йигит. 556. Швеция пул бирлиги. 557. Рад. 558. ...-зиё, қоронғи. 560. Подшоҳ. 561. Сўз. 562. Туркманистондаги қадимий шаҳар. 563. Икки материкдан иборат қитъа. 564. Қатл этилган сўфий. 566. Буюм. 668. ...Булбул нола-афғон айламакни мандин ўрганди (Увайсий). 569. «Қутадғу билиг» асари юзасидан жуда кўп тадқиқотлар олиб борган ўзбек олими — ... Тўхлиев. 572. Қўшиқчилик йўналиши. 573. «Ятиматуд дахр» асари муаллифи. 577. Чоп этувчи корхона. 579. Обсерватория. 580. Аралаш-...та. 583. Араб ҳарфи. 584. Гўшт. 585. Диний сурат. 587. ... хўроз. 592. Барака. 593. Башоратчи. 598. Кампир. 599. Нотиқ. 600. Авторусум. 602. Юксак фазилатли. 605. Афсус. 607. Ўзбек исмларидан бири. 610. Васко .. Гама. 611. Геометрик шакл. 612. Косово ўлкаси маъмурий маркази. 614. Зиён. 617. ...моно (япон миллий кийими). 618. ...мин (миллат). 620. Худоёрхоннинг поччаси. 622. ...-Новости (Россия ахборот агентлиги). 623. Қисқа. 626. Мусиқий ёзув (сўзлашув). 627. Кераклн асбоб-ускуна, буюмлар сақланадиган хона. 629. Ўзбекча исм. 631. «Баджаҳл ...» (мультфильм). 634. Литва пул бирлиги. 635. Эверест чўққисининг иккинчи номи. 637. Қий-чув овозлар. 639. Руслар «Оскар»и. 642. Ўрта. 643. ...-Булак (Қирғизистондаги шаҳар). 645. Қозоғистондаги дарё. 647. Қадимги туркийда «қўл». 648. Компьютер русуми. 650. Бразилияга қўшни давлат. 652. Сув ости тадқиқотчиси. 655. Боғ (рус). 657. Ўзбек мумтоз шоири. 659. Табиий чуқурлик. 660. Дудоқ. 661. Икки (тожикча). 662. Литрлаб ўлчанадиган. 664. Тошкент шаҳридаги даҳалардан бири. 665. Бекор. 666. Бахшилар мусиқий асбоби. 668. Карбонат-... . 669. Тахт. 671. ...тин (мато). 672.Кайхисрав II. 673. Катод акси. 675. Сабо. 678. Ўзига хослик. 679. Ҳурл... (гўзал). 680. Қалб мактуби. 681. Доимо. 683. Уздун... (уяли телефон тармоғи). 685. Италиядаги шаҳар. 686. Ёмғирли ҳаво. 691. Улуғ. 694. Висол. 695. Паймон. 697. Хитойча фамилия. 698. ... Ҳаллож. 700. Шикор. 701. Газлама. 702. Франциядаги шаҳар. 703. Санъат соҳаси кишиларига хос. 706. Италия автоси - Ф... . 708. АҚШ жанубий ғарбидаги шаҳар. 710. Ҳа (рус). 711. Халқ, оломон. 713. Осиё. 715. Мустаҳкам. 716. ...рар(-қишлоқ ҳўжалиги). 717. Одил Ёқубов асари. 719. Пайғамбар. 720. Югославиялик футболчи. 721. ...кач (туя). 722. Ҳайвон. 723. Қишнинг энг совуқ кунлари. 727. Жойламоқ. 728. Якка кураш тури. 731. ДТМ журнали. 732. Амир Темур завжаси. 733. Шаҳар ҳокимияти (ҳорижда). 734. Давлат бошлиғи.

Тузувчи:
Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

Пауло КОЭЛО

Роман

АЛКИМЁГАР

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

Англиялик ўтирган жой кўпроқ оғилни эслатарди, бу ердан тер, чанг ва мол ҳиди анқирди. «Мана шундай ёвуқда яшаш учун ўн йил ўқиш лозим бўлди», — ўйлади у, кимёга оид журнални паришонхотир варақларкан.

Бироқ ортга чекингани имкон йўқ. Белгиларга эргашиш керак эди. У бутун умрини бани башар гапирадиган ўша ягона тилни топишга бағишлади, шу учун ўқиди. Дастлаб у халқаро сунъий тил — эсперанто билан машғул бўлди, кейин дунёдаги динлар билан қизиқди ва ниҳоят алкимёга берилди. Мана энди эсперантода бемалол гапиради, турли диний эътиқодлар тарихини пухта билади, фақат ҳали алкимёгар бўла олгани йўқ. Тўғри, қандайдир сирсиноатларни кашф этди, лекин айни пайтда бир нуқтада туриб қолди ва ўз тадқиқотларида бир қадам ҳам олдга силжий олмаётир. Қайсидир бир алкимёгардан кўмак топишга беҳуда уринди — уларнинг бари ичимдагини топ дейдиган, ғалати феълатворли одамлар чиқди, уларнинг бари фақат ўзини ўйлар, бирор-бир кўмак ё маслаҳат олиш даргумон эди. Эҳтимол, бундай даргумонлик уларнинг ҳар нарсани олтин қиладиган афсонавий тош — Иксирнинг сирига барибир етиша олмаганликлари туфайлидир.

Англиялик отасининг меросидан бир қисмини ўзининг самарасиз тажрибаларига совуриб бўлди. У дунёдаги энг бой кутубхоналарда изғиди, алкимёга оид камёб, ўта нодир китобларни харид қилди. Ўша китоблардан биттасида у, кўп йиллар бурун Европада бўлган бир машҳур араб алкимёгари ҳақида ўқиди; унинг икки юздан ошгани-ю, Иксирни топгани ва Обиҳаётни кашф этгани ҳақида кенг довруқ таралганди; бу овозалар, албатта, англияликни не қадар мутаассир этмасин, агар саҳродаги археологик экспедициядан қайтиб келган ошнаси ўзи кўрган кароматсоҳиб бир араб ҳақида унга гапириб бермаганида, оддий афсонадай туюларди. У Эл-Фаюм воҳасида истиқомат қиларкан. Гап-сўзларга қараганда, ёши икки юзда ва у ҳар қандай метални олтинга айлантира олармиш.

Буни эшитган заҳоти англиялик ҳамма ишини йиғиштирди, учрашувларни бекор қилди ва шахсий кутубхонасидан энг керакли китобларни олди-ю, йўлга тушди — ва мана, у шу ерда, оғилга ўхшаган бадбўй омонат бостирмада, девор ортида эса Саҳро орқали йўл солишга шайланаётган катта карвон турибди ва Эл-Фаюм воҳаси шу карвоннинг йўли устида.

«Мен бу лаънати алкимёгарни ўз кўзларим билан кўришим керак», — ўйлади англиялик ва айни дамда туяларнинг сассиғи ҳам унга жуда бадбўй туюлмади.

Шу орада бир навқирон араб, кифтида йўл тўрваси билан, унинг олдига келди ва саломлашди.

— Йўл бўлсин? — сўради у.

— Саҳрога, — жавоб қилди англиялик ва яна китоб ўқишга тутинди.

Унинг вақти зиқ эди: ўн йил ўрганганларини хотирасида тиклаши керак; айтиб бўлмайди, алкимёгар унинг билимини синаб кўришни хоҳлаб қоладими.

Бўз бола бу орада ўтириб, кифтига осган тўрвасидан китоб олиб очди. Англиялик китобнинг испан тилида эканини пайқади.

«Ҳарқалай, ёмонмас», — ўйлади у, чунки испанчада арабчага қараганда яхши гапирарди.

Агар бу бола ҳам Эл-Фаюмга йўл олса, бекорчи вақтда у билан гурунглашса бўлади.

«Қизиқ, — ўйларди Сантяго, китобнинг бошидаги дафн маросими саҳнасини яна қайта ўқиб чиқаркан. — Шу китобни қўлга олганимга, мана, икки йил бўлди, ҳануз биринчи бетидан нарига ўтганим йўғ-а».

Бу сафар ёнида подшоҳ Мулксидқ йўқ халал берадиган, бироқ бўз бола барибир диққатини жамлай олмади. Боз устига, ўзи тўғри қарорга келдимми, деган фикр уни чалғитарди. Лекин Сантяго энг муҳим нарсани тушунарди: *ҳар қандай ишда қарорга келиш — ишнинг бошланиши, холос.* Қачонки одам бирор нарсага, танлаб туриб қарор қилса, у гўё тезкор оқимга шўнғигандай бўладики, оқим уни хаёлига келтирмаган жойга оқизиб кетади.

«Хазинани қидириб йўлга чиққанимда биллур сотувчининг дўконида ишлайман, деб ўйламагандим. Шундайин, бу карвон ҳам, эҳтимол, менинг танловимдир, менинг азму қароримдир, бироқ менинг йўлим ўз-ўзича сирлилигича қолади».

Унинг ёнида европалик ўтирибди ва у ҳам китоб ўқиётир. Сантягога у ёқимсиз одамдай кўринди: бўз бола бостирмага кирганда у ёвқараш қилди. Бу, лекин, ҳеч гапмас — улар барибир танишиб олишарди, агар у гапни узиб қўймаганида.

Бўз бола китобини ёпди — унинг бу муҳожирга ўхшашга ҳечам хоҳиши йўқ эди, — кейин чўнтагидан тошчаларни олди ва улар билан ўйнай бошлади.

— Урим ва Туммим! — ҳайратланди европалик.

Сантяго шошилиб уларни яширди.

— Сотилмайди, — деди у.

— Биламан, улар қиммат турмайди, — жавоб қилди европалик, — оддий шаффоф тошлар, ҳеч қандай хислати йўқ. Дунёда бундай тошлар миллионлаб топилади, бироқ синчков одамгина Урим ва Туммимни дарров пайқайди. Аммо мен уларнинг бу ўлкаларда ҳам учрашига шубҳаланмагандим.

— Менга уларни подшоҳ совға қилди, — жавоб берди бўз бола.

Муҳожир, гўё тилдан қолгандай, бўшашган қўли билан чўнтагидан, худди Сантягоникидай, иккита тош олди.

— Сен подшоҳ билан гаплашдингми? — деб юборди у.

— Ҳа-да, подшоҳларнинг чўпонлар билан гаплашишини сен тасаввур қилишинг қийин, — деди Сантяго. Энди унинг гурунгни давом эттириш хоҳиши йўқолганди.

— Йўқ, нега энди. Ахир, биринчи бўлиб Подшоҳни чўпонлар тан олишган, бу пайт Уни ҳали дунёда ҳеч ким билмасди. Айни подшоҳларнинг чўпонлар билан мулоқотининг ўзида ҳеч бир ажабланарли ҳол йўқ, — деди англиялик ва бўз бола тушунмади шекилли деган хавотирда қўшиб қўйди: — Бу ҳақда Инжилда ўқиса бўлади, ўша, мен Урим ва Туммим ҳақида ўқиб билган китобда. Тангри фақат мана шу тошлар билан фол очишга изн берган. Коҳинлар уларни олтин кўкрак сипарида олиб юришган.

Энди Сантяго омборга келганига афсусланмаётган эди.

— Эҳтимол, бу белгидир, — англиялик овоз чиқариб фикрлаётгандай гапирди.

— Ким сенга белгилар ҳақида айтди? — Сантягонинг қизиқиши дақиқа сайин ортиб борарди.

— Дунёдаги борки нарсалар — белгилар, — деди англиялик, журналини четга қўйиб. — Қадим-қадимда одамлар бир тилда гаплашишган, кейин эса бу тилни унутишган. Мана шу Умумий Тилни мен излаяпман. Шу боис бу ердаман. Мен шу Умумий Тилни биладиган одамни топишим керак. Алкимёгарни.

Тўладан келган араб — омбор эгасининг пайдо бўлиши билан уларнинг суҳбати бўлиниб қолди.

— Омадларинг бор экан, — деди араб. — Бугун тушдан сўнг карвон Эл-Фаюмга йўл олади.

— Бироқ мен Мисрга боришим керак! — ташвишланиб хитоб қилди Сантяго.

— Эл-Фаюм Мисрда-да. Сен ўзинг қаерликсан?

Сантяго Испанияданман, деб жавоб қилди. Англиялик хурсанд бўлди: арабча кийинган бўлса-да, ўзи европалик экан.

— У белгиларни омад, деб атайди, — деди у, хўжайин чиқиб кетгач. — Агар мен «омад» ва «тасодиф» сўзлари ҳақида китоб ёзишга киришсам, қалингина қомус юзага келарди. Умумий Тил айнан шу сўзлардан ташкил топган.

Шундай деб, у ўзининг Сантяго билан учрашгани, айтганча, ундаям Урим ва Туммим бор экан, бу шунчаки оддий тасодиф эмаслигини қўшиб қўйди. Кейин бўз боладан мабодо Алкимёгарни қидираётганинг йўқми, деб суриштирди.

— Мен хазинани излаяпман, — жавоб қилди у ва хато қилганини пайқаб, тилини тишлади.

Бироқ англиялик унинг гапига, афтидан, аҳамият бермади шекилли, фақат:

— Қайсидир маънода — мен ҳам, — деди.

— Мен алкимёнинг нималигини, очиғи, яхши билмайман, — деди Сантяго, бироқ шу пайт омбор эгасининг уларни чақирган овози эшитилди.

— Карвонга мен сарбонлик қиламан, — деди уларга ҳовлида соқоли кўксига тушган, кўзлари қоп-қора киши. — Мен билан йўлга чиқадиганларнинг ҳаёт-мамоти менинг қўлимда бўлади, чунки саҳро — телба-табиат кимсадай гап, одамларни тез-тез ақлидан оздириб туради.

Икки юз чоқли одам йўл тадорикини кўришган, уловдан — туялар, отлар, эшаклар бундан сал кам икки баравар кўп. Англияликнинг китоб тиқиб жойланган бир неча жомадони бор экан. Ҳовлида аёллар, болалар ва белидаги камарларига қилич осган, кифтларида узун қуроллари бор эркаклар тўпирлашиб туришарди. Шовқин-суроннинг кучлилигидан Сарбон гапини бир неча марта такрорлашига тўғри келди.

— Бу ерга турли хил одамлар йиғилишган ва улар ҳар турли тангриларга сиғинишади. Ўзим ёлғиз Оллоҳга сажда қиламан ва Унинг номи билан қасам ичаман: саҳрони боз забт этиш учун илкимдаги борки имконимни ишга соламан. Энди ҳар қайсингиз ўз тангрингизга сажда қилиб, ҳар қандай вазиятда ҳам менга бўйунсунишга сўз берингиз. Саҳрода саркашлик қилиш — ҳалокатдир.

Паст оҳангдаги товушларнинг ғала-ғовури кўтарилди — бу ўз тангриларига илтижо этаётганларнинг товуши эди. Сантяго Исо Масиҳ номига қасамёд қилди. Англиялик сукут сақлади. Бу жараён қасам ичишга кетадиган вақтдан бироз чўзилди — одамлар самодан ҳимоя ва хайрихоҳлик тилашарди.

Шундан сўнг бурғунинг чўзиқ товуши эшитилди ва одамлар эгарга минишди. Сантяго билан англиялик ҳам ўзлари сотиб олишган туяларга бир амаллаб миниб олишди. Бўз бола ёнидаги йўлдоши туясига китоб жойланган оғир жомадонларни роса юклаганини кўриб, жониворга ичи ачиди.

— Аммо, аслида, ҳеч қанақа тасодифнинг ўзи йўқ, — гўё аллақачонги гурунгни давом эттирган бўлиб деди англиялик. — Менинг бу ерга келишимнинг сабаби, бир ошнам шундай араб ҳақида эшитган экан, у араб...

Бироқ унинг сўзларини ҳаракатга келган карвон шовқини ютиб юборди. Шундай эса-да Сантяго англияликнинг муддаосини жуда яхши биларди: воқеаларни бир-бирига боғлаб турадиган сирли занжир бўлади. Айни шу восита уни қўйчивонликка бошлади, бир тушни икки марта кўргани, Африка қирғоқларига яқин жойга боргани-ю бу шаҳарчада подшоҳни учратгани, товламачига дучор бўлгани, биллур сотадиган дўконга ёлланган... ҳаммаси шундан.

«Ўз Йўлингдан қанча узоқ кетсанг, у ҳаётингни шу қадар изчил белгилайди», — ўйлади бўз бола.

Карвон шарққа йўл тортди. Саҳар палла йўлга чиқилар, қуёш чош тепага келганда дам олиш учун тўхталар, жазирама иссиқ бироз тушгач, яна йўлда давом этиларди. Сантяго англиялик билан кам гаплашди — муҳожир бошини китобдан деярли узмасди.

Бўз бола чурқ этмай кўп сонли йўлдошларини кузатиб борарди. Энди улар сафар арафасидаги сафардошларига ўхшамасди. Ўшанда югур-югур авжига минган: бақириқ-чақириқ, бола йиғиси ва отларнинг кишнаши, савдогару туякашларнинг ҳовлиққан, ҳаяжонли овозларига қоришиб кетганди. Бу ерда, саҳрода эса жимжитликни доимий шамолнинг ҳуштаги-ю уловлар туёғи остидаги қумнинг ғижирлашигина бузарди. Ҳатто туякашлар ҳам сукут сақлашарди.

— Мен бу қумликлардан кўп ўтганман, — деб бир оқшом туячилардан кимдир бошқасига. — Бироқ саҳро шунақанги улуғ ва шунақанги тилсимки, бехосдан ўзингни қум заррасидай ғариб ҳис эта бошлайсан. Қумнинг зарраси эса гунгу кар.

Сантяго, саҳрода биринчи марта бўлаётган эса-да, туячининг нима ҳақда гапираётганини тушунди. Унинг ўзи ҳам, денгизга ёки оловга, соатлаб бир сўз айтмасдан, ҳеч нимани ўйламасдан, хаёлан бу унсурларнинг мислсиз қудратига тамом асир бўлгандай, термилиб ўтира оларди.

«Мен қўйдан сабоқ олдим, биллурдан сабоқ олдим, — ўйлади у. — Энди мени саҳро ўқитади. Саҳро, менингча, энг кўҳнаси, саҳро — мен олдин кўрганларим орасида энг донишманди».

Шамол эса бу ерда бир нафас ҳам тин олмас ва Сантяго Тарифдаги минорада туриб унинг кучини қандай ҳис этганини эслади. Андалусия яйловларида ўт ва сув излаб изғиган унинг қўйларининг жунини енгил ҳилпиратиб тўздирадиган мана шу шамол бўлиши керак.

«Энди улар меники эмас, — ўйлади у ортиқ ғам чекмай. — Мени унутишган ҳамдир, эҳтимол, янги чўпонга ўрганиб қолишгандир. Бўлганича бўлар. Қўйлар, худди у ердан бу ерга кўчиб-кезиб юрадиган одамлардай, айрилиқ ҳам бир зарурат эканини билишади.»

Шу пайт унинг ёдига мовутчининг қизи тушди — ҳарқалай, у эр қилиб кетган бўлса керак. Кимга чиққан экан? Маккабодроқ сотувчига текканмикан? Ёки китоб ўқишни биладиган ва ғаройиб саргузаштлар айтиб берадиган чўпонга тегдимикан — Сантягодан бошқа ҳам бор бундайлар. Унинг бунга негадир ишончи комиллиги бўз болага кучли таъсир ўтказди: эҳтимол, у Умумий Тилни эгаллаган ва энди дунёдаги барчанинг бугуни ва ўтмишини билар? «Кўнгил сезиши» — бу қобилиятни унинг онаси шундай атаган эди. Энди у тушунарди, бу — жамики одамларнинг тақдирлари ўзаро боғланган бани башар тириклик оқимига шиддат билан руҳан чўмиш. Зеро, бизга ҳаммасини билмоқ имкони иноят этилган, шу боис ҳам ҳаммаси *аллақачон ёзиб қўйилган*

— *Мактуб,* — деб юборди бўз бола, биллур сотувчини эслаб.

Гоҳида саҳро қуми кутилмаганда тош-метинга айланарди. Мабодо карвон харсангтош олдидан чиқиб қолса, уни айланиб ўтар, агар тошлоқ жойга дуч келса, четлаб юрарди. Қуми жуда юмшоқ ва майда бўлган, туяларнинг товони ботиб қоладиган жойда бошқа йўл излашга тўғри келарди. Баъзан шўрхок ерда оёқ босиш лозим бўлар — демак, бу жойда бир замонлар кўл бўлган — шундай пайтда юк ортилган жониворлар озорланиб ўкирар, кишнарди. Туякашлар ерга тушиб, уларни силаб-сийпаб тинчлантирар, кейин юкни ўз елкаларига ташлаб олар ва йўлнинг бу ғирром қисмидан ўтиб олишгач, юкларни тағин туя ва отларга ортишарди. Мабодо туякашлардан кимдир оғриб ёки ўлиб-нетиб қолса, биродарлари қуръа ташлаб унинг туяларини ким тортишини аниқлашарди.

(Давоми бор)

Аҳмад ОТАБОЕВ таржимаси

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШАДИЛАР

Самарқанд вилоят спорт қўмитаси қошидаги Олий маҳорат спорт мактабининг кураш саройида 1983-1984-йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида самбо бўйича Ўзбекистон шахсий биринчилик мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан келган курашчилар жаҳон биринчилигида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиш учун гиламга чиқдилар. Кескин курашларга бой тарзда кечган мазкур республика биринчилигида 48 килограммгача бўлган полвонлар орасида Хоразм вилоятидан келган Қаҳрамон Бегметов ғолибликни қўлга киритди. 52,57,62 килограммли курашчилар орасида эса мезбонлардан Самад Раҳмонов, Лочин Тошалиев ва Алижон Раҳмоновларга тенг келадигани топилмади. Шунингдек, 68, 74, 100 килограммли спортчилар орасида эса бухоролик Шамсиддин Саидов, Санжар Ҳамроев, Шуҳрат Бобоевларга омад кулиб боқди. 82, 90 ҳамда 100 килограммдан ортиқ вазнлилар ўртасида пойтахт вакиллари Илья Сагиров, Элдор Ғуломов, Абдумалик Раҳмоновлар шоҳсупанинг энг юқорисидан ўрин олишди. Ғолиб ва совриндорларга вилоят спорт қўмитасининг қимматбаҳо совғалари берилди.

Энди ғолиб самбочиларимиз мамлакатимиз терма жамоаси таркибида Қозоғистоннинг Уральск шаҳрида ўтказиладиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўрадилар.

Самарқандда ўсмирлар ўртасида каратэ бўйича мамлакат биринчилиги ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардан келган ёш каратэчилар ўртасида омад кўпроқ мезбонларга кулиб боқди. Боиси, жамоавий тарзда уюштирилган баҳсларда биринчиликни эгаллаган самарқандликлар якка тартибда ҳам ғолиб, деб топилдилар. Жумладан Жамшид Очилов, Шуҳрат Соиповлар ўз вазн тоифаларида республика чемпиони унвонига сазовор бўлдилар.

МЕЗБОНЛАР БИРИНЧИЛИКНИ ҚЎЛГА КИРИТИШДИ

ЛЬЮИС WBC ТАЛАБИНИ БАЖАРМАДИ

Бутунжаҳон бокс кенгаши (WBC) англиялик профессионал боксчи Леннокс Льюисдан украиналик Виталий Кличкога қарши жанг ўтказишини талаб этган бўлсада, лекин, Льюис 21 июн куни Лос-Анжелосда канадалик Кирк Жонсонга қарши рингга чиқишга қарор қилди. Гарчи, WBC ташкилоти Льюиснинг Жонсон билан жанг ўтказишига расмий руҳсат беришдан бош тортган бўлсада, Ленноксниг бўлғуси учрашуви эса WBC томонидан ҳисобга ҳам олинмайди.

WBC қоидаларига мувофиқ жаҳон чемпиони йилда бир марта чемпионлик камарига талабгор бўлган боксчи билан жанг ўтказиши лозим. Ва айнан шундай талабгор сифатида чемпион Ленноксга қарши Виталий Кличко номзоди эълон қилинган эди.


ТАРИК АЗИЗ ҲИБСГА ОЛИНДИ

Саддам Ҳусайннинг «ўнг қўли» бўлиб ишлаган, собиқ вице-прьемер Тарик Азиз ҳибсга олинган, дея хабар беради CNN агентлиги. Айни пайтда у билан сўроқ ишлари бошланган бўлиб, америкаликлар учун Тарик Азизнинг қўлга олиниши катта ютуқ саналмоқда. 65 ёшли собиқ вице-прьемер АҚШнинг 55 кишилик «қора рўйхат»идан 43-ўринда жой олган. Бугун Вашингтон Азизни Қувайт, Эрон давлатлари ва Ироқ халқига қарши жиноятлар қилишда айбламоқда. Ташқи ишлар вазири лавозимида ишлаган бу кишидан Ироқнинг собиқ ҳукуматига қарши ҳамда Саддам Ҳусайнга дахлдор қимматли маълумотлар олиш мумкин.

NBC телекомпаниясига интервью берган АҚШ президенти Жорж Буш эса расмий Вашингтонда Саддам Ҳусайннинг ўлимига дахлдор маълумотлар бор. Лекин, ушбу манбалар тасдиқланмагунига қадар, Саддам Ҳусайннинг ўлганлиги расмий равишда эълон қилинмайди, дея айтган. Унинг фикрича, жанговар операциялар вақтида ҳеч бўлмаганда Саддам Ҳусайн жароҳатланган.

МУЗОКАРАЛАР НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Хитой пойтахти Пекин шаҳрида АҚШ ва Шимолий Корея ўртасида бўлиб ўтган музокаралар кеча ниҳоясига етган. Музокаралар вақтида расмий Пхеньян вакиллари ўз ядро қуролига эга бўлаётганликларини тан олганлар. Корея делегациясига бошчилик қилган Ли Куннинг айтишича, агарда Вашингтон Шимолий Кореяга ҳужум қилмаслик борасида кафолат берса, Пхеньян ўз дастурини ишлаб чиқишга чек қўяди.



NBC телекомпаниясига эксклюзив интервью берган Жорж Буш Пхеньяннинг бундай тан олишидан қониқиш ҳосил қилмаган ва уни «эски ўйин»га қайтиш, дея баҳолаган ҳамда бизнинг бош мақсадимиз ядро қуролини тарқатмаслик шартининг тўлиқ бажарилишига эришишдир, дея таъкидлаган.

ГУАНТАНАМОДА БОЛАЛАР ҲАМ БОР

CNN агентлигининг хабар беришича, Кубадаги Гуантанамо АҚШ ҳарбий базасида сақланаётган 660 нафар «Ал-Қоида» ташкилоти ва «Толибон» ҳаракати аъзолари орасида 4 нафар болалар ҳам бор. Маълум бўлишича, ёшлари 13-15 оралиғида бўлган болалар ҳозирда алоҳида жойда сақланмоқдалар ва улар билан психологлар мунтазам иш олиб бормоқдалар. Шунингдек, ҳарбий базага жорий йил бошида келтирилган ушбу болалар билан терговчилар суриштирув ишларини ҳам олиб боришаяпти.

КАСАЛЛИК ТУФАЙЛИ МАКТАБЛАР ЁПИЛДИ

Пекин шаҳри ҳокимлиги пайшанба кунидан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларини вақтинчаликка ёпиб қўйди. Энди мактабларнинг икки ҳафта давомида ёпиқ туришлари боис, Хитой пойтахтида яшовчи 1,7 миллион ўқувчи ўз уйларида ноодатий таътил ўтказадилар. Шу туфайли, синфдан-синфга кўчиш имтиҳонлари ҳам имкон қадар ортга сурилади. Хитой газеталарининг ёзишича, Пекин ҳокимлигининг бундай қарор қабул қилишига бугун шаҳарда вужудга келган ҳолат сабаб бўлган ва ўқувчиларнинг уйларида бўлишлари номаълум юқумли касалликнинг маълум даражада камайишига хизмат қилади.



Шунингдек, 1 май байрами муносабати билан жорий этиладиган 5 кунлик таътил вақтида Пекин олийгоҳларида ўқувчи талабаларнинг шаҳардан ташқарига чиқишлари ҳам таъқиқланади. Айниқса, соғлиги ёмон, мамлакатнинг ғарбий туманларидан келиб ўқувчи талабалар пойтахтдан ташқарига чиқишлари мумкин эмас. Фақат, хорижлик талабаларнинг уйларига бориб келишларига рухсат берилади. Лекин, улар ҳам тиббий назоратдан ўтганларидан сўнггина. Бугун эса SARS туфайли ҳалок бўлганлар сони дунё бўйича 265 кишига, зарарланганлар сони эса 4439 кишига етган. Европанинг глобал эпидемия бўйича етакчи экспертларидан бири доктор Патрик Диксоннинг айтишича, вақт ўтиб SARS СПИД дан ҳам хавфлироқ бўлиши мумкин. Чунки, СПИД секин тарқалгани боис, унга қарши дастур ишлаб чиқишга улгурилган эди. Аммо, SARS эса тез тарқалмоқда. Устига-устак, унга қарши вакцина ҳам ишлаб чиқилгани йўқ.

АҲАМИЯТСИЗ ҒАЛАБА

ёки Бекхэм «Реал»га ўтадими?

Ушбу ҳафтада Европа чемпионлар лигасининг ярим финал иштирокчилари маълум бўлди. Ва энди «Реал» — «Ювентус»га, «Милан» — «Интер»га қарши майдонга тушадиган бўлди. Чемпионлар лигасининг энг марказий ўйини саналган Англиянинг «Манчестер Юнайтед» ва Мадриднинг «Реал» клуби ўртасидаги учрашув 4:3 ҳисобида якунланди. Чорак финал босқичининг илк ўйинида меҳмонда 3:1 ҳисобида ютқазиб қўйган «қизил иблислар» ўз ўйингоҳлари «Олд Траффорд»да ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш этдилар. Лекин, бу ғалаба уларнинг ярим финалга чиқишлари учун етарли эмас эди. Ўйин бошланганидан сўнг 13 дақиқа ўтгач, «Реал» «торпедо»сига айланган Рональдо Бартез қўриқлаётган дарвозани ишғол этди ва «Манчестер» мухлисларининг умидини сўндириб юборди. Аммо, биринчи бўлимнинг тугашига 3 дақиқа қолганида Рууд Ван Нистельрой ҳисобни тенглаштиришга улгурди. Иккинчи бўлимнинг 5-дақиқасида бразилиялик афсонавий футболчи Бартезни иккинчи бор ўз дарвозасидан тўп олиб чиқишига мажбур этди. Бироқ, Иван Эльгернинг автоголи ҳисобни 2:2 бўлишига хизмат қилди. 55- дақиқада Рональдо ўзининг учинчи голини урди. Иккинчи бўлимнинг яримларига қадар Алекс Фергюссоннинг захирасида турган Дэвид Бекхэм майдонга тушганидан сўнг, «қизил иблислар» мухлисларида жонланиш кузатилди. Ҳақиқатан ҳам Бекхэм ўзининг чиройли ўйинини намойиш этди ва 71-, 84-дақиқаларда «Реал» дарвозасини икки бор ишғол этиб, ўз жамоасини олдинга олиб чиқишга улгурди. Лекин, инглизларнинг 4:3 ҳисобида испанлар устидан ғалаба қозонишлари ярим финалга йўлланма олиш учун кифоя бўлмади. Агар мазкур жавоб учрашувида «Манчестер Юнайтед» иккита гол уриб, ўз дарвозасининг даҳлсизлигини сақлаб қолганида, улар «Реал» ўрнида «Ювентус»га рўбарў бўлган бўлардилар.





«The Daily Telegraph» газетасининг ёзишича, Дэвид Бекхэм келгуси мавсумни «Реал» клубида бошлаши 90 фоиз аниқ. Чунки, у бугун негадир «Манчестер Юнайтед»нинг асосий таркибидан узоқлаштирилмоқда. Бунга «Реал» билан кечган ҳал қилувчи учрашувда Бекхэмнинг 64-дақиқада майдонга тушиши ҳам бир ишора саналади.

ТОНИ БЛЭР МОСКВАГА КЕЛМОҚДА

Келгуси ҳафтада Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Россия президенти Владимир Путин билан учрашиш учун Москвага келади. 29 апрель кунига мўлжалланаётган Блэр — Путин учрашувида асосий эътибор Ироқдаги вазиятга қаратилади. Ироқ урушига қарши чиқиб келган расмий Москва БМТ томонидан Бағдодга нисбатан жорий этилган жазо чораларини бирданига эмас, балки босқичма-босқич олиб ташлаш тарафдори. Айнан шундай фикрни Франция ҳам билдирган.



Эслатиб ўтамиз, апрель ойи аввалида Петербург шаҳрида бўлиб ўтган Франция, Германия, Россия давлатлари раҳбарларининг саммитига таклиф этилган Буюк Британия бош вазири Тони Блэр учрашувга келмаган эди.

ДАСТУР МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

БМТ Хавфсизлик Кенгацининг бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида мазкур ташкилот томонидан Ироққа нисбатан жорий этилган «Нефть эвазига озиқ-овқат» дастурининг муддати 3 июнга қадар узайтирилди. Ушбу дастурга мувофиқ Ироқ БМТ назоратида бўлган озиқ-овқат, тиббий дори-дармонлар ва бошқа маҳсулотларни харид қилиш учун ўз нефть маҳсулотларини хорижга экспорт қилиши мумкин. Бугун эса Ироқнинг 60 фоиз аҳолиси, яъни 26 миллион фуқароси ушбу дастур доирасида келтириладиган озиқ-овқат маҳсулотларига муҳтож. 1996 йил жорий этилган «Нефть эвазига озиқ-овқат» дастури эса 12 май куни ниҳоясига етиши керак эди, дея хабар беради «Рейтер» агентлиги.



ҚОНЛИ ТЎҚНАШУВЛАР

«На'aretz» газетасининг ёзишича, Исроил армияси Рамаллоҳ шаҳри яқинидаги Карават Бани Зайт қишлоғида 2 нафар фаластинликнинг ўлимига ва уч кишининг жароҳатланишига сабабчи бўлганлар. Маълум бўлишича, аввалига юқори синф ўқувчилари томонидан Исроил аскарларига қаратила тошлар отила бошлангач, ҳарбийлар жавоб тариқасида резинали ўқларни ишга солганлар. Бироқ, ўз ҳаётларига хавф туғилиши тобора ортганидан сўнг, улар жанговар ўқлардан фойдаланишга мажбур бўлганлар. Натижада 17 ёшли мактаб ўқувчиси Факер Арар ҳамда 30 ёшли такси ҳайдовчиси Осама Арарлар ҳалок бўлганлар.

Ундан аввалроқ эса Тель-Авивдан шимолда жойлашган Кфар-Саба шаҳридаги темир йўл вокзалида камикадзенинг бомба портлатиши боис, унинг ўзидан ташқари, вокзал хавфсизлик хизмати ходими ҳам ҳалок бўлган ва шу атрофда турган 10 киши жароҳатланган.



«Интернет» тармоғидан олинди.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги Зебинисо номли 236-мактаб томонидан Улуғбек АЗИМОВга 1996 йилда берилган № UZY 287617 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимлиги томонидан 2003 йил 29 январда Асқарова Мунира Тўрахўжаевна номига берилган 58300 — ББ (ББ № 005790) рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси жамоаси қўмита бош мутахассиси Э.Ғойибназаровга акаси

Беназар ҒОЙИБНАЗАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.


1—Тошкент педагогика билим юрти жамоаси билим юртининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси **Муаззам НОСИРОВАнинг** вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

КЛОНЛАШТИРИЛГАН ОДАМ СИРЛАРИ

«Клонайд» компанияси Президенти Бриджит Буасселье хонимнинг берган интервьюси

1997 йилнинг 23 феврали. Шотландиядаги Ротлин институти олимлари илк бор тирик жонзот — Долли қўйининг нусхасини дунёга келтирдилар. Бир неча йиллар ўтиб, бу лабораторияда сигир, каламуш, маймун ва итларнинг сунъий насллари пайдо бўла бошлади. 2002 йилнинг декабрида эса, «Клонэйд» медицина компанияси сунъий инсон туғилганини маълум қилди. У Ева исмли қиз бўлиб, ўз онасининг нусхасидир. Бу бутун дунёда ташвишли ҳолатни вужудга келтирди. Чунки бундай иш аксарият мамлакатларда ман қилинган.

Еванинг туғилганлиги ҳақидаги етарлича маълумотларни ушбу ташкилот тарқатганича йўқ. Унинг президенти Бриджит Буасселье эса дунё жамоатчилигини ҳайратда қолдирувчи ўз янгилигини овоза қилиш билан овора: дунё бўйича ҳозирга қадар бешта сунъий одам пайдо бўлган. Аксинча, шу нарса ҳам аниқ: сунъий одам яратишни рад этувчилар ҳам, ёқловчилар ҳам бор. Бу, дунёда нимаси билан шов-шув пайдо қилиши мумкин? «Аргументы и факты» шарҳловчиси Канаданинг Валькур қишлоғига (Монреалдан уч соатлик йўл) бориб, доктор Буасселье хоним билан учрашди. Қуйида ана шу суҳбат тафсилоти.



ГИТЛЕРНИНГ НУСХАСИ РАССОМ БЎЛАР

—Буасселье хоним, фантастик фильмлар хулоқасига кўра, келажакда сунъийлаштириш қувонч келтирмайди. Бешафқат диктаторлар армияда аскарларни ўлдириш мақсадида жиноятчи тўдалардаги бир-бирига ўхшаган жангарилардан манфаат кўрадилар. Умуман олганда, «нусха» сўзи кишиларда ўзўзидан шундай фикр пайдо қилади: аслият устун шекилли...

—Бунинг ёмон жойи йўқ. Айни вақтда нусха яратиш бефарзанд жуфтликлар учун чексиз бир имкониятдир. Келгусида, инсоният ўз тарихи мобайнида орзу қилиб келган абадий тирик юриш имкониятини юзага келтириши мумкин. Бизнинг ҳар биримиз ўлимимиздан сўнг ҳужайраларимиз музламай туриб, нусхамиз яратилиши мумкин. Лекин ҳеч бир киши биттадан зиёд клонга эга бўлишни хоҳлаши мумкинлиги ҳақида ўйламайман. Агар кимдаким ўзини 10 минг марта клонлаштиришни истаса, у руҳий касал ҳисобланади.

— Эшитган бўлсангиз, шу кунларда ҳаддан ташқари тез суръат билан қариб ва касалланиб бораётган Долли худога жонини топширди. Эҳтимол, одам нусхасини яратиш тўғрисидаги тадқиқот якунига етмагунча бу ҳақда гапириш ҳам ўзини оқламас. Ким билади дейсиз, келгусида сунъий одамни дунёга келтириш қандай натижаларга олиб келади?

— Долли бошқа ҳайвонларга нисбатан жуда тез қариди. Айтганча, худди шу тариқа дунёга келган бошқа қўй ҳам эрта хазон бўлди. Қизиқ, сунъий уруғнима учун жамийки муносабатларда соғлом бўлиши керак,- деб ҳисобланади? Гўёки табиий йўл билан туғилган одатдаги одамлар соғлигида ҳеч қандай муаммо йўқдай. Ҳозирги вақтда «Клонэйд» клиникасидаги болалар соғлом. Агарда улардан биттаси оғрийдиган бўлса, қолганлари ҳам касалланишади.

— Агар Долли қўйи жон топширган бўлса, клонлаштирилган одам ўттиз ёшидаёқ ўлиши мумкин. Сизнинг бунга ақлингиз бовар қиладими?

— Агар бунга менинг ақлим бовар қилганида, клонлаштиришга қўл урмаган бўлардим. Экспертлар сунъий уруғлантириш бобида мени шунга ишонтиришдики, ҳеч қандай таҳликага ўрин йўқ. Наҳотки, мен қаригунимча ҳайвонларни сунъий уруғлантириш тажрибаларини пассив равишда кузатиб туришим керак? Агар мен умидвор одамларга соғлом бола олишда ёрдам берсам, бу бешафқатлик эмас-ку? Ишончим комилки, бир неча ўн йиллардан сўнг сунъий одам яратиш оддий ишга айланади. Ҳа, ҳозир у кўплаб мамлакатларда ман қилинган. Аммо эслаб кўринг, бундан 25 йил муқаддам сунъий уруғлантириш бобида шундай сафсата сотишарди: Ватикан уни шайтонларнинг иши деб эълон қилгач, бир қанча давлатларда таъқиқлашди. Ҳозир-чи? Пробиркадан туғилган одамларнинг нормал умр кечириши кузатилмоқда.

— Одамнинг клонлаштирилиши диктаторларнинг давлатни идора қилишида ҳам ажойиб имкониятдир. Агарда Шимолий Кореянинг доҳийси Ким Чен Ир ҳокимиятда ўзининг нусхаси яратилишини истаса, клонлантириш-



га қарор қилиши керак. Шунда у ўрнатган тартиб-қоида абадийлик касб этади.

— Бу менинг муаммом эмас.

— Бу сизнингча... Ахир сиз одамни конвейер шаклда клонлаштириш таклифини қўяяпсиз, шу тариқа шиша идишлардан шайтон, ажиналар чиқармаяпсизми?

— Йўқ, қандайдир ҳукмдорнинг нусхасини яратиш истагининг менга масъулият юклаши унчалик ҳақиқатга тўғри келмайди. Мен фақат одамларнинг фарзандли бўлишларига ёрдам бермоқчиман ва ер юзида қонхўр диктаторларни «ишлаб чиқариш»га ҳаракат қилаётганим йўқ. Агарки бошқа жиҳатдан Ким Чен Ир ўзидан сунъий бола пайдо қилишни истаса, мен уни муҳокама қилишим керакми? Ҳеч

Shov-shuv

ким билмайди, унинг клони ким бўлади? Клонлаштирилган Элвис Пресли ошпаз бўлиши мумкин, Гитлерники эса рассом. Мен баҳайбат одамлар эмас, болалар яратяпман. Ва бунинг натижасини ҳам билишим керак.

РОССИЯДАН КЛОНЛАР

— Сиз ўтган йилнинг декабрида бешта одам клони туғилганини таъкидладингиз. Бу йил биз бундай одамлардан қанчасини кўрамиз?

— Ҳозирги вақтда биз аёл организмидаги ҳомилалардан йигирматасини имплантация усулида клонлаштиряпмиз. Йил охирига бориб, бу клонлар бирин-кетин ёруғ дунёга чиқа бошлайди. Агар ҳаммаси муваффақиятли кечса, октябрь ойларида яна 10 та бола ёруғ оламни кўради.

— Ҳозирга қадар АҚШ, Япония ва ҳатто Саудия Арабистонида ҳам клон одамлар туғилди. Сиз Россияда клон одамни яратишга уриниб кўрмоқчимисиз?

— Ҳа, мен ҳозир икки россиялик бефарзанд жуфтлик билан музокаралар олиб боряпман. Бу оилаларнинг фарзандлари бахтсиз ҳодиса қурбони бўлишган. Биз тезлик билан уларнинг ҳужайраларини азот суюқлигида музлатишларини сўрадик. Умуман, агар ҳаммаси рисоладагидек бўлса, июнь ойларида бутун дунёда тармоқ клиникасини очмоқчиман: шулардан бири Москвада бўлишини жуда хоҳлардим, лекин бу иш сизларда таъқиқланган. Шу боис биз бу клиникани собиқ иттифоқ республикаларидан бирида очишни режалаштиряпмиз.

— Балки сиз бу ҳақда билмаганингиз маъқулдир. Кўпгина экспертларнинг фикрича, сизнинг клонлаштирилган одамларингиз бошқаларни лақиллатишдан бошқа иш эмас.

— Ҳа, мен ҳозирча Евани жамоатчиликка кўрсата олмайман. АҚШ қонунлари унинг ота-онасини жиноятчи сифатида қоралайди ва уларнинг фарзанди тадқиқот учун қайтариб олиниши мумкин. Ўзингиз ўйлаб кўринг, уларнинг ўзлари уни кўрсатишни хоҳлаб туришса, бунга нисбатан жиноий иш очиш ва жарима тўлатиш инсофданми?

ҲОМИЛАДОРЛИК УЧУН 200 МИНГ ДОЛЛАР

— Қисқаси, ўйлаганларингиз чиндан ҳам ҳақиқатга мос келишини исботловчи далилларингиз борми?

— Марҳамат, мен одамларни шунчаки клонлаштиришни давом эттираверaман. Евани тадқиқ қилиш, клон эканлигини кўрсатиш эса нафақат ҳозир, балки ўн йиллардан сўнг ҳам осон. Агар мен фақат биргина болани клонлаштирганимда эди, мендан шубҳаланишса бўларди, лекин улар бешта-ку. Мен бунинг учун уларнинг ота-оналаридан пул олганим йўқ.



— Мен эшитдимки, сиз ҳар бир клон учун 200 минг доллар олар экансиз.

— Биласизми, клонлаштириш сирларига кўпчилик қизиқяпти ва мени қўллаб-қувватловчилар ҳам топилади. «Клонэйд»ни сармоя билан таъминлаш истагидаги одамлар бор. Келгусида клон яратишга сиз айтганингиздек, 200 минг доллар сарфланади.

— Ҳозир клонлаштириш қанча туради?

— Биз дастлабки икки клонни «ишлаб чиқариш»га деярли миллион доллар сарфладик. Умид қиламанки, кейинги жараёнлар анча арзонлашади.

— Сизда биринчи сунъий болани яратиш осон кечдими?

— Унчалик эмас. Ҳаммаси бўлиб 300 та одам эмбриони олинган бўлса, уларнинг ўндан бир қисми имплантация учун яроқли деб топилди. Она организмидаги ҳомилаларнинг ҳаммаси ҳам яшаб кета олмади, масалан энг биринчи эмбрион тушиб қолди.

—Сизнингча, замонавий клонлаштиришнинг асосий муаммолари нимада?

— Одамларнинг бунга муносабатида. Улар маньяк-диктатор ҳамда қотил-клонлар армияси тўғрисидаги Голливуд фильмлари таъсир доирасидан чиқиб кета олмаяптилар. Умуман, клонлаштириш фақат бефарзанд ота-оналар учун бир имкондир. Уни жиноятчилар лабораториясида эмас, оддий инсон репродуктив клиникаларида бемалол амалга ошириш мумкинлигини кўпчилик англамаяпти. Ҳозир ҳал қилувчи ҳолат яқинлашмоқда. Мен 20 та клонлаштирилган боланинг ота-оналари йиғилган матбуот конференциясини ўтказилишини орзу қиламан. Улар ўз болалари билан



бахтли эканликларини тушунтиришади ва ҳукумат раҳбариятига айтишади: «Бўлар-бўлмас, беминнат эътирозларингиз билан бизнинг энсамизни қотиравермасдан тинч қўйинг».

— Ва сўнгги савол: ўзингизни клонлаштиришни хоҳлармидингиз?

— Мен ўзимни уч марта қайтадан вужудга келтирдим: уч фарзандим бор, улардан бири шифокор бўлишни орзу қилади, демак шахсан мен клонлаштиришга муҳтож эмасман.

«Аргументы и факты» газетасидан
Ҳулкар ТЎЙМАНОВА ўзбекчага ўгирди.

ТАРЖИМАГА ХУЛОСА:

Азиз муштарий! Сизнинг ҳукмингизга ҳавола қилинган одамни клонлаштириш, яъни унинг айнан ўзидай нусхасини яратиш тўғрисидаги мақола дунё миқёсида шов-шувни келтириб чиқаради. Канаданинг «Клонайд» компанияси томонидан илк бор синаб кўрилган тажрибага мувофиқ, ҳайвон ва инсон танасининг бўйин қисмидан тирик ҳужайралар олиниб, пробиркага солинади. Шундан сўнг эмбрионнинг «ҳомиладорлик» даври бошланади. Бу генетик материал бўш тухумдонга жойлаштирилгач, аста-секин ривожлана бошлайди. Қисқаси, юқорида таъкидланганидек, клонлаштирилган одам пайдо бўлади. Бу кашфиёт ҳозирги вақтда жаҳон афкор оммасида турли хил баҳс-мунозаралар уйғотмоқда. Кимдир уни қораласа, кимдир қўллаб-қувватлаяпти. Умуман, бунинг замирида инсониятнинг азалий бир ҳою-ҳаваси— катта даромадга эга бўлишдек мақсад ҳам ётмаганмикан? Бўлса бордир. Ҳар қалай, клонлаштириш ғоясини ёқловчилардан кўра қарши чиқувчиларнинг кўпроқ эканлиги маълум бўлмоқда. Доно ва зукко халқ табиийликни ҳамиша сунъийликдан устун қўйиб келган.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-293. Тиражи 27613. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 10 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Нурлан УСМОНОВ.
Навбатчи: Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ *белгиси остида реклама материаллари берилади.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Дизайнер: Юрий МОРОЗОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00